ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

РАҚАМЛИ ДАВРДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: ИННОВАЦИЯЛАР, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИК МУТАНОСИБЛИГИ

“TASHKENT CYBERLEX-2026”

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари

ТЎПЛАМИ

2-жилд

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

РАҚАМЛИ ДАВРДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: ИННОВАЦИЯЛАР, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИК МУТАНОСИБЛИГИ

“TASHKENT CYBERLEX-2026”

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари
ТЎПЛАМИ
2-жилд

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА В ЦИФРОВУЮ ЭПОХУ: БАЛАНС ИННОВАЦИЙ, ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И БЕЗОПАСНОСТИ

«TASHKENT CYBERLEX-2026»
СБОРНИК
материалов международной научно-практической конференции
Том 2

ENSURING THE RULE OF LAW IN THE DIGITAL AGE: BALANCING INNOVATION, HUMAN RIGHTS AND SECURITY

“TASHKENT CYBERLEX-2026”
COLLECTION
of materials of the international scientific-practical conference
Volume 2

Тошкент-2026

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Кенгашининг 2026 йил 28 сентябрдаги 12–сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

“Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2-жилд. // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. А.С.Одинаев, ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков – Тошкент. 2026. – 803 б.

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. **А.С.Одинаев**
ю.ф.ф.д., доц. **Ш.И.Шайзаков**

Нашрга тайёрловчилар: ю.ф.ф.д., доцент **Ш.И.Шайзаков,**
таянч докторантлар **П.Б.Абдуллаева,**
А.А.Нормуродова

Тўпламда рақамли давр шароитида қонун устуворлигини таъминлаш, кибермуҳитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлик мутаносиблигини сақлашга қаратилған ғоя ва амалий таклифлар қамраб олинган. Шунингдек, кибержиноятчиликка қарши курашиш, рақамли криминалистика усулларини такомиллаштириш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда жиноят процессига татбиқ этиш, рақамли далиллар ва криптоактивларни тартибга солиш, шунингдек юридик фан ва таълимни рақамли трансформация қилиш масалаларига оид таҳлилий хулосалар ва миллий ҳамда халқаро тажрибалар тўплам мазмунини ташкил этади.

Тўплам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд-ҳуқуқ соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдирлар.

© Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2026.

Настоящий сборник рекомендован к печати решением Совета Правоохранительной академии Республики Узбекистан №12 от 28 сентября 2026 года.

Сборник материалов международной научно-практической конференции на тему «Обеспечение верховенства закона в цифровую эпоху: баланс инноваций, прав человека и безопасности» // Ответственный редактор д.ю.н., проф. А.С.Одинаев, PhD, доц. Ш.И.Шайзаков. – Ташкент. 2026. – 803 с.

Ответственный редактор::	д.ю.н., проф. **А.С.Одинаев** PhD, доц. **Ш.И.Шайзаков**
Подготовили к печати:	PhD, доцент **Ш.И.Шайзаков**, докторанты **П.Б.Абдуллаева, А.А.Нормуродова**

В сборник вошли идеи и практические предложения, направленные на обеспечение верховенства закона в условиях цифровой эпохи, защиту прав человека в киберсреде и сохранение баланса безопасности. Содержание сборника также составляют аналитические выводы и национальный и международный опыт по вопросам противодействия киберпреступности, совершенствования методов цифровой криминалистики, внедрения искусственного интеллекта и цифровых технологий в правоохранительную деятельность и уголовный процесс, регулирования цифровых доказательств и криптоактивов, а также цифровой трансформации юридической науки и образования.

Сборник предназначен для сотрудников государственных органов, уполномоченных в сфере правоохранительной деятельности и управления судебно-правовой сферой, работников профильных организаций, связанных с юридической наукой и правоприменительной практикой, профессорско-преподавательского состава высших учебных заведений юридического профиля, докторантов, независимых исследователей, магистров, а также специалистов и широкой общественности, интересующихся данными вопросами.

За содержание включённых в сборник материалов, достоверность приведённых в них статистических и иных данных, правильность дат нормативных документов, а также за критические суждения авторы несут персональную ответственность.

© Правоохранительная академия Республики Узбекистан, 2026.

This collection is recommended for publication by decision No. 12 of the Council of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, dated 28 Semtember 2026.

Collection of Proceedings of the International Scientific and Practical Conference on the Topic "Ensuring the rule of law in the digital age: balancing innovation, human rights and security" // Executive editor Doctor of Law, Prof. A.S. Odinaev, PhD in Law, Assoc. Prof. Sh.I.Shayzakov. – Tashkent. 2026. – 803 p.

Responsible editor:	Doctor of Law, Prof. **A.S. Odinaev** PhD in Law, Assoc. Prof. **Sh.I.Shayzakov**
Prepared for publication by:	PhD in Law, Assoc. Prof. **Sh.I.Shayzakov,** doctoral candidate of the Law Enforcement Academy **P.B.Abdullayeva, A.A.Normurodova**

The collection includes ideas and practical proposals aimed at ensuring the rule of law in the digital age, protecting human rights in the cyber environment, and maintaining the balance of security. The content also comprises analytical conclusions and national and international experience on countering cybercrime, improving digital forensics methods, applying artificial intelligence and digital technologies to law enforcement activities and criminal procedure, regulating digital evidence and crypto-assets, as well as the digital transformation of legal science and education.

The collection is intended for staff of state bodies authorized in the field of law enforcement and the administration of the judicial and legal sphere, employees of relevant organizations connected with legal science and law enforcement practice, faculty of higher educational institutions of legal profile, doctoral candidates, independent researchers, master's students, as well as specialists and the general public interested in these issues.

The authors bear personal responsibility for the content of the materials included in the collection, the accuracy of the statistical and other data cited therein, the correctness of the dates of normative documents, and for any critical judgments.

© Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, 2026.

ШАЙЗАКОВ ШОДИЁР ИБРАГИМОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Илмий марказ бошлиғи, ю.ф.ф.д., доцент

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ҚАЙТА КЎРИЛИШИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўзининг юқори чўққиларига чиқиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Одил судлов — 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида” 14.08.2026 йилдаги ПФ-160-сонли Фармони бу йўлдаги кенг ислоҳотларга замин яратди. Бевосита ушбу Фармон билан суд ҳужжатларини юқори инстанциясида қайта кўриш институтини такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг холислиги ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2027 йил 1 июлдан бошлаб жами 319 та бошқарув ходимлари штат бирлигидан иборат умумюрисдикция ва маъмурий суд йўналишларида ишларни қайта кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган, юрисдикция ҳудуди бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликларни қамраб оладиган ҳудудлараро судлар ташкил этиш кўзда тутилган[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов — 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисидаги 14.08.2026 йилдаги ПФ-160-сонли Фармони // https://lex.uz/docs/8406903

Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжат билан 2026 йил якунига қадар белгиланган тартибда ҳудудлараро судларга вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни тафтиш тартибида, мазкур судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколатини бериш; Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг ишларни тафтиш инстанциясида кўриш ваколатини ҳамда ўзлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколатини тугатиш; ҳудудлараро судларда тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий судда қайта кўриш тартибини белгилаш каби қатор аниқ вазифалар белгиланди[1].

Назаримизда ушбу Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКни бир қатор нормаларини ўрганиш ва уларга тегишли қўшимчалар киритиш муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

Жумладан, ФПКнинг 10-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади[2]. Бизнингча, ушбу норма нафақат биринчи инстанцияда фуқаролик ишларини юритиш, балки юқори инстанция судларида ҳам суднинг фаоллигини тўлиқ қамраб олмайди.

Ш.Ш.Шорахметов илмий асарларида “фуқаролик процессида тортишувчилик бутун процесс давомида даъвогар ва жавобгарларнинг ҳуқуқий бахслашуви шаклида рўй беришида ифодаланади. Тарафлар ўз талаб ва эътирозларни исботлаш учун судга далиллар тақдим этадилар ва тушунтиришлар берадилар. Уларнинг тушунтиришлари, фикр ва хулосалари оғзаки эшитилади. Фуқаролик ишига изохлар ёзма равишда тақдим этилган бўлса ҳам суддаги иш материаллари оғзаки равишда текширилади. Суд

[1] https://lex.uz/docs/8406903
[2] https://lex.uz/docs/3517337

мажлисида оғзаки текширилган вақтда аниқланган ва тасдиқланган материалларгина суд қарорига асос қилиб олинади” деб кўрсатади[1].

А.В.Лифанов таъкидлашича “тортишув - тарафларнинг қонуний баҳсидир, улар тенг ҳуқуқларда барча кучларини ўз ғалабаларини таъминлашга қаратишади”[2].

Д.Ю.Хабибуллаев эса “ушбу моддада тортишувчилик принципини мазмун-моҳиятини англатиб турадиган, яъни ҳар бир тараф иш учун аҳамиятли бўлган ва ўз даъволари ёки эътирозлари учун асос бўлган ҳолатларни исботлаши шартлиги, суд мустақиллик, холисликни таъминлаган ҳолда далилларни олишда ишда иштирок этувчи шахсларга ёрдам бериши, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ текшириши, фактик ҳолатларни аниқлаш ва қонунни тўғри қўллаш бўйича қоидалар мустаҳкамланиши давр талабидир. Бу борада бошқа давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, масалан Россия Федерацияси ФПКнинг 12-моддаси, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 15-моддаси, Украина Республикаси ФПКнинг 12-моддасида тортишувчилик принципининг мазмун моҳияти тўлиқ баён этилган”[3] деб кўрсатиб ўтади.

Шу маънода бизнингча, амалдаги ФПКнинг 10-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмунда тўлдириш тавсия этилади.

“Суд ишда иштирок этувчи шахсларга ўз процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш ва процессуал мажбуриятларини бажариш учун тенг имкониятлар яратади. Суд бир тарафга бошқа тараф олдида устунлик бериши ёки унинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас”.

ФПК 42-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларга бир хил процессуал ҳуқуқлар бериши, 244-моддаси эса тарафларнинг

---

[1] Шорахметов Ш.Ш.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. - Тошкент, Адолат. 2001. - 43 б.

[2] Лифанов А.В. Некоторые особенности медиации в гражданском процессе. Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2021, с21.

[3] Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. ТДЮУ., Т., 2024 й., 124 б.

тушунтиришлари ва далилларини текширишда суднинг холислигини талаб қилиши қайд қилинган. Биз томонимиздан таклиф этилаётган лойиҳа эса мазкур нормаларни тизимли боғлаб, “формал тенглик”дан “реал процессуал имкониятлар тенглиги”га ўтишни таъминлайди.

Президентнинг 14.08.2026 йилдаги ПФ-160-сонли Фармони билан тасдиқланган Стратегиянинг 2.2.5-бандида суд процессида тарафлар тенглиги тамойилининг тўлақонли амалга оширилишини ҳамда суд процессида тарафлар тенглиги тамойилини бузишга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам суднинг тенг имконият яратиш мажбуриятини тўғридан-тўғри ФПКда мустаҳкамлаш Фармонда кўрсатилган вазифасининг процессуал механизмини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, юқоридаги Фармон билан тасдиқланган “Одил судлов — 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегиясини 2026 — 2028 йилларда амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастурининг 12-бандида суд харажатларини тўлаш ва тақсимлаш тартибини янада такомиллаштириш каби қатор вазифалар белгиланган[1].

ФПК 128-моддасига кўра, “давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашдан озод қилиш, давлат божини қайтариш тартиби қонунда белгиланади”. Мазкур норма давлат божига оид масалаларни тўлиқ равишда махсус қонунга ҳавола қилади. ФПК 191-моддасида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат аризага илова қилиниши, 195-моддасида эса ушбу талабга риоя қилинмаслиги аризани қайтаришга асос бўлиши келтирилган. Шу нуқтаи назаридан ҳам моддий аҳволи оғир фуқаролар учун давлат божи судга кириш ҳуқуқини чекловчи омилга айланиб қолиш эҳтимоли мавжудлигини қайд этиш лозим. Назаримизда фуқароларга суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида ҳамда юқоридаги Фармон ижроси юзасидан амалдаги ФПКнинг 128-

[1] https://lex.uz/docs/8406903

моддасига қуйидагича иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш лозим: *“Суд жисмоний шахснинг моддий аҳволини ва ишнинг хусусиятини ҳисобга олиб, қонунда белгиланган мезонлар асосида уни давлат божини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилишга, давлат божи тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга ҳақли.*

Даъвогар даъводан воз кечган, тарафлар келишув битими ёки медиатив келишув тузган тақдирда, тўланган давлат божининг қонунда белгиланган қисми қайтарилади”.

Бундан ташқари, Ҳаракатлар дастурининг 18-бандида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда аризани қайтаришнинг “иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаслиги” асосини бекор қилиш ва аризани шу суднинг ўзи томонидан тегишлилиги бўйича бошқа судга ўтказиш ҳамда жузъий (формал) талабларга риоя этмасдан берилган даъво аризасини (аризани) қабул қилган ҳолда камчиликларни суднинг фаол кўмаги ёрдамида бартараф этиш тартибини жорий этиш назарда тутилган[1].

Шу сабабли ҳам ФПКнинг 192-моддасига қуйидаги мазмунда қўшимчалар киритиш лозим. Жумладан, *“Аризада ёки унга илова қилинган ҳужжатларда бартараф этилиши мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги аризани дарҳол қайтаришга асос бўлмайди. Судья камчиликларни, уларни бартараф этиш усулини ва бунинг учун берилган муддатни ажримда аниқ кўрсатади.*

Аризачи илтимос қилган тақдирда суд ходими процессуал бетарафликни сақлаган ҳолда аризадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тушунтириш беради. Бундай тушунтириш талабнинг мазмунини белгилаш, далилларни танлаш ёки ишнинг эҳтимолий натижаси юзасидан маслаҳат беришни қамраб олмаслиги керак.

Агар ариза фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида бошқа суд томонидан кўрилиши лозим бўлса, судья аризани қайтармайди ва уни илова қилинган ҳужжатлар билан бирга тегишли судга уч иш куни ичида электрон шаклда

[1] https://lex.uz/docs/8406903

юборади. Ариза дастлаб судга берилган кунда тегишли судга берилган деб ҳисобланади. Аризани бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин".

Юқоридаги Фармон талаби асосида аризани иш юритишга қабул қилиш асосларини ҳам таҳлил қилиш бизни ФПКнинг 194-моддаси 1-қисмидаги "арз қилинаётган талаб фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса;" жумласини чиқариш ҳақида хулосага олиб келади. Чунки, юқоридаги ҳужжатда "иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаслиги" асосини бекор қилиш назарда тутилган. Шу каби амалдаги ФПКнинг 195-моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим *(Қонун лойиҳаси илова қилинади)*.

Юқоридаги Фармон билан тасдиқланган Стратегияда судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, ҳар қандай тўсиқ ва ортиқча бюрократияни бартараф этиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш "Халқчил суд" ва "Адолат қўрғони" устунларининг асосий мақсади сифатида белгиланган.

Амалдаги ФПК 208-моддасида суд мажлисини олиб бориш билан боғлиқ процессуал нормалар қайд этилган бўлиб, суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкин.

М.М.Тожибоев тадқиқотларида "айрим хорижий давлатларда суд мажлиси зали юқори замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш усканалари билан жиҳозланганлиги боис, судьянинг муайян иш бўйича хулосасини тарафларга эълон қилиш билан чекланиб, зарурат бўлганидагина тарафларга суд муҳокамасининг ёзувидан аудио ёки видео тасвирдан ёзма кўчирма тақдим этилади" деб кўрсатиб ўтади[1].

Барчамизга аёнки, баённома суд мажлисида айтилган барча фикр, эътироз, илтимоснома ва суд ҳаракатларини сўзма-сўз акс эттирмайди. ФПКнинг 279-моддаси иштирокчиларга баённома

[1] Тожибоев М.М. Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорлари: назарий ва амалий масалалар. // юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т., 2020., Б. 63.

бўйича фикр-мулоҳаза бериш ҳуқуқини берса-да, аудиоёзув бўлмаган ҳолда бундай фикрни объектив текшириш қийинчилик туғдириши мумкин.

Стратегиянинг “Рақамли одил судлар” устуни суд иш юритувини тўлиқ рақамлаштиришни ҳамда суд мажлисини тўлиқ аудиоёзув орқали ёзиб олишга эришиш мақсадли кўрсаткичи белгиланган. Шу сабабли ҳам ФПКнинг 208-моддасига *“Суд мажлисининг бориши суднинг ахборот тизими орқали аудиоёзувда тўхтовсиз қайд этилади. Техник имконият мавжуд бўлганда аудио-видеоёзув ҳам амалга оширилиши мумкин. Техник носозлик қайдни давом эттиришга тўсқинлик қилса, суд мажлисида танаффус эълон қилинади. Қайд этиш объектив сабабларга кўра имконсиз бўлган ҳолат ва унинг сабаблари суд мажлиси баённомасида кўрсатилади”* мазмунида қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар тажрибаси жумладан, РФ ФПКнинг 330-моддасида[1] суд мажлисининг аудио ёки видеоёзуви мавжуд бўлмаганлиги процессуал ҳуқуқ нормаси бузилиши деб эътироф этилади. Белорусия Республикаси ФПК 579-моддасида[2] ҳам ишда суд мажлиси боришининг овозли ёки видеоёзуви мавжуд эмаслиги процессуал қонунчилик бузилиши деб баҳоланади.

Ҳаракатлар дастурининг 52–54-бандлари электрон суд ишини, рақамли хизматларни ва суд ҳужжатларидан интерактив фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган. Шу сабабдан ҳам аудиоёзувни мажбурий этиб белгилаш, уни электрон ишнинг ажралмас қисми деб эътироф этиш ва ёзув йўқлигининг процессуал оқибатини қонунчиликда акс эттириш лозим. Хусусан, ФПКнинг 372^4-моддаси иккинчи қисми 8-бандига *“мажбурий аудиоёзув мавжуд бўлмаса ва суд муҳокамасининг қонунийлигини бошқа процессуал воситалар билан текшириш имкони бўлмаса”* деган мазмунда норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ПФ-160-сонли Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада

---

[1] http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102078828

[2] https://center.gov.by

такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.07.2020 йилдаги ПФ-6034-сон Фармонига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ҳудудлараро судларнинг юрисдикция ҳудудлари белгилаб берилган.

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлараро суди (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), Қашқадарё ҳудудлараро суди (Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари), Самарқанд ҳудудлараро суди (Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари), Тошкент ҳудудлараро суди (Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри), Фарғона ҳудудлараро суди (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) ташкил этиш назарда тутилди. Албатта бундай ҳудудлараро судларининг ташкил этилиши ушбу ҳудудлардаги фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан кўриб чиқилган ишларни ҳам таҳлил қилиш лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар статистик таҳлилларига кўра, Андижон вилояти судлари томонидан 2022 йилда 70 031 та, 2023 йилда 90 293 та, 2024 йилда 120 082 та, 2025 йилда 168 059 та, 2026 йил 1-ярим йиллигида 75 071 та ишлар, Наманган вилоятида ушбу йилларга мос равишда 93 940 та, 87 853 та, 94 211 та, 101 796 та, 61 458 та, Фарғона вилоятида эса 86 936 та, 86 657 та, 136 175 та, 176 736 та, 90 681 та ишлар, Қашқадарё вилоятида 67 762 та, 72 449 та,113 062 та, 152 669 та, 79 083 та, Сурхондарё вилоятида 53 489 та, 55 862 та, 91 490 та, 128 800 та, 70 155 та, Бухоро вилоятида 34 169 та, 44 254 та, 68 470 та, 95 929 та, 45 043 та, Самарқанд вилоятида 79 633 та, 80 244 та, 151 341та, 176 448 та, 89 461 та, Навоий вилоятида 33 549 та, 37 654 та, 48 193 та, 63 325 та, 34 284 та, Жиззах вилоятида 30 114 та, 39 478 та, 89 857 та, 98 211 та, 47 204 та, Тошкент вилоятида 66 621 та, 68 192 та, 137 069 та, 200 780 та, 98 106 та, Сирдарё вилоятида 33 122 та, 32 679 та, 50 061 та, 73 118 та, 32 065 та, Тошкент шаҳрида 128 202 та, 163 287 та, 287 216 та, 558 753 та, 146 611 та[1] фуқаролик ишлари кўриб чиқилган.

[1] https://stat.sud.uz/civil

Б.С.Қличов ўз тадқиқотларида “минтақавий судларни ташкил этиш ва тафтиш инстанциясини мазкур судлар ваколатига беришда фуқароларни узоқ ҳудудларга бориб сарсон бўлишига сабаб бўлиб қолмайдими? деган муаммоли саволни кўтариб, илмий асарида унга қуйидагича жавоб беради:

биринчидан, тадқиқот натижалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан маълум бўлмоқдаки, жисмоний ва юридик шахслар оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича илтимосномалари, уларни бошқа олис ҳудудларга бориб сарсон бўлиш эмас, кўпроқ суднинг адолатли ва шаффоф ўтиши ташвишлантиради яъни адолатли судга бўлган эҳтиёж барча нарсадан устун, бу – бизнинг миллатимизга, менталитетимизга хос қадрият;

иккинчидан, бугунги кунда “рақамли суд концепцияси”ни амалга ошириш босқичида, судларни масофавий шаклда ўтказиш учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ устувор рақамлаштириш имкониятлари жорий этилмоқда;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Адолат ахборот тизимлари комплекси ишга туширилган бўлиб, ушбу тизимда ҳужжатларни электрон айланмаси ва онлайн мурожаат, ҳамда видео конференцалоқа тизими аппарат дастурий комплексларини такомиллашган ҳолда “Te Desktop” дастурий таъминотининг янги талқини орқали хавфсиз фаолият олиб борилаётганлигини инобатга олсак, фуқаролар ва юридик шахслар бу борада сарсон бўлмайди, деб хулоса қилишимиз мумкин бўлади. Фақатгина бу борада тарғибот ишларини кучайтириш, радио, телевидение ва бошқа оммавий информацион оқимлар орқали ушбу имкониятлар борасидаги маълумотларни аҳолига етказиш лозим бўлади”[1].

Олим бевосита фуқаролик судлари бўйича фикр билдирмаган бўлсада, бироқ ташкил этилаётган ҳудудлараро суди

[1] Kilichov B.S. Odil sudlovni amalga oshirishda ma’muriy sudlarning o‘rni va ahamiyati // Yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya. T., 2026. B- 83.

умумюрисдикция судлари ва маъмурий судлар учун тегишли эканлигини ҳисобга олсак, айрим жиҳатларини кўтарган холос.

Бундай ҳудудлараро судларини ташкил этиш албатта фуқаролик ишларини ҳар томонлама ҳал этиш учун муҳим институтлардан ҳисоблансада, назаримизда 2027 йил 1 июлдан бошлаб ташкил этиладиган судлар қай даражада ўзини оқлаши ҳозирча номаълум. Ўзбекистонда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнлари кўп босқичли суд тизмини ўзида сақлаб қолмоқда.

Ушбу институтнинг ташкил этилиши ўзининг бир қатор ижобий жиҳатларини намоён этади. Масалан, вилоят суди апелляция ёки кассация қарорларини қайта баҳолаш имкониятига эга бўлмайди ва турли маҳаллий таъсир хавфини камайтиради;

иккинчидан, “Бир суд — турли инстанция” тузилмаси ўрнига алоҳида суд органининг пайдо бўлиши судга нисбатан ташқи ишончни ва қарорни қайта кўришнинг мазмунан мустақиллигини кучайтиради;

учинчидан, судьялар корпуси ихтисослашиб, ҳуқуқни қўллаш ва ягона суд амалиётини шакллантиришга эътибор кучайтиралди;

тўртинчидан, Олий суднинг ўрни мустаҳкамланиб, Олий суд ҳар қандай шикоятни эмас, балки, бевосита ҳуқуқни ривожлантириш, жиддий фундаментал моддий ва процессуал хатоларга оид ишларни танлаб кўриш имконияти кенгайяди;

бешинчидан, кадрлар инфратузилмани шакллантиришга, коррупциявий омилларни камайтиришга ва ишнинг сифат жиҳатдан тўғри кўриб чиқилишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон учун янги модель сифатида шакллантирилаётган ушбу институтнинг ижобий жиҳатлари билан биргаликда, салбий жиҳатларини ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, ҳудудлараро суди ўз-ўзидан бошқа ҳудуд марказида бўлиши процесс иштирокчилари учун транспорт харажатлари ва вақт сарфини кескин ошириш хавфи мавжуд. Кўпчилик, видеоконференция алоқа шаклида иштирок этиш масалалари бундай салбий жиҳатнинг ечими сифатида баҳоласада, ҳар доим ҳам рақамли иштирок ўзини оқламайди;

иккинчидан, ишларни нотўғри тақсимлаш иш ҳажмининг кўпайишига ва қолдиқ ишларнинг кўпайишига олиб келади;

учинчидан, бир ҳудуд иштирокчиларига устунлик бериш хавфи ва прокурор иштирокига оид ишларнинг ҳажми ошиб кетишига олиб келади;

тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаганлар ва маълум тоифадаги иштирокчиларга қийинчиликлар келтириб чиқариши ва узоқ ҳудудларда интернет тизими ишламаслиги муаммосини келтириб чиқаради.

Ўз-ўзидан ҳудудлараро судларнинг ташкил этилиши амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликка тегишли қўшимчалар киритишни талаб этади.

Хусусан, ФПКнинг 17-моддасига *“Ишни апелляция ва кассация тартибида вилоят ва унга тенглаштирилган судда, тафтиш тартибида эса ҳудудлараро судда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида уч нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда кўриш амалга оширилади”.*

Ёки 419[5]-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади:

“Қуйидагилар тафтиш тартибидаги шикоятларни (протестларни) кўради:

1) ҳудудлараро фуқаролик суди — фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ва вилоят ёки унга тенглаштирилган суд томонидан апелляция ёхуд кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятларни (протестларни);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — ҳудудлараро судда тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек Олий суд биринчи инстанцияда қабул қилган ва апелляция ёхуд кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятларни (протестларни).

Олий суд раисининг ва Бош прокурорнинг Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш тартибида

қабул қилган суд ҳужжати устидан протести Олий суд Раёсати томонидан кўрилади”.

Назаримизда келгусида бу судларнинг фаолият юритиши соҳани такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқаради. Ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси масалан, АҚШ, Испания, Германия, Франция, Туркия, Корея, Япония ва МДҲ мамлакатларининг аксариятида кўп босқичли суд тизимидан воз кечиб, апелляция инстанцияси суди ваколатларини кенгайтириш орқали кучга кирмаган суд хатоларини тўғирлаш ва бартараф этишга эътибор кенг қаратилган.

Биргина “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандига кўра “барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганида ёки бирон-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиш ҳуқуқига эга”[1].

Бизнингча ҳам келгусида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш орқали кўп босқичли суд тизимидан воз кечиб, апелляция инстанцияси суди ваколатларини кенгайтириш, кассация инстанциясини ўрта босқич сифатида маълум тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда Олий суд эса барча ишларни эмас, фақатгина давлат ва жамият манфаатларига дахлдор ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш қаратилган ишларни кўриб чиқадиган институтга айлантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш билан боғлиқ бевосита бир нечта Олий суд Пленуми қарорлари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 25.03.2024 йилдаги 9-сонли, Ўзбекистон Республикаси

---

[1] Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами – Тошкент: “Адолат”, 2004. – А41.

Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 25.06.2024 йилдаги 20-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида” 24.12.2019 йилдаги 25-сонли Қарорлари ҳозирги кун ислоҳотлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Пленум қарори талаблари процессуал қонунчилик нормаларини кўчириш билан чекланмасдан, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилиши ва турли процессуал ҳолатларга ечим бериши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда суд ҳужжатларини қайта кўришда янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш институти фуқаролик ишлари учун ҳар томонлама, холис ва адолатни таъминлашга катта хизмат қилади. Жумладан, Корея Республикаси ФПҚнинг 451-461-моддаларида қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш масалалари белгиланган бўлиб, бу бевосита миллий процессуал қонунчилигимиздаги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институтига мос келади. ФПҚнинг 451-моддасида қонуний кучга кирган якуний қарорни қайта кўриш тўғрисида даъво қуйидаги асосларда берилиши мумкин (агар бу тараф бу асосни дастлабки шикоятда билдирган ёки била туриб кўрсатмаган бўлса берилиши мумкин эмас):

1) суд таркиби қонунга мувофиқ тузилмаган бўлса;

2) иштирок этишга ваколатсиз судья қатнашган бўлса;

3) қонуний вакиллик, ишончнома ёки махсус ваколат нуқсонли (кейинчалик тасдиқланган ҳол мустасно) бўлса;

4) қарорда қатнашган судья иш бўйича хизмат жинояти содир этган бўлса;

5) бошқа шахснинг жазоланадиган қилмиши туфайли тараф иқрор бўлишга мажбур қилинган ёки натижага таъсир қилувчи ҳужум ва ҳимоя воситаларини тақдим этишга тўсқинлик қилинган бўлса;

6) қарорга асос бўлган ҳужжат ёки ашёвий далил қалбакилаштирилган ёки ўзгартирилган бўлса;

7) гувоҳ, эксперт, таржимон ёхуд қасамёд билан тушунтириш берган тараф/вакилнинг ёлғон баёноти қарорга асос қилинган бўлса;

8) қарорга асос бўлган фуқаролик, жиноят ёки маъмурий ҳужжат кейинги ҳужжат билан ўзгартирилган бўлса;

9) суд натижага таъсир қилиши мумкин бўлган муҳим масала бўйича қарор чиқармаган бўлса;

10) қайта кўрилаётган қарор илгари чиқарилган қонуний кучга кирган қарорга зид бўлса;

11) тараф бошқа тарафнинг манзилини била туриб, у номаълум деб кўрсатган ёки ёлғон манзил тақдим этган бўлса[1].

Қонунга асосан юқоридаги 4–7-бандлардаги қилмиш бўйича айблов ҳукми ёки маъмурий жарима ҳақида қарор қонуний кучга кирган бўлиши шарт. Агар далил етишмаслигидан ёки бошқа сабаб билан бундай қарор чиқариш мумкин бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно эканлиги қайд этилган.

Корея Республикаси ФПҚ 451-моддаси 1-қисми 11-бандида жавобгар манзилини била туриб сохта манзил кўрсатиш ҳолатини махсус қайта кўриш асоси сифатида белгилаш миллий қонунчиликда акс эттириш тортишувчанлик принципини тўла қонли амалга оширишга шароит яратади. Чунки, суд амалиётида жавобгарнинг яшаш манзили билан боғлиқ нотўғри маълумотларни кўрсатиш ҳолатлари учрайди. Бизнингча, янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш асослари сифатида ФПКнинг 437-моддаси 2-қисми 5-бандига қуйидаги мазмунда янги банд киритиш таклиф этилади: *“ишда иштирок этувчи шахснинг манзили маълум бўлгани ҳолда, уни хабардор қилишга тўсқинлик қилиш мақсадида судга била туриб ёлғон манзил тақдим этилганлиги ва бу унинг процессда иштирок этиш ҳуқуқини жиддий бузганлиги”*.

---

[1] 대한민국 민사소송법 (Civil Procedure Act), 국가법령정보센터 (Korea Legislation Research Institute / National Law Information Center) / https://law.go.kr/LSW/lsInfoP.do?lsId=001700#0000

Корея Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилиги қайта кўриш бўйича даъво муддатларини даъво қарор қонуний кучга кирганидан кейин тараф қайта кўриш асосини билган кундан 30 кун ичида берилишини ва бу муддат ўзгартирилмаслиги қатъий белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик процессида апелляция, кассация, тафтиш тартибида ҳамда янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишдан асосий мақсад ФПКнинг 2-моддасида белгиланган фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш ҳамда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришга ҳамда ушбу институтларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ишни кўриш предмети, субъектлари, шаклларига асосан амалга оширилиши лозим.

PULATOV SARDOR BAKHODIROVICH
Doctoral Student,
Law Enforcement Academy of
the Republic of Uzbekistan

DIGITAL EVIDENCE INTEGRITY IN ANTI-CORRUPTION INVESTIGATIONS: CHAIN OF CUSTODY, ADMISSIBILITY AND HUMAN RIGHTS SAFEGUARDS IN UZBEKISTAN

Аннотация*: Рақамли трансформация коррупцияга қарши тергов ва жиноят ишларида далиллар билан ишлаш тартибини тубдан ўзгартирмоқда. Порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ноқонуний бойиш, манфаатлар тўқнашуви ва давлат харидларидаги тил бириктириш ҳолатлари электрон ёзишмалар, давлат реестрлари, электрон харид тизимлари, банк платформалари, мобил қурилмалар, булутли хизматлар ва метамаълумотларда из қолдиради. Бундай излар коррупцияни аниқлаш ва исботлаш имкониятларини кучайтиради, аммо маълумотларни ўзгартириш, контекстни йўқотиш, шахсий ҳаётга ортиқча аралашиш ҳамда гумон қилинувчилар, гувоҳлар, хабар берувчилар ва учинчи шахслар ҳуқуқларини бузиш хавфини ҳам юзага келтиради. Мақолада рақамли далилларнинг яхлитлиги фақат техник масала эмас, балки замонавий коррупцияга қарши терговларда ҳуқуқ устуворлигининг муҳим шарти сифатида асосланади. Тадқиқот Ўзбекистон учун қонуний рухсат, мутахассис иштироки, форензик нусха олиш, хешлаш, метамаълумотларни сақлаш, ҳимояланган сақлаш, ҳимоя томони учун текшириш имконияти ва суд назоратини бирлаштирувчи электрон далиллар занжири моделини таклиф этади.*

Аннотация: *Цифровая трансформация изменила доказательственную основу антикоррупционной деятельности. Взятки, злоупотребление должностными полномочиями, незаконное обогащение, конфликт интересов и сговор в сфере государственных закупок все чаще оставляют следы в электронных сообщениях, государственных реестрах, системах электронных закупок, банковских платформах, мобильных устройствах, облачных сервисах и метаданных. Такие следы способны повысить эффективность выявления и доказывания коррупции, однако одновременно создают риски подмены данных, утраты контекста, чрезмерного вмешательства в частную жизнь и нарушения прав подозреваемых, свидетелей, заявителей и третьих лиц. В статье обосновывается, что целостность цифровых доказательств следует*

рассматривать не как узкотехнический вопрос, а как ключевое условие верховенства права в современных антикоррупционных расследованиях. На основе международных стандартов и законодательства Республики Узбекистан предлагается модель электронной цепочки хранения доказательств, соединяющая криминалистическую надежность с процессуальной законностью: законное разрешение, участие специалиста, создание форензических копий, хеширование, сохранение метаданных, защищенное хранение, доступ стороны защиты и судебный контроль.

***Abstract**: Digital transformation has altered the evidentiary architecture of anti-corruption enforcement. Bribery, abuse of office, illicit enrichment, conflicts of interest and procurement collusion increasingly leave traces in electronic communications, public registers, e-procurement platforms, banking systems, mobile devices, cloud services and metadata. These traces can strengthen the detection and proof of corruption, but they also create risks of manipulation, loss of context, excessive surveillance and violations of the rights of suspects, witnesses, whistleblowers and third parties. This article argues that digital evidence integrity should be treated not as a purely technical issue, but as a core rule-of-law requirement for modern anti-corruption investigations. Drawing on the United Nations Convention against Corruption, ISO/IEC 27037, NIST forensic guidance, the Council of Europe Budapest Convention framework, the United Nations Convention against Cybercrime, and the current criminal procedure legislation of Uzbekistan, the article develops a normative model of an electronic chain of custody for corruption cases. The proposed model combines forensic reliability with procedural legality: lawful authorization, specialist participation, forensic imaging, hashing, metadata preservation, tamper-evident logging, secure storage, defence access and judicial review. The article concludes that Uzbekistan can strengthen the admissibility and public legitimacy of digital evidence by institutionalizing a national digital evidence integrity standard, creating a secure chain-of-custody register and embedding privacy, proportionality and fair-trial safeguards into every stage of collection, examination and courtroom presentation.*

***Калит сўзлар:** рақамли далиллар; коррупцияга қарши тергов; сақлаш занжири; далилларнинг мақбуллиги; рақамли криминалистика; инсон ҳуқуқлари; адолатли судлов; шахсий ҳаёт дахлсизлиги; ҳуқуқ устуворлиги; Ўзбекистон.*

***Ключевые слова:** цифровые доказательства; антикоррупционное расследование; цепочка хранения; допустимость доказательств; цифровая криминалистика; права человека; справедливое судебное разбирательство; неприкосновенность частной жизни; верховенство права; Узбекистан.*

Keywords: *digital evidence; anti-corruption investigations; chain of custody; admissibility; digital forensics; human rights; fair trial; privacy; rule of law; Uzbekistan; cybersecurity.*

Introduction

The rule of law in the digital age depends not only on the ability of law enforcement bodies to discover offences, but also on the ability of courts and society to trust the evidence on which enforcement is based. This is especially true in corruption cases. Corruption is typically hidden, relational and document-intensive: it rarely appears as a single visible act, but as a pattern of communications, financial transfers, procurement decisions, access logs, declarations, corporate links and administrative approvals. As public administration, banking, procurement and communication move into digital environments, anti-corruption investigators increasingly rely on digital traces to reconstruct the factual history of an alleged offence.

The United Nations Convention against Corruption is the only legally binding universal anti-corruption instrument and is structured around preventive measures, criminalization and law enforcement, international cooperation, asset recovery and technical assistance.[1] Although the Convention was drafted before the current phase of artificial intelligence, cloud computing and mobile-device forensics, its logic is directly relevant to digital evidence. Effective anti-corruption enforcement requires not only criminalization of corrupt conduct, but also lawful, reliable and internationally usable evidence. Without evidentiary integrity, digital innovation may increase the volume of data while decreasing the credibility of justice.

Uzbekistan is at an important legal and institutional moment. The national Law “On Combating Corruption” establishes legality, priority of citizens’ rights and freedoms, openness and transparency, systematicity, cooperation between the state and civil society, priority of preventive

[1] United Nations Convention against Corruption (adopted 31 October 2003, entered into force 14 December 2005) 2349 UNTS 41; United Nations Office on Drugs and Crime, “Learn about UNCAC” <https://www.unodc.org/corruption/en/uncac/learn-about-uncac.html> accessed 18 June 2026.

measures and inevitability of liability as basic principles of anti-corruption policy.[1] The Criminal Procedure Code has also moved toward explicit recognition of digital evidence: Article 81 now refers to material, written and digital evidence, alongside audio recordings, video recordings, film materials, photographs, protocols and other documents.[2] Article 87 expressly includes the receipt of objects, documents and electronic data among methods of collecting evidence, and Article 95 requires evidence to be evaluated in terms of relevance, admissibility and reliability.[3] These developments create a doctrinal foundation for a modern digital evidence regime.

Yet the recognition of digital evidence is only the starting point. Digital evidence is vulnerable in ways that paper documents are not. It can be altered invisibly, copied without visible degradation, separated from metadata, stored across several jurisdictions, encrypted, automatically deleted, or generated by complex systems whose operation is not easily understood by investigators, prosecutors or judges. The same file can be evidence, personal data, privileged communication, trade secret and cybersecurity asset at the same time. If investigators collect a mobile phone, mirror a hard drive or request cloud data without a clear chain of custody, the defence may challenge authenticity. If a platform log is extracted without preserving metadata, the court may not know whether the log is complete. If a search is excessively broad, privacy and fair-trial rights may be compromised.

The central research question of this article is therefore: how should Uzbekistan design a legal and forensic model for preserving the integrity, admissibility and human-rights compatibility of digital evidence in anti-corruption investigations? The article advances three arguments. First, digital evidence integrity must be understood as a combined legal, forensic and institutional requirement. Second, the chain of custody

---

[1] Law of the Republic of Uzbekistan No ZRU-419 “On Combating Corruption” (3 January 2017) art 4 <https://lex.uz/docs/3088008> accessed 18 June 2026.

[2] Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, art 81 <https://lex.uz/acts/111460> accessed 1 July 2026.

[3] Ibid arts 87 and 95.

should become electronic, tamper-evident and auditable from the first moment of identification until courtroom presentation. Third, integrity safeguards and human rights safeguards are not opposing values; in corruption cases they reinforce one another because evidence obtained lawfully, proportionately and transparently is more likely to be admitted, trusted and used effectively.

Theoretical and Methodological Framework

For the purposes of this article, digital evidence may be defined as information of potential probative value that is created, stored, processed, transmitted or retrieved by an information and communications technology system. This includes files, messages, metadata, call records, geolocation records, platform logs, transaction histories, database entries, e-signatures, screenshots, CCTV recordings, audit trails, blockchain records and system-generated events. The United Nations Convention against Cybercrime defines "electronic data" broadly as any representation of facts, information or concepts in a form suitable for processing in an ICT system, and distinguishes between traffic data, content data and subscriber information.[1] This taxonomy is useful for anti-corruption investigations because different data categories require different legal thresholds and different safeguards.

Integrity is the condition that evidence remains complete, accurate and unaltered in all material respects from the moment it is identified to the moment it is relied upon in court. In digital forensics, integrity is usually demonstrated through controlled acquisition, forensic imaging, cryptographic hash values, write protection, documented handling, tool validation and reproducible analysis. ISO/IEC 27037:2012 provides guidance for the identification, collection, acquisition and preservation of potential digital evidence and covers devices such as digital storage media, mobile phones, PDAs, memory cards, digital cameras, networked

[1] United Nations Convention against Cybercrime: Strengthening International Cooperation for Combating Certain Crimes Committed by Means of Information and Communications Technology Systems and for the Sharing of Evidence in Electronic Form of Serious Crimes, art 2 <https://www.unodc.org/unodc/en/cybercrime/convention/text/convention-full-text.html> accessed 20 June 2026.

computers and TCP/IP networks.[1] NIST similarly frames mobile device forensics as the recovery of digital evidence under forensically sound conditions and discusses validation, preservation, acquisition, examination, analysis and reporting.[2]

The chain of custody is the chronological and verifiable documentation of who had control over evidence, what was done to it, when, where, why and under whose legal authority. In traditional investigations this record may be a paper form. In digital investigations, paper documentation is insufficient because the most important integrity indicators are technical: hash values, image identifiers, tool versions, access logs, export formats, time synchronization and metadata fields. A modern chain of custody therefore requires a hybrid structure: procedural decisions must be documented in legal language, while forensic operations must be documented in machine-verifiable language.

Admissibility is the procedural gateway through which evidence enters the judicial fact-finding process. In a digital context, admissibility should not be reduced to formal legality. It should include at least five cumulative questions: whether the evidence is relevant to the facts in issue; whether it was obtained under lawful authority; whether it is authentic; whether its integrity has been preserved; and whether its collection and use are compatible with rights to privacy, defence and fair trial. Uzbekistan’s Criminal Procedure Code already reflects a similar logic by requiring that evidence be assessed in terms of relevance, admissibility and reliability.[3]

Methodologically, the article uses a doctrinal and normative approach. It analyses current Uzbek procedural rules and anti-corruption principles, compares them with international instruments and technical standards, and develops a practical model suitable for corruption investigations. The analysis is not empirical: it does not measure the

---

[1] ISO/IEC 27037:2012, Information technology - Security techniques - Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence.

[2] Richard Ayers, Sam Brothers and Wayne Jansen, Guidelines on Mobile Device Forensics (NIST Special Publication 800-101 Rev 1, May 2014) <https://doi.org/10.6028/NIST.SP.800-101r1> accessed 20 June 2026.

[3] Criminal Procedure Code (n 3) art 95.

actual frequency of digital evidence challenges in Uzbek courts. Instead, it identifies legal and institutional requirements that should exist if digital evidence is to support, rather than undermine, anti-corruption enforcement.

International Standards for Digital Evidence Integrity

International law and practice increasingly treat digital evidence as a central component of criminal justice cooperation. The Budapest Convention on Cybercrime remains one of the most influential frameworks for cybercrime and electronic evidence cooperation, and the Council of Europe presents the Budapest Convention and its protocols, including the Second Additional Protocol on enhanced cooperation, as the core treaty architecture in this field.[1] The newer United Nations Convention against Cybercrime is broader in institutional scope and explicitly concerns the sharing of evidence in electronic form for serious crimes. Its purpose includes promoting and strengthening measures to prevent and combat cybercrime, facilitating international cooperation and supporting technical assistance and capacity-building.[2]

[2] O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni (amaldagi tahrir) // Qonunchilik
ma’lumotlari milliy bazasi (lex.uz).

o‘rtasida muvofiqlashtirilmaganligi amaliyotda noaniqlik keltirib chiqarishi mumkin. Bu masala fuqarolik-huquqiy xarid shartnomalari bilan elektron tijorat orqali tadbirkorlik subyektlarini himoya qilish mexanizmlarini muvofiqlashtirishni talab qiladi.

Platforma-tadbirkor munosabatlarini tartibga solishdagi asosiy bo‘shliqlar

O‘tkazilgan tahlil natijasida O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligida elektron tijorat platformalari (operatorlari) bilan ularda faoliyat yurituvchi tadbirkorlik subyektlari o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solishda quyidagi tizimli bo‘shliqlar aniqlandi: birinchidan, platforma operatorining shartnoma shartlarini bir tomonlama o‘zgartirish huquqi va bunday o‘zgartirish to‘g‘risida tadbirkorni oldindan xabardor qilish muddati qonunda belgilanmagan; ikkinchidan, tadbirkorning hisob yozuvini to‘xtatib qo‘yish yoki bekor qilishning asoslari va tartib-taomili, shuningdek bunday qarorga shikoyat qilishning ichki (platforma darajasidagi) mexanizmi normativ darajada mustahkamlanmagan; uchinchidan, qidiruv va reyting natijalarini shakllantiruvchi algoritmik mezonlarning shaffofligi to‘g‘risidagi talablar mavjud emas; to‘rtinchidan, tadbirkorlik subyektlarining o‘zlari haqidagi va mijozlar haqidagi ma’lumotlarga texnik va shartnomaviy kirish huquqi to‘g‘risidagi platforma majburiyatlari belgilanmagan; beshinchidan, nizolarni sudgacha hal etishning ichki platforma darajasidagi tezkor va arzon mexanizmi majburiy tartibda nazarda tutilmagan.

Ushbu bo‘shliqlar, ayniqsa kichik va o‘rta tadbirkorlik subyektlari uchun, ular yirik xalqaro va milliy platformalarga iqtisodiy jihatdan bog‘liq bo‘lgan sharoitda amaliy ahamiyat kasb etadi, chunki bitta platformadan chiqarib yuborilish ko‘pincha tadbirkorning butun mijozlar bazasini va savdo aylanmasini yo‘qotishiga olib kelishi mumkin.

Tadbirkorlik faoliyati erkinligi kafolatlari to‘g‘risidagi qonunchilik bilan o‘zaro bog‘liqlik

O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonuni tadbirkorlik subyektlarining huquqlarini himoya qilishning umumiy konstitutsion-huquqiy asoslarini, jumladan davlat organlari tomonidan tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy

aralashishning oldini olish kafolatlarini belgilaydi. Biroq mazkur Qonun, tabiati e'tibori bilan, davlat organlari va tadbirkorlik subyektlari o'rtasidagi munosabatlarga yo'naltirilgan bo'lib, yuridik shaxs hisoblangan elektron tijorat platformasi operatori bilan tadbirkor o'rtasidagi shartnomaviy munosabatlarni qamrab olmaydi. Shu bois, platforma operatorlarining harakatlari natijasida tadbirkorlik subyektlari huquqlarining buzilishi holatlarida ushbu umumiy kafolatlarga bevosita tayanish imkoni cheklangan bo'lib, bu maxsus, ya'ni elektron tijoratga oid normativ asosning zarurligini yana bir bor tasdiqlaydi[1].

Bundan tashqari, Fuqarolik kodeksining shartnomalar erkinligi va shartnoma majburiyatlarini bajarishning umumiy tamoyillariga oid normalari platforma bilan tadbirkor o'rtasidagi nizolarni hal etishda subsidiar tartibda qo'llanilishi mumkin. Biroq amaliyotda bunday nizolarning sud tartibida ko'rib chiqilishi, odatda, uzoq vaqt talab qiladi va kichik tadbirkorlik subyektlari uchun moliyaviy jihatdan og'ir yuk bo'lib qoladi — bu omil ham, xalqaro tajribada keng qo'llanilayotgan ichki (platforma darajasidagi) tezkor shikoyat mexanizmlarini joriy etish zaruratini yanada kuchaytiradi.

TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI ELEKTRON TIJORATDA HIMOYA QILISHNING XALQARO TAJRIBASI

UNCITRAL modeli qonunlari — elektron tijoratni tartibga solishning xalqaro asosi. Ko'pgina davlatlarning, jumladan O'zbekiston Respublikasining, elektron tijoratga oid milliy qonunchiligi BMTning Xalqaro savdo huquqi bo'yicha komissiyasi (UNCITRAL) tomonidan ishlab chiqilgan Elektron tijorat to'g'risidagi Namunaviy qonun (1996-yil)[2] va Elektron imzolar to'g'risidagi Namunaviy qonun (2001-yil) asosida shakllantirilgan[3]. Bu hujjatlar elektron hujjatlarning yuridik kuchini qog'oz hujjatlarga tenglashtirish ("funktsional ekvivalentlik" tamoyili), texnologik betaraflik va elektron tijoratda erkin shartnoma

---

[1] O'zbekiston Respublikasining "Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to'g'risida"gi Qonuni (amaldagi tahrir) // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi (lex.uz).

[2] UNCITRAL Model Law on Electronic Commerce (1996), with additional article 5 bis as adopted in 1998 // United Nations General Assembly Resolution 51/162.

[3] UNCITRAL Model Law on Electronic Signatures (2001) // United Nations General Assembly Resolution 56/80.

tuzish tamoyillarini mustahkamlagan[1]. O‘zbekiston Respublikasining O‘RQ–792-sonli Qonunidagi elektron hujjat va elektron imzoning yuridik kuchini belgilovchi normalar aynan ushbu xalqaro namunaviy qonunlar tamoyillariga mos keladi, bu esa milliy qonunchilikning xalqaro standartlarga muvofiqligini ko‘rsatadi. Biroq UNCITRAL namunaviy qonunlari, asosan, elektron bitimlarning shakliy-huquqiy jihatlarini tartibga solishga qaratilgan bo‘lib, ular platforma va tadbirkor o‘rtasidagi iqtisodiy kuchlar nomutanosibligi muammosini bevosita hal etmaydi — bu esa quyida ko‘rib chiqiladigan Yevropa Ittifoqi tajribasini ayni shu masala bo‘yicha alohida ahamiyatli qiladi.

2.2. Yevropa Ittifoqining Platforma-biznes munosabatlari to‘g‘risidagi Reglamenti (2019/1150)

Yevropa Ittifoqining 2019-yil 20-iyundagi 2019/1150-sonli Reglamenti (“P2B Reglamenti”) onlayn vositachilik xizmatlari biznes-foydalanuvchilari uchun adolatlilik va shaffoflikni ta’minlashga qaratilgan bo‘lib[2], u aynan O‘zbekiston qonunchiligida mavjud bo‘shliqni — platforma va tadbirkor o‘rtasidagi shartnomaviy nomutanosiblikni — bartaraf etishga yo‘naltirilgan. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, Yevropa Komissiyasi 2025-yil 19-noyabrda e’lon qilingan “Digital Omnibus” paketi doirasida P2B Reglamentini bekor qilishni taklif etgan, chunki uning vazifalari ko‘p jihatdan DSA va DMA tomonidan qoplangan deb hisoblanmoqda; bu taklif hozircha qonun chiqaruvchi muhokama bosqichida bo‘lib, Reglament amalda kuchda qolmoqda. Reglamentning asosiy talablari quyidagilardan iborat: platformalar o‘z shartnoma shartlarini tushunarli va oson topiladigan tarzda taqdim etishi; shartlarga har qanday o‘zgartirish haqida biznes-foydalanuvchilarni kamida 15 kun oldin xabardor qilishi; xizmat ko‘rsatishni cheklash, to‘xtatib qo‘yish yoki bekor qilishning sabablarini oldindan bayon etishi; reytinglashtirish va qidiruv natijalarini belgilaydigan asosiy parametrlarni oshkor qilishi;

---

[1] UNCITRAL Model Law on Electronic Commerce (1996), with additional article 5 bis as adopted in
1998 // United Nations General Assembly Resolution 51/162.

[2] Regulation (EU) 2019/1150 of the European Parliament and of the Council of 20 June 2019 on promoting fairness and transparency for business users of online intermediation services // OJ L 186, 11.7.2019.

biznes-foydalanuvchilar yoki iste’molchilar tomonidan taqdim etilgan shaxsiy va boshqa ma’lumotlarga texnik va shartnomaviy kirish imkoniyati to‘g‘risida axborot berishi [7; 5-9-moddalar].

Reglamentning muhim jihati shundaki, u platformalarga o‘z ichida ichki shikoyatlarni ko‘rib chiqish tizimini yaratish majburiyatini yuklaydi, bu esa tadbirkorlarga sud tartibiga murojaat qilishdan oldin nizoni tezkor va arzon yo‘l bilan hal etish imkoniyatini beradi[1]. Bundan tashqari, manfaatdor tashkilotlar va davlat organlariga sud oldida biznes-foydalanuvchilar nomidan vakolat olib chiqish (kollektiv himoya) huquqi berilgan, bu individual tadbirkorning yirik platformaga qarshi sud jarayoniga yolg‘iz kirishi bilan bog‘liq amaliy qiyinchiliklarni bartaraf etadi.

2.3. Raqamli xizmatlar to‘g‘risidagi akt (DSA) va Raqamli bozorlar to‘g‘risidagi akt (DMA)

2022-yilda qabul qilingan Raqamli xizmatlar to‘g‘risidagi akt (DSA)[2] va Raqamli bozorlar to‘g‘risidagi akt (DMA)[3] P2B Reglamentida belgilangan tamoyillarni yanada kengaytirdi. DSA onlayn platformalarning barcha foydalanuvchilari, shu jumladan tadbirkorlar uchun shartnoma shartlarining shaffofligini, kontent moderatsiyasi qarorlariga shikoyat qilish huquqini va “notice-and-action” mexanizmini joriy etdi[4]. DMA esa “darvozabon” (gatekeeper) maqomiga ega bo‘lgan yirik raqamli platformalarga nisbatan qo‘shimcha cheklovlar o‘rnatadi — xususan, ular o‘z xizmatlarini boshqa biznes-foydalanuvchilar

---

[1] Regulation (EU) 2019/1150 of the European Parliament and of the Council of 20 June 2019 on promoting fairness and transparency for business users of online intermediation services // OJ L 186, 11.7.2019.

[2] Regulation (EU) 2022/2065 of the European Parliament and of the Council of 19 October 2022 on a Single Market For Digital Services and amending Directive 2000/31/EC (Digital Services Act) // OJ L 277, 27.10.2022.

[3] Regulation (EU) 2022/1925 of the European Parliament and of the Council of 14 September 2022 on contestable and fair markets in the digital sector (Digital Markets Act) // OJ L 265, 12.10.2022.

[4] Regulation (EU) 2022/2065 of the European Parliament and of the Council of 19 October 2022 on a Single Market For Digital Services and amending Directive 2000/31/EC (Digital Services Act) // OJ L 277, 27.10.2022.

xizmatlariga nisbatan o‘z qidiruv va reyting tizimlarida afzal ko‘rsatishni (self-preferencing) taqiqlaydi[1].

Mazkur tamoyil, ya’ni platforma operatorining o‘z xususiy mahsulotlarini undagi mustaqil sotuvchilarning mahsulotlariga nisbatan sun’iy ravishda ustun mavqega qo‘yish taqiqi, O‘zbekiston sharoitida alohida amaliy ahamiyatga ega bo‘lishi mumkin, chunki milliy va xalqaro elektron savdo platformalarining ko‘pchiligi nafaqat vositachilik xizmati ko‘rsatadi, balki o‘zi ham tovar sotuvchisi sifatida faoliyat yuritadi, bu esa manfaatlar to‘qnashuvi (conflict of interest) holatini keltirib chiqaradi.

2.4. Shaxsiy va tijorat ma’lumotlarini himoya qilish tamoyillari (GDPR tajribasi)

Yevropa Ittifoqining Umumiy ma’lumotlarni himoya qilish reglamenti (GDPR)[2] shaxsiy ma’lumotlarni qayta ishlashning qonuniyligi, shaffofligi va maqsadga muvofiqligi tamoyillarini belgilab, P2B Reglamenti bilan birgalikda elektron tijorat platformalarida ma’lumotlardan foydalanish masalasini kompleks tartibga soladi. Tadbirkorlik subyektlari nuqtai nazaridan bu shuni anglatadi: platforma operatori tadbirkor faoliyati natijasida to‘plangan ma’lumotlardan faqat shartnomada belgilangan maqsadlarda foydalanishi va bu haqda tadbirkorni oldindan xabardor qilishi shart. O‘zbekiston Respublikasining “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi qonunchiligi[3] asosan jismoniy shaxslarning shaxsiy ma’lumotlarini himoya qilishga yo‘naltirilgan bo‘lib, tadbirkorlik subyektlarining tijorat ma’lumotlarini (trade data) platforma tomonidan noo‘rin ishlatilishidan himoya qilish masalasi alohida tartibga solinmagan — bu, yuqorida ta’kidlanganidek, milliy qonunchilikdagi muhim bo‘shliqlardan biridir.

2.5. Xalqaro tajribadan kelib chiqadigan umumiy xulosalar

---

[1] Regulation (EU) 2022/1925 of the European Parliament and of the Council of 14 September 2022 on contestable and fair markets in the digital sector (Digital Markets Act) // OJ L 265, 12.10.2022.

[2] Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 on the protection of natural persons with regard to the processing of personal data (General Data Protection Regulation) // OJ L 119, 4.5.2016.

[3] O‘zbekiston Respublikasining “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi Qonuni (amaldagi tahrir) // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi (lex.uz).

Yevropa Ittifoqi tajribasini tahlil qilish shuni koʻrsatadiki, platforma-biznes munosabatlarini muvaffaqiyatli tartibga solish uchun quyidagi toʻrt asosiy unsur zarur: (1) shartnoma shartlarining shaffofligi va ularni oʻzgartirish tartibining oldindan bildirilishi; (2) algoritmik qarorlar (reytinglash, hisobni bloklash)ning asoslanganligi va ularga shikoyat qilish imkoniyati; (3) maʼlumotlardan foydalanish shaffofligi va manfaatlar toʻqnashuvining oldini olish; (4) nizolarni sudgacha hal etishning tezkor ichki mexanizmlari. Ushbu unsurlar Oʻzbekiston Respublikasi elektron tijorat qonunchiligini takomillashtirishda asosiy yoʻnalish sifatida xizmat qilishi mumkin.

Shu bilan birga, Yevropa modelini Oʻzbekiston sharoitiga toʻgʻridan-toʻgʻri koʻchirish maqsadga muvofiq emasligini ham taʼkidlash lozim. Birinchidan, Yevropa Ittifoqida P2B Reglamenti, DSA va DMA uch bosqichli, bir-birini toʻldiruvchi tizim sifatida ishlab chiqilgan boʻlib, ularning har biri turli miqyosdagi platformalarga nisbatan tabaqalashtirilgan talablarni nazarda tutadi[1]. Oʻzbekiston elektron tijorat bozorining hozirgi rivojlanish bosqichida bunday murakkab, koʻp pogʻonali tartibga solish tizimini birdaniga joriy etish oʻrniga, bosqichma-bosqich — dastlab eng muhim shaffoflik va adolatlilik talablaridan boshlab — amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Ikkinchidan, milliy huquq tizimida maʼmuriy-huquqiy javobgarlik mexanizmlari fuqarolik-huquqiy vositalarga nisbatan anʼanaviy ravishda kengroq qoʻllaniladi, shu sababli takliflarni shakllantirishda aynan maʼmuriy javobgarlik kodeksiga tayanish milliy huquqiy madaniyatga mosroq yechim hisoblanadi.

2.6. Platforma-biznes munosabatlarini raqobat huquqi nuqtai nazaridan baholash

Elektron tijorat platformalari bilan tadbirkorlik subyektlari oʻrtasidagi munosabatlarni faqat shartnomaviy-huquqiy nuqtai nazardan emas, balki raqobat huquqi nuqtai nazaridan ham tahlil qilish zarur. Amaliyotda yirik elektron savdo platformalari koʻpincha bozorda ustun

[1] Rodriguez de Las Heras Ballell T. The background of the Digital Services Act: looking towards a platform economy // ERA Forum. — 2021. — Vol. 22. — P. 75–86.

(dominant) mavqega ega bo‘ladi, bu esa ularning kichik tadbirkorlar bilan munosabatlarida shartnoma erkinligi tamoyilini amalda cheklab qo‘yadi: tadbirkor platforma tomonidan taklif etilgan shartlarni qabul qilishdan boshqa amaliy muqobilga ega bo‘lmaydi, chunki muqobil savdo kanallari orqali yetib boriladigan mijozlar bazasi sezilarli darajada kichikroq bo‘ladi. Yevropa Ittifoqi tajribasida DMAning “darvozabon” tushunchasi aynan shu iqtisodiy bog‘liqlik holatini huquqiy jihatdan formallashtirish uchun ishlab chiqilgan.

O‘zbekiston Respublikasining “Raqobat to‘g‘risida”gi qonunchiligi bozorda ustun mavqega ega bo‘lgan xo‘jalik yurituvchi subyektning suiiste’mol qilishini umumiy tarzda taqiqlaydi, biroq raqamli platformalar uchun xos bo‘lgan o‘ziga xos suiiste’mol shakllari (masalan, o‘z mahsulotini qidiruv natijalarida sun’iy ravishda yuqori ko‘rsatish, parallel savdo kanallaridan foydalanishni cheklash) raqobat qonunchiligida alohida tartibga solinmagan. Shu sababli, muallifning fikricha, elektron tijorat qonunchiligiga kiritiladigan o‘zgartirishlar raqobat to‘g‘risidagi qonunchilik bilan uzviy bog‘liq holda ishlab chiqilishi, zarur bo‘lganda “Raqobat to‘g‘risida”gi Qonunga ham mos qo‘shimchalar kiritilishi maqsadga muvofiqdir.

3. O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH BO‘YICHA TAKLIFLAR

3.1. “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi Qonunga qo‘shimchalar kiritish

Yuqorida o‘tkazilgan tahlil asosida muallif O‘RQ–792-sonli Qonunga quyidagi mazmundagi qo‘shimcha moddani kiritishni taklif etadi: elektron tijorat operatori (platforma) tadbirkorlik subyekti bilan tuzilgan shartnoma shartlarini bir tomonlama o‘zgartirishdan kamida o‘n besh kun oldin yozma yoki elektron shaklda xabardor qilishi shart; bunday talabga rioya etilmagan holda kiritilgan o‘zgartirishlar tadbirkorlik subyekti uchun yuridik kuchga ega emas deb belgilanishi lozim. Bu norma Yevropa Ittifoqi P2B Reglamentining 3-moddasidagi tegishli talabga monand bo‘lib, milliy sharoitga moslashtirilgan holda joriy etilishi mumkin.

Shuningdek, Qonunga elektron tijorat operatorining tadbirkorlik subyekti hisobini cheklash, to‘xtatib qo‘yish yoki bekor qilish to‘g‘risidagi qarorni asoslab berish va bu qarorga nisbatan kamida o‘n ish kuni ichida ichki shikoyat tartibida ko‘rib chiqilishini ta’minlash majburiyatini belgilovchi norma kiritilishi taklif etiladi. Bunday ichki shikoyat tartib-taomili nizolarning katta qismini sudgacha bosqichda hal etish imkonini beradi, bu esa sud tizimiga yuklamani kamaytirish bilan birga, tadbirkorlar uchun tezkor va arzon himoya vositasini ta’minlaydi.

3.2. Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksga yangi modda kiritish

Yuqorida tavsiya etilgan moddaviy-huquqiy normalarning amalda bajarilishini ta’minlash uchun ularga mos javobgarlik chorasi zarur. Shu munosabat bilan muallif O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga[1] 165–prim[1]-modda sifatida quyidagi mazmundagi normani kiritishni taklif etadi: “Elektron tijorat operatori tomonidan tadbirkorlik subyekti bilan tuzilgan shartnoma shartlarini ushbu sohadagi qonun hujjatlarida belgilangan tartib va muddatlarga rioya etmasdan bir tomonlama o‘zgartirish, shuningdek tadbirkorlik subyektining hisob yozuvini asossiz ravishda cheklash yoki bekor qilish — fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining o‘n baravaridan yigirma baravarigacha, yuridik shaxslarga ellik baravaridan yuz baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo‘ladi.” Ushbu normaning kiritilishi elektron tijorat sohasidagi ma’muriy javobgarlik mexanizmlarini takomillashtirishga xizmat qiladi va amaliyotda yagona yondashuvni ta’minlaydi.

3.4. Davlat xaridlari va elektron tijorat qonunchiligi o‘rtasidagi muvofiqlashtirish

O‘RQ–792-sonli Qonunning 1-moddasida nazarda tutilgan davlat xaridlarini qonun amal qilish doirasidan chetlashtirish qoidasi bilan “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunchilik o‘rtasidagi yuqorida aniqlangan o‘zaro chegaralanish noaniqligini bartaraf etish maqsadida, elektron tijorat platformalari orqali amalga oshiriladigan davlat va

[1] Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeks (amaldagi tahrir) // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi (lex.uz).

korporativ xaridlarda qatnashuvchi tadbirkorlik subyektlariga nisbatan O‘RQ–792-sonli Qonunda nazarda tutilgan barcha himoya kafolatlari qaysi hollarda va qay darajada qo‘llanilishini aniq belgilovchi muvofiqlashtiruvchi norma kiritilishi tavsiya etiladi. Bu ikki sohadagi qonunchilik normalarining bir-biriga zid talqin qilinishi xavfini bartaraf etadi.

Xulosa

O‘tkazilgan tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarga kelindi. Birinchidan, O‘zbekiston Respublikasining elektron tijorat sohasidagi amaldagi qonunchiligi, xususan O‘RQ–792-sonli Qonun, elektron bitimlarning shakliy-huquqiy asoslarini xalqaro UNCITRAL standartlariga muvofiq tartibga solgan bo‘lsa-da, platforma operatorlari bilan ularda faoliyat yurituvchi tadbirkorlik subyektlari o‘rtasidagi shartnomaviy munosabatlarning mazmuni borasida sezilarli huquqiy bo‘shliqlarni saqlab qolmoqda.

Ikkinchidan, Yevropa Ittifoqining P2B Reglamenti, DSA va DMA tajribasi platforma-biznes munosabatlarini tartibga solishning samarali modelini taqdim etadi, uning asosiy unsurlari — shartnoma shaffofligi, oldindan xabardor qilish muddatlari, ichki shikoyat tartib-taomillari va algoritmik shaffoflik — O‘zbekiston sharoitiga moslashtirilgan holda milliy qonunchilikka kiritilishi mumkin va zarur.

Uchinchidan, muallif tomonidan O‘RQ–792-sonli Qonunga shartnoma shaffofligi va ichki shikoyat tartibi bo‘yicha qo‘shimchalar kiritish, Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksga 165–prim¹-moddani joriy etish va davlat xaridlari qonunchiligi bilan muvofiqlashtirish bo‘yicha ishlab chiqilgan takliflar elektron tijorat sohasida tadbirkorlik subyektlarining huquq va qonuniy manfaatlarini samarali himoya qilish tizimini shakllantirishga xizmat qiladi va amaliy ahamiyatga ega.

Kelgusi tadqiqotlar doirasida sun’iy intellekt vositasida qabul qilinadigan tijorat qarorlarining huquqiy tabiatini chuqur tahlil qilish, shuningdek elektron tijorat platformalarining raqobat huquqi nuqtai nazaridan “darvozabon” maqomini milliy qonunchilikda aniqlashtirish masalalari dolzarbligini saqlab qoladi.

TUROBOVA MUNIRA
BO‘RIBOY QIZI
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
huzuridagi Qonunchilik va huquqiy siyosat
instituti tayanch doktorant

SUN’IY INTELLEKTNING QONUN IJODKORLIGIDAGI ISHTIROKI: ALGORITMIK XATOLAR VA KIBER-TAHDIDLAR YUZASIDAN NAZARIY-HUQUQIY TAHLIL

Annotatsiya. *Mazkur tadqiqotda norma ijodkorligi jarayonida sun’iy intellektdan foydalanish oqibatida yuzaga keladigan nazariy-huquqiy xatarlar — xususan, huquqiy turg‘unlikni keltirib chiqaruvchi “algoritmik determinizm” va qonunchilikka yashirin tuynuklar kiritishga qaratilgan “ma’lumotlarni zaxarlash” tahdidlari tahlil qilingan. SIni qonun yaratishga nazoratsiz kiritish inson irodasini avtomatlashgan algoritmga bo‘ysundirishi va algoritmik korrupsiyaga yo‘l ochishi asoslab berilgan. Ushbu xavflarning oldini olish hamda davlat suverenitetini himoya qilish maqsadida majburiy “algoritmik xavfsizlik ekspertizasi” hamda “Shaffoflik deklaratsiyasi” institutlarini joriy etish yuzasidan aniq ilmiy-amaliy takliflar ilgari surilgan.*

Kalit so‘zlar: *sun’iy intellekt, norma ijodkorligi, algoritmik determinizm, ma’lumotlarni zaxarlash, algoritmik korrupsiya, kiber-tahdidlar, algoritmik xavfsizlik ekspertizasi, shaffoflik deklaratsiyasi.*

Kirish. Zamonaviy davrda norma ijodkorligi jarayoni raqamli transformatsiyani boshidan kechirib, inson aqliga asoslangan an’anaviy yondashuvdan sun’iy intellekt orqali ulkan ma’lumotlarni tahlil qilishga o‘tmoqda. Bu jarayon qonunchilik texnikasini optimallashtirishda ulkan istiqbollar ochsa-da, uning ortida jiddiy ontologik va nazariy-huquqiy xatar yashiringan.

Klassik huquq nazariyasida qonun ijodkorligi shunchaki matn yozish emas, balki adolat qaror toptirishga qaratilgan davlat irodasining ongli va maqsadli in’ikosidir. SI esa huquqiy ong, empatiya va irodadan mutlaqo xoli bo‘lib, mohiyatan ehtimollar nazariyasiga asoslangan statistik algoritm hisoblanadi. Shu bois, SIni qonun yaratishning mutlaq obyektiv vositasi sifatida qabul qilish huquqiy davlat poydevoriga tahdid soladi. Norma ijodkorligini yopiq algoritmlarga ko‘r-ko‘rona ishonib

topshirish huquqning insonparvarlik ruhini yemirib, uni aniq maqsadli jarayondan avtomatlashgan tizimga aylantirib qo‘yadi. Agar huquqning asosi bo‘lgan inson aql-idroki texnologiyalar bilan almashtirilsa, huquq tizimi fuqarolarni mustaqil irodaga ega insonlar sifatida emas, balki oddiygina texnologik boshqaruv obyekti sifatida qabul qila boshlaydi.

Mazkur tadqiqotning maqsadi — norma ijodkorligida SI ishtirokining chuqur nazariy-huquqiy tahlilini amalga oshirish hamda huquqning moslashuvchan va algoritmlarning o‘zgarmas tabiati o‘rtasidagi fundamental ziddiyatni ochib berishdan iborat. Tadqiqot doirasida huquqiy evolyutsiyani to‘xtatuvchi “algoritmik determinizm” hodisasi va qonunlarga yashirin “normativ tuynuklar” kiritishga qaratilgan kiber-tahdidlar nazariy jihatdan asoslab beriladi. Xulosa o‘rnida, raqamli asrda davlat suvereniteti va huquqiy xavfsizlikni himoya qilish hamda norma ijodkorligi tartib-taomillarini modernizatsiya qilish bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ilgari suriladi.

Algoritmik determinizm va huquqiy evolyutsiyaning turg‘unligi. Inson yaratgan huquq va sun’iy intellekt tabiati o‘rtasidagi fundamental ziddiyat ularning vaqtga nisbatan munosabatida namoyon bo‘ladi. Huquq dinamik va kelajakka yo‘naltirilgan bo‘lib, yangi ijtimoiy munosabatlarni (masalan, kiberjinoyatlarning yangi turlari, kriptovalyuta va hokazo) tartibga solishda ijodiy yondashuvni talab qiladi. Ammo SI mutlaqo statik bo‘lib, faqat o‘tmishdagi qonunlar va matnlar bazasi asosida ishlaydi, shu sababli u pretsedentga ega bo‘lmagan yangi voqelikni idrok eta olmaydi. Natijada huquq ijodkorligida “algoritmik determinizm” yuzaga keladi: insonning huquqiy innovatsiyasi o‘rnini matematik algoritm egallab, eski qoliplarni mutlaqo yangi muammolarga majburlab moslashtirish boshlanadi.

Bu jarayon inson erkinligi va huquqiy taraqqiyot uchun jiddiy xatardir. Zamonaviy texnologiya huquqi bo‘yicha yetakchi amerikalik olim *Frank Paskal* o‘zining “Qora quti jamiyati” konsepsiyasida ta’kidlaganidek, norma ijodkorligi va odil sudlovni qat’iy matematik algoritmlarga bo‘ysundirish huquqning fundamental mohiyatini

yemiradi[1]. Paskalning fikricha, huquq quruq hisob-kitobga emas, balki insoniy empatiya, axloqiy mushohada va ijtimoiy qadriyatlarga tayanishi shart; aks holda inson huquq tizimining ongli subyektidan shunchaki mexanistik boshqaruv obyektiga aylanib qoladi. Shu bilan birga, Buyuk Britaniyalik huquqshunos olima *Karen Yung* algoritmik tartibga solish davlatning huquqiy irodasini avtomatlashtirilgan qoliplarga tushirib, huquqni erkin talqin qilish imkoniyatini yo‘qqa chiqarishini asoslab bergan[2]. Qolaversa, mashhur tadqiqotchi *Keti O’Nil* o‘zining asarlarida isbotlaganidek, SI qonun yaratishda faqat o‘tmish ma’lumotlariga tayangani sababli, u jamiyatdagi tarixiy adolatsizliklar va xurofotlarni obyektiv matematika niqobi ostida qonuniylashtirib, huquqiy turg‘unlikni keltirib chiqaradi[3].

Bunday algoritmik xatoning davlat boshqaruvidagi og‘ir oqibatini Niderlandiyadagi *“Bolalar nafaqasi mojarosi” (Toeslagenaffaire)* misolida aniq ko‘rish mumkin[4]. Bu holatda davlatning avtomatlashtirilgan algoritmi o‘tmishdagi ma’lumotlarga tayanib, 26 mingdan ortiq aybsiz oilalarni asossiz ravishda firibgarlikda ayblagan. Eng yomoni, algoritm nima uchun aynan shu oilalarni tanlagani hatto sudlar uchun ham mutlaqo mavhum bo‘lib qolmoqda. Oqibatda minglab fuqarolarning huquqlari toptalib, yakunda Niderlandiya hukumati to‘liq iste’foga chiqishga majbur bo‘ldi.

Tadqiqotchi *Mirey Xildebrandt* ta’kidlashicha, huquqiy normalarni qat’iy kompyuter algoritmlariga o‘girish qonunni sharhlash imkoniyatini yo‘q qiladi[5]. Oqibatda, huquqiy qaror qabul qilish vakolati yashirin tarzda IT-mutaxassislarining subyektiv ixtiyoriga o‘tib qoladi. Qonun matni algoritmga ko‘chganida o‘zining eng muhim xususiyati — moslashuvchanligini yo‘qotadi. Bu esa huquq ustuvorligiga putur

---

[1] Pasquale, F. *The Black Box Society: The Secret Algorithms That Control Money and Information.* – Cambridge, MA: Harvard University Press, 2015. – 320

[2] Yeung, K. Algorithmic regulation: A critical interrogation. // *Regulation & Governance*, 2018. – Vol. 12. – No. 4. – 505-523.

[3] O’Neil, C. *Weapons of Math Destruction: How Big Data Increases Inequality and Threatens Democracy.* – New York: Crown Publishing Group, 2016. – 272.

[4] Amnesty International. *Xenophobic machines: Discrimination through digital welfare in the Netherlands.* – London: Amnesty International Ltd, 2021.

[5] Hildebrandt, M. *Smart Technologies and the End(s) of Law: Novel Entanglements of Law and Technology.* – Edward Elgar Publishing, 2015.

yetkazadi. Ushbu xavfni bartaraf etish uchun qonun ijodkorligiga “tortishuvchan mashinali o‘qitish” konsepsiyasini joriy etish zarur. Ya’ni, SI arxitekturasining o‘ziga dasturiy qarorlarga e’tiroz bildirish va insoniy aralashuv mexanizmlari majburiy kiritilishi shart. Aks holda, davlat huquqiy taraqqiyotdan ortda qolib, jamiyat o‘zgartirib bo‘lmaydigan algoritmik qoidalar kishaniga tushib qoladi.

Ikkinchi masala kiber-tahdidlar va “normativ tuynuklar” yaratishning yangi paradigmasi. Davlat boshqaruvida sun’iy intellektning joriy etilishi kiber tahdidlar ko‘lamini mutlaqo yangi darajaga olib chiqadi. Endilikda hujum obyekti an’anaviy axborot tizimlari emas, balki davlat irodasini shakllantiruvchi qonunchilik tizimining o‘zi hisoblanadi. Bu boradagi eng xavfli tahdid *“ma’lumotlarni zaxarlash”* amaliyotidir. Bunda g‘arazgo‘y shaxslar SIni o‘qitish bazasiga yashirincha mantiqan nuqsonli yuridik ma’lumotlarni kiritadi. Sun’iy intellekt texnologiyalarni yaratuvchi mashhur Anthropic kompaniyasi va Alan Tyuring instituti tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, milliardlab so‘zlardan iborat bazaga bor-yo‘g‘i 250 ta zaxarlangan namuna kiritish butun boshli SI modelini izdan chiqarish uchun yetarli bo‘lib, bu qonun loyihalarida ataylab xato normalar taklif qilinishiga olib keladi[1].

Ushbu xavf shunchaki nazariy faraz emas. Yevropa Ittifoqining Kiberxavfsizlik agentligi hamda kiber-tahdidlarni o‘rganuvchi nufuzli OWASP xalqaro tashkilotining 2024-yilgi rasmiy hisobotlarida “ma’lumotlarni zaxarlash” va “so‘rovlarni manipulyatsiya qilish” sun’iy intellektga qaratilgan eng xatarli 10 ta global kiber-tahdid ro‘yxatiga rasman kiritildi[2]. Bu qonun ijodkorligida ishtirok etuvchi LLM modellar xalqaro kiber-hujumlarning bevosita va doimiy nishonida ekanligini anglatadi.

Bu texnik zaiflik davlat suverenitetiga tajovuz qilishning misli ko‘rilmagan shakli — “algoritmik korrupsiya”ni keltirib chiqaradi.

---

[1] Hubinger, E. et al. Sleeper Agents: Training Deceptive LLMs that Persist Through Safety Training. // *Anthropic Research* – 2024.

[2] OWASP Foundation. *OWASP Top 10 for Large Language Model Applications (v1.1).* – 2023-2024

An’anaviy korrupsiyada manfaatli qonunlar qabul qilish uchun amaldorlarga pora berilsa, raqamli asrda transmilliy jinoyatchilar buni masofadan va anonim tarzda amalga oshirishi mumkin. Ular ochiq ma’lumotlar bazalariga kiber-hujum orqali “yashirin tuynuklar” joylashtiradi. Davlat organi ushbu tizimdan qonun loyihasini yozishda foydalanganda, SI avvaldan kiritilgan huquqiy istisnolarni qonun matniga singdirib yuboradi. Eng xavflisi shundaki, insonlarda mashina generatsiya qilgan matnga tekshirmasdan ishonish moyilligi kuchli bo‘lib, ular mutlaqo to‘g‘ri yozilgandek ko‘ringan yashirin xatarlarni sezmay o‘tkazib yuboradilar.

Yuristlarning algoritmga bunday ko‘r-ko‘rona ishonishining amaliy isboti sifatida 2023-yilda AQSh Federal sudida ko‘rilgan “Mata v. Avianca Airlines” ishini keltirish mumkin[1]. Unda tajribali advokatlar sun’iy intellekt (ChatGPT) tomonidan tayyorlangan hujjatni tekshirmasdan sudga taqdim etgan. Oqibatda, AI o‘z bazasida yo‘q bo‘lgan 6 ta soxta sud pretsedentini mutlaqo ishonchli yuridik tilda to‘qib chiqargani va yuristlar buni sezmagani rasman tasdiqlandi. Bu qonun ijodkorligida mashinaga avtomatik ishonish davlat miqyosidagi fojiaga olib kelishini isbotlaydi.

Xalqaro huquqiy amaliyot SI xatarlariga qarshi qat’iy nazorat mexanizmlarini joriy etish zaruratini tasdiqlamoqda. Xususan, AQSh qonunchiligida qaror qabul qilish jarayonlarida algoritmik diskriminatsiyaning oldini olish maqsadida modelning xavfsizligi va shaffofligini baholovchi “algoritmik audit” instituti shakllanmoqda[2]. O‘z navbatida, Buyuk Britaniya parlamenti “ma’lumotlarni zaxarlash” shunchaki nazariy xatar emas, balki davlat boshqaruviga bevosita kiber-tahdid ekanligini rasman e’tirof etdi. Bunga javoban ishlab chiqilgan Kiberxavfsizlik va barqarorlik to‘g‘risidagi qonun hamda axborot manipulyatsiyasidan himoya qiluvchi “demokratik qalqon” loyihalari — qonun ijodkorligida qo‘llaniladigan SI tizimlari uchun majburiy

[1] *Mata v. Avianca, Inc.*, 22-cv-1461 (PKC), (S.D.N.Y. Jun. 22, 2023). – U.S. District Court for the Southern District of New York.

[2] U.S. Congress. *Algorithmic Accountability Act of 2022.* H.R.6580/S.3572, 117th Congress (2021-2022).

algoritmik xavfsizlik ekspertizasini joriy etishning hayotiy zarurat ekanligini to‘la asoslab beradi[1].

Xulosa va ilmiy-amaliy takliflar. O‘tkazilgan tadqiqot shuni isbotlaydiki, huquq ijodkorligiga SIni joriy etish “algoritmik determinizm” va “ma’lumotlarni zaxarlash” kabi fenomenlarni keltirib chiqarib, milliy qonunchilikni transmilliy kiberjinoyatchilar quroliga aylantirib qo‘yish xavfini tug‘diradi. Davlat irodasi begonalashuvining oldini olish va milliy qonunchilikni modernizatsiya qilish maqsadida quyidagi ilmiy-amaliy takliflar ilgari suriladi:

1. Sun’iy intellektning subyektiv chegaralarini belgilash. Huquq nazariyasida qat’iy paradigma tasdiqlanishi zarur: SI mustaqil norma ijodkori bo‘la olmaydi. Unga faqatgina *“raqamli yordamchi”* (matnni formatlash, sinonimlar topish, ziddiyatlarni aniqlash) maqomi berilishi kerak. SIga yuridik sanksiyalar belgilash va ijtimoiy mushohada yuritish vakolatini berish qat’iyan taqiqlanadi. Har qanday sharoitda “inson boshqaruvi” (Human-in-the-loop) prinsipi saqlanib, hujjatga yuridik kuch berish inson aql-idrokining mutlaq huquqi bo‘lib qolishi shart.

2. “Raqamli va algoritmik xavfsizlik ekspertizasi” institutini joriy etish. “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonunni quyidagi mazmundagi yangi norma bilan to‘ldirish taklif etiladi: *“Agar loyihani ishlab chiqishda generativ SI yoki katta ma’lumotlar tahlilidan foydalanilgan bo‘lsa, ushbu loyiha majburiy tartibda kiberxavfsizlik va IT-huquqshunoslar tomonidan algoritmik xavfsizlik ekspertizasidan o‘tkazilishi shart”.* Bu mexanizm zararli normalarni milliy qonunchilikka singdirishga qaratilgan gibrid kiber-hujumlarga qarshi ishonchli to‘siq bo‘ladi.

3. “Shaffoflik deklaratsiyasi”ni qonuniylashtirish. Qonun loyihalarini hukumat va parlamentga kiritishda maxsus deklaratsiya ilova qilinishi shart. Unda SIdan hujjatning qaysi bosqichida foydalanilgani, qaysi model ishlatilgani, mashina matni inson tomonidan qanday verifikatsiya qilingani ochiqlanishi zarur.

[1] UK Government. *Cyber Security and Resilience Bill.* – UK Parliament Publications, 2024.

Ushbu mexanizmlar asosida qonun yaratishning zanjiri quyidagicha shakllanadi:

- *Tashabbuskor:* huquqning ijtimoiy maqsadi va ruhini saqlash uchun faqat inson yoki jamiyat.
- *Qoralama tayyorlash:* jarayonni tezlashtiruvchi “raqamli yordamchi” sifatida sun’iy intellektdan foydalanish mumkin.
- *Shaffoflik va kiber-ekspertiza:* SIdan foydalanilgani majburiy ochiqlanadi hamda IT-huquqshunoslar matnni yashirin xavflar va “tuynuklar”ga tekshiradi.
- *Yakuniy qaror:* davlat irodasini tasdiqlovchi mutlaq inson nazorati.

Xulosa qilib aytganda, yalpi raqamlashtirish asrida milliy huquqiy xavfsizlikni ta’minlash uchun sun’iy intellekt inson aql-idrokining o‘rnini bosmasligi, balki tafakkur qiluvchi qonun chiqaruvchining qo‘lidagi shunchaki “aqlli qalam” bo‘lib qolishi shart. Taklif etilayotgan algoritmik xavfsizlik va shaffoflik institutlari O‘zbekiston Respublikasini eng yangi davrning yashirin kiber-qonunchilik tahdidlaridan himoya qiluvchi mustahkam institutsional qalqonga aylanadi.

ERGASHEVA SHOHISTA
O‘KTAM QIZI
Toshkent davlat yuridik
universiteti doktoranti

YEVROPA ITTIFOQIDA RAQAMLI AKTIVLARNING HUQUQIY TARTIBGA SOLINISHI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Yevropa Ittifoqi hududida raqamli aktivlarning huquqiy tartibga solinishi masalalari tahlil qilinadi. Xususan, kriptovalyutalar, tokenlar va boshqa raqamli aktivlarning huquqiy maqomi, ularni nazorat qilish mexanizmlari hamda investorlarni himoya qilishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlar ko‘rib chiqiladi. Maqolada Markets in Crypto-Assets Regulation (MiCA) reglamenti asosida raqamli aktivlar bozorini tartibga solishning asosiy tamoyillari, litsenziyalash talablari va shaffoflik standartlari yoritiladi. Shuningdek, raqamli moliya sohasida innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash bilan birga moliyaviy barqarorlikni ta’minlash masalalariga alohida e’tibor qaratilgan. Tadqiqot natijalari Yevropa Ittifoqida raqamli aktivlar bozorining huquqiy asoslari va ularning rivojlanish istiqbollarini aniqlashga xizmat qiladi.*

Kalit so'zlar: *raqamli aktivlar, kriptovalyuta, token, Yevropa Ittifoqi, huquqiy tartibga solish, MiCA, litsenziyalash, investorlarni himoya qilish, moliyaviy texnologiyalar, blokcheyn.*

Yevropa Ittifoqi raqamli aktivlarni tasniflash va tartibga solishni yagona standart asosida amalga oshirishni Markets in Crypto-Assets Regulation (MiCA) orqali maqsad qilgan.[1] Mazkur reglamentning yakuniy matni Yevropa Parlamenti tomonidan 2023-yil 20-aprel kuni yalpi majlisda qabul qilingan bo‘lib, uning rasmiy imzolanishi 2023-yil 31-mayda amalga oshirilgan. Ushbu reglament 2024-yil 30-dekabrdan boshlab kuchga kirishi belgilangan.[2]

---

[1] 69 European Parliamentary Research Service, Issam Hallak, 'EU Legislation in Progress: Markets in crypto-assets (MiCA)' (European Parliament, 2022) https://www.europarl.europa.eu/RegData/etudes/BRIE/2022/739221/EPRS_BRI(2022)739221_EN. pdf accessed 1 April 2024.

[2] European Parliament, 'Markets in crypto-assets (MiCA)' (European Parliamentary Research Service, 29 September 2023) https://www.europarl.europa.eu/thinktank/en/document/EPRS_BRI(2022)739221 accessed 1 April 2024.

MiCA reglamenti (EU) No 1093/2010 va (EU) No 1095/2010 reglamentlariga, shuningdek 2013/36/EU va (EU) 2019/1937 direktivalariga o‘zgartirishlar kiritadi hamda Yevropa Ittifoqi hududida kripto-aktivlar uchun yagona huquqiy qoidalarni joriy etadi. Ushbu normativ-huquqiy hujjat amaldagi Yevropa Ittifoqi qonunchiligida qamrab olinmagan kripto-aktivlar uchun huquqiy aniqlikni ta’minlaydi, iste’molchilar va investorlar huquqlarini himoya qilishni kuchaytiradi hamda moliyaviy barqarorlikni mustahkamlashga xizmat qiladi.

MiCA reglamenti kripto-aktivlar sohasida innovatsiyalarni rag‘batlantiradi va ularni qo‘llashni kengaytirish maqsadida uchta asosiy toifani belgilaydi:

aktivlarga bog‘langan tokenlar (asset-referenced tokens – ART),

elektron pul tokenlari (electronic money tokens – EMT),

boshqa kripto-aktivlar.[1]

Shuningdek, reglament mazkur kripto-aktivlarning emissiyasi, muomalasi (savdosi) hamda aktivlarni boshqarish jarayonlarini tartibga soladi, bunda ayniqsa muhim ahamiyatga ega bo‘lgan ART va EMT tokenlariga alohida e’tibor qaratiladi. MiCA reglamentining 143-moddasiga muvofiq, a’zo davlatlarga “o‘tish davri choralarini” joriy etish huquqi beriladi. Ushbu choralar milliy qonunchilik asosida kripto-aktiv xizmatlarini ko‘rsatib kelayotgan subyektlarga MiCA to‘liq kuchga kirganidan keyin 18 oylik o‘tish davrida o‘z faoliyatini davom ettirish imkonini beradi. Mazkur mexanizm doirasida 143(3)-moddada nazarda tutilgan “grandfathering” (ya’ni avvaldan mavjud subyektlarga nisbatan istisno qo‘llash) qoidasi mavjud bo‘lib, unga ko‘ra 2024-yil 30-dekabrgacha kripto-aktiv xizmatlarini ko‘rsatib kelgan subyektlar 2026-yil 1-iyulgacha yoki MiCA bo‘yicha ruxsat (litsenziya) berilgunga qadar yoxud rad etilgunga qadar faoliyatini davom ettirishi mumkin. Bundan tashqari, 143(6)-moddaga asosan, 2024-yil 30-dekabr holatiga ko‘ra milliy qonunchilik asosida allaqachon ruxsat (litsenziya) olgan subyektlar

[1] European Securities and Markets Authority, 'Markets in Crypto-Assets Regulation (MiCA)' https://www.esma.europa.eu/esmas- activities/digital-finance-and-innovation/markets- crypto-assets-regulation-mica accessed 1 April 2024.

uchun kripto-aktiv xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha soddalashtirilgan ruxsat olish tartibi ham nazarda tutilgan.[1]

Markets in Crypto-Assets Regulation (MiCA) reglamentining eng muhim yutuqlaridan biri — va ayni paytda eng ko‘p bahs-munozaralarga sabab bo‘layotgan jihati — bu uning tasniflash tizimi hisoblanadi. Mazkur reglament kripto-aktivlarni uch asosiy toifaga ajratadi:

aktivlarga bog‘langan tokenlar (asset-referenced tokens – ART),

elektron pul tokenlari (electronic money tokens – EMT),

hamda “boshqa kripto-aktivlar” deb ataluvchi qoldiq (rezidual) toifa.

Ushbu oxirgi toifa utilitar tokenlarni hamda ta’minlanmagan (unbacked) kriptovalyutalarning aksariyatini, jumladan Bitcoin va Ethereumni o‘z ichiga oladi. Biroq, keyinchalik Ethereum uning “yetarli darajada markazlashmagan” (sufficiently decentralized) xususiyati sababli MiCA doirasidan chiqarib tashlangan.

Ko‘plab amaldagi va ishlab chiqilayotgan tartibga solish yondashuvlari aynan shu uchta toifaga asoslanadi. Yevropada, masalan, Swiss Financial Market Supervisory Authority (FINMA) ushbu tasnifdan 2020-yilda qabul qilingan Shveytsariyaning DLT to‘g‘risidagi qonunida foydalangan.[2] Malta 2018-yil iyun oyidan boshlab kripto-aktivlarni maxsus tartibga solishni joriy etgan bo‘lsa-da, uning qamrovi tor bo‘lib, elektron pul, moliyaviy instrumentlar yoki utilitar tokenlarni o‘z ichiga olmaydi. Liechtensteinda esa 2020-yil yanvar oyida qabul qilingan Token va ishonchli texnologiya xizmatlari to‘g‘risidagi qonun (TVTG) faqat kriptovalyutalarga emas, balki keng ma’noda ishonchli texnologiyalar (TT) tizimlariga, tokenlarga, shuningdek aktivlarga egalik qilish, ularni ro‘yxatdan o‘tkazish va o‘tkazish masalalariga ham qaratilgan. France da

---

[1] Zetzsche, Dirk Andreas and Annunziata, Filippo and Arner, Douglas W. and Buckley, Ross P., The Markets in Crypto-Assets Regulation (MICA) and the EU Digital Finance Strategy (November 5, 2020). European Banking Institute Working Paper Series No. 2020/77, University of Luxembourg Law Working Paper Series No. 2020-018, University of Hong Kong Faculty of Law Research Paper No. 2020/059, Available at SSRN: https://ssrn.com/abstract=3725395 or http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3725395 (https://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3725395)

[2] Swiss Financial Market Supervisory Authority, “Federal Council wants to further improve framework conditions for DLT/blockchain” (27 November 2019) https://www.admin.ch/gov/en/start/documentation/media-releases.msg-id-77252.html

Autorité des marchés financiers (AMF) 2017-yil kuzida tokenlar ko‘pincha “Code Monétaire et Financier”ning L.211-1-moddasida nazarda tutilgan uch asosiy moliyaviy instrument toifasiga kirmasligini qayd etgan. Shundan so‘ng, 2019-yil aprel oyida parlament mazkur kodeksga yangi bob kiritdi, u faqat “jeton d’usage” (ya’ni moliyaviy instrument sifatiga ega bo‘lmagan tokenlar)ga nisbatan qo‘llaniladi. Biroq, Liechtenstein tajribasidan farqli ravishda, Fransiyada token chiqaruvchilar (emitentlar) tartibga solinadigan token taklifini AMF roziligi bilan amalga oshirish yoki ushbu organning roziligisiz faoliyat yuritish o‘rtasida tanlov qilish huquqiga ega. Shunga o‘xshash “opt-in” tizimi (ya’ni ixtiyoriy tartibga solish rejimi) moliyaviy instrument yoki moliyaviy mahsulot sifatiga kirmaydigan tokenlar uchun Italyda ham muhokama qilingan. Shu bilan birga, uch toifali tasnif o‘z afzalliklariga ega bo‘lsa-da, “qimmatli qog‘oz” yoki “moliyaviy mahsulot” tushunchasi kengroq talqin qilinadigan huquq tizimlarida muayyan noaniqliklarni yuzaga keltiradi. Bu, xususan, United States da qo‘llaniladigan Howey testi (1946-yildagi SEC v. Howey sud qaroriga asoslangan) hamda Italy qonunchiligida moliyaviy mahsulotning keng ta’rifi mavjudligi bilan izohlanadi. Aynan shu sababli, Securities and Exchange Commission (SEC) amaliyotda huquqni qo‘llash choralaridan, ommaviy bayonotlardan va “no-action letters”dan foydalanib, Howey testiga o‘xshash funksional yondashuvni har bir holat bo‘yicha alohida qo‘llash orqali tushuntirish berib kelmoqda.

Markets in Crypto-Assets Regulation (MiCA) — bu dolzarb siyosiy ehtiyojga javoban ishlab chiqilgan keng qamrovli qonunchilik loyihasidir. Biroq, ushbu ehtiyoj “oddiy” kripto-aktivlar va to‘lov tokenlari uchun turlicha xarakterga ega. MiCA doirasida oddiy kripto-aktivlar, asosan, utilitar tokenlar (ba’zan pul elementlarini o‘z ichiga olgan holda) sifatida ko‘riladi, chunki boshqa turdagi tokenlar allaqachon Yevropa Ittifoqining amaldagi huquqiy normalari bilan tartibga solinadi. Ushbu turdagi tokenlarga nisbatan investorlarni himoya qilish maqsadida qonunchilik aralashuvi asosli bo‘lishi mumkin, bunda amaldagi Yevropa moliyaviy huquqi, ayniqsa “moliyaviy instrument” tushunchasining qat’iy qo‘llanishi muqobil variant sifatida qaraladi. MiCA muayyan huquqiy

bo‘shliqni to‘ldirayotgan bo‘lsa-da, u Yevropa yagona bozorining ikkinchi muhim maqsadi — ya’ni Yevropa Ittifoqi moliyaviy huquqi tushunchalarining barcha a’zo davlatlar va Yevropa iqtisodiy hududi (EEA) bo‘yicha uyg‘un va bir xil qo‘llanishini ta’minlash vazifasini to‘liq bajara olmaydi.

MiCA yo‘li tashqi tomondan sodda ko‘rinsa-da, uning amaliy oqibatlari uzoq muddat davomida huquqshunoslar uchun qo‘shimcha imkoniyatlar yaratishi, biroq bozor ishtirokchilari uchun murakkabliklar keltirib chiqarishi mumkin. Shu sababli, moliyaviy instrumentlar sohasida vakolatli organ hisoblangan European Securities and Markets Authority (ESMA) ga yo‘riqnoma (guideline) chiqarish vakolatlarini kengaytirish taklif etiladi, bu esa Yevropa moliyaviy huquqini uyg‘un qo‘llashni ta’minlashga xizmat qiladi. Boshqa tomondan, to‘lov tokenlarini tartibga solish moliyaviy barqarorlik nuqtayi nazaridan asosli hisoblanadi, chunki samarali ishlaydigan to‘lov infratuzilmasi har qanday moliyaviy tizimning markaziy elementi hisoblanadi. Shu jihatdan, MiCA muayyan bo‘shliqni to‘ldiradi va ko‘pincha mavjud E-Money Directive qoidalariga tayanadi. Biroq, bunday yondashuv kichik token emissiyalari uchun mos bo‘lishi mumkin bo‘lsa-da, global miqyosda ahamiyatga ega yirik stabilkoinlar uchun yetarli darajada samarali huquqiy muhitni ta’minlamaydi. Shu sababli, xalqaro ahamiyatga ega tizimli muhim moliyaviy infratuzilmalar uchun qo‘llaniladigan mexanizmlarga o‘xshash xalqaro hamkorlik mexanizmlarini joriy etish taklif etiladi. Umuman olganda, MiCA mustaqil hujjat emas, balki keng qamrovli va kompleks yondashuvning bir qismi hisoblanadi. Biroq, u o‘z oldiga qo‘yilgan maqsadlarga to‘liq erishishi uchun yuqorida ko‘rsatilgan yo‘nalishlarda uning alohida qoidalarini yanada takomillashtirish zarur.

ЭШТУРДИЕВА ФАРАНГИЗ
БАХОДИР ҚИЗИ
Президент ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат
институти етакчи илмий ходими,
докторант

ЮРИДИК БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида рақамли трансформация жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш объектив заруратга айланди. Рақамли давр нафақат иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни, балки ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ҳам тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Инновацияларнинг шиддат билан ривожланиши, хусусан, сунъий интеллект, нейроте хнологиялар ва био-рақамли конвергенциянинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши инсон ҳуқуқлари ҳамда миллий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ўртасидаги мутаносибликни (балансни) сақлашдек мураккаб вазифани юзага келтирмоқда. Бундай шароитда анъанавий, яъни "*реактив*" (муаммо юзага келгандан сўнг унга қонунчилик орқали жавоб қайтариш) ҳуқуқ ижодкорлиги ўзининг самарадорлигини йўқотмоқда. Унинг ўрнини "**проактив**", яъни олдиндан кўра билиш ва келажакдаги ижтимоий муносабатларни моделлаштиришга асосланган ҳуқуқ ижодкорлиги эгаллаши лозим.

Айнан шу нуқтаи назардан, **юридик башорат қилиш (legal forecasting)** қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Юридик башорат қилиш – бу қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамият, иқтисодиёт ва давлат бошқарувига кўрсатадиган таъсирини, уларнинг ижроси давомида юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни, шунингдек, ҳуқуқий бўшлиқлар (пробеллар) ва

коллизияларни илмий-таҳлилий, социологик ва рақамли воситалар ёрдамида олдиндан аниқлаш жараёнидир.

Ҳуқуқшунослик фанида юридик башорат қилиш ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзаги сифатида қаралади. Қонунларнинг ҳаётийлиги ва ишлаш даражаси бевосита уларнинг қанчалик тўғри башорат қилинганлигига боғлиқ. Таниқли ҳуқуқшунос олим *Ю.А. Тихомиров*нинг таъкидлашича, ҳуқуқий башорат қилиш қонунчиликдаги инқирозларни олдини олишнинг ягона йўли бўлиб, усиз ҳуқуқ ижодкорлиги кўр-кўрона ҳаракатга айланиб қолади[1]. Олимнинг фикрига кўра, башорат қилмасдан қабул қилинган ҳар қандай қонун тез орада ўзининг ижтимоий легитимлигини йўқотади ва жамиятда "ҳуқуқий нигилизм"ни келтириб чиқаради.

Шунингдек, ҳуқуқ социологияси доирасида *М.Н. Марченко* ҳуқуқий нормаларни яратишда ижтимоий воқеликнинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олиш зарурлигини уқдиради. Унинг фикрича, "*қонун чиқарувчи бугунги куннинг эмас, балки эртанги куннинг ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи қоидаларни яратиши шарт*"[2].

Рақамли даврда ҳуқуқнинг вазифаси фақатгина тартибга солиш эмас, балки **инновациялар ривожига тўсқинлик қилмайдиган хавфсиз муҳитни яратиш**дир. Бу ўринда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг олий мақсад бўлиб қолади. Юридик башорат қилиш маҳаллий ва глобал даражада хавф-хатарларни (хусусан, кибержиноятчилик, шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлиги бузилиши, сунъий интеллектнинг дискриминацион қарорлар қабул қилиши) баҳолаш орқали қонун устуворлигини кафолатлайди.

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг ривожланиши юридик башорат қилиш методологиясини тубдан ўзгартирди. Эндиликда башорат қилиш фақатгина экспертларнинг интуицияси ёки тор доирадаги социологик сўровномаларга эмас, балки ***"Big Data" (Катта маълумотлар) таҳлилига*** асосланмоқда.

---

[1] Тихомиров, Ю. А. (2015). Правовое прогнозирование и эффективность закона. Москва: Юстицинформ. 45-бет

[2] Марченко, М. Н. (2018). Социология права. Москва: Издательство Проспект. 112-бет

Британлик ҳуқуқшунос ва футуролог *Ричард Сусскинд* ўзининг изланишларида сунъий интеллект ва алгоритмлар ҳуқуқ тизимида инсон факторини камайтириб, қонун ҳужжатларининг таъсирини математик аниқликда баҳолаш имконини беришини таъкидлайди[1].

Сунъий интеллект ёрдамида юридик башорат қилиш қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

1. Қабул қилинаётган лойиҳанинг иқтисодиётга, тадбиркорлик субъектларига ва атроф-муҳитга таъсирини автоматик моделлаштириш.

2. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини мавжуд қонунчилик базаси билан солиштириш орқали қарама-қаршиликларни (иерархик коллизияларни) автоматик тарзда топиш.

3. Янги қонуннинг жиноятчилик даражасига ёки ҳуқуқбузарликларнинг янги турлари пайдо бўлишига таъсирини нейротармоқлар ёрдамида таҳлил қилиш.

Бироқ, *Л. Лессиг* ўзининг "Код бу қонундир" концепциясида таъкидлаганидек, рақамли маконда алгоритмларнинг ўзи ҳуқуқий нормага айланиб қолиши хавфи мавжуд[2]. Шунинг учун, алгоритмик башорат қилиш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва этика қоидалари биринчи ўринда туриши, "рақамли диктатура" ёки дискриминация ҳолатларига йўл қўймаслик қонун устуворлигининг бош мезони бўлмоғи лозим.

Юридик башорат қилиш механизмлари турли ҳуқуқ оилаларида турлича татбиқ этилади. Англо-саксон (умумий ҳуқуқ) тизимида, хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда башорат қилиш кўпроқ суд прецедентларининг эволюциясини моделлаштиришга асосланади. Бу тизим мослашувчан бўлиб, қонунчиликдаги бўшлиқлар суд амалиёти орқали тезкорлик билан тўлдирилади. *К. Санстейн* ўзининг хулқ-атвор иқтисодиётига оид тадқиқотларида АҚШ ҳуқуқ

---

[1] Susskind, R. (2019). Online Courts and the Future of Justice. Oxford: Oxford University Press. p. 84

[2] Lessig, L. (2006). Code: Version 2.0. New York: Basic Books. p. 5

ижодкорлигида қонунларнинг жамият хулқ-атворига таъсирини олдиндан баҳолаш (nudging) муҳимлигини кўрсатиб ўтган[1].

Рома-герман ҳуқуқ оиласида (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) эса кодификациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устувор бўлгани сабабли, юридик башорат қилиш асосан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилади. Бу ерда *Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИҲТТ) "Яхши тартибга солиш" (Better Regulation) стандартлари* муҳим аҳамият касб этади. ИҲТТ тавсияларига кўра, ҳуқуқий башорат қилиш жараёни *шаффоф бўлиши*, унга *жамоатчилик кенг жалб этилиши* ва албатта *муқобил вариантлар* (шу жумладан, **"ҳеч қандай ўзгартириш киритмаслик" варианти**) *таҳлил қилиниши* шарт[2].

Европа Иттифоқи тажрибасида ҳам қонун лойиҳалари "Ex-ante" (олдиндан баҳолаш) ва "Ex-post" (қабул қилингандан кейинги баҳолаш) мониторингидан ўтказилиши юридик башоратнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай ёндашув давлат бошқарувида хавфсизлик ва инновациялар ривожи учун оптимал мувозанатни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда давлат бошқаруви ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ лойиҳаларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва Тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) институтлари жорий қилинди. Шунингдек, сунъий интеллект ва рақамлаштириш элементлари ҳуқуқий экспертиза жараёнларига татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ ижодкорлигида юридик башорат қилишнинг самарадорлиги бевосита **стратегик режалаштириш ҳужжатларининг** (доктриналар, концепциялар, стратегиялар, миллий дастурлар) ҳуқуқий мақоми билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда қонунчилигимизда турли хил стратегик

---

[1] Sunstein, C. R. (2014). Why Nudge? The Politics of Libertarian Paternalism. New Haven: Yale University Press. p. 18

[2] OECD. (2021). OECD Regulatory Policy Outlook 2021. Paris: OECD Publishing

ҳужжатларнинг иерархик ўрни тўлиқ ва аниқ белгиланмаганлиги сабабли, улар ўртасидаги коллизиялар ҳуқуқий башорат қилиш жараёнини мураккаблаштирмоқда. Стратегик ҳужжатлар давлатнинг узоқ муддатли мақсадли мўлжалларини (стратегик таргетинг) белгилаб берувчи асосий фильтр бўлиб хизмат қилиши керак. Қабул қилинаётган ҳар қандай янги қонун лойиҳаси дастлаб ушбу стратегик фильтрлардан ўтиши, яъни миллий мақсадларга қай даражада мос келиши олдиндан башорат қилиниши лозим. Акс ҳолда, тактик (қисқа муддатли) қарорлар стратегик мақсадларга зид келиб қолиш хавфи ортади.

Айниқса, био-рақамли трансформация шароитида Ўзбекистон қонунчилигида халқаро ҳуқуқ нормалари, жумладан, инсоннинг рақамли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фундаментал базани олдиндан шакллантириш талаб этилади. Масалан, нейроҳуқуқлар (когнитив эркинлик, ақлий дахлсизлик) масалаларини тартибга солувчи нормалар пайдо бўлиши бугунги куннинг юридик башорати натижаси бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш, инновацияларни рағбатлантириш билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва давлат хавфсизлиги ўртасидаги нозик мутаносибликни сақлаб қолиш бевосита юридик башорат қилиш институтининг нечоғлик ривожланганлигига боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги кўр-кўрона эмас, балки аниқ илмий, социологик ва рақамли маълумотларга асосланган ҳолда, келажакни моделлаштирувчи кучга айланиши керак.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқ ижодкорлиги тизимида юридик башорат қилиш институтини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги **аниқ тавсия ва таклифлар** илгари сурилади:

1. **Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига "Сунъий интеллект ва Big Data" га асосланган миллий прогнозлаш тизимини жорий этиш.** Қонунчилик тармоқларини рақамлаштириш орқали янги нормаларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини автоматик ҳисоблаб берувчи (симуляция қилувчи) миллий рақамли платформани яратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу платформа

коррупциявий хавфларни ва манфаатлар тўқнашувини лойиҳа босқичидаёқ алгоритмлар ёрдамида аниқлаб бериши керак.

2. **Норма ижодкорлиги самарадорлигини баҳолашнинг миллий моделини ишлаб чиқиш.** ИҲТТ стандартлари асосида, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин муаммони чуқур ўрганишга қаратилган мажбурий "Concept Note" (Лойиҳа концепцияси) тайёрлаш ва муқобил ечимларни (шу жумладан қонуний тартибга солмаслик ечимини ҳам) таҳлил қилиш амалиётини қонунчиликка тўлиқ сингдириш зарур.

3. **Юридик башорат қилиш бўйича ихтисослашган тузилмани шакллантириш.** Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳузурида доимий фаолият юритувчи "Ҳуқуқий башорат қилиш ва рақамли ҳуқуқ лабораторияси"ни ташкил этиш. Ушбу лаборатория ҳуқуқшунослар, ИТ-мутахассислари, социолог ва иқтисодчиларни бирлаштириб, био-рақамли конвергенция ва рақамли трансформациянинг қонунчиликка таъсирини доимий равишда мониторинг қилиб боради.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий асосланганлигини оширишга ва рақамли давр хавф-хатарларига нисбатан миллий қонунчиликнинг иммунитетини шакллантиришга хизмат қилади.

АЛЛАЕВ ТЕМУР
ШУХРАТ УГЛИ
независимый соискатель
Ташкентского государственного
юридического университета

РАЗГРАНИЧЕНИЕ ДОЛЖНОСТНОГО ПОДЛОГА СО СМЕЖНЫМИ СОСТАВАМИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ КВАЛИФИКАЦИИ

Аннотация: *Мақола мансаб сохтакорлигини (ЖКнинг 209-моддаси) турдош жиноят таркибларидан, жумладан ҳужжатларни тайёрлаш ва қалбакилаштириш (228-модда), ўзлаштириб олиш йўли билан талаш (167-модда) ва фирибгарлик (168-модда)дан фарқлашга бағишланган. Объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон бўйича чегаралаш мезонлари кўриб чиқилади. Олий суд Пленумининг амалдаги тушунтиришларида контрабанда ва майда талаш билан боғлиқ сохтакорликни квалификация қилишга оид бўшлиқлар аниқланган. Суд амалиётини такомиллаштириш бўйича муаллифлик таклифлари шакллантирилган.*

Аннотация*: Статья посвящена анализу разграничения должностного подлога (ст. 209 УК РУз) со смежными составами, в том числе с изготовлением и подделкой документов (ст. 228), хищением путём присвоения или растраты (ст. 167) и мошенничеством (ст. 168). Рассматриваются критерии отграничения по объекту, объективной стороне, субъекту и субъективной стороне. Выявлены пробелы в действующих разъяснениях Пленума Верховного суда применительно к квалификации подлога, сопряжённого с контрабандой и мелким хищением. Сформулированы авторские предложения по совершенствованию судебной практики.*

Abstract*: The article analyzes the distinction between official forgery (Art. 209 of the Criminal Code of Uzbekistan) and related offenses, including the production and falsification of documents (Art. 228), embezzlement (Art. 167), and fraud (Art. 168). The criteria for differentiation based on the object, actus reus, subject, and mens rea are examined. Gaps in the current explanations of the Plenum of the Supreme Court regarding the qualification of forgery combined with smuggling and petty theft have been identified. The author's proposals for improving judicial practice are formulated.*

Калит сўзлар: *мансаб сохтакорлиги, квалификация, турдош таркиблар, ҳужжатларни қалбакилаштириш, талаш, фирибгарлик, жиноятлар йиғиндиси, суд амалиёти.*

Ключевые слова: *должностной подлог, квалификация, смежные составы, подделка документов, хищение, мошенничество, совокупность преступлений, судебная практика.*

Keywords: *official forgery, qualification, related offenses, document falsification, embezzlement, fraud, aggregate of crimes, judicial practice.*

Квалификация должностного подлога на практике регулярно вызывает затруднения, и причина тому, прежде всего, в наличии ряда близких по конструкции составов в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. Ст. 228, предусматривающая ответственность за изготовление и подделку документов, ст. 167 о хищении путём присвоения или растраты, ст. 168 о мошенничестве. Каждый из этих составов может пересекаться с должностным подлогом на уровне отдельных признаков, и ошибка в разграничении приводит к тому, что виновный отвечает либо за более мягкое деяние, либо привлекается излишне жёстко[1]. Точная квалификация определяет вид и размер наказания, поэтому от неё зависят судьбы конкретных людей.

Задача данной статьи состоит в том, чтобы последовательно провести отграничение ст. 209 от каждого из смежных составов, обозначить нерешённые вопросы, которые возникают в правоприменительной практике, и предложить конкретные меры по уточнению действующих разъяснений Пленума Верховного суда.

Первый и наиболее частый вопрос на практике, это соотношение ст. 209 и ст. 228 УК. На первый взгляд, обе нормы охватывают подделку документов. Однако при детальном анализе различия прослеживаются по всем четырём элементам состава.

Объект должностного подлога, как справедливо отмечал М.Х. Рустамбаев, складывается из общественных отношений,

---

[1] Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юристъ, 2001. 304 с. (Kudryavtsev V.N. General theory of qualification of crimes. 2nd ed. M.: Yurist, 2001. 304 p.)

обеспечивающих нормальную деятельность органов власти и управления[1]. По ст. 228, напротив, защищаются отношения в сфере документального удостоверения юридически значимых фактов[2]. Разница существенна. В первом случае подлог подрывает сам механизм государственного управления, во втором, порядок обращения документов безотносительно к должностному статусу лица.

По объективной стороне различие ещё заметнее. Должностной подлог выражается во внесении заведомо ложных сведений или записей в официальные документы, в подделке их содержания, а также в составлении и выдаче заведомо ложных документов. Статья 228 дополнительно охватывает изготовление поддельных штампов, печатей и бланков, их сбыт. Должностной подлог подобной объективной стороны не предусматривает. Если должностное лицо изготовило поддельную печать и поставило её на документ, возникает вопрос, квалифицировать ли содеянное по одной или двум статьям. По нашему мнению, здесь требуется совокупность, поскольку каждое из действий посягает на разные общественные отношения.

Субъект ст. 209 специальный, должностное лицо, достигшее восемнадцати лет. По ст. 228 субъектом может быть любое вменяемое лицо с шестнадцати лет[3]. Именно по этому признаку на практике чаще всего удаётся провести границу. Если документ

---

[1] Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 4. Преступления в сфере экономики. Преступления против порядка функционирования органов власти, управления и общественных объединений. Учебник для ВУЗов. Т.: Издательство ILM ZIYO, 2008. 325 с. (Rustambaev M.Kh. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Special part. Vol. 4. T.: ILM ZIYO, 2008. 325 p.)

[2] Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник / Под ред. проф. У. Таджиханова. Ташкент: Адолат, 1997. 514 с. (Kadyrov M.M. Criminal law of the Republic of Uzbekistan. Special part. Textbook / Ed. by Prof. U. Tadzhikhanov. Tashkent: Adolat, 1997. 514 p.)

[3] Дуюнов В.К. Уголовное право России. Общая и Особенная части: учебник / Под ред. д-ра юрид. наук, проф. В.К. Дуюнова. 6-е изд. М.: РИОР: ИНФРА-М, 2019. 780 с. (Duyunov V.K. Criminal law of Russia. General and Special parts: textbook / Ed. by Prof. V.K. Duyunov. 6th ed. M.: RIOR: INFRA-M, 2019. 780 p.)

подделан лицом, не обладающим должностными полномочиями, ст. 209 исключается автоматически.

По субъективной стороне оба состава предполагают прямой умысел. Вместе с тем, для ст. 209 обязательным мотивом выступает корыстная или иная заинтересованность[1]. Для ст. 228 подобного ограничения нет, однако законодатель требует цель использования подделанного документа либо его сбыта[2]. Если у лица отсутствовала цель использования, ответственность по ст. 228 наступить не может.

Отдельного внимания заслуживает момент окончания преступления. По ст. 209 деяние признаётся оконченным при наступлении существенного вреда правам граждан или охраняемым законом интересам[3]. По ст. 228 преступление окончено с момента изготовления или сбыта поддельного предмета. Отсюда следует практический вывод. Должностное лицо может подделать документ, однако если существенный вред не наступил, ответственность по ст. 209 исключается, хотя те же действия вполне могут быть квалифицированы по ст. 228 при наличии общего субъекта и цели использования.

Второе проблемное сочетание касается должностного подлога и хищения путём присвоения или растраты (ст. 167 УК). На практике нередко должностное лицо фальсифицирует документы именно ради того, чтобы похитить вверенное ему имущество. Здесь возникает вопрос о совокупности или поглощении.

---

[1] Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 4. Преступления в сфере экономики. Преступления против порядка функционирования органов власти, управления и общественных объединений. Учебник для ВУЗов. Т.: Издательство ILM ZIYO, 2008. 325 с. (Rustambaev M.Kh. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Special part. Vol. 4. T.: ILM ZIYO, 2008. 325 p.)

[2] Уголовный кодекс Республики Узбекистан, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года N 2012-XII // Источник: www.lex.uz (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan dated September 22, 1994 No. 2012-XII // Source: www.lex.uz)

[3] Уголовный кодекс Республики Узбекистан, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года N 2012-XII // Источник: www.lex.uz (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan dated September 22, 1994 No. 2012-XII // Source: www.lex.uz)

Пленум Верховного суда Республики Узбекистан в постановлении от 24 сентября 2004 года N 17 разъяснил ряд вопросов квалификации должностных преступлений, однако соотношение подлога и хищения в нём раскрыто фрагментарно[1]. На наш взгляд, если подлог выступает способом хищения, содеянное охватывается п. "г" ч. 2 ст. 167 (хищение путём злоупотребления должностным положением), и дополнительная квалификация по ст. 209 не требуется. В данном случае подлог документа, это факультативный признак объективной стороны хищения, а именно способ совершения. Такое поглощение признаёт и В.Н. Борков, указывая, что подлог, охватываемый способом иного преступления, теряет самостоятельное квалификационное значение[2].

Ситуация меняется, когда хронология иная. Допустим, должностное лицо сначала похитило имущество по ст. 167, а потом совершило подлог документов, чтобы скрыть следы. Здесь подлог выступает самостоятельным деянием с собственным умыслом и мотивом. Требуется совокупность ст. 167 и ст. 209. Б.В. Здравомыслов ещё в советский период обращал внимание на то, что сокрытие уже совершённого хищения через фальсификацию документов содержит все признаки отдельного преступления[3].

Третья линия разграничения проходит между должностным подлогом и мошенничеством (ст. 168 УК). Использование подложных документов в процессе мошенничества, как правило, поглощается составом ст. 168, и дополнительной квалификации по ст. 209 или ст. 228 не требуется. Но если лицо самостоятельно изготовило подложный документ и затем использовало его для

---

[1] Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 года N 17 "О некоторых вопросах применения судами законодательства об ответственности за должностные преступления" // Источник: www.lex.uz (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated September 24, 2004 No. 17 // Source: www.lex.uz)

[2] Борков В.Н. Должностные преступления: квалификация, систематизация, тенденции судебной практики. М.: Юрлитинформ, 2018. 320 с. (Borkov V.N. Official crimes: qualification, systematization, trends in judicial practice. M.: Yurlitinform, 2018. 320 p.)

[3] Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. Понятие и квалификация. М.: Юридическая литература, 1975. 168 с. (Zdravomyslov B.V. Official crimes. Concept and qualification. M.: Yuridicheskaya literatura, 1975. 168 p.)

мошенничества, содеянное образует совокупность ст. 168 и, в зависимости от статуса виновного, ст. 209 или ст. 228[1].

Тонкий момент возникает при пособничестве. Лицо, изготовившее подложный документ и передавшее его третьему для использования в мошеннической схеме, отвечает и за подлог, и за пособничество в мошенничестве[2]. На практике следственные органы нередко упускают второе из оснований, ограничиваясь ст. 228 и оставляя без внимания роль подделки в общем преступном замысле.

Особый вопрос, это квалификация подлога, связанного с контрабандой (ст. 182 УК). Пленум Верховного суда в постановлении о судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде разъяснил (п. 12, ч. 2), что предъявление таможенным органам заведомо подложного документа охватывается составом ст. 182 и дополнительной квалификации по ст. 228 не требуется[3]. Однако формулировка этого пункта нуждается в уточнении.

Дело в том, что постановление не проводит различия между двумя ситуациями. Первая, лицо лишь использует чужой подложный документ. Вторая, лицо само изготавливает подложный документ и затем применяет его для контрабанды. Во второй ситуации имеются два самостоятельных деяния с разными объектами, и квалификация по совокупности выглядит обоснованной. Подобный подход принят, к примеру, в постановлении Пленума Верховного суда Украины по делам о контрабанде, где прямо указано, что подделка документов в связи с

---

[1] Прозументов Л.М. Уголовное право. Особенная часть: учебник для вузов / Под общ. ред. Л.М. Прозументова. Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2019. 844 с. (Prozumentov L.M. Criminal law. Special part: textbook for universities / Ed. by L.M. Prozumentov. Tomsk, 2019. 844 p.)

[2] Волженкин Б.В. Служебные преступления: Комментарий законодательства и судебной практики. СПб.: Юридический центр Пресс, 2005. 560 с. (Volzhenkin B.V. Official crimes: Commentary on legislation and judicial practice. SPb.: Yuridicheskiy tsentr Press, 2005. 560 p.)

[3] Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан "О судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде" // Источник: www.lex.uz (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On judicial practice in cases of violation of customs legislation and smuggling" // Source: www.lex.uz)

контрабандой квалифицируется по совокупности[1]. Пленум Верховного суда Российской Федерации в постановлении от 27 апреля 2017 года N 12 занял промежуточную позицию, исключив совокупность только при использовании поддельного документа, изготовленного другим лицом[2].

С учётом зарубежного опыта полагаем целесообразным дополнить указанный пункт постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан следующим разъяснением. Если лицо незаконно перемещает товары с использованием подложных документов, изготовленных другим, содеянное квалифицируется по ст. 182 без совокупности. Если же лицо само изготовило подложный документ и использовало его для контрабанды, содеянное следует квалифицировать по ст. 182 в совокупности со ст. 209 (при наличии должностного статуса) или ст. 228 УК.

Практика ставит и ещё один непростой вопрос. Как быть, когда должностное лицо совершает подлог ради мелкого хищения, подпадающего под ст. 61 Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан. По данной норме, хищение имущества на сумму до тридцати базовых расчётных величин влечёт административную, но не уголовную ответственность[3]. Пленум Верховного суда в постановлении о либерализации наказаний за преступления в сфере экономики подтвердил этот порог[4].

---

[1] Постановление Пленума Верховного суда Украины от 03.06.2005 N 8 "О судебной практике по делам о контрабанде и нарушении таможенных правил" (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of Ukraine dated June 3, 2005 No. 8 "On judicial practice in cases of smuggling and violation of customs rules")

[2] Постановление Пленума Верховного Суда Российской Федерации от 27.04.2017 N 12 (ред. от 11.06.2020) "О судебной практике по делам о контрабанде" // Источник: www.consultant.ru (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation dated April 27, 2017 No. 12 "On judicial practice in smuggling cases" // Source: www.consultant.ru)

[3] Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности // Источник: www.lex.uz (Code of the Republic of Uzbekistan on Administrative Responsibility // Source: www.lex.uz)

[4] Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 года N 17 "О некоторых вопросах применения судами законодательства об ответственности за должностные преступления" // Источник: www.lex.uz (Resolution of the Plenum of the

Однако ни постановление, ни сама ст. 61 не регулируют ситуацию, когда мелкое хищение совершено путём должностного подлога. Возникает коллизия. С одной стороны, сумма хищения ниже уголовного порога. С другой, сам подлог официального документа несёт самостоятельную общественную опасность и формально подпадает под ст. 209. По нашему мнению, если сумма хищения не превышает тридцати базовых расчётных величин, лицо должно нести административную ответственность за мелкое хищение, однако при наличии существенного вреда иным охраняемым интересам (например, подрыв доверия к государственному органу) уголовная ответственность за подлог по ст. 209 может наступить отдельно. Разъяснение этой ситуации целесообразно включить в соответствующее постановление Пленума.

Подводя итог, можно зафиксировать несколько выводов. Первое. Разграничение ст. 209 и ст. 228 проходит по четырём направлениям, из которых на практике решающими оказываются признак специального субъекта (должностное лицо) и момент окончания преступления (требование существенного вреда по ст. 209).

Второе. При хищении путём присвоения (ст. 167) подлог, выступающий способом, поглощается квалифицированным составом п. "г" ч. 2 ст. 167. Однако если подлог совершён после хищения с целью его сокрытия, необходима совокупность ст. 167 и ст. 209.

Третье. Разъяснение Пленума Верховного суда по делам о контрабанде нуждается в дополнении, разграничивающем использование чужого подложного документа (ст. 182 без совокупности) и самостоятельное изготовление подложного документа для контрабанды (совокупность ст. 182 и ст. 209 либо 228).

Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated September 24, 2004 No. 17 // Source: www.lex.uz)

Четвёртое. Требует разъяснения квалификация мелкого хищения, совершённого путём должностного подлога, где пересекаются административная и уголовная юрисдикция. Без внятной позиции Пленума правоприменители будут продолжать решать этот вопрос по-разному, что создаёт неравенство перед законом.

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ИСЛАМБЕК САДАТДИНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчиси, мустақил изланувчи

ИБРАГИМОВА ГОЗЗАЛ МАРАТОВНА
М.Улуғбек тумани ИИО ФМБ ходими, мустақил изланувчи

ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ШАРОИТИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Мақолада замонавий глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида кибертаҳдидларнинг жамият ва давлат хавфсизлигига таъсири тобора кучайиб бораётгани таҳлил қилинади. Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган норматив-ҳуқуқий ҳамда институционал ислоҳотларнинг мазмуни очиб берилади. Асосий эътибор ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатар тизимлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилади. Мақолада киберхавфсизлик йўналишида таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, назарий билимларни амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш ҳамда таълим, илм-фан, давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурати асосланади. Шунингдек, сунъий интеллект, рақамли далиллар ва замонавий кибертаҳдидлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим йўналиши сифатида баҳоланади.*

Аннотация. *В статье рассматривается возрастающее значение киберугроз в условиях современной глобализации и цифровой трансформации, а также их влияние на безопасность общества и государства. Раскрывается содержание нормативно-правовых и институциональных реформ, осуществляемых в Узбекистане в сфере обеспечения кибербезопасности и противодействия киберпреступности. Основное внимание уделяется*

вопросам подготовки высококвалифицированных кадров для правоохранительных органов и силовых структур в данной сфере. Обосновывается необходимость повышения качества образования по направлению кибербезопасности, адаптации учебных программ к международным стандартам, сочетания теоретической подготовки с практическими навыками, а также укрепления сотрудничества между образовательными организациями, наукой, государственными органами и частным сектором. Отдельно подчеркивается значение формирования компетенций по работе с искусственным интеллектом, цифровыми доказательствами и современными киберугрозами.

Abstract. *The article examines the growing significance of cyber threats in the context of contemporary globalization and digital transformation, as well as their impact on public and state security. It reveals the essence of legal and institutional reforms implemented in Uzbekistan in the field of cybersecurity and cybercrime prevention. The main focus is placed on the training of highly qualified personnel for law enforcement agencies and security institutions. The article substantiates the need to improve the quality of cybersecurity education, adapt curricula to international standards, combine theoretical knowledge with practical skills, and strengthen cooperation between educational institutions, science, government bodies and the private sector. Special attention is given to the development of competencies related to artificial intelligence, digital evidence and modern cyber threats as an essential component of professional training in this field.*

Калит сўзлар: *киберхавфсизлик, кибертаҳдидлар, кибержиноятчилик, кадрлар тайёрлаш, сунъий интеллект, рақамли далиллар, халқаро стандартлар, таълим сифати.*

Ключевые слова: *кибербезопасность, киберугрозы, киберпреступность, подготовка кадров, искусственный интеллект, цифровые доказательства, международные стандарты, качество образования.*

Keywords: *cybersecurity, cyber threats, cybercrime, personnel training, artificial intelligence, digital evidence, international standards, quality of education.*

Ҳозирги глобал хавфсизлик муҳитида кузатилаётган туб трансформациялар жиноятчилик ва таҳдидлар табиатини сифат жиҳатдан ўзгартирмоқда. Мазкур шароитда анъанавий хавфлар билан бир қаторда, кўзга яққол ташланмайдиган, бироқ жадал

суръатларда кенгайиб бораётган янги турдаги таҳдид – кибержиноятчилик алоҳида аҳамият касб этмоқда[1].

Киберхавфсизлик соҳасидаги замонавий чақириқ ва таҳдидларни чуқур англаган ҳолда, давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу соҳада тизимли ва институционал ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Масалан, 2022 – 2026 йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг тегишли қарор ва фармонлари – мамлакатда киберхавфсизлик соҳасини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди[2].

Ушбу ҳужжатлар доирасида кибержиноятларни аниқлаш ва фош этиш механизмлари такомиллаштирилиб, жавобгарлик чоралари кучайтирилди, замонавий ташкилий-тузилмавий ва технологик ечимлар жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш тизими ривожлантирилиб, ИИВ академиясида *“Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти”*ихтисослиги бўйича бакалавриат йўналиши ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида *“Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш”*

---

[1]https://www.weforum.org/stories/2024/01/global-risk-report-2024-risks-are growing-but-theres hope/?utm_source /
https://cybersecurityventures.com/cybercrime-damages-6-trillion-by 2021/?utm_source

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида” 764-сон қонун. (https://lex.uz/docs/5960604)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори. (https://lex.uz/docs/6681111).
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январдаги “Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-17-сон қарори. (https://lex.uz/docs/7339006)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги қабул қилган “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-153-сон қарори. (https://www.lex.uz/docs/7511145)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-38-сон фармони. (https://www.lex.uz/uz/docs/8079286)

йўналишида магистратура мутахассислиги жорий этилди. Аҳолининг киберхавфсизлик маданиятини ошириш ва соҳанинг ташкилий-техник таъминотини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Энг асосийси, ушбу ислоҳотлар натижасида, соҳада ягона институционал ёндашув қарор топди.

Шунга қарамасдан, ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятлари ёрдамида ноқонуний даромад топиш истагида бўлган шахслар ўз фаолият усуллари ва билимларини доимий равишда такомиллаштириш орқали мавжуд чора-тадбирларга мослашиб бормоқда.

Ушбу фикрлар сўнгги йилларда Ўзбекистон кибермаконидаги ўғрилик ва фирибгарлик ҳолатларининг кескин ортиши билан тасдиқланмоқда[1].

Бу эса аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда молиявий ташкилотларда киберхавфсизлик бўйича мутахассислар малакасини юксалтириш, шунингдек, кибержиноятларнинг олдини олиш механизмларини изчил такомиллаштириш ишларини янада жадаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатар тизимлар учун киберхавфсизлик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ушбу тизимлар ҳузуридаги олий таълим муассасаларининг замон талаблари даражасидаги моддий-техник таъминотини, шунингдек, юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини жалб этишни талаб этади.

Муҳтарам Президентимизнинг 2025 йил 22 январдаги “Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва куч ишлатар идоралари учун киберхавфсизлик

[1] https://www.gazeta.uz/oz/2025/12/24/cybercrime/

йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий пойдевори пайдо бўлди[1].

Мазкур соҳада кадрлар тайёрлаш самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатар тузилмалар ҳузуридаги олий таълим муассасаларининг таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бевосита боғлиқ. Бу эса узлуксиз таълимнинг мослашувчан моделини шакллантириш ва киберхавфсизлик соҳасида халқаро стандартларга мос кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

«Киберхавфсизлик» йўналиши бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу соҳа нисбатан яқинда жорий этилганлиги боис, асосан, хорижий тажрибага таянади.

Ғарб давлатларида мазкур соҳада кадрлар тайёрловчи таълим ташкилотларининг ўқув дастурлари юқори даражадаги мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Ушбу мослашувчанлик индивидуал таълим траекторияларини шакллантириш, фанларни эркин танлаш, устоз-шогирд тизимини жорий этиш ҳамда онлайн таълимни ривожлантириш орқали таъминланади.

Ғарб таълим ташкилотларида ушбу йўналишда малакали кадрлар тайёрлашнинг энг самарали моделлари сифатида *фаолиятга* ва *компетентликка* асосланган ёндашувлар тан олинган.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув тингловчиларни касбий фаолиятга максимал даражада яқинлаштирилган амалий жараёнларга фаол жалб этишни назарда тутса, компетентликка асосланган ёндашув тармоқ хусусиятлари ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбий компетенциялар тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Масалан, киберхавфсизлик ва ахборот технологиялари соҳасида илғор тажрибага эга Америка Қўшма Штатларидаги етакчи университетлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу йўналишда таълим жараёни назарий тайёргарлик ва амалий

[1] https://lex.uz/ru/docs/7339006

кўникмаларни узвий уйғунлаштириш асосида ташкил этилган. Айниқса, талабаларда давлат ташкилотлари ва хусусий секторда самарали киберҳимоя чораларини баҳолаш, режалаштириш, лойиҳалаш ва жорий этиш кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратилади. Тайёргарлик жараёни уларни рақамли криминалистика мутахассиси, таҳлилчи ва киберхавфсизлик бўйича маслаҳатчи сифатида касбий фаолият юритишга йўналтирилган.

Ўқув дастурлари АҚШ Мудофаа вазирлиги *(Уруш вазирлиги)* талаблари ҳамда Компьютер криминалистикаси мутахассислари халқаро ассоциацияси стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган[1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда киберхавфсизлик соҳасидаги амалиёт, мавжуд таҳдидлар ва жиноятлар хусусияти таҳлили тегишли бакалавриат йўналиши бўйича мутахассисларни комплекс ёндашув асосида, яъни ҳуқуқий, технологик ва ахборот-психологик нуқтаи назардан қарши курашиш даражалари кесимида шакллантириш кераклигини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий даражада мутахассислар ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатларини чуқур билишлари ҳамда уларни амалиётда қўллай олишлари лозим. Шу билан бирга, кибержиноятлар бўйича тергов жараёнларида рақамли далилларни тўплаш, сақлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштириш тартибларини эгаллаш, ахборот тизимларига рухсатсиз кириш, маълумотларнинг сизиб чиқиши каби ҳолатларда юридик жавобгарликни тўғри баҳолай олиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, халқаро стандартлар ва ҳуқуқий нормаларни тушуниш ҳамда уларни миллий амалиётга мос равишда татбиқ этиш кўникмалари ҳам талаб этилади.

Технологик даражада мутахассислар таҳдидларга бардошли ва ишончли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ҳимояланган тармоқ алоқа каналларини шакллантириш, маълумотлар базалари хавфсизлигини таъминлаш, операцион тизимларни ички ва ташқи

[1] https://www.nist.gov/publications/workforce-framework-cybersecurity-nice framework

таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек веб-сервисларнинг тармоқ ҳужумларига нисбатан барқарорлигини таъминлаш бўйича мустаҳкам билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур. Шу билан бирга, ахборотни ҳимоя қилишнинг комплекс тизимларини ишлаб чиқиш қобилияти шакллантирилиши лозим.

Ахборот-психологик жиҳатдан қарши курашишда мутахассислар дезинформация, фейк хабарлар ҳамда ахборот орқали манипуляция қилиш ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Улар рақамли платформаларда тарқатилаётган ахборотларнинг ишончлилигини холис баҳолаш, зарарли контентни ўз вақтида аниқлаш ва унинг салбий таъсирини бартараф этиш усулларини пухта эгаллаши зарур. Мутахассислар ижтимоий тармоқлардаги таҳдидларни мунтазам мониторинг қилиш, уларга тезкор ва мақсадли жавоб қайтариш, шунингдек медиа муҳитдаги хавфларни тўғри баҳолаш ҳамда самарали коммуникация стратегияларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Бу эса киберхавфсизликнинг инсон омили билан боғлиқ жиҳатларини мустаҳкамлаб, умумий хавфсизлик тизими самарадорлигини оширади.

IT-индустриянинг жадал ривожланиши ва унинг касбий фаолият ҳамда таълим муҳитининг барча таркибий қисмларига кенг кириб бораётгани шароитида киберхавфсизлик мутахассиси фаолиятида қўлланиладиган воситаларни интеллектуаллаштиришга қаратилган инновацион технологиялар жадал ривожланмоқда, бу эса таълим жараёнига инновацион инфратузилмани жорий этиш заруратини юзага келтиради.

Инновацион инфратузилмани жорий этиш рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий кўникмаларга эга мутахассисларга бўлган талабни оширади. Шу асосда, киберхавфсизлик йўналиши бўйича бакалавриат таълими қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак :

– иккинчи курс якунига қадар инглиз тилини камида “B2” даражасида эгаллаш;

– универсал кўникмаларни *(soft skills),* жумладан мулоқот қилиш, жамоада ишлаш, етакчилик, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш;

– таълимни эрта касбийлаштириш – ихтисослик фанларини дастлабки курслардан жорий этиш;

– юқори курсларда дуал таълим шакли ва онлайн платформалардан фаол фойдаланиш;

– ўқув дастурларини халқаро сертификатлаш стандартлари *(CISSP,CISM, CEH, COMPTIA Security+)* ҳамда иш берувчилар талабларига йўналтириш.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 – 2030-йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясининг тегишли бандида ҳам киберхавфсизлик соҳасидаги мутахассислар CISSP *(Certified Information Systems Security Professional),* CISM *(Certified Information Security Manager),* CEN *(Certified Ethical Hacker),* CompTIA Security+ ва бошқа халқаро сертификатларни қўлга киритишлари учун шарт-шароитлар яратиш лозимлиги кўзда тутилган[1].

Ҳозирги кунда рақамли муҳитдаги таҳдидлар тобора мураккаблашиб бораётгани сабабли юқори малакали, чуқур билимга эга мутахассисларни шакллантиришга қаратилган магистратура босқичининг *(“Киберхавфсизликни ҳуқуқий қўллаш”)* таълим дастури мазмунини қайта кўриб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу дастурни шакллантиришда асосий эътибор назарий билимларни амалий кўникмалар билан уйғунлаштиришга қаратилиши лозим.

Жумладан, талабалар фақат қонунчилик базасини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки реал кибержиноят ҳолатларини таҳлил қилиш, рақамли изларни тиклаш, тергов сценарийларини ишлаб чиқиш ва суд жараёнларида иштирок этишга яқинлаштирилган машғулотларда қатнашиши мақсадга мувофиқ. Бу ёндашув уларни касбий фаолиятга олдиндан тайёрлайди ва назарияни амалиёт билан боғлайди.

---

[1] https://www.lex.uz/uz/docs/8079286

Шу билан бирга, рақамли далиллар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш алоҳида устувор йўналиш бўлиши керак. Талабалар замонавий рақамли криминалистика усуллари орқали мобиль қурилмалар, серверлар, булутли хизматлар ва тармоқ инфратузилмаларидан маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштиришни ўрганиши зарур.

Бундан ташқари, ҳуқуқий билимлар билан бир қаторда техник тушунчаларга ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Ахборот тизимлари тузилиши, тармоқ хавфсизлиги асослари ва замонавий таҳлил технологиялари ҳақидаги билимлар ҳуқуқшуносга киберҳодисалар моҳиятини чуқур англаш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат – замонавий таҳдидлар билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни қамраб олишдир. Хусусан, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект қўлланилиши, рақамли активлар ва криптовалюта билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар каби йўналишларни ўқув жараёнига киритиш дастурнинг амалиётга яқинлигини таъминлайди.

Бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим дастури доирасида тингловчи ва курсантларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги тегишли тузилмаларида стажировка ўташи ва амалиётда ишлаётган тажрибали ходимлар билан бевосита мулоқотда бўлишлари уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида таълим, илм-фан ва хусусий сектор интеграциясини кучайтириш вазифаси белгиланган. Ушбу ёндашув, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади[1].

Таълим тизими бу жараёнда замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрларни шакллантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

---

[1] https://www.lex.uz/uz/docs/8079286

Илм-фан эса киберхавфсизлик соҳасида илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар ва экспериментал лойиҳалар орқали янги билим ва ечимларни яратади. Хусусан, илмий марказлар томонидан ишлаб чиқилаётган таҳлил усуллари, алгоритмлар ва ҳимоя механизмлари кибержиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусий сектор эса, ўз навбатида, энг илғор технологиялар, амалий тажриба ва тезкор инновациялар манбаи сифатида намоён бўлади. IT-компаниялар ва технологик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқилаётган замонавий дастурий ечимлар, хавфсизлик платформалари ва интеллектуал тизимлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун қимматли ресурс ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, мазкур учлик интеграцияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун нафақат юқори малакали кадрларни тайёрлаш, балки кибержиноятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва олдини олишда замонавий, илмий асосланган ва технологик жиҳатдан илғор ёндашувларни жорий этиш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, INTERPOL ва Europol каби халқаро тузилмалар билан амалий алоқаларни ривожлантириш, киберхавфсизлик соҳасидаги мусобақалар ҳамда халқаро танловларда иштирок этиш мутахассисларнинг касбий билим ва амалий кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар сони ортишига олиб келади.

Шу билан бирга, қўшма илмий лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш замонавий тадқиқотлар ва инновацион ечимларни амалиётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутади. Халқаро ҳуқуқий асослар доирасида “Budapest Convention on Cybercrime” талабларига мувофиқ иш олиб бориш эса кибержиноятларга қарши курашишда

ягона стандартлар ва самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этиш имконини беради[1].

Бундан ташқари, қўшма таълим дастурлари орқали АҚШ, ЕИ давлатлари ҳамда Жанубий Корея таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш таълим жараёни сифати ва мазмунини бойитади. Талабалар алмашинуви эса назарий билимлар билан бир қаторда амалий тажрибани ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, киберхавфсизлик соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш замонавий талабларга жавоб берадиган, ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган ва амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизими билан бевосита боғлиқ. Айнан шундай ёндашув рақамли жамият шароитида киберхавфсизликни ишончли таъминлаш имконини беради.

[1] https://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention

ALLANAZAROVA DILAFRUZ
Independent Researcher at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

THE LEGAL STATUS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND ISSUES OF LEGISLATIVE IMPROVEMENT IN THE CONTEXT OF TRANSPORT SYSTEM DIGITALIZATION

Abstract. *This article analyzes the legal, social, and ontological problems arising in the process of digitalization of the transport complex and the implementation of intelligent transport systems. In particular, it examines the issues of determining the legal status of artificial intelligence and unmanned (autonomous) vehicles, distributing legal liability in road traffic accidents, cybersecurity, and the socio-psychological guarantees for industry workers. Furthermore, scientific and practical proposals are put forward to systematize the current fragmented transport legislation, eliminate intersectoral conflicts, and adopt a unified Transport Code to regulate multimodal transportation effectively.*

Keywords: *Transport law, artificial intelligence, autonomous vehicles, digitalization, legal liability, cybersecurity, Transport Code, multimodal transportation, cyber-physical systems.*

Introduction

The rapid integration of digital infrastructure and Intelligent Transport Systems (ITS) into the sector is not merely a technological upgrade; it engenders a complex socio-legal phenomenon—the shift of decision-making authority from human actors to cyber-physical systems, thereby raising the problem of defining the legal status of algorithms and artificial intelligence. It is particularly noteworthy that ITS have evolved beyond a mere set of auxiliary technical devices into a mechanism of "digital administration" that directly regulates the behavior of traffic participants, constituting a complex cyber-physical object of law that encompasses both administrative and property relations[1].

[1] Yuldashev Dj.X. O‘zbekistonda transport sohasini raqamlashtirish va unda sun’iy intellektni qo‘llashning huquqiy muammolari // Central Asian Journal of Academic Research. – 2026. – Vol. 4, Issue 04. – P. 133-138.

The digitalization of the transport complex and the introduction of innovative technologies currently represent a complex socio-legal phenomenon that poses fundamentally new ontological problems for jurisprudence. For the first time in human history, the authority to make decisions and execute complex mechanical actions is transitioning from a biological subject (the human) to cyber-physical systems, namely algorithms. This blurs the boundaries between the object and the subject in classical legal theory, necessitating a revision of the fundamental bases of transport law. In the transition from an anthropocentric legal system to a technological-neural network reality, defining the legal status of artificial intelligence (AI) has emerged as the most pressing strategic task of public administration.

Determining the legal status of AI and autonomous (unmanned) vehicles is one of the most controversial ontological issues in contemporary jurisprudence. From an ontological perspective, autonomous vehicles are not merely objects of property (chattels); they manifest the characteristics of a quasi-subject capable of independently analyzing the environment, assessing risks, and selecting a trajectory without human intervention. However, the existing legal framework recognizes only two categories: subjects of law (individuals, legal entities, the state) and objects of law (things, property). The legislative failure to reflect AI's intermediate status as an "electronic person" or "electronic agent" situated between these two poles creates a severe legal vacuum in ensuring transport logistics and road safety.

Methods

In researching this problem, the scientific views and analyses of legal scholar Y.P. Keropyan warrant special attention. He asserts that within the transport system, AI is progressively acquiring a specific status—that of a subject capable of operating a highly automated vehicle; however, a uniform definition has yet to be developed within general jurisprudence and the judicial system[1]. Engaging in scholarly debate with

[1] Керопян Ю.П. Актуальные проблемы правового регулирования отношений с использованием искусственного интеллекта в государственном управлении (на примере транспорта) и в судебной системе // Публично-правовые проблемы транспортного права:

this hypothesis, it can be argued that granting AI the status of a fully-fledged subject of law is premature and hazardous. Recognizing it as a full subject would lead to the shifting of legal liability from real persons (the manufacturer, developer, or owner) to an abstract set of codes. Therefore, it is more logically sound to legally recognize autonomous vehicles as "electronic agents with limited capacity" and to develop a mechanism of subsidiary liability for their actions. Driven by this exact ontological necessity, reliable closure of legislative loopholes can be achieved by abandoning anthropocentric dogmas in contemporary legislation, legalizing the special concept of Lex Robotica Transportica (robotic transport law), and introducing legal statuses such as "remote operator" or "automated system dispatcher" for the ex-post analysis of AI decisions.

Results

The issue of legal liability in traffic accidents involving autonomous vehicles is the most acute and contentious point of AI ontology. In classical criminal and civil law, the concept of culpability is predicated on the human mental state (intent or negligence). However, if a vehicle controlled by a neural network strikes a pedestrian, to whom should fault be attributed? The AI that made the decision, the programmer who created it, the factory that manufactured the sensors, or the vehicle owner? This represents a modern legal manifestation of the famous "trolley problem," necessitating the urgent development of special algorithmic-legal criteria for the apportionment of liability in national legislation. Within the realm of criminal law, it is objectively impossible to prosecute and incarcerate software devoid of human consciousness. Consequently, the most optimal solution would be the introduction of the institutions of "digital negligence" and "corporate criminal liability" into the legal system, alongside the establishment of legal guarantees that leave strict liability for property damage primarily with the titular owner of the transport, followed by recovery from the software provider or manufacturer through a right of recourse (subrogation claim).

Материалы Пятого международного транспортно-правового форума. – Москва: Изд-во Юридического института РУТ (МИИТ), 2023. – С. 92-95.

Финтех платформы, электронная коммерция, креативная экономика создают новые рабочие места и снижают барьеры входа на рынок, особенно в развивающихся странах.

В последнее время с развитием технологий Искусственного интеллекта (ИИ) стали приниматься международные акты определяющие требования защиты и продвижения прав человека при использовании ИИ[1].

Они подчёркивают, что ИИ может служить мощным инструментом для улучшения реализации прав (мониторинг нарушений, доступ к правосудию, здравоохранение, образование, гуманитарная помощь), но его применение должно строго соответствовать принципам прав человека: обеспечение

[1] https://www.oecd.org/en/topics/ai-principles.html, https://illinoislawreview.org/online/the-first-global-ai-treaty/, https://www.coe.int/en/web/portal/-/council-of-europe-adopts-first-international-treaty-on-artificial-intelligence,

человеческого достоинства, недискриминации, прозрачности, подотчётности, пропорциональности и не причинения вреда.

Ключевые глобальные рамки в указанной сфере образуют ряд международных документов, среди которых можно особо выделить **Руководящие принципы ООН по предпринимательской деятельности и правам человека (2011)** обязывающие государства защищать права, а компании уважать их на всех этапах жизненного цикла ИИ (разработка, закупка, развёртывание)[1].

При этом **Рекомендации ЮНЕСКО по этике искусственного интеллекта (2021)** стали глобальным нормативным инструментом обязывающим государства использовать ИИ для продвижения Целей устойчивого развития, охраны здоровья, образования и социального благополучия при строгом соблюдении прав человека на неприкосновенность частной жизни[2].

Рекомендации предлагают исходить из того, что основными принципами применения ИИ должны стать: пропорциональность, не причинение вреда, безопасность, приватность, недискриминация, обязательность человеческого контроля, прозрачность, подотчётность, инклюзивность политик в сферах здравоохранения, образования, а также данных об окружающей среде.

В **Резолюциях Генассамблеи ООН и Совета по правам человека по праву на приватность в цифровую эпоху (Резолюции A/HRC/RES/34/7, 42/15, 54/21, A/HRC/56/45 и др.)** особо указывается на двойственный характер цифровых технологий в обеспечении прав человека. Отмечается, что они не только выступают мощным инструментом поощрения, реализации и защиты прав человека, но одновременно создают новые риски и угрозы.

В свою очередь **Принципы этичного использования искусственного интеллекта в системе ООН (2022)** направлены на обеспечение того, чтобы технологии ИИ использовались на благо общества, каждого человека и устойчивого развития.[3]

---

[1] https://www.ohchr.org/sites/default/files/documents/publications/guidingprinciplesbusinesshr_ru.pdf

[2] https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000380455_rus

[3] https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/governing_ai_for_humanity_final_report_ru.pdf

В документе указывается что ИИ должен быть **ориентирован на соблюдение прав человека,** служить интересам людей, поддерживать инклюзивное развитие и не нарушать фундаментальные права и свободы.

Системы ИИ должны разрабатываться так, чтобы **избегать предвзятости решений, способствующих дискриминации** по признаку расы, пола, языка или религии.

Процессы работы ИИ должны быть **прозрачными**, а принимаемые им решения - **понятными и объяснимыми для людей.**

Ответственность за использование ИИ-систем всегда **должна лежать на человеке.** Необходимо обеспечить возможность контроля и возможность привлечения к ответственности за последствия работы ИИ.

Защита персональных данных и право на неприкосновенность частной жизни должны соблюдаться на всех этапах жизненного цикла ИИ.

Системы ИИ **должны быть технически надёжными, безопасными и устойчивыми к атакам или сбоям**.

Разработка и использование ИИ **должны способствовать достижению Целей устойчивого развития** и минимизировать негативное воздействие на окружающую среду.

В соответствии с резолюциями Генеральной Ассамблеи и докладами **Верховного комиссара ООН по правам человека «Право на неприкосновенность частной жизни в цифровой век», «Воздействие новых технологий на поощрение и защиту прав человека в контексте собраний, включая мирные протесты» (A/HRC/44/24, A/HRC/39/29)** массовый сбор данных, накопление биометрических данных требуют аргументацию необходимости и пропорциональности. При этом технологии Big Data, ИИ и профилирования требуют создание детальных личных профилей, автоматизированных решений и предиктивной полиции.

При этом государствам рекомендуется обеспечить принципы законности, необходимости, пропорциональности и недискриминации от массового электронного шпионажа со стороны компаний.

На основе вышеуказанных глобальных международных актов в ряде регионов и субрегионов особенно в ЕС были выработаны региональные и отраслевые стандарты обеспечения неприкосновенности частной жизни человека в условиях цифровизации публично-правовых отношений.

Так **Рекомендация Совета ОЭСР по искусственному интеллекту** 2019/2024 г. фокусируется на ответственное управление доверенными технологиями ИИ, которые способствует инновациям и уважению прав человека и демократических ценностей. Рекомендации подчёркивают востребованность человекоцентричного подхода и значимость человеческого контроля при использовании ИИ[1].

В свою очередь Закон ЕС об искусственном интеллекте (2024/1689) регулирует порядок применения технологий ИИ четырёх уровней:

Технологии ИИ с неприемлемым риском полностью запрещены (государственный социальный скоринг, манипуляция поведением людей, эксплуатация уязвимостей, биометрическая категоризация по чувствительным признакам в реальном времени, предиктивная полиция на основе профилирования и др).

Технологии ИИ с высоким риском разрешены ограничено (занятость, образование, миграция, правоохранительные органы, критическая инфраструктура, биометрия, кредитный скоринг и др.) но требуют внедрения систем управления рисками о качестве данных, технической документации, прозрачности, человеческом надзоре, оценке соответствия, регистрации в базе ЕС.

Технологии ИИ с ограниченным риском могут применяться с учётом обязательного обеспечения прозрачности (чат-боты и дипфейки). Пользователи должны знать, что взаимодействуют с ИИ или что контент сгенерирован искусственно.

Технологии ИИ с минимальным риском (видеоигры, спам-фильтры и т.д.) могут использоваться с минимумом ограничений.

Закон также определяет специальные правила пользования технологиями и определяет ответственность физических и юридических лиц за нарушение установленного порядка. Имеет

[1] https://www.oecd.org/en/topics/ai-principles.html

экстерриториальный эффект (применяется к поставщикам, чьи системы используются в ЕС).[1]

В свою очередь **Рамочная конвенция Совета Европы об искусственном интеллекте и правах человека, демократии и верховенстве права, CETS № 225** (2024 г.)[2] стала первым юридически обязывающим международным договором по ИИ который требует, чтобы весь жизненный цикл ИИ соответствовал правам человека, демократии и верховенству права. Конвенция даёт определение ИИ (статья 2) требует сохранения целостности демократических процессов и верховенства права (ст. 5), требует предотвращения подрыва институтов, судебной независимости, доступа к правосудию и свободного формирования мнений.

Соответственно международные акты обращают внимание на то что цифровые технологии наряду с рядом незаменимых преимуществ могут создавать среду тотальной слежки и манипуляции поведением, что угрожает человеческому достоинству и демократии.

При этом цифровизация — не цель, а инструмент. Её роль в обеспечении прав человека зависит от политической воли, правовых рамок и этического подхода всех участников (государство, бизнес, гражданское общество).

При правильном управлении она способна значительно усилить реализацию прав человека и устойчивое развитие.

В контексте Узбекистана и Центральной Азии цифровизация открывает большие возможности для регионального прогресса, при условии приоритета прав человека.

При этом следует учесть, что цифровизация публично-правовых отношений и внедрения технологий Искусственного интеллекта без должного контроля и механизмов может создать серьёзные угрозы неприкосновенности частной жизни, достоинству и свободам личности.

К наиболее распространённым рискам можно отнести:

масштабный сбор и анализ персональных данных,

---

[1] eur-lex.europa.eu.

[2] https://rm.coe.int/1680afae3c

появление беспрецедентных возможностей массового в том числе трансграничного характера наблюдения, слежки, контроля, манипулирования поведением граждан,

риски утечки данных и роста масштабов киберугроз,

размытие границ между обсечением частной жизни и защитой общественного порядка,

увеличение возможностей цифровой дискриминации граждан по признакам пола, расы, социально-экономического статуса в кредитовании, найме, страховании и т.д.

В заключении отметим, что цифровизация не отменяет право на частную жизнь, но требует его переосмысления и усиления защиты. Баланс между инновациями, безопасностью и правами человека возможен, но требует политической воли, технологических инвестиций и активного участия гражданского общества. Без этого риск «цифрового тоталитаризма» или потери автономии личности становится реальным.

БЕРДИЕВ СУРУР КАХРАМОНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси

ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАНИДА УНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ВА ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *Мақолада ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши порахўрлик жиноятларининг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ёрдамида содир этилишидаги объектив белгилари ва уларнинг ҳуқуқий табиати илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан АКТдан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятларининг Жиноят кодексининг XX1-бобидаги ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан фарқли жиҳатлари, хусусан, жиноий қасднинг йўналтирилганлиги ва жиноят предмети бўйича чегараланиш мезонлари очиб берилган. Тадқиқотда ушбу турдаги жиноятларнинг объекти (умумий, махсус, турдош ва бевосита) батафсил таснифланиб, кибермуҳит ва кибермаконнинг махсус зарурий белги сифатидаги ўрни асослаб берилган. Шунингдек, мақолада суд амалиётидан олинган ҳаётий мисоллар ва юридик адабиётлардаги мавжуд қарашлар (М.Х. Рустамбоев ва бошқалар) қиёсий ўрганилиб, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар баён этилган.*

Аннотация: *В статье проводится научно-теоретический анализ объективных признаков и правовой природы коррупционных преступлений против порядка деятельности органов власти, управления и общественных объединений, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий (ИКТ). Автором выявлены критерии разграничения взяточничества с использованием ИКТ от преступлений в сфере информационных технологий (Глава XX1 УК), в частности, по направленности общего умысла и предмету преступления. В исследовании подробно классифицированы объекты данных преступлений (общий, специальный, родовой и непосредственный), обоснована роль киберсреды и киберпространства как специальных обязательных признаков. Также в*

статье на основе сравнительного анализа судебной практики и существующих доктринальных взглядов (М.Х. Рустамбоев и др.) изложены научные выводы по совершенствованию действующего уголовного законодательства.

Annotation: *The article provides a scientific and theoretical analysis of the objective signs and legal nature of bribery crimes against the operational procedures of government, management, and public associations committed using information and communication technologies (ICT). The author identifies criteria for distinguishing ICT-related bribery from crimes in the sphere of information technology (Chapter XX1 of the Criminal Code), specifically regarding the direction of general intent and the subject of the crime. The research offers a detailed classification of the objects of these crimes (general, special, generic, and direct) and justifies the role of the cyber environment and cyberspace as special mandatory elements. Furthermore, based on a comparative analysis of judicial practice and existing academic perspectives (M.Kh. Rustambaev et al.), the article presents scientific conclusions aimed at improving current criminal legislation.*

Калит сўзлар*: порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), жиноят объекти, объектив томон, мансабдор шахс, коррупция, кибермакон, юридик таҳлил, Жиноят кодекси.*

Ключевые слова*: взяточничество, информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), объект преступления, объективная сторона, должностное лицо, коррупция, киберпространство, юридический анализ, Уголовный кодекс.*

Keywords*: bribery, information and communication technologies (ICT), object of crime, objective side, public official, corruption, cyberspace, legal analysis, Criminal Code.*

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг объектив белгиларига жиноят объекти ва объектив томони киритилади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг объектив белгилари ҳақида сўз юритилганида Жиноят кодексимизнинг моддалари объектга нисбатан шакллантирилганлигини инобатга олиш даркор. Бу турдаги жиноятлар билан Жиноят кодексининг XX[1]-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан ўзаро фарқ қилишини ҳамда бу турдаги жиноятларда умумий қасд порахўрликни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан усул ёки восита сифатида фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларига ҳамда бошқарув тартибига тажовуз қилишга қаратилган бўлса, Жиноят кодексининг XX[1]-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг умумий қасди ахборот-коммуникация технологиялари, тизимлари, қурилмалари, ускуналари, тармоқ, алоқа ва воситаларга, шунингдек, улардаги ахборотга қаратилган бўлади.

Шунга кўра, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари Жиноят кодексининг XX[1]-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан ўзаро фарқ қилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги жиноятлар ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятлари, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларидан ҳам фарқ қилишини унутмаслик керак. Бунда, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлари ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг таркибий қисми саналади, шунингдек, ахборот технологиялари ёрдамида ёки ундан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида жиноят иштирокчилари ўзаро телефон, планшет, компьютер ёки бошқа алоқа воситаси орқали ўзаро алоқага киришишда ахборот технологияларидан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки одатдаги шароитда ёҳуд аралаш ҳолатда жиноят содир этишлари мумкин, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлари эса, нафақат ахборот технологияларидан фойдаланиб, балки телекоммуникация технологиялари, нейрон технология, сунъий интеллект технологияси ёки ахборот-коммуникация технологияларининг таркибига кирувчи бошқа технология ва воситалар орқали жиноят содир этиши мумкин ва шу жиҳатдан бу турдаги жиноятлар ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларга қараганда жиноят содир этиш усули бўйича бир мунча кенг маъно касб этади. Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятлари билан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлар ҳам ўзаро фарқ қилади ва бунда жиноятни содир этиш воситаси ёки қуроли ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятларида

биринчи ўринда аҳамиятга эга бўлмайди, бироқ ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида бу муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунга кўра, юқоридаги жиноятларнинг зарурий белгиларини ифодалашда жиноят қонунчилиги бўйича жиноят ҳуқуқи назариясида кўрсатилган зарурий белгилар умумий зарурий белгилар бўлса, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида қилмишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши махсус зарурий белги ҳисобланишини, башарти бу қилмиш кибержиноят тарзида содир этилса, у ҳолджа, кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон ҳам зарурий белги бўлишини унутмаслик даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг зарурий белгилари объектга ҳам боғлиқ бўлади, бунда, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **умумий объекти**ни шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги ташкил этади ва бу Жиноят кодексининг асосий вазифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **махсус объекти**ни иқтисодиёт соҳаси, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби ташкил қилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **турдош объекти**ни эса, тадбиркорлик фаолияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда бошқарув тартиби ташкил этади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **бевосита объекти** эса, турлича бўлиши мумкин ва бу Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, қачонки ушбу Кодекс билан жиноят деб кўрсатилган алоҳида моддада назарда тутилган бўлса ва у порахўрлик белгиларига эга бўлса, қасд унга қаратилган тақдирда бевосита объект тўлиқ шаклланади.

Бевосита объект уч турга бўлиниши ва улар асосий, қўшимча ва факультатив объект шаклида бўлиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **асосий бевосита объекти** Жиноят кодексининг 210-214^2-моддаларида назарда тутилган ҳаракатлар қаратилган тажовуз объектлари ҳисобланса, қўшимча бевосита объекти ахборот-коммуникация технологиялари, тизими ва воситалари ҳамда уларнинг муҳофазаланиши ва хавфсиз ривожланишига оид ижтимоий муносабатлар саналади. Бироқ, асосий бевосита объекти қаратилган порахўрлик жиноятлари турлича усулларда содир этилганига қараб бу турдаги жиноятларнинг бевосита асосий объекти қаратилган жиноятлар тури кўпайиб бориши мумкин.

Факультатив бевосита объекти эса, асосий ва қўшимча объектга боғлиқ бўлган муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар саналади, мисол учун жамоат хавфсизлиги бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 210-214^2-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг махсус объекти ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар бўлса, турдош объектини бошқарув тартибини қўриқловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Жиноят кодексининг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жиноятининг бевосита объекти М.Х. Рустамбоевнинг фикрича ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар саналади[1].

Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш даркор. Хусусан:

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2025 йил 18 июлдаги №1-1911-2501/84-сон жиноят иши бўйича чиқарган ҳукмига асосан, судланувчи Г.Исматов 2024 йил февраль ойидан 2025 йил 7 апрель кунига қадар Сариосиё туманидаги 32-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 554-б.

ҳолда Сариосиё тумани “Шабнам” МФЙда яшовчи фуқаро Холбобоев Қудрат Эркин ўғли 32-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқимаган бўлса-да, пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, ушбу мактабни 9 йил ўқиганлиги ҳақида маълумотнома бериб, ушбу маълумотномага асосан туман адлия бўлимидан рухсатнома олиб, белгиланган имтиҳонлардан Ҳужжат имзоланган: Тилавов Толиб Бекжонович, 19.07.2025 1-1911-2501/84 2 ўтказиб, расмий ҳужжат ҳисобланадиган шаҳодатнома тайёрлаб беришни ваъда қилиб, эвазига К.Холбобоевдан қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар, яъни 700 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни пора тариқасида талаб қилиб, ўғли Юсупов Хусниддин Ғулом ўғли орқали 600 АҚШ доллари (ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган қийматга кўра, 1 АҚШ доллари 07.04.2025 йилда 12947.20 сўм бўлган. 600 АҚШ доллари эса 7 768 320 сўмга тенг) ва 1 300 000 сўм пулларни Сариосиё тумани “Ниҳолзор” МФЙ ҳудудида 2025 йил 7 апрель куни соат 13:40 ларда олганлиги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Сариосиё тумани бўлими ва Сариосиё тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбирда аниқланиб, фош этилган ва Судланувчи Исматов Гулам Юсупович (Ismatov Gulam Yusupovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, судланувчи Исматов Гулам Юсупович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Мазкур вазиятда айбдор мактаб директори бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–637-сон Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади. Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг

филиаллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади. Демак, мактаб давлат тасарруфига қарайдиган мактаб бўлганлиги ва ўз қилмишини мактаб директори сифатида содир этганлиги боис, айбдор пора олиш ҳолати бўйича жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 210-моддасида пора олиш деганда мансабдор шахснинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиши талаб қилинади. Шунга кўра, пора олиш жиноятининг бевосита объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар саналмайди, балки улар кенгроқдир.

Хусусан, ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан, қонун чиқарувчи орган эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ижро этувчи орган Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти, Олий суд ва унинг тизимидаги судлардан[1], бошқарув органлари эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхатига асосан, вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ҳамда унинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар киради[2]. Юқорида кўрсатилган суд ҳукмида назарда тутилган мактаб ҳам таълим ташкилоти сифатида бошқарув органлари тизимидаги ташкилот саналади ва шу сабабли суд айбдорни мансабдор шахс сифатида инобатга олган.

Энди бу гуруҳга кирмайдиган давлат органлари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан пора олиш ҳаракати содир этилган бўлса, у ҳолда, М. Рустамбоевнинг

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

фикрига суянадиган бўлсак, ушбу шахслар жавобгарликка тортилмаслиги зарур. Зеро, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва **ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади**[1].

Шу сабабдан ҳам қонун чиқарувчи давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахс пора олиш субъекти бўлиши мумкинлигини аниқ кўрсатиб қўйган ва унга суянадиган бўлсак, нафақат ҳокимият ва бошқарув органлари, балки уларга кирмайдиган ташкилотлар, хусусан, Бош прокуратура, ДХХ, Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар ҳамда бошқа ташкилотлар, қолаверса, давлат улуши бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кириши назарда тутилган.

Шунга кўра, **пора олиш** жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятлари саналади.

Жиноят кодексининг 211- ва 212-моддаларида назарда тутилган пора бериш[2] ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш[3] жиноятининг бевосита объекти М.Х.Рустамбоевнинг фикрича пора олиш жиноятининг объекти билан бир хил. Бироқ, ушбу фикрларга тўлиқ қўшила олмаймиз, фақатгина Жинотя сабаби юқорида баён этганимиздек, пора олиш жиноятининг субъекти мансуб бўлган ташкилотларнинг қамров даражаси М.Х.Рустамбоев айтганидан кенгроқдир, қолаверса, пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятида мансабдор шахснинг мажбуриятлари

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 562-б.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 565-б.

тўғри бажарилишига пора берувчи тажавуз қилади ва шу орқали ўзининг ғаразли мақсадини амалга оширмоқчи бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, **пора бериш** жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахслари фаолияти ҳамда уларнинг лавозим мажбуриятларининг мустақиллиги кафолатлари ва қонунийлиги бузилмаслигига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Қисқа қилиб айтганда пора олиш жиноятида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар бевосита объектни ташкил этса, **пора беришда** нафақат ушбу ижтимоий муносабатлар, шу билан бирга инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[1], деган норма асосида мазкур ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятларининг мустақиллиги кафолатлари ва қонунийлиги бузилмаслигига оид ижтимоий муносабатлар ҳам **асосий бевосита объектни** ташкил этади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти, тадбиркорлик субъекти, хўжалик юритувчи субъектнинг қонуний фаолияти, эркинлиги кафолатлари ҳамда мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари саналади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 213-моддасида назарда тутилган **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи**нинг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг **бевосита объекти** М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар,

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўси ва нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳамда фуқароларнинг манфаатлари ҳисобланади[1].

Бироқ, ушбу фикрларга биз қўшила олмаймиз, сабаби қонун чиқарувчи хизматчининг қайси ташкилотга мансублигини аниқ кўрсатган ва унга кўра, **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисигина ушбу жиноятнинг жабрланувчиси бўлади.**

Шунга кўра, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ва унинг хизматчисининг нормал фаолияти, ўзининг мустақиллиги ва қонунийликка амал қилишига оид муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи**нинг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг **асосий бевосита объектини ташкил этади.** Қолган ташкилотлар хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳаракати эса, Жиноят кодексининг 214[2]-моддаси билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши жиноятининг бевосита объекти М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, давлат органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўси ва нормал фаолияти ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари саналади[2].

Ушбу фикрларга қўшила олмаймиз, сабаби эса, қонун чиқарувчи юқоридаги моддаларни шарҳлаганимиздек, хизматчининг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тааллуқли бўлиши

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 567-б.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 571-б.

зарурлигини зарурий белги сифатида кўрсатган ва давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан ташқари хизматчиларнинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши Жиноят кодексининг 214^1-моддасида назарда тутилган қилмишлар бўйича жавобгарликка тортилади.

Шунга кўра, ушбу жиноятнинг бевосита объекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонуний фаолияти ва улар хизматчиларининг лавозим мажбуриятларига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Жиноят кодексининг 214^1-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши жиноятининг **асосий бевосита объекти** спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг мажбуриятлари ҳамда спортнинг соғлом рақобат муҳитида ривожланишига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Жиноят кодексининг 214^2-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг **асосий бевосита объекти** спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонуний манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, спортнинг соғлом рақобат муҳитида ривожланишига қаратилган ижтимоий муносабатлар саналади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари объектив томондан турлича усулларда содир этилиши мумкин. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан қуйидагича содир этилади:

1) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки

бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши, —

1) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига шахсан ўзи** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

2) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига шахсан ўзи** орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

3) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига **шахсан ўзи** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

4) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**;

5) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи**

орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши;**

6) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши;**

7) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши;**

8) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

9) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

10) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкий манфаатдор бўлиши.

Ушбу турдаги жиноятларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этганлик учун миллий жиноят қонунчилигимизда алоҳида жавобгарлик мавжуд эмас ва зарурий белги сифатида қонун чиқарувчи инобатга олмаган.

Пора олиш ҳаракатининг такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги оғирлаштирувчи белги саналади.

Жиноят кодексининг 211-моддасида назарда тутилган пора бериш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган** муайян ҳаракатни пора берган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

2) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

3) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган** муайян ҳаракатни пора берган шахснинг **манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

4) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи

мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали моддий қимматликлар бериш**;

5) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали уни мулкий манфаатдор этиш**;

6) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали моддий қимматликлар бериш**;

7) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига **қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита уни мулкий манфаатдор этиш**;

8) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита** уни мулкий манфаатдор этиш;

9) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган**

муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

10) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита уни мулкий манфаатдор этиш**.

Ушбу турдаги жиноятларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этганлик учун миллий жиноят қонунчилигимизда алоҳида жавобгарлик мавжуд эмас ва зарурий белги сифатида қонун чиқарувчи инобатга олмаган.

Пора бериш такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги оғирлаштирувчи белги саналади.

Жиноят кодексининг 211-моддасига асосан, башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади. Бироқ, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига зид, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага номувофиқ саналади.

Жиноят кодексининг 212-моддасида назарда тутилган пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият;

2) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият;

3) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш.

Ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши оғирлаштирувчи белгиси сифатида Жиноят кодексининг 212-моддасида назарда тутилмаган.

Бироқ, пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракати такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда, ҳақ эвазига, жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 212-моддасига асосан, башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Бироқ, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 213-моддасига асосан, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

2) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз **хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

3) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз **хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

4) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз **хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

5) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз **хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши** мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

6) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига

қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

7) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

8) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган шахс **манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

Ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши оғирлаштирувчи белгиси сифатида Жиноят кодексининг 213-моддасида назарда тутилмаган.

Бироқ, ўша ҳаракатлар анча миқдорда, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 213-моддасига асосан, башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Жиноят кодексининг 213-моддасида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгиси ушбу ҳаракат учун шахснинг

маъмурий жазо қўллаб бир йил ичида қайта шундай ҳаракатни содир этганлиги ҳисобланади.

Бироқ, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши** ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган лозим ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз

хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

5) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши** ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

6) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

7) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган лозим ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

8) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

Юқоридаги жиноятнинг зарурий белгиси ушбу қилмиш учун шахснинг олдин маъмурий жазога тортилганлиги ва бир йил ичида ўша ҳаракатни қайта содир этганлиги саналади.

Бироқ, ушбу қилмишни ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланиши ҳақида Жиноят кодексининг 214-моддасида бирон бир қоида назарда тутилмаган.

Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган қилмишнинг анча миқдорда, тамагирлик йўли билан, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб., тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214^1-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

2) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини**

кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

3) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

4) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, ушбу Кодекснинг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

5) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

6) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб,

мулкий манфаатдор бўлиши, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

7) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

8) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда.

Мазкур қилмишнинг зарурий белгиси ушбу қилмишда Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаслиги керак.

Ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши бўйича Жиноят кодексининг 214^1-моддасида зарур қоидалар назарда тутилмаган.

Мазкур қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214^2-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

2) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкий манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

3) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

4) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкий манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

5) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

6) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкий манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

7) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

8) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкий манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда.

Ушбу жиноятнинг зарурий белгиси қилмишнинг Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолатда содир этилиши саналади.

Жиноят кодексининг 214^2-моддасида спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятини ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши назарда тутилмаган.

Ушбу қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214^2-моддасида агар моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган, бироқ бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 213-214-моддаларида назарда тутилган анча миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор, Жиноят кодексининг 210-214^2-моддаларида назарда тутилган кўп миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор, жуда кўп миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор тушунилади.

Яъни, айбдорнинг қилмишидаги пора суммаси юқоридаги қийматга асосланиб аниқланади.

Жиноят кодексининг 210-214^2-моддаларида назарда тутилган қилмишнинг такроран содир этилиши деганда Жиноят кодексининг 32-моддасида назарда тутилган қоидаларга эътибор бериш керак. Жиноят кодексининг 32-моддасига асосан, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида

кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Яъни шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда унинг Жиноят кодексининг 210-214[2]-моддаларида назарда тутилган қилмиш ёки қилмишларни судланганлиги олиб ташланмаган муддат давомида аниқланган жиноятидан олдин содир этган ёки содир этмаганлигини аниқлаш орқали унинг такроран ушбу жиноятни содир этаётганлигини аниқлаш имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармонига асосан, қуйидагиларни назарда тутувчи “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими деб юритилади) жорий этилган:

статистик карточкаларнинг электрон шаклларини тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритиш;

прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмашув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этиш;

жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида инсон омилини истисно этиш.

Шунга кўра, ушбу Фармон билан қуйидаги тартиб белгиланган ва унга кўра:

аниқланган, очилган жиноятлар ёки терговнинг бошқа натижалари, шунингдек, жиноят содир этган шахслар бўйича статистик маълумотлар электрон статистик карточка шакллантириладиган Ягона ахборот тизимига киритилади;

жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари Ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади;

суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи сифатида жалб этилган шахслар бўйича маълумотлар судлар ва суд қарорлари ижросини амалга оширувчи давлат органлари томонидан электрон статистик карточкаларни тўлдириш йўли билан шакллантирилади;

Ягона ахборот тизимида ахборот алмашув мавжуд маълумотларни рухсатсиз кўришга имкон бермайдиган, ҳимояланган алоқа каналлари орқали амалга оширилади[1].

Демак, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья шахснинг айнан содир этган қилмишини олдин ҳам содир этган ёки этмаганлигини ва бу бўйича судланган ёки судланмаганлигини ушбу тизим орқали аниқлаш мумкин.

Жиноят кодексининг 32-моддасига асосан, тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Жиноят кодексининг 213-214[2]-моддаларида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар ва Жиноят кодексининг 210-214[2]-моддаларида

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

назарда тутилган уюшган гуруҳ деганда қилмишни иштирокчиликда содир этилиши тушунилади.

Жиноят кодексининг 27-моддасида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади. Ушбу Кодекснинг 28-29-моддаларига асосан, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади. Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади. Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Шунга кўра, Жиноят кодексининг 213-214[2]-моддаларида назарда тутилган **бир гуруҳ шахслар деганда** икки ёки ундан ортиқ шахснинг **олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида**

иштирок қилиши, Жиноят кодексининг 210-214[2]-моддаларида назарда тутилган **уюшган гуруҳ** деганда **икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш** учун олдиндан **бир гуруҳга бирлашиши** тушунилади.

Жиноят кодексининг 210- ва 214-214[1]-моддаларида назарда тутилган жиноятларни **тамагирлик билан содир этилиши** деганда ушбу Кодексда аниқ қоида мавжуд эмас.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорига асосан, **тамагирлик — мансабдор шахс** томонидан **фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш** ёки **фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш** демакдир. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи тамагирлик тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим[1].

Бироқ, бу юқоридаги қоидалар билан биз қуйидагиларга асосан қўшила олмаймиз.

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг рус тилидаги таҳририда ушбу Кодекснинг 210- ва 214-214[1]-моддаларида назарда тутилган жиноятларни "***таъмагирлик***" билан содир этилиши ҳақида эмас, балки "**товламачилик**" йўли билан содир этилиши назарда тутилган;

иккинчидан, Жиноят кодексининг 165-моддасида **товламачилик**, яъни жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш эканлиги бўйича аниқ қоида мавжуд;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, **Ўзбекистон Республикаси фуқароси** ва **давлат** бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. **Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.**

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, **уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.**

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, **тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.**

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, **мансабдор шахслар**, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар **Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар.**

тўртинчилан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон

Қонунига асосан, **Пленум қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида мавжуд эмас.**

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорининг рус тилидаги таҳририда ғам товламачилик ҳақида сўз юритилган.

олтинчидан, Россия[1], Грузия[2], Қозоғистон[3], Канада[4], Қирғизистон[5], Тожикистон[6], Туркманистон[7] каби давлатларда товламачилик йўли билан порахўрлик жиноятларини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

еттинчидан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг «Пора олиш ва бошқа коррупциявий жиноятларга оид суд амалиёти ҳақида» 2013 йил 9 июлдаги 24-сон қарорига асосан, *пора (Жиноят кодексининг 290-моддаси 5-қисми «б» банди) ёки тижорат параси (204-модда 7-қисми «б» банди) товламачилиги деб фақатгина мансабдор шахс ёки тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахснинг пора бериш ёки тижорат параси кўринишида ноқонуний мукофот беришни талаб қилишини ва бу талаб қонуний манфаатларга зиён етказиши мумкин бўлган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) билан таҳдид қилиш орқали амалга оширилган ҳолатларни эмас, балки шахсни ўзининг ҳуқуқ билан ҳимоя қилинган манфаатларига зиён етказилишининг олдини олиш мақсадида ушбу мукофотларни беришга мажбур этувчи вазиятларни била туриб яратиш ҳолатларини ҳам тушуниш лозим (масалан, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун билан белгиланган муддатларни атайлаб бузиш). Агар пора ёки тижорат параси товламачилиги жараёнида мансабдор шахс ёки бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ҳаракат (ёки*

---

[1]https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/6411e005f539b666d6f360f202cb7b1c23fe27c3/.

[2]Chromeextension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://legislationline.org/sites/default/files/documents/66/GEO_CC_%202021_ru.pdf.

[3]https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#activate_doc=2&pos=407;-102&pos2=5927;-82.

[4] https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-51.html#h-121951.

[5] https://cbd.minjust.gov.kg/3-38/edition/2087/ru.

[6] https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=3686;-20.

[7]https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&doc_id2=31295286#pos=231;-102&pos2=1946;-98.

ҳаракатсизлик) орқали фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий равишда бузса, содир этилган ҳаракат тегишли ҳолатларда Жиноят кодексининг 285, 286 ёки 201-моддалари бўйича қўшимча равишда квалификация қилиниши керак. Жиноят кодексининг 290-моддаси 5-қисми «б» банди ёки 204-моддаси 7-қисми «б» банди бўйича жавобгарлик, шунингдек, товламачилик мансабдор шахс ёки бошқарувчи шахснинг розилиги ёки кўрсатмаси билан, лекин бошқа шахс томонидан, яъни пора ёки тижорат параси бевосита қабул қилувчи бўлмаган шахс томонидан амалга оширилган ҳолатларда ҳам қўлланилади. Бу шахснинг ҳаракатлари, тегишли ҳолларда, Жиноят кодексининг 291.1-моддаси бўйича пора олишда воситачилик ёки 204.1-моддаси бўйича тижорат порасида воситачилик деб квалификация қилиниши керак. Пора ёки тижорат параси жиноятларининг ижтимоий хавфлилигини оширадиган квалификацияловчи белгилар (товламачилик, олдиндан тил бириктириб ёки жиноий гуруҳ таркибида амалга оширилганлик, катта, жуда катта миқдордаги пора олиш ва ҳ.к.) ушбу жиноятларда иштирок этган ҳамжиноятчиларнинг ҳаракатларини юридик баҳолашда, башарти ушбу ҳолатлар уларнинг қасдини қамраб олган бўлса инобатга олиниши лозим.

Жиноят кодексининг 291.1-моддасида назарда тутилган пора воситачилиги ёки 204.1-моддасидаги тижорат параси воситачилиги учун агар қуйидаги икки шарт бажарилса айбдор жавобгарликдан озод этиш мумкин,:

содир этилган жиноят тўғрисида ихтиёрий хабар берилган бўлса;

жиноятни очиш ва (ёки) тергов қилишга фаол кўмак берилган бўлса.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 291 ва 291.2-моддалари (пора бериш), ҳамда 204-модданинг 1-4 қисмлари ва 204.2-моддаси (тижорат параси бериш) бўйича жавобгарликдан озод этиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

жиноятни очиш ва (ёки) олдини олишга фаол кўмак бериш;

жиноят тўғрисида ихтиёрий равишда хабар бериш ёки пора (тижорат параси) товламачилик асосида берилганлигини исботлаш.

Ихтиёрий хабар бериш аризачининг қандай сабабларга кўра мурожаат қилганига қарамай, ҳақиқатан ихтиёрий деб эътироф этилади. Бироқ, шахс ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб ушланган пайтда билдирган маълумотлар ихтиёрий ҳисобланмайди.

Фаол кўмак – бу жиноят иштирокчилари (пора олувчи, пора берувчи, воситачи ва ҳ.к.)ни фош этиш, берилган пул ёки қимматбаҳо ашёларни аниқлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олади.

Жиноятни очиш ва (ёки) тергов қилишга фаол кўмак берган ҳамда улардан пора ёки тижорат параси товламачилик орқали талаб қилинган бўлса, бундай шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас дегани эмас. Шундай шахслар жабрланувчи деб тан олинмайди ва улар пора (ёки тижорат параси) сифатида берилган қимматликларни қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Порани товламачилик таъсири остида беришдан фарқ қилиб, айрим ҳолатларда шахс жуда қаттиқ заруратда ёки руҳий босим остида мансабдор шахсга пул, мулк, ҳуқуқ ёки моддий хизмат кўрсатишга мажбур бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда (Жиноят кодексининг 39-моддаси ва 40-модда 2-қисмига мувофиқ) бошқа чора бўлмаган тақдирда, шахс жавобгарликдан озод этилади ва мансабдор шахс томонидан олинган мулк эгасига қайтарилиши керак.

Агар шахсдан пора ёки тижорат параси талаб қилинган бўлса ва у бу ҳақда пул ёки қимматбаҳо нарсаларни бермасдан аввал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ихтиёрий равишда хабар берган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас деб ҳисобланади. Агар ушбу маблағлар махсус назорат остида, товламачи шахсни қўлга олиш мақсадида берилган бўлса, пуллар ва бошқа қимматликлар қонуний эгасига қайтарилиши лозим[1];

---

[1] Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг «Пора олиш ва бошқа коррупциявий жиноятларга оид суд амалиёти ҳақида» 2013 йил 9 июлдаги 24-сон қарори // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_149092/.

саккизинчидан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, тамагирлик бировдан бир нарса кутиш ва шунинг илинжида бўлиш ёки шу мақсаддаги хатти-ҳаракат тушунилади[1], товламачилик эса, алдаш, лақиллатиш, қўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш саналади[2].

Юқоридагиларга кўра айтадиган бўлсак, товламачилик ва тамагирчилик ўзаро фарқ қилган ҳолда, рус тилидаги таржима билан ўзбек тилидаги таржима ўртасида жиддий фарқ бор, товламачилик рус тилида «**вымогательство**», тамагарлик «**корыстолюбие**» деб таржима қилинади, қолаверса, Пленум қарорини инсоннинг тақдирини ҳал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, шунингдек, хорижий тажрибада ҳам тамагирлик билан боғлиқ қоидалар назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасининг иккинчи қисми “в”-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«**в) товламачилик йўли билан;**».

Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 210-214[2]-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши назарда тутилмаган бўлса-да, ҳозирча Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, у жиноятни содир этиш усули ва воситаси объектив томоннинг факультатив белгилари ҳисобланса-да, аслида Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида бу жиноятларнинг ахборот-коммуникация технологиялари фойдаланиб содир этилишида бу технологиялар қилмишнинг конструктив (асосий) белгисига айланади. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда пора бериш ва олишнинг моддий ифодаси анъанавий “қўлдан-қўлга” узатишдан тубдан фарқ қилади. Бунда ахборот-коммуникация технологиялари бир вақтнинг ўзида ҳам жиноят содир этиш воситаси (смартфон, компьютер, телекоммуникация ёки интернет тармоғи ва хк.), ҳам жиноят содир этиш усули (электрон транзакцияларни амалга ошириш, масофавий алоқа каналларидан

---

[1] https://izoh.uz/uz/word/tamagirlik.

[2] chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://tiu-edu.uz/media/books/2024/06/05/4-tom.pdf.

фойдаланиш, криптоўтказмалар ва хк.) сифатида намоён бўлади. Рақамли платформалар (электрон ҳамёнлар, P2P платформалари, криптобиржалар ва хк.) орқали поранинг узатилиши порахўрликнинг объектив томонини масофавий, чегара билмас ва латентлик даражаси ўта юқори бўлган қилмишга айлантиради. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда поранинг моддий ифодаси жисмоний ашё эмас, балки электрон ёзувлар, рақамли кодлар ва дастурий алгоритмлар (смарт-контрактлар) ва бошқа рақамли далиллар (излар) кўринишида шаклланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, порахўрлик (пора олиш ва бериш) жиноятлари пора олувчи поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини қабул қилган пайтдан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади. Бироқ, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида жиноятнинг тамом бўлиш пайтини белгилаш ўзига хос мураккабликларга эга. Хусусан, бу борада қуйидаги савол бўлиши мумкин:

Электрон тўловлар ва криптоактивлар орқали пора берилганда жиноят қачон тамомланган ҳисобланади?

Транзакция тасдиқланган пайтдами ёки маблағ нақдлаштирилгандами?

Бизнинг илмий хулосамизга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган порахўрлик жинояти пора берувчи томонидан электрон пул ёки криптоактивларни ўтказиш (send) тугмаси босилган вақтда эмас, балки ушбу рақамли маблағлар пора олувчининг ёки унинг розилиги билан воситачининг ёхуд учинчи шахснинг электрон ҳамёнига ёки крипто-ҳамёнига (wallet) келиб тушган ва мансабдор шахс ушбу маблағларни тасарруф этишнинг реал имкониятига эга бўлган, масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган пайтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Айбдор ушбу электрон маблағларни нақдлаштирган ёки нақдлаштирмаганлиги жиноятнинг квалификациясига ва тамом бўлиш пайтига таъсир қилмайди. Агар маблағлар пора олувчининг электрон манзилига юборилган, лекин техник хатолик ёки тизим блокировкаси сабабли етиб бормаган бўлса, қилмиш пора беришга суиқасд, мисол учун ЖК 25-, 211-моддалари ва хк. сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларини ахборот тизими ёки технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган киберфирибгарлик ва электрон тўлов воситалари билан боғлиқ бошқа жиноятлардан тўғри фарқлаш суд-тергов амалиётида муҳим аҳамият касб этади.

Уларнинг асосий фарқловчи белгилари қуйидагича намоён бўлади:

1) объектив борлиқ ва имконият: киберфирибгарликда айбдор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жабрланувчининг пулларини (электрон маблағларини) алдаш ёки ишончга кириш йўли билан қўлга киритади, лекин унда ваъда қилинган хизматни бажариш учун ҳеч қандай реал мансаб ваколати ёки имконият бўлмайди. Порахўрликда эса, мансабдор шахс ўзининг реал хизмат ваколатларидан ёки мансаб мавқеидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

2) қасднинг йўналтирилганлиги: агар шахс интернет орқали ўзини мансабдор шахс сифатида таништириб ёки сохта профил яратиб, ўзганинг электрон маблағларини ўзлаштирса ва ҳеч қандай ҳаракатни бажаришни ният қилмаган бўлса, бу порахўрлик эмас, балки киберфирибгарликдир;

3) электрон тўлов тизимларига ноқонуний киришдан фарқи: Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (ЖК 278-2-моддаси) ёки киберўғрилик (ЖК 169-моддаси) жиноятларида электрон тўлов тизимига жабрланувчининг эркидан ташқари, ноқонуний бузиб кирилади (хакерлик). Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрликда эса транзакция, гарчи қонунга хилоф ва жиноий мақсадда бўлса-да пора берувчи томонидан ўз эрки билан, ихтиёрий равишда амалга оширилади. Иккала тараф ҳам рақамли маблағларни узатиш ва қабул қилишни англаган ҳолда бошқаради.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари объектив белгиларининг жиноий-ҳуқуқий таҳлили бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ЖК моддаларини шунчаки ўзгартириш эмас, балки “Киберкоррупциянинг жиноий-ҳуқуқий модели”ни яратиб, у асосида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб

содир этиладиган порахўрлик жиноятларида ахборот-коммуникация технологиялари бу фақат жиноят содир этиш усули деган эски доктринадан воз кечиб, янги концепцияда бу технология нафақат усул, балки жиноятнинг кибермуҳит, шу жумладан, кибермакони эканлигини инобатга олишимиз зарур. Бу муҳит, шу жумладан, маконда жиноятнинг объекти, предмети ва вақти трансформацияга учрайди. Биз томонимиздан илгари сурилаётган концепцияга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари билан содир этилаётган порахўрлик бу анъанавий коррупциянинг давоми эмас, балки "гибрид жиноят" бўлиб, унда жиноий тажовузнинг классик элементлари виртуаллашиб, рақамли ҳолатга келади. Бунда "субъект-объект" муносабатлари ўрнини "субъект-тизим-объект" занжири эгаллайди. Шу сабабли, жавобгарликни белгилашда фақат шахснинг ҳаракатига эмас, балки унинг рақамли тизимга таъсир ўтказиш даражасига қараб баҳо бериш доктринал янгилик ҳисобланади. Шу билан бирга, пора предметини "рақамли актив ва виртуал имтиёзлар" сифатида квалификация қилиш ва пора бу фақат мулк эмас, балки шахсга рақамли муҳитда устунлик берадиган ҳар қандай ахборот коди ёки алгоритмик имконият саналади, эски ёндашувга кўра, пул картага тушган вақтдан бошлаб порахўрлик жиноятлари тамом бўлган саналади, янги концепцияга кўра эса, ахборот-коммуникация технологиялари орқали порахўрликда жиноятнинг тамом бўлиш вақтини "маълумотга эгалик қилиш ва уни бошқариш имконияти пайдо бўлган вақт" (Doctrine of Digital Control) деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

ZUFAROVA SHAKHNOZA
Law enforcement Academy of the
Republic of Uzbekistan

ONLINE TRADE IN COUNTERFEIT GOODS AND CHALLENGES FOR LAW ENFORCEMENT.

Abstract*: This article examines the online trade in counterfeit goods as one of the most complex forms of intellectual property infringement in the digital environment. The study analyses how developments in e-commerce, social networks, messaging services and livestream sales have changed the channels through which counterfeit goods are distributed, as well as a nature of the law enforcement response. It argues for stronger interagency cooperation, proper preservation of digital evidence, the use of OSINT (open-source intelligence) tools and the specialization of officers dealing with intellectual property infringements in the online environment.*

Keywords: *counterfeit goods, intellectual property, online trade, e-commerce, digital evidence, law enforcement authorities, OSINT, online marketplaces.*

At present, counterfeit goods represent a significant threat to lawful economic circulation. For right holders, the spread of counterfeits involves the unauthorized use of business reputation and protected intellectual property assets. For consumers, it creates the risk of purchasing goods whose origin, quality and safety cannot be verified. For the state, the problem is reflected in reduced transparency of the flow of goods, weaker market oversight and the possible development of stable illegal schemes. In this regard, combating counterfeiting is important for ensuring fair competition, consumer safety and the stability of the legal order in the economic sphere.

The modern trade in counterfeit goods is gradually moving beyond the traditional model, in which fake goods are detected at markets, retail outlets, warehouses or during customs control. In the context of e-commerce, the infringement is increasingly shaped around the digital distribution and sale of the goods themselves.

The scale of the problem is confirmed by the OECD/EUIPO 2025 report, according to which global trade in counterfeit goods was valued at approximately USD 467 billion in 2021, accounting for 2.3 per cent of

total global imports[1]. From an industry perspective, a brand protection specialist, also points that online counterfeiting is increasingly concentrated in social media and e-commerce channels, and that artificial intelligence facilitates the creation of clone websites and domains, product images, listing texts, fake reviews and advertising materials that imitate legitimate sellers[2].

Before analyzing the problem of online counterfeiting, it is necessary to clarify how the concept of counterfeit goods is understood in international and national legal frameworks. This is important because the term is not defined uniformly across legal instruments. In the Agreement on trade-related aspects of Intellectual property rights (TRIPS Agreement), the notion is framed primarily through trademark protection: “counterfeit trademark goods” are goods, including packaging, that bear without authorization a trademark identical to a validly registered trademark, or a mark that cannot be distinguished from it in its essential aspects, where such use infringes the rights of the trademark owner under the law of the country of importation.[3] This approach should be distinguished from pirated copyright goods, which TRIPS treats as a separate category.

The legislation of the Republic of Uzbekistan follows a similar trademark-based approach. Goods, labels and packaging are considered counterfeit where a trademark, or a sign confusingly similar to it, is used unlawfully[4].

Therefore, for the purpose of this study, counterfeit goods are understood primarily as goods placed into circulation through the unlawful use of trademarks or confusingly similar signs, while other forms of intellectual property infringement require separate legal qualification.

---

[1] OECD/EUIPO (2025), *Mapping Global Trade in Fakes 2025: Global Trends and Enforcement Challenges*, Illicit Trade, OECD Publishing, Paris, https://doi.org/10.1787/94d3b29f-en.

[2] Timmi K. Rysgaard. Blog. Using AI To Tackle the Rising Threat of Counterfeiting and Brand Abuse in E-Commerce, May,7. 2026.

[3] TRIPS: Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights, Apr. 15, 1994, Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization, Annex 1C, 1869 U.N.T.S. 299, 33 I.L.M. 1197 (1994)

[4] Law of the Republic of Uzbekistan № 267-II “On trademarks, service marks and appellations of origin of goods”. August,8. 2001.

More broadly, the term may cover goods that unlawfully use protected intellectual property, such as trademarks, packaging elements, designs and brand names, and, in certain cases, copyright or related rights. The main characteristic of such products is that they give the consumer the impression of authenticity or unlawfully exploit the right holder's business reputation.

The online trade in counterfeit goods should be understood as chain of conduct. It may begin with the posting of a listing and continue through promotion on social media, use of an online marketplace or a clone website, communication with the buyer, receipt of payment and delivery of the goods. At the final stage, digital traces may be deleted. For this reason, law enforcement analysis should focus not only on the counterfeit item itself, but also on the digital infrastructure through which it is offered, promoted and sold.

An economic and institutional understanding of counterfeit trade was developed in earlier academic research[1]. Counterfeiting is examined through consumer demand, the methods used by counterfeiters, the response of governments, and the role of international organizations. This approach shows that counterfeiting develops within a wider environment shaped by demand, enforcement capacity and institutional coordination.

Existing research on online counterfeiting detection supports a semi-automated model in which digital tools help identify suspicious offers and an expert then carries out the final assessment. This distinction is important for law enforcement practice. An algorithm may indicate a possible risk, but the legal qualification of the infringement must remain within the competence of the authorized body[2].

For law enforcement practice, digital tools are therefore most useful at the initial stage of detecting possible signs of online counterfeiting. Open-source intelligence (OSINT), meaning the collection and analysis of information from publicly available sources may be used to monitor online marketplaces, social media platforms, clone websites, listings, reviews and publicly accessible seller profiles. However, such

---

[1] Peggy E. Chaudhry, Alan Zimmerman. The Economics of Counterfeit Trade: Governments, Consumers, Pirates and Intellectual Property Rights. Springer, 2009.

[2] Christian Wartner, Patrick Arnold and Erhard Rahm. 2015. Semi-Automatic Identification of Counterfeit Offers in Online Shopping Platforms Journal of Internet Commerce. DOI:10.1080/15332861.2015.1121459.

information cannot replace the legal qualification of the infringement. It must be properly recorded, with the source, date, time, link, screenshots and account details preserved, and then verified by the competent authority.

A study of major Chinese short-video and e-commerce platforms shows that livestream sales may use techniques that influence the buyer's decision during the broadcast [1]. For counterfeit goods, this format is especially risky.

This risk is illustrated by the operation carried out in May 2026 by the Police Intellectual Property Crime Unit of the City of London Police. The unit identified the use of TikTok Shop accounts and influencers to promote counterfeit goods to thousands of viewers. These accounts livestreamed from warehouse premises, displayed large quantities of goods and claimed that the goods were genuine. During a search in Rotherham, officers found a person livestreaming the sale of counterfeit goods. The livestream was stopped, and 26,849 counterfeit items were seized from the warehouse[2].

The significance of this case shows a change in the structure of the infringement itself. The warehouse was linked to an account, livestream sales, influencers, a large audience of buyers and a commission-based scheme. In other words, the law enforcement response was directed not only at the physical goods, but also at the digital mechanism through which they were promoted and sold.

For Uzbekistan, this case is particularly relevant because it demonstrates the need for specialization and for a pre-established operational procedure. Such a procedure should determine who records the livestream, who identifies the account, who obtains data from the platform, who conducts the seizure, who orders the expert examination and who makes the procedural decision.

A broader policy concern is also reflected in the 2024 USTR Review of Notorious Markets, where digital platforms and social-commerce

---

[1] Qunfang Wu, Yisi Sang, Dakuo Wang, and Zhicong Lu. 2023. Malicious Selling Strategies in Livestream E-commerce: A Case Study of Alibaba's Taobao and ByteDance's TikTok. ACM Trans. Comput.-Hum. Interact. 30, 3, Article 35 (June 2023), 29 pages. https://doi.org/10.1145/3577199.

[2] The Police Intellectual Property Crime Unit (PIPCU). Six arrested as TikTok shop influencers targeted in counterfeit goods crackdown. Press releases. Published 08/05/2026.

markets are discussed as environments that may facilitate the circulation of counterfeit goods. For the purposes of this article, the importance of this review lies not in the naming of particular platforms, but in the recognition that online counterfeiting increasingly depends on platform ecosystems, fast account creation and the movement of sellers across digital channels. From a law enforcement perspective, two key problems can be identified [1].

First, there is the problem of identifying the person behind the infringement. An online seller may use a false name, a temporary account, another person's phone number, an electronic wallet, a delivery intermediary or a foreign platform. Without access to data held by the platform, payment provider and delivery service, it is difficult to identify the actual organizer of the scheme. For this reason, effective action against online counterfeiting requires a formal procedure for obtaining, preserving and transmitting digital information.

Second, there is the need to preserve evidence in a timely manner. Online listings, livestream recordings, comments, messages, order details and payment information may be deleted before the competent authority is able to carry out an initial review. If there is no clear procedure for preserving digital traces, the case may lose its evidentiary value even before the goods are submitted for expert examination. For this reason, digital evidence must be recorded at the earliest possible stage, before the online trace disappears.

For the Republic of Uzbekistan, the online trade in counterfeit goods should be treated as a separate area for improving law enforcement activity in the field of intellectual property protection.

Taking into account the current distribution of institutional competences, the following measures are proposed:

- The Ministry of Justice, in particular the unit responsible for intellectual property, should be designated as the primary specialized body for identifying the online trade in counterfeit goods. This is justified by the fact that this body has specific competence in the legal protection of intellectual property objects, the consideration of right holders'

[1] Office of the United Stats Trade Representative. Executive office of the President. USTR 2024 Review of Notorious Markets for Counterfeiting and Piracy. https://ustr.gov/.

complaints, the assessment of possible infringements and the preparation of relevant legal opinions.

- Investigative units of the Ministry of Internal Affairs and the prosecution authorities should become involved once the materials indicate signs of an administrative offence or a criminal offence. At that stage, their role should include conducting a pre-investigation check, identifying the persons involved, seizing the goods, ordering expert examinations and making the relevant procedural decision.

9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга

етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашишга, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича[1].

Кўриниб турибдики, терговга қадар текширув ҳаракатлари, бизнинг фикримизча, жиноятларнинг тегишлилигига мувофиқ равишда, яъни қайси тергов органига жиноят ишини тергов қилиш ваколати берилган бўлса, айнан шу орган томонидан амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга ошириш ваколатига эга бўлган 14 та орган қаторида прокуратура органлари назарда тутилмаганини кузатиш мумкин. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, айниқса ҳаётга қарши жиноятлар[2] содир этилган ҳолатларда, терговга қадар текширув ҳаракатлари амалда прокуратура органлари ходимлари томонидан бажарилмоқда.

Жиноят процесси нуқтаи назаридан, прокуратура органлари қонун билан асосан назорат функциясини амалга оширувчи орган сифатида белгиланган бўлиб, уларга берилган ваколат ва вазифаларнинг ўзига хослиги шундаки, мазкур функциялар бошқа давлат органларига берилмаган.

---

[1] https://lex.uz/docs/111460#3347244

[2] https://www.lex.uz/acts/111453

Россиялик олим А.В. Смирнов терговга қадар текширувни “процессуал кафолатлар чекланган ҳудуд”[1] деб атаб, бу босқичда давлат манфаати шахс ҳуқуқларидан устун қўйилаётганини таъкидлайди. Унинг фикрича, агар мазкур босқичда кучли назорат механизми мавжуд бўлмаса, у ҳуқуқбузарликлар учун қулай майдонга айланади.

Бунга қарши равишда Н.П. Яблоков терговга қадар текширувни ортиқча формаллаштириш жиноятга қарши кураш самарадорлигини пасайтиради[2], деб ҳисоблайди. Аммо ушбу позицияни танқид қилиш ўринли: самарадорликни баҳона қилиб, инсон ҳуқуқларини иккинчи даражага суриш ҳуқуқий давлат тамойилларига мутлақо зид.

Олимларнинг фикри шуни кўрсатябтики терговга қадар текшириш харакати, ёки дастабки тергов жараёни бўладими назорат керак. Бироқ прокуратура органларига тергов қилиш функцияси берилган экан, у хам ижро ва наоратчи бўлим қолмоқда.

М.С.Строговичнинг таъкидлашича, прокурорнинг асосий вазифаси — қонунийлик устидан назорат қилиш бўлиб, унинг тергов фаолиятига бевосита аралашуви мазкур назоратнинг холислигини йўққа чиқаради[3]. Олимнинг фикрича, “назорат қилувчи орган айни пайтда терговчи бўлса, у ўз фаолияти устидан ўзи назорат қилган бўлади”.

Шу нуқтаи назарни **И.Л.Петрухин** ҳам қўллаб-қувватлаб, прокуратура тергов қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш функцияси иккинчи даражага тушиб қолишини таъкидлайди[4]. Унинг фикрича, прокурор фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида қолиши учун у терговдан четда бўлиши лозим.

Бизнинг фикримизча хам юқоридаги икки олим фикри билан тўғри келмоқда. Агарда прокуратура тергов функция юклан экан ҳолисоналик ёқолади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув босқичи жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп дахл этиладиган босқич ҳисобланади ва айнан шу босқичда прокурорлик

---

[1] Досудебное производство в уголовном процессе. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2005.
[2] Криминалистика и уголовный процесс. – М.: Юрист, 2005.
[3] Курс советского уголовного процесса. – М.: Госюриздат, 1968.
[4] Прокурорский надзор в уголовном процессе. – М.: Юридическая литература, 1987.

назоратининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Прокурор мазкур жараёнда тергов органлари фаолияти устидан мустақил, холис ва принципиал назоратни амалга оширувчи субъект сифатида намоён бўлиши лозим. Бироқ прокуратурага тергов қилиш функциясини юклаш унинг назорат ваколатларини заифлаштиради, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради ҳамда қонунийликни таъминлашдаги асосий вазифасини иккинчи даражага суриб қўяди. Шу боис, ҳуқуқий давлат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура тергов субъекти эмас, балки терговга қадар текширув босқичида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминловчи асосий назорат институти сифатида фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

АНОРБОЕВ АМИРИДДИН УЛУҒБЕК ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими, ю.ф.д.

ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИ КИБЕРАЛОГИЯ МЕТОДИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

Аннотация: *Мақолада илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашнинг анъанавий усуллари танқидий таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан янги – "Кибералогия" методи таклиф этилган. Ушбу методнинг моҳияти таҳлилий маълумотларни инсон ва сунъий интеллект учун тушунарли бўлган алгоритмик форматга ўтказиш, ҳужжатларни мета-маълумотлар, тизимли диагностика ва тайёр қонунчилик ечимлари асосида шакллантиришдан иборат. Методологиянинг амалий ифодаси сифатида инфлюенсерлар фаолиятини рақамли маркировкалаш ("Asl belgisi"), токенлаш ва смарт-контрактлар орқали солиққа тортиш бўйича инновацион ечим баён этилган. Мазкур метод давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигида бюрократияни камайтириш ҳамда жараёнларни рақамли форматга мослаштиришга хизмат қилади.*

Аннотация: *В статье проводится критический анализ традиционных методов подготовки научно-исследовательских и информационно-аналитических материалов, и предлагается авторский новый метод — «Кибералогия». Суть данного метода заключается в переводе аналитических данных в алгоритмический формат, понятный как человеку, так и искусственному интеллекту, а также в формировании документов на основе метаданных, системной диагностики и готовых законодательных решений. В качестве практического воплощения методологии описано инновационное решение по налогообложению деятельности инфлюенсеров через цифровую маркировку («Asl belgisi»), токенизацию и смарт-контракты. Данный метод направлен на сокращение бюрократии в государственном управлении и законотворчестве, а также на адаптацию процессов к цифровому формату.*

Annotation: *The article provides a critical analysis of traditional methods for preparing research and information-analytical materials and introduces a new method proposed by the author "Cyberology". The essence of this method is to transform analytical data into an algorithmic format understandable by both humans and artificial intelligence, structuring documents based on meta-data, systematic diagnostics, and ready-to-implement legislative solutions. As a practical*

application of the methodology, an innovative solution for taxing influencers through digital marking ("Asl belgisi"), tokenization, and smart contracts is presented. This method aims to reduce bureaucracy in public administration and lawmaking while adapting decision-making processes to a digital environment.

***Калит сўзлар**: кибералогия, таҳлилий материал, алгоритмик формат, мета-маълумотлар, рақамли маркировка, инфлюенсер, солиққа тортиш, смарт-контракт, токенлаш, қонунчилик лойиҳаси.*

***Ключевые слова**: кибералогия, аналитический материал, алгоритмический формат, метаданные, цифровая маркировка, инфлюенсер, налогообложение, смарт-контракт, токенизация, законопроект.*

***Keywords**: cyberology, analytical material, algorithmic format, meta-data, digital marking, influencer, taxation, smart contract, tokenization, legislative draft.*

Бугунги кунда давлатнинг тартибга солиш функцияси турли метод ва шакллардан фойдаланиш йўли билан зарур ислоҳотларни амалга оширмоқда. Шундай усуллардан бири **ахборот-таҳлилий материал орқали тегишли қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш услуби** бўлиб, ҳозирда деярли барча давлат илмий-тадқиқот ташкилотлари ўз тадқиқотлари натижаларини Ҳукумат, тегишли давлат органлари ва бошқа тузилмаларга юбориш орқали намойиш этишмоқда.

Шу билан бирга, ахборот-таҳлилий материалларни қай тариқа ишлаб чиқиш, уларга қўйилган талаблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2026 йил 12 мартдаги 8-сон баёни билан илмий тадқиқотлар ва таҳлилий материалларни тайёрлаш юзасидан **илмий қўлланма** тасдиқланди.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПФ–201-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан фаолияти ташкиллаштириладиган 10 та таҳлилий марказлар ва илмий-тадқиқот муассасалари[1]нинг ушбу Кенгаш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПФ–201-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан фаолияти

фаолиятига доир тадқиқотлари учун ахборот-таҳлилий материаллар қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Натижада 10 та таҳлилий марказлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг камида ўн хил шаклдаги ахборот-таҳлилий материалларни бир шаклга мослаштириш орқали ягона ҳуқуқий амалиёт вужудга келишининг имконияти яратилди.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш доирасидаги таҳлилий марказлар ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини бирлаштиришга қаратилган муҳим қадамлар қўйилган бўлса-да, амалиётда айрим камчиликлар сақланиб қолмоқда, бу **жараён кенг қамровли, комплекс** ва **тизимли ёндашувнинг** етарлича шаклланмаганлиги сабабли ислоҳотларнинг кейинги ривожи ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жумладан, **назария ва амалиёт етарлича уйғунлашмаганлиги,** тадқиқотчи ва ижрочининг ўзаро билим ва бир-бирини тушуниш доираси фарқлаши оқибатида илғор ғоялар стратегик ҳужжатларда тўлиқ очилмаслиги, қабул қилинаётган қонунчиликда коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, материаллар якунида кўпинча навбатдаги ишчи гуруҳларни тузиш таклиф этилади, бироқ реал муаммони ҳал қилувчи **аниқ, мавжуд ёки бўлажак муаммони ҳал қилишга йўналтирилган, аниқ ғояга ва маълумотларга асосланган қонунчилик ҳужжати лойиҳаси, яъни тайёр маҳсулот** илова қилинмайди. Шу билан бирга, тадқиқотчилар томонидан IMRAD, Кейс-стади ёки ҳеч қандай тузилмага эга бўлмаган Narrative каби турли хил усулларнинг тарқоқ ҳолда қўлланилиши **методологик парокандаликни** келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш ва олиб борилаётган ислоҳотларни рақамли форматга туширишнинг энг самарали йўли бу – **Кибералогия методини** ягона стандарт сифатида жорий этишдир. Ҳозирда ахборот-коммуникация технологиялари барча

ташкиллаштириладиган таҳлилий марказлар ва илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

соҳаларга кириб борган ва сунъий интеллект аниқ алгоритмлар асосида ишлаётган бир даврда, таҳлилий материаллар ҳам нафақат инсон, балки технологиялар автоматик тарзда тушунадиган алгоритмик форматда ёзилиши шарт.

Кибералогия фани кибермуҳит ва у билан боғлиқ муносабатларни ягона фундаментал соябон остида бирлаштиради. Унинг олтин қоидасига кўра, қилинаётган ҳар қандай ислоҳот ёки таклиф энг тез, технологик жиҳатдан бенуқсон, алгоритмик кетма-кетликда баён этилиши ва ўқувчи хотирасида муҳрланадиган даражада содда, аниқ ва лўнда бўлиши талаб этилади.

Анъанавий усул билан кибералогия усулининг фарқини аниқ ҳуқуқий-амалий ҳолатда яққол кўриш мумкин. Масалан, ваколатли орган томонидан Жиноят кодексида назарда тутилган ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятлар таҳлил қилинганда, анъанавий усулда ўнлаб саҳифалик мавҳум матн, умумий интернет тарихи ва статистика келтирилиб, якунида шунчаки комиссия тузиш ёки назоратни кучайтириш таклиф қилинади.

Кибералогия усулида эса бу жараён ўта концентратлашган шаклда амалга оширилади, ахборот-таҳлилий материалларда қуйидагилар кўрсатилади:

мавжуд ҳолат ва муаммо;

алгоритмик миллий ва хорижий **таҳлиллар ва уларнинг натижаси**;

аниқ ечим сифатида Жиноят кодексининг тегишли моддасига айнан қандай сўз ёки норма қўшилиши бўйича тайёр қонун лойиҳаси илова қилинади. Бундай ёндашув, айниқса, илмий-тадқиқот институтлари, тузилмалари ва хатто уларнинг ҳузуридаги ёш олимлар кенгашлари ва таҳлилий гуруҳлар фаолиятида кенг қўлланилса, қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш ваколатига эга бўлган субъектга ҳар томонлама пишиқ, маромига етган, тайёр, ҳам ҳуқуқий, ҳам технологик жиҳатдан асосланган ечимлар етиб бориши кафолатланар эди.

Кибералогия методига кўра, ҳар қандай ахборот-таҳлилий материал, мақола ёки тезис қатъий алгоритмик таркибий қисмлардан иборат бўлиши шарт. Ҳужжатнинг **кириш** қисмида унинг қайси ҳужжат ёки топшириққа асосан ишлаб чиқилаётганлиги, тадқиқот

мақсади, иштирокчилар ва давр кўрсатилиб, гўёки ҳужжатнинг **мета-маълумотлари** шакллантирилади. Бу орқали қарор қабул қилувчи субъект мақсадни сониялар ичида англайди. Сўнгра **Асосий қисмда** муаммони тизимли диагностика қилиш мақсадида қонунчиликдаги мавжуд ҳолат, муаммонинг реал симптомлари ва сабаблари, олимларнинг назарий таклифлари, хорижий тажриба ҳамда мавжуд миллий ресурслар ўзаро таққосланиб, таҳлил қилинади ва маълумотларга асосланган аниқ ғоя шакллантирилади. **Хулоса** қисмида эса ҳужжат тўғридан-тўғри ижрога йўналтирилади. Бунда муаммони ҳал қилиш учун камхарж ва юқори самарали **аниқ таклиф** – албатта тегишли қонун ҳужжати лойиҳаси матни билан бирга, уни **амалга ошириш механизми** – вазифалар тақсимоти, муддатлар, масъул ижрочилар ва таклиф натижасида **эришиладиган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар** аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилади. Бунда, хулосанинг аниқ таклиф қисмида тегишли қонунчилик ҳужжати жуда мураккаб, кўп вақт талаб этиладиган ёки янги муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қамровли ҳужжат бўлса, тўлиқ матн ўрнига унинг таркибий қисмлари билан бирга лойиҳанинг модели тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-таҳлилий материалларни, мақола ва тезисларни **кибералогия методи** асосида тайёрлаш ва буни миллий ягона стандарт сифатида жорий этиш – вақт ва ресурсларни тежашга, ортиқча бюрократия ва қоғозбозликни йўқотишга хизмат қилади. Ушбу метод нафақат реал инновацион ислоҳотларни тезлаштиради, балки яқин келажакда давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлиги тизимини **сунъий интеллект ва рақамли технологиялар орқали узлуксиз таҳлил қилиб боришнинг мустаҳкам фундаментал базасини яратади.**

Энди ушбу таклифнинг амалий ифодаси сифатида бир масалани ечимини берсак. Маълумки, давлат, нодавлат ва хусусий секторда ишлаётган барча фуқаролар ўзларининг даромадидан солиқ тўлашади, лекин реклама фаолиятини юритаётган блогерлар афсуски ҳали ҳануз солиқ тўлашмайди. Тўғри, бундан тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилиш орқали масалани ечаётган ҳолатлар мавжуд. Бироқ, бу йўл ҳам солиқдан қочиш саналади. Сабаби, бир реклама пости, туриш вақти, аудиторияси ва х.к. қанча эканлигини барча билади. Блогерлар солиқ тўламасдан, зўрға кун

кечираётган фуқаролар эса солиқ тўлашиб, уларнинг солиқлари натижасида вужудга келаётган инфратузилмадан блогер ёки инфлюенсерлар ҳам фойдаланаётганлиги, ўзаро оқилоналик, адолатлилик, тенглик принциплари бузилаётганлиги бу борада чуқур тадқиқот ўтказишни тақозо этмоқда.

Бу масала бўйича кўплаб ташкилотлар тадқиқот ўтказишган, ўзларининг таклифларини беришган. Биз юқоридагилардан келиб чиқиб, умуман бошқа таклиф бермоқчимиз.

Тадқиқотнинг номи: “Инфлюенсерларни солиққа тортиш ва фаолиятини тартибга солиш: муаммолар ва ечимлар”.

Кириш қисми:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг 2026 йилги илмий ва амалий тадқиқотлар режасининг 12-бандига асосан иловага мувофиқ 10 та манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ижрочилари, 5 та нодавлат-нотижорат ташкилотлар, 8 та оммавий ахборот воситалари, 3500 га яқин ахборотлаштириш субъектлари билан ҳамкорликда ва 2026 йил 12 март куни ўтказилган “ақлий ҳужум” шаклидаги тадбир орқали муҳокама жараёнида 21 та вазирлик ва идоралар масъуллари, 13 та оммавий-ахборот воситалари, 54 нафар обуначилари сони 10 мингдан ортиқ бўлган машҳур фойдаланувчи-блогерлар иштирокида 2026 йил январь-апрель ойларида телекоммуникация ва Интернет тармоғидан фойдаланиб, реклама фаолиятидан фойда кўраётган ахборотлаштириш субъектларини солиққа тортиш масаласи ўрганиб чиқилди.”

Асосий қисм:

1) мавжуд ҳолат ва муаммо:

“Бугунги кунда инфлюенсерлар бозор иқтисодиётига ва истеъмол маданиятига кучли таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг реклама ва тавсиялари нафақат талабни бошқармоқда, балки бозордаги нарх-наво шаклланишига, истеъмолчиларнинг сифатли ва зарур товарни танлашига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот учун: *статистик маълумотларга кўра, харидорларнинг тахминан* ***60-70 фоизи анъанавий рекламадан кўра инфлюенсерларнинг тавсияларига кўпроқ ишонади****. Шу сабабли ушбу фаолият турининг дунё бозоридаги улуши 2024 йилда 24 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, 2025*

йилда 35 миллиард долларни ташкил қилган. Инфлюенсерлар даромадининг асосий қисми ҳамон ***Instagram*** *(тахминан 30% улуш) платформаси ва тез ўсиб бораётган* ***TikTok*** *платформаси ҳиссасига тўғри келмоқда.*

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва реклама бозорининг интернет сегментига трансформациялашуви инфлюенсерлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ушбу зарурият қуйидаги омиллар билан асосланади:

Биринчидан, миллий қонунчиликда "инфлюенсер" тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми ҳамда мажбуриятлари доираси назарда тутилмаганлиги "ҳуқуқий бўшлиқ"ни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, юқори даромад кўраётган шахсларнинг солиққа тортилмаслигига, натижада виждонли солиқ тўловчилар ўртасида ижтимоий адолат тамойилининг бузилишига ҳамда кенг жамоатчиликда "меҳнатсиз ва осон пул топиш"га қаратилган бузғунчи (деструктив) қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда;

Иккинчидан, инфлюенсерлар томонидан тарғиб қилинаётган товар ва хизматларнинг аксарият ҳолларда амалдаги қонунчилик талабларига мос келмаслиги, истеъмолчиларнинг моддий ва маънавий манфаатларига зарар етказиши "соғлом рақобат" муҳитига салбий таъсир кўрсатяпти. Бу эса ишлаб чиқарувчи, реклама тарқатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда тизимли низоларнинг ортишига олиб келмоқда;

Учинчидан, реклама жараёни иштирокчилари (реклама берувчи, ижрочи ва инфлюенсер) ўртасида жавобгарлик чегараларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмаганлиги, ҳуқуқи бузилган фуқароларнинг манфаатларини тиклашда қийинчиликларни туғдирмоқда. Натижада, ваколатли давлат органларининг назорат функциялари самарадорлиги юзасидан аҳоли ўртасида асосли эътирозлар шаклланиши кузатилмоқда";

2) алгоритмик миллий ва хорижий таҳлиллар ва уларнинг натижаси:

"Мазкур фаолиятни тартибга солишнинг энг самарали йўли солиққа тортиш бўлса-да, Ўзбекистонда бу бўйича мукаммал солиқ

механизми шаклланмаган ва яширин иқтисодиёт сақланиб қолмоқда.

Бу борада баъзи нотўғри ёндашувлар мавжуд. Масалан, собиқ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги инфлюенсерга “10 мингдан ортиқ обуначига эга бўлган блогер” деб таъриф беришни таклиф қилган эди. Баъзи мутахассислар солиққа тортиш базаси сифатида фақат обуначилар ёки кўришлар сонини асос қилиб олишни таклиф қилишмоқда. Бироқ бу мезонлар қуйидагиларга кўра, ўзини оқламайди:

биринчидан, баъзи платформаларда статистикани учинчи шахслардан яшириб қўйиш техник жиҳатдан мумкин;

иккинчидан, айрим бот-тизимлар орқали кўрсаткичлар (кўришлар, обуначилар, ахборотни узатишлар ва хк.)ни сунъий равишда манипуляция қилиб ошириш мумкин;

учинчидан, аудиторияси кам бўлса-да, тижорий конверсияси юқори бўлган ва катта савдоларни амалга ошираётган ресурслар ҳам амалиётда мавжуд.

Шу билан бирга, инфлюенсерларни солиққа тортишда қуйидаги мавжуд ресурс ва ислоҳотларни инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди, жумладан:

инфлюенсерларни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиш кенг жамоатчиликка блогерларнинг таъсири мавжудлиги сабабли салбий муҳокамаларни вужудга келтириб чиқариши мумкин;

инфлюенсерларни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш бу борада олиб борилаётган ислоҳотларга ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига кўра, “блогер”нинг ҳуқуқий мақомига мувофиқ эмас;

инфлюенсерларни солиққа тортишнинг энг самарали йўли “Asl belgisi” тизими орқали товарларни маркировкалаш, солиқ ҳамкор орқали маркировкалаш ва солиқ қонунчилигини бузиш юзасидан кенг жамоатчилик иштирокидан фойдаланиш бўйича тўпланган амалиётдан ва хориж тажрибасидан фойдаланиб, қуйидагиларни йўлга қўйишдир, хусусан:

а) инфлюенсерлар томонидан тармоққа жойлаштирилаётган реклама тусидаги ахборотини телекоммуникация ёки Интернет

тармоғига жойлаштиришдан олдин “Asl belgisi” тизимидан маркировкалаш ёки рақамли токенлаш;

б) солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали орқали реклама берувчи ва тарқатувчи ўртасида тузиладиган шартномаларнинг солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилишини йўлга қўйиш;

в) телекоммуникация ёки Интернет тармоғида ҳар бир реклама тарқатилганида реклама берувчи ва тарқатувчининг ҳар ойлик солиқ ҳисоботини топшириш амалиётини йўлга қўйиш;

г) маркировкаланмаган реклама тусидаги ахборотни телекоммуникация ёки Интернет тармоғида жойлаштириш, реклама шартномасини ҳисобга қўймаганликка оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланиб, кенг жамоатчиликнинг Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали (Soliq-mobile) орқали солиқ ҳамкорлик тизимидан унумли фойдаланиш саналиши аниқланди.

Хорижий давлатларда бу тушунча ва унга алоқадор муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинган. Масалан, бу атама **Францияда** “тижорий таъсир кўрсатувчи шахслар”, **Қозоғистонда** “инфлюенсер”, **Россияда** “реклама тарқатувчи”, **Испанияда** “алоҳида аҳамиятга эга бўлган фойдаланувчилар”, **Германияда** эса “медиа хизмат кўрсатувчилар” сифатида **30 дан ортиқ** давлат қонунчилигида акс этган.

Дунёнинг **40** дан ортиқ давлатида инфлюенсерларни солиққа тортиш учун **интернет-рекламани рақамли маркировкалаш** қатъий йўлга қўйилган.

Маълумот учун: *Австрия, Австралия, АҚШ, Аргентина, Бельгия, Буюк Британия, БАА, Бразилия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Испания, Италия, Индонезия, Ҳиндистон, Канада, Хитой, Қозоғистон, Қатар, Латвия, Литва, Люксембург, Малайзия, Мексика, Нидерландия, Норвегия, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Сингапур, Таиланд, Туркия, Украина, Филиппин, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония* ***интернет-рекламани рақамли қатъий маркировка қилувчи давлатлар*** *саналади.*

Шунингдек, **80 дан ортиқ хорижий давлатларда инфлюенсерларнинг фаолияти лицензияланади ёки рухсатнома асосида йўлга қўйилган** ва улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, **солиқ ҳисоботларини топширади.**

***Маълумот учун**: Австрия, Австралия, АҚШ, Аргентина, Албания, Андорра, Арманистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Бразилия, Буюк Британия, БАА, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Грузия, Дания, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Испания, Италия, Иордания, Қозоғистон, Канада, Кипр, Хитой, Колумбия, Корея Республикаси, Қирғизистон, Кувайт, Қатар, Латвия, Литва, Люксембург, Малайзия, Мальта, Марокаш, Мексика, Молдавия, Нидерландия, Норвегия, Уммон, Покистон, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Сербия, Сингапур, Словакия, Словения, Таиланд, Туркия, Туркманистон, Украина, Филиппин, Финляндия, Франция, Хорватия, Чехия, Чили, Швейцария, Швеция, Эстония, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Жазоир, Баҳрайн, Эквадор, Эфиопия, Гана, Исландия, Кения, Лихтенштейн, Маврикий, Нигерия, Янги Зеландия, Панама, Перу, Сейшел ороллари, Тунис, Уругвайда инфлюенсерларнинг реклама фаолияти лицензияланиши ва улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, солиқ ҳисоботларини топширишлари зарур.*

Шу билан бирга, **Россияда** телекоммуникация ёки Интернет тармоғига рекламага оид ахборотни жойлаштиришдан олдин махсус автоматлаштирилган тизимдан **токенлар** олинади. **Қозоғистонда** тармоқ орқали тарқатилаётган рекламада дастлаб маркировка қилиниши ва кейин махсус белги (тег) орқали тарқатилиши, реклама тарқатувчиларнинг банк транзакциялари мониторинг қилинади. **Белоруссияда** реклама тарқатувчилар олдин мажбурий реестрга кириши ва кейин реклама ахборотини тарқатиши зарур ва уларда ҳам реклама тарқатувчилар билан уларнинг банк транзакциялари ўзаро солиштириш йўли билан солиқ ушлаб қолинади.

Уччала давлатда ҳам рекламага оид талабларни бузганлик учун атрофлича жавобгарлик назарда тутилган.

Шунга кўра, ҳозирда халқаро амалиётда инфлюенсерларни солиққа тортишнинг **4 та асосий модели** вужудга келганлиги аниқланди:

1) “солиқ агенти – платформа” ёки автоматлаштирилган назорат модели. Ушбу модель доирасида асосий солиқ юклама инфлюенсерга эмас, балки тўловни амалга оширувчи рақамли платформа (YouTube, TikTok, Instagram) ёки унинг реклама агентлигига юклатилади ва инфлюенсер улар билан шартнома тузиши мажбурийдир. Бу моделга кўра, даромад инфлюенсернинг банк ҳисобига тушгунга қадар топилаётган даромаддан солиқ ушлаб қолиш мажбурийлиги (Tax Deducted at Source) тамойили асосида инфлюенсерларнинг солиғи мажбурий бюджетга йўналтирилади;

Маълумот учун: *Шимолий ва Жанубий Америкадаги 25 та давлат, жумладан, АҚШ, Канада, Мексика, Бразилия, Аргентина, Чили, Колумбия, Перу, Уругвай, Парагвай, Эквадор, Боливия, Коста-Рика, Панама, Гватемала, Гондурас, Сальвадор, Доминикан Республикаси, Ямайка, Тринидад ва Тобаго, Европа ҳамда Океаниядаги 22 та, жумладан, Буюк Британия, Германия, Япония, Австралия, Австрия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Швейцария, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия, Исландия, Ирландия, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Фижи, Осиё ва Африкадаги 58 та давлат, жумладан, Жанубий Африка, Нигерия, Кения, Эфиопия, Гана, Танзания, Уганда, Сенегал, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Вьетнам, Филиппин, Малайзия, Исроил, Иордания ва бошқа давлатлар ушбу модел асосида фаолият юритишади.*

2) махсус рақамли ва соддалаштирилган режимлар модели. Бунга кўра, яширин иқтисодиётни қисқартириш мақсадида блогерлар учун алоҳида ҳуқуқий мақом ва имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилган. Жумладан, фаолиятни декларациясиз, махсус мобил иловалар орқали рўйхатдан ўтказиш ва паст ставкаларда (одатда 1% дан 15% гача) солиқ тўлаш тизими яратилган, шунингдек, солиқни банклар ва платформа эгалари мажбурий равишда ушлаб қолиши назарда тутилган. АҚШ Ўзбекистонлик блогерларни шу орқали солиққа тортади;

Маълумот учун: *Қозоғистон, Белоруссия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Тайвань, Таиланд, Миср, Марокаш, Францияда реклама шартнома асосида тарқатилиши ва ҳар бир транзакциядан банк солиқ ушлаб қолиши шарт. Масалан, Туркияда реклама учун 15 % блогернинг солиғини банк, Хитойда*

платформа эгаси (Google, Meta, TikTok) ёки маҳаллий банклар ушлаб қолиши, Қозоғистонда 1 фоизлик мобил режим, Беларусда эса "Реклама тарқатувчиларнинг давлат реестри" ва 10 фоизлик касбий даромад солиғи жорий этилган.

3) нафақат тижорат, балки бартер муносабатлари ва натурал даромадларни баҳолаш модели – тўлиқ солиқ қамрови модели. Унга кўра, инфлюенсерлик фаолиятининг ўзига хос хусусияти бўлган пуллик бўлмаган даромадларни (совғалар, саёҳатлар, хизматлар ва хк.) солиққа тортишга қаратилган, реклама мақсадида берилган ҳар қандай маҳсулот (PR-пакетлар) ёки хизматнинг бозор қиймати тижорий даромад сифатида баҳоланади ва умумий солиқ базасига киритилади;

Маълумот учун: *АҚШ, Германия ва Буюк Британияда блогерлар брендлардан олинган текин совғаларнинг қийматидан даромад солиғи тўлашга мажбур. Буни яшириш солиқдан бўйин товлаш деб баҳоланади.*

4) профессионал тадбиркорлик ва харажатларни чегириш модели –тижоратлашган ёндашув модели. Бунга кўра, блогерлик фаолиятига юқори даромад келтирувчи профессионал бизнес сифатида қаралади ва уларга тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилади, даромадларни шаффофлаштиришни рағбатлантириш учун инфлюенсерларга ишлаб чиқариш харажатларини (техника, интернет, монтаж хизмати) умумий даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Маълумот учун: *Австралия, Канада ва Скандинавия давлатларида блогерлар соф фойдадан прогрессив ставкаларда (10 фоиздан 50 фоизгача) солиқ тўлайдилар.*

Хулосада:

А) Аниқ таклиф қисмида:

"Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалиётдан келиб чиқиб ҳамда хорижий тажриба асосида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиб, қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш таклиф қилинади:

1) қуйидагилар инобатга олинган 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни:

Ўзбекистон Республикасининг “**Реклама тўғрисида**”ги Қонуни[1]да “инфлюенсер” тушунчасининг таърифини ва унинг реклама тарқатувчи сифатидаги ролини аниқлаштириш, телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилаётган реклама тусидаги ахборотга қўйилган талаб, шу жумладан, унинг маркировкаланиши ёки рақамли токенланиши, смарт контракт асосида ҳам реклама тарқатиш имконияти, тармоққа жойлаштирилган реклама юзасидан реклама берувчи ва тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларнинг истеъмолчи олдида жавобгарлигини;

Ўзбекистон Республикасининг **Солиқ кодекси**да[2] инфлюенсерларга қулайлик яратиш мақсадида улар тадбиркорлик субъектларининг иш, товар ва хизматларини реклама қилганида тадбиркорлик субъектларининг ҳар ойлик солиқ ҳисоботида буни акс эттириш орқали инфлюенсерларга енгиллик бериш, такрор солиқ ҳисоботларининг олдини олишни таъминлаш, қолган ҳолатларда инфлюенсер ҳар ойлик солиқ ҳисоботида ўзининг рекламаси орқали кўрган фойдасини акс эттириш, ўзаро тафовутларни жами йиллик декларацияда уни топшириқш вақтида бартараф этиш имкониятини яратиш, маркировкаланмаган ёки рақамли токенланмаган реклама тусидаги ахборотни телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилишига йўл қўйиб берган ҳолларда солиқ тўловчига нисбатан солиқ жавобгарлигини;

Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**нинг Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали маркировкаланмаган ёки рақамли токенланмаган реклама ахборотининг телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилиши, солиқ ҳисоботлари топширилмаслиги, реклама шартномасининг солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилмаслиги учун жисмоний шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш;

2) **Вазирлар Маҳкамасининг** 2-иловага мувофиқ қуйидагиларга оид махсус қарори:

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Реклама фаолияти билан шуғулланувчи инфлюенсер солиқ тўловчиларнинг электрон автоматик реестрини юритиш тартибини тасдиқлаш;

тарқатаётган ахборотининг реклама эканлиги фойдаланувчига кўриниб туриши ва фойдаланиш имконият яратилиши таъминланиши лозимлиги бўйича реклама тарқатувчи, реклама тарқатиш юзасидан реклама тарқатувчи смарт контракт ёки шартнома тузиши шартлиги бўйича реклама берувчи ва тарқатувчи бирдек масъул эканлигини белгилаш;

киберҳодисаларнинг вужудга келмаслигининг олдини инобатга олиб, “Asl belgisi” тизимидан реклама тарқатиш учун смарт-контракт тузиш ва реклама ахборотига рақамли токен бериш, шунингдек, смарт контракт тузмайдиган ахборотлаштириш субъектлари ўртасида электрон шартнома тузиб, автоматик QR-код берувчи мажбурий рақамли маркировка тизимини жорий этиш;

Ахборот ресурсларини рақамли маркировкалаш, токенлаш, реклама бўйича смарт контракт ва бошқа шартномаларни тузиш тартиби ва назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш ва бунда солиқ тўловчилар, солиқ органлари ва бошқа ташкилотларнинг телекоммуникация ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ахборот ресурсини Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва “Soliq mobile” иловаси орқали унинг “Asl belgisi” тизимидан маркировкалангани ёки рақамли токенланганини аниқлаш, номақбул рекламага қарши курашиш, ахборот ресурсларини рақамли маркировкалаш тартиб-таомилларини белгилаш;

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва “Soliq mobile” иловаси орқали маркировкаланмаган интернет-рекламалар ҳақида хабар берган фуқароларни рағбатлантириш тизимини ишга тушириш;

Ҳукумат қарорида белгиланаётган вазифаларни бажариш, янги тартиб-таомилларни аҳоли ва ижрочиларга етарлича тушунтирилишини таъминлашга оид чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори[1]га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, унда рақамли маркировкаланмаган ёки (ва) номақбул рекламалар акс этган ахборот ресурсини чеклашни назарда тутиш;

3) ахборотлаштириш субъектлари билан бир қаторда инфлюенсерларнинг ҳам ахборотлаштириш соҳасида хизматларни кўрсатиш тартибини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси **Рақамли технологиялар вазирлигининг** 3-иловага мувофиқ "Ахборотлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

Б) Амалга ошириш механизми қисмида:

"Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда мазкур таклиф асосида қонун ҳужжатини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритиш ва у қабул қилинганидан кейин икки ой муддатда Ҳукумат қарорини қабул қилиш;

Рақамли технологиялар вазирлигига уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Бош прокуратура, ДХХ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича топшириқ бериш;

Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлигига уч ой муддатда "Asl belgisi" тизими, Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали, "Soliq mobile" иловаси, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида таклифда назарда тутилган техник имкониятларни жорий этиш бўйича топшириқ бериш;

Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Оммавий контентни тайёрлаш маркази, МТРК, Ахборотлаштириш агентлигига манфаатдор вазирлик ва идораларга билан бирга ушбу таклиф натижасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг

[1] Вазирлар Маҳкамасининг "Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

В) Эришиладиган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар:

реклама ахборотини рақамли маркировкалаш ёки токенлаш орқали инфлюенсерларнинг даромадлари шаффофлашади, бу эса бюджетга қўшимча маблағ тушишини таъминлайди;

барча соҳа вакиллари каби инфлюенсерларнинг ҳам солиққа тортилиши виждонли солиқ тўловчилар ўртасидаги тенгсизлик ва ижтимоий норозиликларни бартараф этади;

ҳар бир рекламанинг маркировкаланиши ёки токенланиши ва “Asl belgisi” тизимига интеграцияси истеъмолчига товар сифати учун ким масъул эканлигини аниқ билиш имконини беради;

сифатсиз ва қонунга зид товарлар тарғиботи камаяди, бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ҳалол тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратади.

Шунга кўра хулоса қиладиган бўлсак, ахборот-таҳлилий материал, мақола ва тезис кибералогия методида аниқ муаммо, таҳлил ва хулосадан иборат бўлади, ахборот-таҳлилий материалда таҳлил қилинган ресурсларнинг иқтибослари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, аннотация келтирилмайди, газета ва журналларнинг техник талабларига мувофиқлашган бўлади. Умумий таклифлар ўз ўрнини махсус таклифларга бўшатиб беради. Бироқ, IMRAD, IRDAC, тизимли таҳлил, кейс-стади, квантитатив, квалитатив, Narrative каби тушунарсиз ва мураккаб усуллар бу методда қўлланилмайди. Шу билан бирга, мақола ва тезиснинг кириш қисмида эришилган ютуқлар ва (ёки) белгиланган вазифалар баён этилиши ҳисобига ахборот-таҳлилий материалнинг кириш қисмидагилар ўзгаради, мақола ва тезисларда узун матнли қонунчилик ҳужжатининг таҳрири назарда тутилмайди, балки мазмуни ва модели кўрсатилади.

Таъкидлаш керакки, кибералогия методи асосидаги юқоридагига ўхшаш алгоритмик формат келажакда сунъий интеллект ёрдамида қонунчилик ижросини автоматик назорат қилиш учун мустаҳкам фундаментал база бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, сунъий интеллект ёрдамида ёки у томонидан яратилаётган ахборот-таҳлилий материаллар, мақола ва тезисларни плагиат, нотўғри ёндашувлар асосида тадқиқот олиб борилишининг

олдини олади. Блогерларнинг рекламасидан топилаётган даромадга солишга оид инновацион таклифимиз, биргина реклама ёки солиқ соҳасига эмас, балки бошқа соҳларга ҳам татбиқ этилса бўлади. Мисол учун, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 12^1-моддасида 13 та тақиқловчи мезонлар мавжуд[1] бўлиб уларнинг барчасига, хатто Жиноят[2] ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексларда[3] диний материалларни диншунослик экспертизасидан ўтказмашган ҳолда, телекоммуникация ёки интернет тармоғи орқали тарқатиш учун жавобгарликлигидан келиб чиқиб, кимдир диний тусдаги материалини тармоқда тарқатмоқчи бўлса, марҳамат маркировкаласин ва бу орқали виждон эркинлигини амалга оширишда эътиқод қилувчиларга янада қулайлик яратилади, миллий хавфсизлдикка динни ниқоб қилиб олиш ҳолатлари камаяди, энг муҳими исботлаш ва далиллар масаласида суриштирув, терговга оид мавжуд муаммолар ўз ечимини топади.

Шу жиҳатдан ҳам айтадиган бўлсак, кибералогия методи ва фани барча соҳаларнинг методи ва фанидан ҳар томонлама ўзига хос жиҳатлари ва устунлари борлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу борада илмий тадқиқот олиб бориш эса, кўтарилган муаммонинг тезкор, ўз ўрнини топишга, энг муҳими тизимли ҳал этилишига, аҳоли ва ижрочилараг тушунарли бўлишига олиб келади. Шу сабабли кибералогия методи асосида тадқиқот амалга ошириш зарурлиги ҳақида алоҳида ўйлаб кўришимиз даркор.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

БЕРДИЕВ СУРУР КАХРАМОНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси
Криминология тадқиқот
институти мустақил изланувчиси

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАНИДА УНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ВА ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *Мақолада ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятларининг субъектив белгилари – жиноят субъекти ва субъектив томони атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф жиноят субъекти тушунчасига тўхталар экан, миллий қонунчилик ва хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, Сингапур, Франция, Хитой ва бошқалар) тажрибасини қиёсий ўрганган ҳолда, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласига алоҳида эътибор қаратган. Тадқиқотда ушбу турдаги жиноятларнинг субъектив томони, хусусан, айбнинг шакли (тўғри қасд), жиноят содир этиш мотиви ва мақсадининг ўзига хос хусусиятлари кибермакон контекстида ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш механизмларини кучайтириш бўйича илмий асослантирилган таклифлар илгари сурилган.*

Аннотация: *В статье всесторонне анализируются субъективные признаки коррупционных преступлений, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) – субъект и субъективная сторона преступления. Рассматривая понятие субъекта преступления, автор проводит сравнительный анализ национального законодательства и опыта зарубежных стран (Великобритания, Сингапур, Франция, Китай и др.), уделяя особое внимание вопросу уголовной ответственности юридических лиц. В исследовании в контексте киберпространства раскрываются особенности субъективной стороны данных преступлений, в частности, форма вины (прямой умысел), мотивы и цели совершения преступления. Также в статье выдвигаются научно обоснованные предложения по совершенствованию действующего уголовного законодательства и усилению механизмов противодействия коррупции.*

Annotation: *The article provides a comprehensive analysis of the subjective elements of bribery crimes committed using information and communication technologies (ICT), focusing on the subject of the crime and its subjective side. Examining the concept of the subject of crime, the author conducts a comparative*

analysis of national legislation and the experience of foreign countries (UK, Singapore, France, China, etc.), paying particular attention to the issue of the criminal liability of legal entities. The study clarifies the specific features of the subjective side of these crimes within the context of cyberspace, particularly the form of guilt (direct intent), as well as the motives and purposes behind the criminal act. Furthermore, the article puts forward scientifically grounded proposals for improving current criminal legislation and strengthening anti-corruption mechanisms.

***Калит сўзлар**: порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), жиноят субъекти, субъектив томон, айб, қасд, юридик шахс, кибермакон, коррупция, жиноий жавобгарлик.*

***Ключевые слова**: взяточничество, информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), субъект преступления, субъективная сторона, вина, умысел, юридическое лицо, киберпространство, коррупция, уголовная ответственность.*

***Keywords**: bribery, information and communication technologies (ICT), subject of crime, subjective side, guilt, intent, legal entity, cyberspace, corruption, criminal liability.*

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг субъектив белгиларини жиноятнинг субъекти ва субъектив томони ташкил этади.

Ушбу турдаги жиноятлар учун жиноят субъекти деганда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва бунинг учун жиноят қонунчилигида белгиланган ёшга тўлган ақли расо жисмоний ёки ҳуқуқ лаёқатига эга юридик шахс тушунилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, миллий жиноят қонунчилигимизда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилмаган.

Бироқ, таҳлилларга кўра, Буюк Британия, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Хитой, Перу, Франция, Испания, Италия, Украина, Жанубий Африка, Исроил, Бельгия, Қатар, Руминия, Люксембург, Словакия, Чехия, Польша, Канада, Австралия, АҚШда юридик шахсларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган жиноятлар, шу жумладан, порахўрлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлиги ўз қонунчилигида назарда тутилган.

Хусусан, **Буюк Британиянинг** “Failure to prevent bribery” (UKBA 2010)[1], “Computer Misuse Act» (1990)[2], **Сингапурнинг** “Corruption, Drug Trafficking and Other Serious Act” (1992)[3], “Computer Misuse Act (CMA 1993)”[4], **Малайзиянинг** “Malaysian Anti-Corruption Commission (MACC) Act” (2009)[5], “Computer Crimes Act” (1997)[6], **Индонезиянинг** “Law Eradication of Corruption” (1999)[7], “Electronic Information and Transactions Law” (2008)[8], **Тайланднинг** “Organic Act on Counter Corruption” (2018)[9], “Computer Crime Act” (2007)[10], **Жанубий Африка Республикасининг** “Prevention and Combating of Corrupt Activities Act” (2004)[11], “Electronic Communications and Transactions Act” (2002)[12], **АҚШнинг** “Foreign Corrupt Practices Act” (1977)[13], “Computer Fraud and Abuse Act” (1986)[14] қонунлари, **Хитой** Жиноят кодексининг 385-393-моддалари[15], “Cybersecurity Law” (2017) қонуни[16], **Перунинг** “Legislative Decree № 1352” (2014) қонуни[17], Жиноят кодексининг 208-А ва 208-В-моддалари[18], **Францияниng** “Sapin II Law” (2016)

---

[1] https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/crossheading/failure-of-commercial-organisations-to-prevent-bribery?utm.

[2] https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1990/18/crossheading/computer-misuse-offences/enacted?utm.

[3] https://sso.agc.gov.sg/Act-Rev/CDTOSCCBA1992/Published/20211231?DocDate=20211231&utm.

[4] https://sso.agc.gov.sg/Act/CMA1993?WholeDoc=1&utm.

[5] https://www.u4.no/assets/malaysian-anti-corruption-commission-act-2009.

[6] https://www.commonlii.org/my/legis/consol_act/cca1997185/.

[7] https://www.icj.org/se-asia-security-law/indonesia-law-on-the-commission-for-the-eradication-of-criminal-acts-of-corruption-law-no-30-of-2002/?utm.

[8] https://www.flevin.com/id/lgso/translations/JICA%20Mirror/english/4846_UU_11_2008_e.html.

[9] https://aipalync.org/document/organic-act-on-anti-corruption-be-2561.

[10] https://www.samuiforsale.com/law-texts/computer-crime-act.html.

[11] https://www.gov.za/documents/prevention-and-combating-corrupt-activities-act-0.

[12] https://www.gov.za/documents/electronic-communications-and-transactions-act.

[13] https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/6-501-6309?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true.

[14] https://www.justice.gov/jm/jm-9-48000-computer-fraud.

[15] https://www.cecc.gov/resources/legal-provisions/criminal-law-of-the-peoples-republic-of-china.

[16] https://digichina.stanford.edu/work/translation-cybersecurity-law-of-the-peoples-republic-of-china-effective-june-1-2017/.

[17] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2014/1352/oj/eng.

[18] https://www.cybercrimelaw.net/Peru.html.

қонуни[1], Жиноят кодексининг 121-2-моддаси[2], **Испания** Жиноят кодексининг 31-моддаси[3], “Organic Law (Cybercrimes)” (1995) қонуни[4], **Италия** Жиноят кодексининг 615-моддаси[5], “Legislative Decree 231” (2001)[6], **Украина** Жиноят кодексининг 368-370-моддалари[7], “Law on Information Protection” (2010) қонуни[8], **Исроил** Жиноят кодексининг 5737-1977-моддалари[9], “Computer Law” (1995) қонуни[10], **Белгия** Жиноят кодексининг 246-моддаси[11], “Law on Cybercrime” (2000) қонуни[12], **Австралия** Жиноят кодексининг 70-бўлими[13], “Cybercrime Act” (2001) қонуни[14], **Канада** Жиноят кодексининг XI қисми[15], “Corruption of Foreign Public Officials Act” (1998) қонуни[16], **Польша** Жиноят кодексининг 2-3, 66, 75a, 110, 115, 212, 224, 229, 243, 247, 252, 266, 271, 287, 296, 303 ва 304-моддалари[17], “Act on Liability of Collective Entities for Punishable Offences” (2002) қонуни[18]да юридик шахсларнинг жавобгарлигига оид қоидалар назарда тутилган.

Халқаро ҳужжатларда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлиги бўлиши зарурлиги назарда тутилган, хусусан, Европа Иттифоқининг “Кибержиноятчилик тўғрисида” 2001 йил 23 ноябрдаги ETS № 185

---

[1] https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/JORFTEXT000033558528?init=true&page=1&query=2016-1691+du+9+decembre&searchField=ALL&tab_selection=all.
[2] https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006070719/.
[3] https://www.boe.es/diario_boe/txt.php?id=BOE-A-1995-25444.
[4] https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/18760.
[5] https://www.cybercrimelaw.net/Italy.html.
[6] https://www.ibanet.org/article/C6FF46FD-5C69-4DAD-86EA-457C1D34436D?utm.
[7] https://kkuua.ru/ru/#i-7.
[8] http://www.singlewindow.org/docs/57.
[9] https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/15336.
[10] https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/15420.
[11] https://www.jurion.fanc.fgov.be/jurdb-consult/plainWettekstServlet?lang=fr&wettekstId=4519&utm.
[12] https://www.netsweeper.com/legislation/law-on-cybercrime-2000.
[13] https://www.austlii.edu.au/cgi-bin/viewdoc/au/legis/cth/consol_act/cca1995115/sch1.html.
[14] https://www.austlii.edu.au/cgi-bin/viewdb/au/legis/cth/num_act/ca2001112/.
[15] https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/.
[16] https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-45.2/.
[17] https://prawnikpoznanski.pl/ru/%D1%83%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9-%D0%BA%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81-%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D1%8C%D1%81%D0%BA%D0%BE%D0%B9-%D1%80%D0%B5%D1%81%D0%BF%D1%83%D0%B1%D0%BB%D0%B8%D0%BA/.
[18] https://www.infor.pl/akt-prawny/DZU.2024.346.0001822%2Cmetryka%2Custawa-o-odpowiedzialnosci-podmiotow-zbiorowych-za-czyny-zabronione-pod-grozba-kary.html?utm.

сон Конвенциясининг 12-моддаси[1], БМТнинг “Кибержиноятчиликка қарши” 2024 йил 24 декабрдаги конвенциясининг 18-моддаси[2], “Коррупцияга қарши” 2003 йил 31 октябрдаги Конвенциясининг 26-моддаси[3]да юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган.

Хусусан, Европа Иттифоқининг “Кибержиноятчилик тўғрисида” 2001 йил 23 ноябрдаги ETS № 185 сон Конвенциясининг 12-моддасига асосан, ҳар бир Томон ушбу Конвенцияга мувофиқ назарда тутилган жиноий жавобгарликни, ушбу юридик шахс манфаати йўлида, мустақил равишда ёки мазкур юридик шахснинг тегишли органларидан бири таркибида ҳаракат қилаётган ва қуйидаги асослардан бирига кўра унда етакчи мавқега эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс содир этган тақдирда, юридик шахсни жавобгарликка тортиш имкониятини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва бошқа чораларни кўради:

a) мазкур юридик шахсни вакиллик қилиш ваколати;

b) ушбу юридик шахс номидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи;

c) мазкур юридик шахс ичида назоратни амалга ошириш ҳуқуқи.

Тегишли Томон қўллайдиган ҳуқуқий тамойилларга қараб, юридик шахснинг жавобгарлиги жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши мумкин.

Judicial practice provides important empirical material for understanding cyber fraud. One group of cases concerns online credit

---

[1] Sutherland E.H. White Collar Crime. — New York: Dryden Press, 1949. — P. 9–20, 227–248.

[2] Tropina T. Cybercrime and Organised Crime: New Challenges for Criminal Law // Selected academic publications on cybercrime and criminal law.

[3] Button M., Cross C. Cyber Frauds, Scams and Their Victims. — London; New York: Routledge, 2017. — DOI: 10.4324/9781315679877.

fraud through mobile banking. In a judgment dated 20 May 2024, the offender presented himself as connected with a bank, obtained victims' personal data, initiated online credit transactions, directed money to virtual cards and then transferred funds to his own plastic card[1]. The criminological significance of this model lies in the combination of digital-manipulative competence and victimological vulnerability.

Another model concerns fake subsidy-related fraud. In a judgment dated 22 July 2024, the offender presented himself as an employee of a subsidy organisation, promised financial assistance to fish-farming enterprises and demanded a "1% service fee", after which he disappeared[2]. Here the key mechanism was not technical intrusion, but the construction of official appearance and exploitation of economic expectation.

A third model concerns the creation of fake authority through telephone communication. In a judgment dated 4 October 2024, the offender used his connection with an electricity-related institution to convince a farmer that there was a debt or inspection issue and offered to resolve it for money[3]. This case demonstrates that information technology may function as a psychological communication channel rather than a direct financial mechanism.

These cases confirm that cyber fraud should be studied through behavioural models rather than only through technical means. The decisive question is how the offender combines communication, trust, digital tools and financial movement.

Prevention of Cyber Fraud

Prevention of cyber fraud must be multidimensional. Criminal-law prevention requires proper qualification, inevitability of liability and unified judicial guidance. Courts and investigators need methodological recommendations on digital evidence, offender typology and the distinction between civil-law disputes and criminal fraud.

Banking and financial prevention must include stronger anti-fraud algorithms, real-time transaction monitoring, suspicious operation blocking, biometric verification, risk scoring and instant customer alerts.

---

[1] Judgment of the District Criminal Court dated 20 May 2024, case No. 1-1209-2401/49.

[2] Judgment of the District Criminal Court dated 22 July 2024, case No. 1-1209-2401/79.

[3] Judgment of the District Criminal Court dated 4 October 2024, case No. 1-1207-2401/106.

McGuire and Dowling's review of cybercrime evidence confirms that cyber-enabled fraud requires responses that address both technological opportunity and behavioural manipulation[1].

Digital literacy and financial education must be practical rather than abstract. Citizens should be taught how online credit operates, why SMS codes should not be disclosed, how to verify official status, why service fees should not be sent to private cards and how to report suspicious communication immediately.

Victim-oriented prevention must reduce shame and encourage early reporting. Emergency freezing of suspicious transfers should be made accessible. Interinstitutional cooperation between banks, payment systems, mobile operators, cybercrime units, prosecutors, courts and preventive bodies should be strengthened. Digital profiling should identify repeated phone numbers, bank cards, narratives, victim categories and transaction patterns.

Conclusion

Cyber fraud committed through information technologies is not merely traditional fraud transferred to the internet. It is a complex criminological phenomenon in which digital infrastructure, psychological manipulation, financial technology, victim vulnerability and institutional weakness interact. The offender may be a digital intermediary, social engineer, fake official-status creator, opportunistic fraudster, repeated-scheme offender or member of a role-distributed group.

The main danger of the cyber fraud offender often lies not in advanced technical ability, but in the capacity to exploit human trust through digital tools. Such offenders use urgency, fear, hope, institutional vocabulary, fake official status and digital payment mechanisms to achieve unlawful financial results.

Effective prevention requires a model that protects both the technical system and the human decision-making process. Criminal-law response is necessary, but insufficient. It must be combined with anti-fraud monitoring, biometric verification, digital literacy, victim-friendly

---

[1] McGuire M., Dowling S. Cyber Crime: A Review of the Evidence. Research Report 75. — London: Home Office, 2013. — Vol. 1: Cyber-dependent crimes; Vol. 2: Cyber-enabled crimes.

reporting, rapid freezing of suspicious transfers, interinstitutional cooperation and unified judicial practice.

ШАМСИДДИНОВА ОЗОДА БЎРИЕВНА
Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси, ю.ф.ф.д., доцент

ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Оила жамиятнинг энг муҳим институти ҳисобланиб, ундаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки шахсий номулкий ҳуқуқлар орқали ҳам тартибга солинади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар — бу инсоннинг шахсияти, қадр-қиммати, эркинлиги ва шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган, моддий мазмунга эга бўлмаган ҳуқуқлардир. Оила доирасида мазкур ҳуқуқларнинг амалга оширилиши алоҳида ҳуқуқий механизмлар орқали таъминланади.

Оила аъзолари ўртасидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар оила ҳуқуқининг фундаментал қисми бўлиб, улар мулкий муносабатлардан фарқли ўлароқ, инсоннинг ички дунёси, эркинлиги ва ижтимоий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Оила аъзолари ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларнинг субъектлари бўйича қуйидагича ажратиш мумкин:

1. *Эр ва хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатлар*
2. *Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги шахсий номулкий муносабатлар*
3. *Бошқа оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар*[1]

Никоҳ тузилиши билан эр-хотин ўртасида шахсий ва мулкий муносабатлар юзага келади ҳамда мазкур муносабатлар тенг ҳуқуқлилик принципига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-22-моддаларида эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган бўлиб, улар оилавий

[1] Раҳмонқулов Ҳ.Р. Оила ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: TDYU нашриёти, 2022. – Б. 70–72.

муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради[1]. Мазкур нормаларга кўра, никоҳ муносабатлари эр ва хотиннинг ўзаро ҳурмати, ишонч ва тенглиги асосида амалга оширилиши лозим.

Жумладан, қонунчиликда эр-хотиннинг ***фамилия танлаш ҳуқуқи*** кафолатланган бўлиб, никоҳ тузиш чоғида тарафлар ўз фамилиясини сақлаб қолиши ёки умумий фамилия қабул қилиши мумкин. Шунингдек, никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам шахснинг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш ёки никоҳ давридаги фамилияни сақлаб қолиш ҳуқуқи таъминланади. Бу қоида шахснинг индивидуаллигини ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади[2].

Шу билан бирга, ***эр ва хотиннинг машғулот, касб ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи*** ҳам оила қонунчилигининг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир тараф мустақил равишда меҳнат фаолияти турини, касбини ва яшаш жойини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, бир тарафнинг иккинчи тараф иродасини чеклаши ёки унга тазйиқ ўтказиши қонун талабларига зид ҳисобланади. Ушбу қоида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини оилавий муносабатларда ҳам таъминлашга қаратилган.

Бундан ташқари, *эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилишда* ҳам эр-хотиннинг тенг ҳуқуқли иштироки назарда тутилган. Хусусан, фарзандлар тарбияси, таълими, оила бюджети, рўзғор юритиш ва бошқа оилавий масалалар ўзаро келишув ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилиниши лозим. Бу эса оилада демократик муносабатларни шакллантириш, ўзаро ҳурмат ва масъулиятни таъминлашга хизмат қилади.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги шахсий номулкий муносабатлар оила ҳуқуқининг муҳим институти ҳисобланиб, улар, аввало, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида мазкур муносабатларни тартибга солувчи қоидалар белгиланган

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 1998 йил 30 апрель, ЎРҚ-607-I-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 19–22-моддалар.

[2] Нечаева А.М. Семейное право: учебник. – Москва: Юрайт, 2021. – Б. 62.

бўлиб, улар боланинг шахсий ҳуқуқларини кафолатлаш, унинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Жумладан, *боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи* унинг асосий шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилади. Қонунчиликка мувофиқ, болага исм ота-онанинг ўзаро келишувига кўра берилади, фамилия эса, одатда, ота ёки онанинг фамилияси асосида белгиланади. Мазкур ҳуқуқ боланинг ҳуқуқий индивидуаллигини таъминлаш билан бирга, унинг жамиятда мустақил шахс сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Шунингдек, *ота-онанинг фарзандни тарбиялаш ва унга таълим бериш ҳуқуқи* ҳамда мажбурияти оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ота-она ўз фарзандларини тарбиялашда устувор ҳуқуққа эга бўлиб, улар боланинг соғлиғи, жисмоний ривожланиши, маънавий-ахлоқий камолоти ва таълим олиши учун масъул ҳисобланади. Бу мажбурият нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ҳам оилавий муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка кўра, боланинг манфаатларига дахлдор ҳар қандай масала ҳал этилаётганда унинг фикри эшитилиши лозим. Айниқса, бола ўн ёшга тўлганидан кейин унинг фикрини ҳисобга олиш мажбурий хусусиятга эга бўлади. Мазкур қоида боланинг шахс сифатидаги қадр-қимматини эътироф этиш, унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва оилавий муносабатларда иштирокини таъминлашга хизмат қилади[1].

Оила ҳуқуқида шахсий номулкий муносабатлар фақат ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар билан чекланиб қолмай, балки ***бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги*** муносабатларни ҳам қамраб олади. Бундай муносабатлар оиланинг ижтимоий ва маънавий бирлигини таъминлаш, авлодлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда боланинг манфаатларини ҳимоя қилишга

---

[1] United Nations томонидан қабул қилинган Convention on the Rights of the Child. – 18, 27, 29-моддалар.

хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам маълум даражада ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Хусусан, қонунчиликда бобо, буви, ака-ука ва опа-сингилларнинг бола билан кўришиб туриш ва мулоқот қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур ҳуқуқ боланинг оилавий муҳитда тарбияланиши, қариндошлик ришталарини сақлаб қолиши ҳамда маънавий-руҳий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан яқин қариндошларнинг бола билан мулоқот қилиш ҳуқуқига асоссиз равишда тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди. Низо келиб чиққан тақдирда эса, мазкур масала васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд тартибида ҳал этилиши мумкин.

Шунингдек, оилавий муносабатларда ўзаро ғамхўрлик, ҳурмат ва инсон қадр-қимматини эъзозлаш принциплари муҳим ўрин тутади. Гарчи ушбу қоидаларнинг айримлари ахлоқий характерга эга бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий асосида инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғояси ётади. Оила аъзолари ўртасида бир-бирини камситиш, руҳий тазйиқ ўтказиш ёки инсон қадр-қимматини таҳқирлаш каби ҳаракатлар ҳуқуқий жиҳатдан қораланади ва муайян ҳолларда ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин[1].

Бундан ташқари, шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ҳам оила қонунчилигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жумладан, оила аъзоларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қариндошлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқини таъминлаш каби масалалар васийлик ва ҳомийлик органлари, фуқаролик судлари ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади. Бу эса оилавий муносабатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Оилавий муносабатлар доирасидаги шахсий номулкий ҳуқуқларни самарали таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида давлат

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Адолат, 2024. – инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга оид моддалар; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2024. – шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга қаратилган нормалар.

томонидан муайян ҳуқуқий механизмлар жорий этилган. Ушбу механизмлар, аввало, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айниқса боланинг устувор манфаатини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, оила ҳуқуқининг амалий кафолати сифатида намоён бўлади.

Жумладан, оилавий муносабатларда диспозитивлик механизми муҳим аҳамиятга эга. Мазкур механизм тарафларга ўз муносабатларини ўзаро келишув асосида тартибга солиш имкониятини беради[1]. Хусусан, эр-хотин никоҳ муносабатларида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, оилавий муносабатларни ташкил этиш ҳамда муайян келишувларга эришиш ҳуқуқига эга. Гарчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида никоҳ шартномаси асосан мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлсада, айрим ҳолларда унда оилавий муносабатларнинг номулкий жиҳатларини ҳам акс эттиришга интилиш кузатилади. Бу эса оилавий муносабатларда тарафлар автономиясини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг муҳим шаклларидан бири суд орқали ҳимоя қилиш механизми ҳисобланади. Агар эр-хотин ўртасида фарзанд тарбияси, унинг яшаш жойини белгилаш, бола билан мулоқот қилиш тартиби ёки бошқа оилавий масалалар юзасидан низо келиб чиқса, мазкур масалалар суд тартибида кўриб чиқилади. Бунда суд қарор қабул қилишда, энг аввало, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини устувор мезон сифатида эътиборга олади. Мазкур ёндашув халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланган “бола манфаатининг устуворлиги” принципининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга ошириладиган назорат механизми ҳам болалар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Агар ота-она ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаса, боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилса ёки унинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилса, ваколатли давлат органлари оилавий муносабатларга аралашиш ҳуқуқига эга бўлади.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил 29 август, ЎРҚ-257-I-сон. – 354-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни хавфсиз муҳит билан таъминлаш ҳамда зарур чораларни кўриш вазифасини амалга оширади. Бу эса давлатнинг болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги конституциявий мажбуриятларидан келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий ҳуқуқдаги шахсий номулкий муносабатлар ўзига хос ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, улар, асосан, оила аъзоларининг маънавий, ахлоқий ва шахсий манфаатлари билан боғлиқ муносабатларни қамраб олади. Мазкур муносабатлар мулкий муносабатлардан фарқли равишда бевосита инсоннинг шахсияти, қадр-қиммати, эркинлиги ва оилавий мавқеи билан узвий боғлиқлиги билан тавсифланади. Шу сабабли уларни мажбурий тартибда ижро эттириш имконияти чекланган ҳисобланади.

Хусусан, суд ёки бошқа давлат органи эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик каби маънавий муносабатларни бевосита таъминлаш ёки шахсни муайян ҳис-туйғуларни намоён этишга мажбур қилиш ваколатига эга эмас. Бироқ шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилиши, жумладан, руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш, шахсий эркинликни чеклаш, бола манфаатларини поймол қилиш каби ҳолатлар ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай вазиятларда давлат оилавий муносабатларга аралашиш орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва жабрланувчи шахс манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўллайди.

Шу нуқтаи назардан, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилиши никоҳни бекор қилиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, болани ота-она қарамоғидан олиб қўйиш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлиши мумкин. Демак, оилавий муносабатларда шахсий номулкий ҳуқуқлар тўлиқ мажбурий ижро этиш воситалари билан таъминланмаса-да, уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси давлат томонидан кафолатланади ҳамда инсон қадр-қиммати ва бола манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

ЭСАНАЛИЕВ САДРИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
кафедра ўқитувчиси, ю.ф.ф.д (PhD)

ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ, ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ МИСОЛИДА

Аннотация: *Мақолада жиноят ишларини биринчи инстанция судининг дастлабки эшитув босқичида кўриб чиқилишида айрим суд-тергов ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар таҳлил қилинган. Хусусан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида дастлабки эшитувни ўтказиш ҳамда суд экспертизасининг процессуал муддатлари ўзаро боғлиқликда таҳлил қилинган.*

Аннотация: *В статье анализируются теоретические и практические проблемы, связанные с осуществлением отдельных судебно-следственных действий при рассмотрении уголовных дел на стадии предварительного слушания в суде первой инстанции. В частности, во взаимосвязи проанализированы сроки проведения предварительного слушания, предусмотренные действующим Уголовно-процессуальным кодексом, а также процессуальные сроки проведения судебной экспертизы.*

Annotation: *The article analyzes theoretical and practical issues related to the performance of certain judicial investigative actions during the consideration of criminal cases at the preliminary hearing stage in a court of first instance. In particular, the article examines the interrelation between the time limits for conducting a preliminary hearing under the current Criminal Procedure Code and the procedural time limits for conducting forensic examinations.*

Калит сўзлар: *исботлаш жараёни, суд экспертизаси, эксперт хулосаси, далиллар, далилларни баҳолаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят процесси, процессуал муддат, суд ажрими, судья.*

Ключевые слова: *процесс доказывания, судебная экспертиза, заключение эксперта, доказательства, оценка доказательств, правоприменительная практика, уголовный процесс, процессуальный срок, судебное определение, судья.*

Key words: *process of proof, forensic examination, expert opinion, evidence, evaluation of evidence, law enforcement practice, criminal proceedings, procedural time limit, court ruling, judge.*

“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний

принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”[1].

Эътироф этиш жоизки, Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Қайд этиш жоизки, ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарорида “жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этишда тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида *дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали* ишларни суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш”[2] қайд этилди. Хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш мақсадида 18.02.2021 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 675-сонли қонунга[3] асосан, жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув босқичи жорий этилди.

Жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув жиноят иши судга келиб тушгандан сўнг ўтказиладиган суд жараёнининг ўзгача

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. https://www.lex.uz/docs/6445145.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги «Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 675-сонли қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.

процессуал босқичи ҳисобланади. Суд амалдаги ЖПК[1] 405[3]-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, иш бўйича тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради. «Дастлабки эшитув жиноят иши бўйича *иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида* тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш бўйича ўтказилади»[2]. Дастлабки эшитув босқичида жиноят ишларининг кейинги тақдири қисқа муддатларда яъни ўн суткада ҳал этилади.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастлабки эшитув босқичида суд томонидан айрим суд-тергов ҳаракатларини амалга ошириш масаласи назарий ва амалий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу, аввало, ушбу босқичнинг қисқа муддатлилиги билан айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун белгиланган нисбатан узоқ муддатлар ўртасидаги номутаносиблик билан боғлиқ.

Амалдаги ЖПКнинг умумий вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдор шахсларга нисбатан адолатли жазо тайинланиши, айби бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат экани белгиланган. Шу боис дастлабки эшитувда қабул қилинадиган ҳар қандай қарор тезкорлик билан бирга қонунийлик ва асослилик талабларига ҳам жавоб бериши лозим.

Амалдаги ЖПКнинг 405[5]-моддаси иккинчи қисмига кўра, дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги керак. Мазкур қоида дастлабки эшитув босқичининг процессуал табиатини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида. Тошкент ш., 2022 йил 14 май, 6-сон. 26-банд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги 39-сонли қарори таҳририда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. https://www.lex.uz/docs/111460.

белгилаб беради. Жиноят процессининг дастлабки босқичи ишни мазмунан ҳал қилиш босқичи эмас, балки ишни суд муҳокамасига тайёрлашда мавжуд процессуал тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган қисқа муддатли суд назорати механизми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу босқични сунъий равишда чўзиш унинг мақсадига зид натижаларни келтириб чиқариши мумкин.

Муаммонинг асосий жиҳати шундаки, айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган муддатлар дастлабки эшитув муддатидан анча узоқдир. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарори билан суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланган бўлиб, мазкур низом суд экспертизаси ва тадқиқотларини ўтказиш тартиби, шартлари, эксперт хулосаси ва мутахассис фикрини тузиш талабларини белгилайди. Шу билан бирга, амалиётда суд экспертизаси ҳажми, мураккаблиги, объектлар сони ва экспертнинг иш юкламасига қараб, экспертиза ўтказиш муайян вақт талаб этади. Тафтиш масаласида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Яъни молиявий-хўжалик ҳужжатларини ўрганиш, бухгалтерия ёзувларини солиштириш, моддий зарар миқдорини аниқлаш каби ҳаракатлар одатда қисқа муддатда якунланиши қийин бўлган жараёнлар сирасига киради.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги савол табиий равишда юзага келади: *агар дастлабки эшитув давомида суд жиноят иши бўйича экспертиза ёки тафтиш тайинлаш зарур деган хулосага келса, бундай ҳолатда ўн суткалик муддат қандай таъминланади?* Бундай вазиятда суд экспертизаси ёки тафтиш натижасини кутса, дастлабки эшитув муддати бузилиши мумкин, аксинча, экспертиза ёки тафтиш натижасини кутмасдан қарор қабул қилса, суд қарори етарли даражада асосланмаган бўлиши эҳтимоли юзага келади.

Масалан, амалиётда шартли равишда қуйидаги ҳолатни тасаввур қилиш мумкин. Фирибгарлик жинояти бўйича иш судга келиб тушган. Ҳимоячи дастлабки эшитувда айблов хулосасида кўрсатилган зарар миқдори нотўғри ҳисобланганини, бухгалтерия ҳужжатлари тўлиқ таҳлил қилинмаганини ва шу сабабли молиявий-иқтисодий экспертиза тайинлаш зарурлигини билдириб, илтимоснома киритади. Суд мазкур илтимосномани асосли деб

топса, экспертиза тайинлаш масаласи юзага келади. Бироқ экспертиза натижаси **ўн сутка** ичида тайёр бўлмаслиги эҳтимоли юқори. Агар суд экспертиза хулосасисиз ишни суд муҳокамасига тайинласа, кейинчалик суд муҳокамаси жараёнида зарар миқдори бўйича жиддий қарама-қаршиликлар келиб чиқиши мумкин. Агар экспертиза натижасини кутишга қарор қилса, дастлабки эшитув муддати амалда бузилиши табиий.

Ёки, мансабдор шахс томонидан бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноят ишини келтириш мумкин. Дастлабки эшитувда айбланувчи ва ҳимоячи тафтиш тўлиқ ўтказилмаганини, айрим молиявий ҳужжатлар ишга қўшилмаганини, зарар миқдори тахминий ҳисобланганини маълум қилади. Бундай ҳолатда суд тафтиш ўтказишни зарур деб ҳисоблаши мумкин. Аммо тафтиш молиявий ҳужжатлар, шартномалар, ҳисоб-фактуралар, тўлов топшириқномалари ва бошқа материалларни ўрганишни талаб этади. Бу эса объектив равишда ўн суткалик муддат доирасига сиғмаслиги мумкин.

Ёҳуд, тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноят ишида ҳимоячи жабрланувчига етказилган тан жароҳатининг оғирлик даражаси нотўғри баҳоланганини кўрсатиб, қайта суд-тиббий экспертиза тайинлашни сўрайди. Агар тан жароҳати оғирлик даражаси ўзгарса, қилмишнинг ҳуқуқий квалификацияси ҳам ўзгариши мумкин. Демак, экспертиза натижаси ишни суд муҳокамасига тайинлаш ёки ишни прокурорга қайтариш масаласига бевосита таъсир қилиши мумкин. Аммо бу ҳолатда ҳам экспертиза хулосасини ўн суткада олиш ҳар доим ҳам имконли эмас.

Юқоридаги мисоллар жиноят процессининг дастлабки эшитув босқичида экспертиза ёки тафтиш тайинлаш масаласи оддий техник масала эмаслигини, балки суднинг процессуал ваколатлари, тарафларнинг ҳуқуқлари ва ишни оқилона муддатларда кўриб чиқиш принциплари ўртасидаги мувозанатни талаб қилишини кўрсатади.

Масалага бир томонлама ёндашув тўғри бўлмайди. Биринчи ёндашувга кўра, дастлабки эшитувда судга экспертиза ёки тафтиш тайинлаш имконияти берилса, бу айблов ва ҳимоя тарафларининг илтимосномаларини тўлиқ кўриб чиқиш, ишдаги камчиликларни эрта босқичда аниқлаш ва кейинги суд муҳокамасида ортиқча

кечикишларнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин. Бу ёндашув тарафдорлари фикрича, дастлабки эшитув фақат формал тайёргарлик босқичи бўлиб қолмаслиги, балки суд муҳокамасини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган процессуал механизмларни ўз ичига олиши керак.

Иккинчи ёндашувга кўра эса, дастлабки эшитувда экспертиза ёки тафтиш тайинлаш ушбу босқичнинг табиатига мос келмайди. Чунки дастлабки эшитув қисқа муддатда ўтказилиши лозим бўлган процессуал фильтр ҳисобланади. Унда далилларни тўлиқ текшириш, янги далилларни кенг кўламда тўплаш ёки ишни мазмунан ҳал қилиш эмас, балки ишни суд муҳокамасига тайинлаш учун процессуал шарт-шароитлар мавжудлигини текшириш асосий вазифа бўлиши лозим. Агар дастлабки эшитувда экспертиза, тафтиш ёки бошқа узоқ муддат талаб қиладиган ҳаракатлар кенг қўлланса, бу босқич амалда суд терговининг қисқартирилган шаклига айланиб қолиши мумкин.

Бизнингча, иккинчи ёндашув назарий ва амалий жиҳатдан асослироқдир. Чунки дастлабки эшитув босқичида узоқ муддат талаб қиладиган экспертиза ва тафтишларни тайинлаш бир нечта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, бу жиноят процессининг тезкорлигига путур етказади. Дастлабки эшитувнинг ўн суткалик муддати ишни асоссиз равишда судгача ёки судга тайёрлаш босқичида ушлаб турмасликка хизмат қилади.

Иккинчидан, агар суд дастлабки эшитувда экспертиза ёки тафтиш тайинлаш орқали далиллар базасини фаол шакллантира бошласа, бу суднинг айблов ёки ҳимоя функциясига яқинлашиб қолиши хавфини келтириб чиқаради. Суднинг асосий вазифаси тарафлар тақдим этган далилларни холис баҳолашдан иборат бўлиши лозим. Албатта, суд қонун доирасида айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, аммо бу ваколат дастлабки эшитувнинг чегаралари билан мутаносиб бўлиши керак.

Учинчидан, дастлабки эшитув ва суд муҳокамаси ўртасидаги процессуал чегаралар ноаниқлашади. Агар дастлабки эшитувда далилларни кенг текшириш, экспертиза тайинлаш, тафтиш ўтказиш каби ҳаракатлар амалга оширилса, у ҳолда ушбу босқич суд тергови вазифаларини бажара бошлайди. Бу эса жиноят процессининг

босқичларга бўлиниши мантиғига зид келади.

Шу билан бирга, амалиётда судлар бутунлай ҳаракатсиз қолиши ҳам тўғри эмас. Агар дастлабки эшитувда ишда жиддий процессуал камчиликлар, тўлиқ текширилмаган ҳолатлар ёки айблов хулосасининг жиддий нуқсонлари аниқланса, суд бундай камчиликларни дастлабки эшитув доирасида экспертиза ёки тафтиш тайинлаш орқали эмас, балки қонунда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар орқали ҳал қилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, агар экспертиза ёки тафтиш ўтказилмасдан ишни судда кўриш имкони бўлмаса, суд ишни прокурорга қайтариш масаласини муҳокама қилиши мумкин. Бу ҳолатда камчиликни бартараф этиш масъулияти суд зиммасига эмас, балки айблов тарафининг процессуал мажбурияти доирасига тушади.

Масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишида зарар миқдори тўлиқ аниқланмаган, тафтиш ҳужжатлари иш материалларига қўшилмаган ёки эксперт хулосаси зиддиятли бўлса, дастлабки эшитувда суднинг ўзи янги тафтиш тайинлаб, натижасини кутиши эмас, балки ишни суд муҳокамасига тайинлаш учун етарли асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини баҳолаши лозим. Агар мавжуд камчиликлар суд муҳокамасида бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса, ишни прокурорга қайтариш институтидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, дастлабки эшитув босқичида экспертиза ва тафтиш тайинлашга оид амалиёт эҳтиёткорлик билан шакллантирилиши лозим. Суд фақат дастлабки эшитувнинг ўн суткалик муддати доирасида бажарилиши мумкин бўлган, ишни суд муҳокамасига тайёрлашга хизмат қиладиган ва ишни мазмунан ҳал қилишга олиб келмайдиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Узоқ муддат талаб қиладиган экспертиза ва тафтишлар эса, қоида тариқасида, дастлабки эшитув босқичининг вазифалари доирасидан ташқарида баҳоланиши лозим.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишларининг кейинги тақдири қисқа муддатда ҳал этилиши ушбу босқичнинг энг муҳим хусусиятидир. Суд экспертизаси ёки тафтиш каби узоқ муддат талаб қиладиган ҳаракатларни ушбу босқичда амалга ошириш процессуал муддатлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли

амалдаги ЖПКнинг 405[5]-моддаси иккинчи қисмида белгиланган “дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги керак” деган қоидани аслича сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ёндашув жиноят процессининг тезкорлиги, суд назоратининг самарадорлиги, тарафлар ҳуқуқларининг таъминланиши ва суд муҳокамасининг процессуал аниқлигига хизмат қилади.

Шу билан бирга, қонунчилик ва суд амалиётида мазкур масалани янада аниқлаштириш зарур. Хусусан, дастлабки эшитувда суд томонидан экспертиза ёки тафтиш тайинлаш мумкин бўлган ҳолатлар, бундай ҳаракатлар муддатга қандай таъсир қилиши, уларнинг натижаси кутилиши ёки кутилишмаслиги, шунингдек, бундай ҳолатларда ишни прокурорга қайтариш билан экспертиза тайинлаш ўртасидаги чегаралар аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Акс ҳолда, амалиётда бир хил ҳолатлар бўйича турлича суд қарорлари қабул қилиниши ва бу жиноят-процессуал қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

АНОРБОЕВ АМИРИДДИН УЛУҒБЕК ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, бош илмий ходими, ю.ф.д

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЗАРУРИЙ БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ МОДЕЛИ

(*кибералогия методи асосида***)**

Аннотация: *Ушбу мақолада глобал рақамлашув шароитида киберхавфсизликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва халқаро тажрибада қўлланиладиган замонавий моделлар таҳлил қилинган. Тадқиқотда макро (халқаро ҳуқуқий), микро (ташкилий-техник) ва инновацион (интеллектуал-аналитик) ҳимоя моделларининг қиёсий тавсифи берилган. Ўзбекистоннинг кибержиноятчиликка қарши курашишдаги жорий ҳолати ўрганилиб, мавжуд тизимдаги ресурс сарфи ва квалификация муаммолари аниқланган. Муаллиф томонидан кибералогия методига асосланган, 9 та зарурий мезонни ўз ичига олган янги миллий модель таклиф этилган. Ушбу моделни «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» тизимига интеграция қилиш, сунъий интеллект ва рақамли изларни логлаш орқали жиноятларни прогноз қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини ошириш механизмлари асослаб берилган.*

Аннотация*: В статье анализируются теоретико-правовые основы обеспечения кибербезопасности в условиях глобальной цифровизации и современные модели, применяемые в международной практике. Приводится сравнительная характеристика макро- (международно-правовых), микро- (организационно-технических) и инновационных (интеллектуально-аналитических) моделей защиты. Исследовано текущее состояние борьбы с киберпреступностью в Узбекистане, выявлены проблемы неэффективного распределения ресурсов и квалификации деяний. Автором предложена новая национальная модель, основанная на методе кибералогии и включающая 9 необходимых критериев. Обоснованы механизмы интеграции данной модели в систему «Электронной уголовно-правовой статистики», использования искусственного интеллекта и логирования цифровых следов для прогнозирования и повышения раскрываемости преступлений.*

***Annotation**: This article analyzes the theoretical and legal foundations of ensuring cybersecurity in the context of global digitalization and examines modern models utilized in international practice. It provides a comparative characterization of macro (international legal), micro (organizational-technical), and innovative (intellectual-analytical) protection models. The current state of combating cybercrime in Uzbekistan is explored, identifying issues related to resource misallocation and legal qualification. The author proposes a new national model based on the "cyberology" method, incorporating nine essential criteria. The article substantiates mechanisms for integrating this model into the "Electronic Criminal-Legal Statistics" system, utilizing Artificial Intelligence and digital footprint logging to enhance crime forecasting and detection efficiency.*

***Калит сўзлар**: киберхавфсизлик, кибержиноят, кибералогия, NIST Framework, БМТ Конвенцияси, Zero Trust, сунъий интеллект, рақамли излар, электрон статистика, проактив ҳимоя.*

***Ключевые слова**: кибербезопасность, киберпреступность, кибералогия, NIST Framework, Конвенция ООН, Zero Trust, искусственный интеллект, цифровые следы, электронная статистика, проактивная защита.*

***Keywords**: cybersecurity, cybercrime, cyberology, NIST Framework, UN Convention, Zero Trust, Artificial Intelligence, digital footprints, electronic statistics, proactive defense.*

I. Мавжуд муаммо ва умумий ҳолат. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши туфайли бугунги кунда барча соҳа, тармоқ ва йўналишлар босқичма-босқич рақамлашиб бормоқда. Рақамлаштириш жараёни бутун инсониятнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, ушбу технологиялар шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бироқ, ҳар қандай технология турли усуллар ва дастурий ечимлар асосида яратилганлиги сабабли ушбу тизимларни техник жиҳатдан бузиш, инсониятнинг шахсий дахлсизлиги, мол-мулки ҳамда бошқа қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиш эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда бу ҳолат глобал миқёсдаги энг катта хавфлардан бирига айланган.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, ушбу хавф-хатарлар ичида кибержиноятлар энг оғири ва серқирраси ҳисобланади. Анъанавий жиноятлардан фарқли ўлароқ, кибержиноятлар юқори даражадаги латентлик (яширинлик), трансчегаравийлик ва анонимлик хусусиятларига эга. Кибералогия (кибермакон онтологияси ва қонуниятларини ўрганувчи йўналиш) методи асосида таҳлил

қилинганда, кибержиноятлар нафақат жисмоний, балки виртуал макондаги муносабатларга ҳам тажовуз қилади. Бу эса ўз навбатида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тизимли, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда ва бу борада турли даражадаги моделлар асосида зарур тартиботларни ишлаб чиқишни талаб этади.

II. Халқаро тажриба: Кибержиноятларга қарши курашишнинг глобал ва локал моделлари. Кибержиноятларга қарши бугунги кунда дунё давлатлари турлича ёндашувлар ва кўп поғонали архитектуралар асосида кураш олиб бормоқда. Халқаро амалиётда бу моделлар қуйидаги макро, микро ва инновацион даражаларга бўлинади:

1) макро даражадаги моделлар – давлат ва халқаро миқёсдаги кураш моделлари ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан яратилган бўлиб, улар бевосита давлатнинг қонунчилик базаси ҳамда махсус ваколатли тузилмалари фаолиятига асосланади. Хусусан:

халқаро ҳуқуқий моделга бугунги кунда БМТнинг Кибержиноятларга қарши курашиш конвенцияси[1] яққол мисол бўла олади. Ушбу модель миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, жиноят турларини ягона тизимга солиб классификация қилиш ва давлатлараро тезкор маълумот, шу жумладан, рақамли далиллар алмашинувини таъминлашга хизмат қилади;

давлат-хусусий шериклик модели давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланади. Бунда томонларнинг техник имкониятлари ва жиноятларни аниқлаш механизмлари бирлаштирилиб, умумий хавфсизлик даражаси оширилади.

2) микро даражадаги моделлар – ташкилий-стратегик ва техник ҳимоя моделлари киберхавфсизликни бевосита амалиётда таъминлаш ва бошқариш мақсадида ташкилотлар ва тизимлар кесимида қўлланилади. Хусусан:

а) ташкилий-стратегик моделлар. Масалан, АҚШ Миллий стандартлар ва технологиялар институти томонидан ишлаб чиқилган *NIST Framework* модели дунёда энг кенг тарқалган бўлиб, у тизимли

[1] https://www.un.org/ru/documents/treaty/A-RES-79-243.

ҳимояни таъминловчи 5 та асосий ва ўзаро боғлиқ босқични ўз ичига олади:

идентификация (Identify) – ташкилот активларини ва эҳтимолий хавф-хатарларни аниқлаш;

ҳимоя қилиш (Protect) – хавфсизликни таъминловчи техник ва ташкилий чораларни қўллаш;

аниқлаш (Detect) – тизимдаги аномалиялар ва киберҳужумларни ўз вақтида пайқаш;

жавоб қайтариш (Respond) – киберҳужум ёки инцидент юз берганда кўриладиган тезкор чоралар ва ҳаракатлар;

тиклаш (Recover) – киберхавфсизлик ҳодисасидан сўнг тизимнинг нормал фаолиятини қайта йўлга қўйиш[1].

б) техник-технологик ҳимоя моделлари ахборот инфратузилмаси хавфсизлигини қуйи даражаларда таъминлаш орқали жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ёндашувлар бўлиб, унга қуйидагилар киради:

қатламли ҳимоя (Defense in Depth) ***модели*** хавфсизликни бир неча мустақил босқичларда (периметр ҳимояси, тармоқ хавфсизлиги, иловалар хавфсизлиги ва маълумотларни криптографик шифрлаш) таъминлашни назарда тутади[2];

мутлақо ишонмаслик (Zero Trust) ***модели*** ҳеч қачон ишонма, доим текшир тамойили асосида ишлайди. Унга кўра, тизим ичидаги ҳар қандай фойдаланувчи ёки қурилма, ҳатто у ишончли ички тармоқда бўлса ҳам, доимий равишда идентификация ва аутентификациядан ўтказилиши шарт[3].

3. Энг хусусий ва чуқурлаштирилган даража (Интеллектуал-аналитик ва инновацион моделлар): Тармоқ ва дастурларнинг энг ички қатламларида ишлайдиган, бугунги кунда энг истиқболли ҳисобланган ушбу моделлар Сунъий интеллект (AI) ва Машинавий таълим (ML) технологияларига асосланади:

Проактив (олдиндан аниқловчи) модель: Жиноят ёки ҳужум юз беришидан олдин тизимдаги ҳар қандай аномалияларни ва шубҳали

---

[1] https://www.nist.gov/cyberframework.

[2] https://csrc.nist.gov/pubs/sp/800/53/r5/upd1/final.

[3] https://csrc.nist.gov/pubs/sp/800/207/final.

тармоқ трафикларини таҳлил қилиш орқали ҳужумни автоном тарзда тўхтатишга хизмат қилади.

Киберқидирув ва таҳлил (Cyber Threat Intelligence) модели: Даркнет (Darknet) ва бошқа очиқ манбалардаги катта ҳажмдаги маълумотларни чуқур таҳлил қилиб, эндигина тайёрланаётган киберҳужумлар ҳақида олдиндан хабардор бўлиш ва хавфни унинг манбасидаёқ бартараф этишга асосланади.

III. Ўзбекистоннинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Юқоридаги халқаро тажрибадан келиб чиқиб таҳлил қилинганда, Ўзбекистон бугунги кунда бирон-бир ягона ва қатъий аниқ модель билан эмас, балки турлича ёндашувлар асосида ривожланмоқда ва киберхавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ, ушбу фрагментар ёндашувлар асосида курашиш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, кибержиноятларнинг сони ва салмоғи ортиб бораётган бир шароитда, киберхавфсизлик ҳодисаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят таркибларини аниқ белгилаш (квалификация қилиш), уларни фош этиш ва уларга қарши курашиш учун жуда кўп вақт ва ресурслар сарф бўлмоқда. Бу эса, чекланган давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ресурсларини зарур ва энг хавфли йўналишларга сафарбар этишда тизимли муаммоларни вужудга келтирмоқда.

IV. Муаммо ечими: Кибержиноятларнинг зарурий белгилари асосидаги миллий модель

Мавжуд муаммони ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири – юридик ва техник фанлар синтези кибералогия методи асосида, кибержиноятларнинг зарурий белгилари негизида янгича қарши курашиш тизимини йўлга қўйишдир. Ушбу тизимга кўра, кибержиноятларни фақатгина қуйидаги 9 та зарурий мезон интеграцияси орқали баҳолаш ва шунга асосан тегишли ресурсларни ўз вақтида сафарбар этишга эришилади:

қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;

қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

қилмишда айбнинг мавжудлиги;

қилмишнинг жазога сазоворлиги;

қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;

алоқа (тармоқлараро коммуникациянинг мавжудлиги);

ахборот (рақамли маълумотлар тажовуз предмети ёки қуроли сифатида);

кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон (жиноят содир этиш муҳити);

ахборот-коммуникация технологиялари (восита ва усул сифатида).

Сунъий интеллект ва прогнозлаш. Айнан мазкур белгиларнинг мавжудлигини автоматлаштириш, катта маълумотлар (Big Data) ва матнларни векторизация қилиш орқали ушбу жараённи сунъий интеллектга ўтказиш лозим. Кейинчалик бу тизим мавжуд маълумотлар базаси асосида қайси ҳудудда, қайси вақт оралиғида ва қандай турдаги такрорий ёки кўпроқ қилмишлар содир этилишини прогноз қилиш (Predictive policing) имкониятини яратади.

Шу сабабли, “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими[1]ни бевосита юқоридаги мезонларга ихтисослаштириш, назорат тадбирлари ва мурожаатларни кўриб чиқишда ушбу индикаторлардан фойдаланиш қилмишнинг жиноят эканлигини тўғри квалификация қилиш ва унга қарши курашиш учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

V. Таклиф ва уни амалга оширишнинг техник-ҳуқуқий механизми (Энг хусусий ечим)

“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юқоридаги 9 та мезон асосида тўлиқ ишга тушириш ва давлат бошқарувига жорий этиш учун қуйидаги аниқ механизмларни амалга ошириш таклиф этилади:

1) рақамли изларни логлаш. Ахборот тизимларида содир бўлаётган ҳар бир ҳодиса ва рақамли изларни (Digital footprints) узлуксиз логлаш ва унинг автоматик ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқдир;

2) сабабий боғланишни алгоритмлаш. Бу тизимнинг йўлга қўйилиши рақамли излар орқали жиноятларни фош этиш ва ҳар бир изнинг оқибати жиноят объекти билан бевосита боғлиқлигини ахборот-коммуникация технологиялари (скриптлар ва алгоритмлар) орқали автоматик аниқлаш имкониятини юзага келтиради;

[1] https://reestr.uz/projects/1526?type=passport.

3) ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш. Қонунчиликда ахборот тизимларининг рақамли изларини логлаш ва унинг автоматик ҳисобини юритишнинг ягона тартиб-таомилларини белгилаш ҳамда ушбу жараённи техник жиҳатдан қатъий тартибга солиш ва стандартлаштириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Юқоридаги тизим ишга тушиши учун алоҳида Президент ҳужжатини қабул қилиш, манфаатдор вазирлик ва идораларга зарур топшириқлар бериш, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг рақамли изларини логлаш ва унинг автоматик ҳисобини юритиш тартибини белгилаш, “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юқоридаги 9 та мезон асосида тўлиқ ишга тушириш, ушбу тизхимга сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда кибержиноятларнинг зарурий белгилари асосидаги миллий модель асосида кибержиноятларга қарши курашиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу моделнинг жорий этилиши:

ҳозирги вақтда киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш учун сарфланаётган беҳисоб вақт ва инсон ресурслари тизимлаштирилади, таклиф этилаётган модел чекланган ресурсларни тарқоқ йўналишлардан энг хавфли ва долзарб кибер-таҳдидларга йўналтириш имконини беради, бу эса давлат бюджети ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самадорлигини кескин оширади;

9 та зарурий белги (қилмиш, айб, кибермуҳит, ахборот ва ҳ.к.) асосидаги тизим маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят таркибини бир-биридан аниқ ажратиб беради, бу инсон омили туфайли юзага келиши мумкин бўлган хатоликларни камайтиради ва ҳар бир кибер-ҳодисага унинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, тўғри ва адолатли ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлайди;

таклиф этилаётган модел сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлилига асосланган сабабли жиноят содир этилганидан кейин ҳаракат қилиш (реактив) эмас, балки ҳужумларни ҳали режалаштириш босқичидаёқ аниқлаш ва прогноз қилиш (проактив) имконини беради, бу кибермакондаги жиноятларнинг сони ва улар етказадиган зарар миқдорини камайтиришга хизмат қилади;

ахборот тизимларидаги рақамли изларни автоматик логлаш ва уларни жиноят таркиби билан боғлаш механизми тергов жараёнини тезлаштиради, бу жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи ва субъектини (Digital Footprint) техник жиҳатдан инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан асослашга хизмат қилади, натижада кибержиноятларнинг жазосиз қолиш эҳтимоли минималлашади;

ушбу тизимнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистоннинг БМТ конвенцияси каби халқаро стандартларга тўлиқ мослашишини таъминлайди, шу билан бирга, кибержиноятчиликка қарши курашнинг илмий асосланган миллий моделини яратиш орқали мамлакатнинг халқаро киберхавфсизлик индекси (Global Cybersecurity Index) ва рақамли иқтисодиёт рейтингларидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

URINBOEVA MUKHLISA MARUFOVNA
Independent Researcher,
Law Enforcement Academy of
the Republic of Uzbekistan

ISSUES OF USING ARTIFICIAL INTELLIGENCE CAPABILITIES AT THE MEDIATION INSTITUTE

As market economy relations develop in our country, it is natural that disputes arise between the subjects of such relations - parties - in various areas: civil, family, business, education, social and labor relations. In particular, disputes regarding family legal relations and property disputes occupy a significant place among such disputes. Usually, the parties to the dispute choose the traditional way to find a solution to the issue, that is, they turn to the courts. However, in our national legal system, there are opportunities to resolve disputes without taking the case to court, using other alternative methods - appeal councils, arbitration courts and the mediation institution.

Nowadays, in the legal systems of developed foreign countries, the institution of mediation, aimed at resolving disputes in an alternative way without taking the case to court, is gaining special importance.

Article 33 of the Charter of the United Nations recognizes mediation as a primary means of resolving disputes[1]. Also, in Directive 2008/52 of the European Parliament and of the Council of 5 July 2008, the concept of "Mediation" in civil and commercial disputes is defined as "a process initiated by the parties or ordered by a court or established by national law, in which two or more disputing parties seek the assistance of a third party with a view to reaching an agreement on the settlement of their dispute."[2]. The "European Code of Conduct for Mediators" defines this term as "any process whereby two or more parties agree to the involvement of a third party, the mediator, to assist them in resolving their dispute amicably without resorting to a court order." Although mediation

[1] United Nations Charter, Chapter VI: Pacific Settlement of Disputes// www.un.org/en/about-us/un-charter/chapter-6

[2] Directive 2008/52/EC of the European Parliament and of the Council // https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX:32008L0052

was first coined as a modern term in the 20th century, its roots go back to ancient civilizations. In particular, in ancient China, “conciliation” was considered a social interpreted as the basis of harmony. In Islamic law, there are institutions of peace and mediation, which performed the function of a mediator[1].

First, if we dwell on the concept of mediation separately, this word is derived from the Latin word “mediare”, which means “to mediate, to interfere in order to reconcile”.

It should be noted that the legal framework for apprehension is set out in Chapter 27 of the CPC, in which the legislature defines the general concept of apprehension and establishes its grounds and procedure. In particular, Article 224 of the CPC sets forth the procedure for apprehending a person before criminal proceedings are initiated. However, it does not provide a separate procedure for the apprehension of minors. Consequently, the apprehension of a minor suspected of committing a crime is carried out in accordance with the general rules established by the CPC. Thus, the current legislation contains virtually no provisions specifically regulating the apprehension of minors at the stage of initiating criminal proceedings, although minors require special legal protection.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

The issue of applying detention as a preventive measure to juvenile defendants is regulated by Article 558 of the CPC. It provides that this preventive measure may be applied to a juvenile defendant accused of committing an intentional crime punishable by imprisonment for a term exceeding five years. Accordingly, Chapter 27 of the CPC indicates that the apprehension and detention of a juvenile suspect should be permitted only where the minor is suspected or accused of committing a serious or especially serious crime[1]. The purpose of this rule is both to protect the public interest and to prevent violations of the rights of the child.

Where necessary, particularly if physical or psychological distress arises, law enforcement officers must arrange a medical examination of the minor and consultation with a psychologist. Under the legislation in force, detention as a preventive measure may be imposed by an investigator or inquiry officer only after criminal proceedings have been initiated. In our view, however, a person may be apprehended while attempting to flee directly from the scene of a crime or attempting to conceal or destroy the instruments of the crime. At the same time, the participation of a legal representative is not mandatory during the apprehension and detention of a juvenile suspect. The legal representative must merely be notified immediately of the detention; the prosecutor must likewise be notified, and defence counsel must be provided without delay. Thus, a legal representative is present only when an explanation is obtained from, or the juvenile suspect is interrogated, and when a preventive measure is selected in respect of the minor. Pursuant to Article 423 of the Criminal Procedure Code of the Russian Federation, a juvenile suspect or accused may be apprehended. It further provides that the legal representative of a juvenile suspect or accused must be notified immediately after the minor has been apprehended[2]. The Russian CPC is designed to maintain a balance between the objectives of criminal prosecution and the protection of the rights and legitimate interests of minors. Strictly regulated time limits and the involvement of teachers,

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

[2] «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 31.07.2025) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2025).

psychologists and legal representatives ensure that the detention of minors is generally regarded as a measure of last resort.

Article 541 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan establishes a special procedure concerning the apprehension of minors. Under this provision, a minor may be apprehended and subjected to a preventive measure. Detention as a preventive measure may not be applied to minors accused of committing a criminal misdemeanour or a minor or medium-gravity crime. It further provides that detention as a preventive measure may be applied to a minor only where, in view of the circumstances of the case, no other preventive measure can be used.

When a minor is apprehended, the minor's parents and the guardianship and trusteeship authority must be notified immediately. If, owing to the living and upbringing conditions of a juvenile suspect, the minor cannot remain at their previous place of residence, the authority conducting the criminal proceedings may, by its order and with the participation of the guardianship and trusteeship authorities, place the minor, for the duration of the criminal proceedings, in an organisation responsible for protecting children's rights under the law or in the care of a guardian (Article 540 of the CPC)[1].

As can be seen, the CPC of Kazakhstan provides for legal protection measures from the moment a minor is apprehended. Article 550 of the CPC of Uzbekistan (ensuring the participation of defence counsel) provides that, from the first interrogation of a minor as a suspect or accused, the inquiry officer or investigator must take measures to ensure the participation of defence counsel in the case. However, the content of Article 550 of the CPC is inconsistent with the safeguards concerning legal representation established in Article 29 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, as cited above.

In other words, Article 550 provides for defence counsel to be appointed only from the first interrogation of a minor as a suspect or accused. By contrast, the Constitution establishes the right to receive the assistance of defence counsel at any stage of the proceedings, including

---

[1] Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.09.2025 г.)

from the moment the person is apprehended. Furthermore, apprehension may be applied not only to an accused but also to a suspect.

The provision governing minors' right to use the services of a lawyer lacks sufficient clarity. It is evident that a minor who does not possess adequate legal knowledge or life experience cannot independently make an informed decision in such circumstances. It therefore appears appropriate to ensure that minors subjected to criminal prosecution receive qualified legal assistance. Although the preliminary examination at the stage of initiating criminal proceedings is conducted within a short period, the issue of providing a minor with a lawyer should be addressed immediately once criminal prosecution begins.

This approach is also consistent with the Council of Europe Committee of Ministers' 2010 Guidelines on Child-Friendly Justice, which emphasise the need to respect and effectively safeguard all the rights of the child to the fullest possible extent[1]. It should also be recognised that general procedural actions, such as obtaining an explanation from a minor, must be conducted in the presence of defence counsel.

According to E.V.Tsvetkova, "if a minor participates in the initial stages of criminal proceedings, they must be granted important procedural rights equivalent to those available during the preliminary investigation stage, enabling them to defend their position and protecting them against subsequent criminal prosecution"[2].

It should be noted that the current criminal procedural legislation does not provide for the mandatory participation of defence counsel for a minor at the stage of initiating criminal proceedings. This significantly restricts the ability of a minor undergoing a pre-investigation inquiry to receive qualified legal assistance.

---

[1] Рекомендация Совета Европы № R (87) 20 (Рекомендация Комитета министров Совета Европы по правосудию, дружественному к ребенку) // Вестник восстановительной юстиции. 2012. № 9.

[2] Цветкова Е.В. Нарушение прав несовершеннолетних, не достигших возраста привлечения к уголовной ответственности, на стадии возбуждения уголовного дела: российский и международный опыт // Международное уголовное право и международная юстиция. 2018. № 3. 18 с.

Therefore, it is proposed that paragraph eight of Article 224 of the CPC be supplemented with the following provision:

“When a minor is apprehended, the minor’s parents and the guardianship and trusteeship authority shall be notified immediately.”

It is proposed that the first paragraph of Article 242 of the CPC be supplemented with the following provision:

“Detention as a preventive measure may be applied to minors only in cases involving serious or especially serious intentional crimes.”

It is also recommended that, in the second paragraph of Article 549 of the CPC, the words “from the moment of interrogation” be replaced with the words “from the moment of apprehension.”

Another important issue frequently encountered in practice concerns the summons of a juvenile accused to appear before an inquiry officer, investigator, prosecutor or court pursuant to Article 97 of the CPC. The procedure for summoning a juvenile accused to appear before an investigator or court is not clearly established. If the juvenile accused is being held in custody, the summons is served through the administration of the relevant institution. However, the legislation currently does not regulate any other procedure for summoning a juvenile accused who is not being held in custody.

In practice, a summons may also be served through the administration of the institution where the juvenile accused is receiving medical treatment, working or studying. It should be emphasised that an investigator is not authorised to summon a juvenile accused by mobile phone or by personally delivering the summons. V.V. Kalnitsky has also expressed an opinion on this matter. According to him, personally summoning a juvenile accused to appear before an investigator may subsequently cause various psychological disturbances in the minor and adversely affect the quality of the investigation[1].

However, where a minor has been placed under supervision, it is reasonable to assume that the minor’s appearance before the investigative authority or court should be ensured through their legal representatives.

---

[1] Кальницкий В.В. Следственные действия : учеб. пособие. 2-е изд., перераб. и доп. Омск : Омская академия МВД России, 2003. С. 187.

Choosing an appropriate method of summoning a minor may both reduce the likelihood of obstruction of the investigation and increase the possibility of obtaining information relevant to the case from the juvenile accused during questioning.

In view of the foregoing, it is proposed that the third paragraph of Article 97 of the CPC be supplemented with the following provision:

"Minors shall be summoned to appear before an inquiry officer, investigator, prosecutor or court by means of a summons served through their legal representative".

The analysis demonstrates the need to further improve procedural safeguards protecting the rights and legitimate interests of minors at the stage of initiating criminal proceedings. Irrespective of age, a minor should have the right to submit an application or report concerning a crime orally, in writing or electronically, and such a submission must be received, registered and examined. An applicant under the age of sixteen should not be warned of criminal liability for knowingly making a false report; however, the obligation to provide truthful information should be explained to the applicant.

Furthermore, the participation of defence counsel must be ensured from the moment a minor is apprehended, and the minor's parents or other legal representative, as well as the guardianship and trusteeship authority, must be notified immediately. The principle of the best interests of the child requires detention as a preventive measure to be applied to minors only in exceptional circumstances—where no less restrictive measure can be used and the case concerns a serious or especially serious intentional crime. Summoning minors to appear before an inquiry officer, investigator, prosecutor or court through their legal representatives would also help prevent adverse psychological effects on them.

ҚУЧҚАРОВ ХАМИДУЛЛО АБДУРАСУЛОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори, ю.ф.ф.д.(PhD), доцент

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ-ТАОМИЛНИ ЗАРУРАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштирилган тартиб-таомилларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда Ўзбекистон фуқаролик процессуал қонунчилигида сиртдан иш юритиш, буйруқ тартибида иш юритиш каби соддалаштирилган процессуал институтларнинг жорий этилиши, уларнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётдаги аҳамияти ёритилган. Муаллиф томонидан суд ишларини тезкор ва самарали ҳал этиш, судьялар иш ҳажмини камайтириш, тарафларнинг вақт ва харажатларини тежашда мазкур институтларнинг ўрни очиб берилган. Шунингдек, соддалаштирилган тартиб-таомилларни қўллаш жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар, жумладан, процессуал кафолатларни таъминлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Мақолада хорижий тажриба ва миллий қонунчилик ривожланиши асосида фуқаролик суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *фуқаролик процессуал ҳуқуқи, соддалаштирилган тартиб-таомил, сиртдан иш юритиш, суд буйруғи, суд ишларини оптималлаштириш, процессуал кафолатлар.*

Аннотация: *в статье проведён комплексный анализ возникновения, формирования и этапов развития упрощённых процедур судопроизводства по гражданским делам. В исследовании раскрыты вопросы внедрения в гражданское процессуальное законодательство Республики Узбекистан таких упрощённых процессуальных институтов, как заочное производство и приказное производство, а также рассмотрены их правовые основы и практическое значение. Автором раскрыта роль указанных институтов в обеспечении оперативного и эффективного рассмотрения гражданских дел, снижении нагрузки на судей, сокращении временных и материальных затрат*

участников процесса. Кроме того, проанализированы отдельные проблемы, возникающие при применении упрощённых процедур, включая обеспечение процессуальных гарантий участников дела и совершенствование законодательства. На основе анализа национального законодательства и зарубежного опыта предложены научно-практические рекомендации по дальнейшему совершенствованию порядка рассмотрения гражданских дел в упрощённой форме.

Ключевые слова: *гражданское процессуальное право, упрощённая процедура судопроизводства, заочное производство, приказное производство, оптимизация судебного процесса, процессуальные гарантии.*

Annotation: *the article provides a comprehensive analysis of the emergence, formation, and development stages of simplified procedures in civil proceedings. The study examines the introduction of simplified procedural institutions, such as default proceedings and court order proceedings, into the civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as their legal foundations and practical significance. The author highlights the role of these institutions in ensuring prompt and effective resolution of civil cases, reducing judges' workload, and decreasing time and financial costs for participants in judicial proceedings. The article also analyzes certain challenges arising in the application of simplified procedures, including the protection of procedural guarantees of the parties and the improvement of relevant legislation. Based on the analysis of national legislation and international experience, the author proposes scientific and practical recommendations aimed at further improving simplified forms of civil proceedings.*

Keywords: *civil procedural law, simplified court procedure, default proceedings, court order proceedings, optimization of judicial proceedings, procedural guarantees.*

Жаҳонда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишнинг тезкорлигини таъминлаш, судда иш юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштириш орқали судлар томонидан инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, фуқаролик суд ишларини юритишни оқилона муддатларини белгилаш, фуқаролик суд ишларини олиб бориш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тенденциялари кучайиб бормоқда. Фуқаролик суд ишларини соддалаштириш бўйича англо-америка ва континентал ҳуқуқ тизимида айни вақтда судга қадар ёки суддан ташқари музокаралар олиб боришга, шунингдек даъво суммаси юқори бўлмаган суд ишларида тарафларнинг иштирокисиз ёзма далиллар асосида суд

қарорларининг чиқарилиши орқали судьяларнинг иш ҳажмини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда фуқаролик судларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилиш, судларни ихтисослаштириш, иш кўришнинг ихчамлаштирилган тартиб-таомилларини белгилаш, фуқаролик суд ишларини юритишга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини тадбиқ этиш билан боғлиқ қоидаларни белгилаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, фуқаролик судларида соддалаштирилган тартибда иш юритишни янада кенгайтириш орқали судьяларнинг иш хажмини камайтириш, ишни судда муҳокама қилиш босқичларини оптималлаштириш орқали суд харажатларини камайтириш ва тарафларнинг сансалорлигини олдини олиш, суд қарорларига қўйилган процессуал талабларнинг тўлиқ бажарилишига, шунингдек, суд қарорлари устидан берилаётган шикоят ва протестларнинг кўпайишини олдини олишга эришиш, суд қарорларининг вақтида ижро этилишини таъминлаш бўйича фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий изланишлар мавжуд.

Айниқса фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда судга қадар тарафларнинг келишувига эришиш, даъво суммаси юқори бўлмаган суд ишлари бўйича тарафларнинг иштирокисиз мавжуд далиллар асосида суд қарорларининг чиқарилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60 (28.01.2022)[1] асосида фуқароларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатлаш, суд

[1]https://lex.uz/docs/5841063

ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган изчил ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ фуқароларимизнинг судларга қилаётган мурожаатларининг сонини ортиб бормоқда.

Суд ишларини юритишни соддалаштирилган шаклини тартибга солувчи қонунчиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши масаласини тадқиқ этиш, ўз навбатида ушбу соҳадаги қонунчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун замин яратади, ушбу соҳада миллий процессуал ҳуқуқ соҳасининг асосий йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Мамлакатимизда суд ишларини юритишни соддалаштирилган шаклини тартибга солувчи қонунчиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланишини фуқаролик процессуал қонунчилик такомиллашиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич:(1991-2002 йиллар) – аввало мамлакатимизда фуқа-ролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди.[1] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабрь) ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоясининг мустаҳкамлаб қўйилиши Конституция-мизнинг муқаддимасида таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқнинг умум эъти-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2018. – 16 бет.

роф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинганлигидан далолат беради.

Мазкур даврда (1997 йил 30 август) фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи муҳим қонун ҳужжати - Ўзбекистон Республикасининг биринчи Фуқаролик процессуал кодекси (бундан кейин матнда ФПК деб юритилади) қабул қилиниши алоҳида эътиборга лойиқ. Унда фуқаролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари: фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принциплари, хусусан тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда кўрилиши каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилди, суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий равишда ўзгартишлар киритилди, шунингдек одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти жорий этилди.ФПКга “Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш” деб номланган 19-боб киритилиб, унда сиртдан иш юритиш асослари, шартлари ва тартибига оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Таъкидлаш керакки, фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштириш, одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш масалалари мамлакатимизнинг биринчи ФПКда илк бор ўз ифодасини топган эди. Бошқача айтганда, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимиз вужудга келишининг дастлабки даврлариданоқ фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган тартиб-таомилларини жорий этишга замин яратилган эди, десак муболаға бўлмайди.

Айтиш мумкинки, сиртдан иш юритиш институти фуқаролик процессидаги тарафларнинг, хусусан жавобгарнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳарак-терли ҳисобланади. Чунки жавобгар суд мажлиси тўғрисида тегишлича ҳабардор бўла туриб, суд мажлисига

келмаган тақдирда судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқиш имкониятини мустаҳкамлайди. Бу эса жавобгарга ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик белгила-нишини кўрсатади. Сиртдан иш юритиш институти турли сансалорликнинг олдини олади, жавобгарнинг ўз процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилишини бартараф этади ҳамда суд ишларини бирмунча ихчамлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият олимлар ва амалиёт ходимлари фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги сиртдан иш юритиш институтининг ролини ижобий баҳолашади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, сиртдан қарор чиқариш институтининг амалга оширилиши фуқаролик процессида даъвогарларнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлар билан мустаҳкамлаш, тарафларнинг, айниқса жавобгар шахсларнинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик меъёрларини ошириш, низоларга рухсат берилишини тезлатиш, шунингдек суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларни суд иш юритувида тўпланиб қолишини олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.[1]

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юф.д., профессор З.Н.Эсанова сиртдан иш юритишнинг аҳамиятини қуйидагича ифодалайди:

Биринчидан, фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш тартибининг хилма-хиллигини кўрсатади;

Иккинчидан, тарафларнинг суд олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англашларига имконият яратади;

Учинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг мавжуд процессуал тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловни амалга оширишга бўлган масъулиятини янада кучайтиради;

---

[1] Шорахметов Ш.Ш. Инсон манфаатларига қаратилган кодекс // Ж. Қонун ҳимоясида. 2-сон, 1998 йил.

Бешинчидан, вақтни тежаш, процессуал муддатларга риоя қилишни таъминлашга қаратилган.[1]

М.М.Мамасиддиқов ҳам сиртдан иш юритишнинг аҳамияти ҳақида гапириб, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини кечиктириши ва даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қайта тикланишига тўсқинлик қилиши, бу даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида ҳам эътироф этилишини қайд этиб,[2] бу борада сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришни ёқлаб чиқади.

Т.С.Габазов фуқаролик процессига сиртдан иш юритиш институтининг киритилиши одил судловни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди, дея ўз фикрини билдиради. Унинг фикрича, ушбу институт тарафларнинг мақсадга эришиш имконини берадиган юридик кафолатлар таркибини, ушбу кафолатларга путур етказмаган ҳолда фуқаролик юрисдикцияси тизимини ривожланиш жараёнини соддалаштириш ва мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишда ифодаланади.[3]

Шунингдек, И.В.Решетникова фуқаролик процессуал қонунчиликка сиртдан иш юритиш институтининг киритилишини ижобий баҳолаб, уни суд фаолиятининг моҳиятини англатувчи белгиларини чекламасдан тарихан шаклланган одил судловни тезлаштирувчи шаклларидан бири деб қайд этади.[4]С.В.Братцеванинг

---

[1] Esanova.Z.N. Fuqarolik protsessual huquqi. Darslik // Mualliflar jamoasi. Yuridik fanlar doktori, professor M.M.Mamasiddiqov tahriri ostida // O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, «Adolat» milliy huquqiy axborot markazi. Toshkent. 2022-y. -464. -B. 255/

[2] Мамасиддиқов М.М.Ҳал қилув қарори: уни сиртдан чиқаришнинг талаб ва шартлари // "Куч адолатда" Ўзбекистон Республикаси Олий судининг газетаси, 2010 йил 9 сентябрь.

[3] Габазов.Т.С. Пути совершенствования заочного производства в гражданском процессе // Тимур Султанович Габазов, Аюб Бисланович Сулейманов // Социально-экономические и гуманитарные науки: сборник избранных статей по материалам Международной научной конференции (Санкт-Петербург, Апрель 2021). № SEH-296. - 2021. - 88-90.

[4] Решетникова И.В., Ярков В.В. Гражданский процесс: учебное пособие. -- 8-е изд., перераб. -- М.: Норма: ИНФРА-М, 2024. -272 с.

фикрича, сиртдан иш юритиш фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш мақсадида киритилган.[1]

Юқоридаги фикрларга қарши ўлароқ, И.С.Лапаев бу институт фуқаролик процессининг умумий қоидаларидан четга чиқиб иш юритиш сифатида баҳолайди ва суд мажлисининг тайёргарлик қисми, ишни судда муҳокама қилиш ва ҳал қилув қарори қабул қилишда суд бир қатор процессуал тартибларни четлаб ўтиши натижасида далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш томонларнинг ўзаро муроса келишувини тузиши борасида жавобгарнинг позициясини аниқлаш каби фуқаролик процессуал шакл элементлари чиқариб ташланишини келтириб ўтиб, сиртдан иш юритиш фақатгина жавобгарнинг иш якуни юзасидан чиқарилган хал қилув қароридан манфаатдор бўлмаган холлардагина самара бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтади.[2]

Т.С.Зайцева сиртдан иш юритиш доирасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш масаласини ўрганиш натижасида бу борада ҳуқуқни суъистемол қилиш ҳам даъвогар, ҳам жавобгар томонидан содир этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Унинг таъкидлашича даъвогар судга мурожаат қилиб, унда жавобгар яшамайдиган манзилни кўрсатиши мумкин. Бу қасддан қилиниши мумкин, чунки кўп ҳолларда судлар жавобгар манзилининг тўғрилигини текширмайдилар, яшаш жойи ҳақида маълумот талаб қилмайдилар ва сиртдан қарор чиқарадилар. Бунда суд шундай қарор чиқара туриб, унга нисбатан бекор қилиш тўғрисида ариза берилиши ва иш бўйича иш юритиш тикланиши, яъни иш янгитдан кўриб чиқилиши мумкинлигини тушунади. Бироқ, агар жавобгар даъво аризасида кўрсатилган манзилда яшамаса (ёки умуман яшамаган бўлса, ёхуд яшаш жойини ўзгартирган бўлса) ва почта ташкилотининг сақлаш муддати ўтгани ҳақидаги белгиси бўлган конверт текширилса, суднинг бундай ишончи хато бўлиб чиқади.

---

[1]Братцева. С.В. Заочное производство: а стоит ли? // Арбитражный и гражданский процесс. 2016. № 3. -58 с.

[2] Лапаев. И. С. Институт заочного производства в гражданском процессе / Электронный научный журнал «Наука. Общество. Государство» 2016. Т. 4, № 2 (14) http://esj.pnzgu.ru ISSN 2307-9525 (Online)

Иккинчидан, даъвогар барча далилларни эмас, балки фақат ўзининг ҳуқуқий позициясини қўллаб-қувватлайдиган айрим далилларни тақдим этиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра бизнинг фикримизча, судга мурожаат қилар экан, даъвогар иш бўйича ўзида мавжуд бўлган барча далилларни (масалан, жавобгар билан ёзишмалар, шартномалар, далолатномалар, тўлов топшириқномалари ва ҳ.к.) тақдим этиши шарт. Афсуски, кўпинча бундай бўлмайди. Даъвогар кўп ҳолларда ўзига жавобгардан олинган далилларни (масалан, ҳуқуқий асослантирилган эътирозга жавобни) тақдим этмайди, чунки улар даъвогарнинг позициясини инкор этади. Суднинг ўзи фақат бир томондан олинган далилларни олиб, чалғитилиши мумкин. Шунингдек, даъво аризаси даъво муддати ўтиб кетган ҳолда ҳам даъвогар томонидан берилиши мумкин. Бунда суд даъво муддати ўтганини мустақил равишда қўллай олмайди, чунки бу жавобгар томонидан талаб қилиниши керак. Албатта, даъвогар даъво муддатини ўтказиб юборган ҳолда даъво аризасини беришга ҳақли, бироқ бизнинг фикримизча, бу ҳам унинг томонидан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳисобланади. Яна бир муҳим масала бу даъвогар жавобгардан тегишли бўлган нарсани кўпроқ олиш мақсадида (масалан, неустойканинг оширилган миқдорини) судга мурожаат қилишни чўзиши мумкин. Агар жавобгар судга келмаса, у ҳолда неустойкани камайтириш учун суд катта эҳтимол билан асослар топа олмайди.[1]

Мамлакатимизда сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, масалан, 2023 йилда республика судлари томонидан жами 89 430 та сиртдан ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, шундан 11 356 таси, яъни 12,7 фоизи бекор қилинган. Худди шундай, 2024 йилда 94 794 та сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қароридан 7 626 таси, яъни 8,0 фоизи бекор қилинган, 2025 йилда 97 034 та сиртдан қабул қилинган ҳал қилув

---

[1] Зайцева Т. С. Злоупотребление правом при осуществлении заочного производства в гражданском процессе // Актуальные исследования. 2023. №47 (177). Ч.II. С. 20-22. URL: https://apni.ru/article/7522-zloupotreblenie-pravom-pri-osushchestvlenii

қароридан 8416 таси, яъни 8,7 фоизи бекор қилинган, 2026 йилнинг биринчи яримида 52497 та сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қароридан 3687 таси, яъни 7,0 фоизи бекор қилинган [1].

Бизнинг фикримизча сиртдан иш юритиш суд ишларини юритиш умуммий қоидаларини тўлиқ ўзида акс эттирмаганлиги сабабли фуқаролик суд ишларини юритишнинг мустақил тури ҳисобланмаса-да, у даъво тартибдаги иш юритишга нисбатан муқобил шаклдир. Чунки, жавобгар суд процессига келмаган тақдирда ишни умумий асосларда ёки сиртдан кўрилишини даъвогар танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

В.В.Яркова ҳам сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўзининг ҳуқуқий оқибатига кўра одатдаги суд ҳал қилув қарорларидан умуман фарқ қилмаслигини таъкидлайди.[2]

Бизнинг фикримизча, даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни ихчамлаштириш, судда иш юритишнинг тезкорлигини таъминлаш талаб этилаётган бир вақтда сиртдан иш юритиш институтини янада такомиллаштириш зарур. Зеро, маълумотлар йилдан-йилга сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилган фуқаролик ишларининг сони ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман, шаҳар) судларида 2014 йилда сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилган ҳал қилув қарорлари 35310 тани ташкил этган[3] бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 37831 тани, 2016 йилда эса 40412 тани ташкил этган.[4]

Ушбу статистик кўрсаткичлар сиртдан иш юритиш институтининг амалиётдаги аҳамиятини яқинда тасдиқлайди.

---

[1] https://stat.sud.uz/civil.

[2] Актуальные проблемы гражданского и административного судопроизводства // под ред. В.В. Яркова. М.: Статут. – 2021. – 460 с.

[3] Икромов А. Сиртдан иш юритиш тартиби амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда // https://supcourt.uz/files/library/Сиртдан%20иш-2014-27.pdf

[4] Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари томонидан 2015-2016 йилларда кўрилган ишларнинг статистик маълумоти. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Тошкент. 2016 йил.

Мазкур маълумотлар йилдан йилга сиртдан ҳал қилув қарорлари сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатади:[1]

5-жадвал. Сиртдан ҳал қилув қарорлари сонининг динамикаси (2021-2026 йил биринчи ярми)

Йил	Сиртдан ҳал қилув қарорлари сони	Бекор қилинган	Манба
2021	97669 та	4608 та	Олий суд
2022	154416 та	11577 та	Олий суд
2023	89430 та	11356 та	Олий суд
2024	94794 та	7626 та	Олий суд
2025	97034 та	8416 та	Олий суд
2026 биринчи ярми	52497 та	3687 та	Олий суд

Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий суди (stat.sud.uz) маълумотлари асосида тузилган.

2025 йилда Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстацияда кўрилган ишлар юзасидан статистик маълумотларга юзлансак фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстацияда судларида кўриб тамомланган 2169425 та фуқаролик ишининг 2025914 та иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб қаноатлантирилган, 76132 та иш бўйича даъво талаби рад этилган, 60373 та фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилган, 7006 та фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган[2].

Шундай экан, ушбу институт доирасида ислоҳотларни давом эттирган ҳолда миллий қонунчилигимизни ривожлантиришнинг кейинги босқичларида айни қандай турдаги фуқаролик ишларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти. Суд статистикаси // stat.sud.uz. — Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанцияда кўрилган ишлар статистикаси. 2014-2022 йиллар

[2] https://stat.sud.uz/civil.

сиртдан кўриш мақсадга мувофиқлиги, ишни сиртдан кўриш ҳақида ажрим чиқариш муддати ва сиртдан чиқарилган хал қилув қарорини бекор қилиш билан боғлиқ муддатлар масаласида фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш лозим.

Иккинчи босқичда (2003 йилдан 2008 йилгача) мустақил ривожланиш йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари асосида одил судловни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан усулларини татбиқ этиш, судьяларнинг нисбатан кўпайиб бораётган иш ҳажмини камайтириш, низосиз талабларни судда кўришнинг ихчамлаштирилган тартиб-таомилларини амалиётга жорий этиш, ушбу жараёнда суддаги вакиллик имкониятларидан самарали фойдаланиш, суддаги вакиллик институтини такомиллаштириш, суд ишларини кўришни соддалаштириш бўйича ҳуқуқий асосларни ривожлантириш ва бу юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланди.

Мазкур жараёнда суддаги вакилликнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш мақсадида суддаги вакилликнинг кўп тарқалган тури бўлмиш адвокатларнинг фуқаролик процессидаги аҳамиятини оширишга қаратилган ислоҳотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаси деб белгиланди. Шу нуқтаи назардан олганда процессда тарафлар ўртасида ишни келишув битими билан якунлаш, унинг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, суд ишларини юритишни соддалаштириш жараён-ларида вакиллик институтларининг аҳамиятини илмий-амалий

жиҳатдан ўрганиш юридик фан олдида турган долзарб вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Мазкур босқичда соҳада амалга оширилган муҳим қадамлардан бири фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиби - “Буйруқ тартибида иш юритиш” (муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 20^1-боби) жорий этилди. Буйруқ тартибида иш юритиш мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Қонуни билан киритилган[1].Унга кўра, суд буйруғи унди-рувчининг пул маблағларини ундириш ёки кўчар мол мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судьянинг судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжати эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 4-сонли қарорининг 1-бандида суд буйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган ФПКнинг 238^2-моддасида кўрсатилган талаблар юзасидан суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар бўйича чиқарилиши ва у ижро ҳужжати кучига эга эканлиги ҳақида тушунтириш берилган эди.[2]

Юридик адабиётларда ҳам суд буйруғи биринчи инстанция судлари томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни

---

[1] 2003 йилги қонун билан ўзгартирилган эски Кодекс ўз кучини йўқотган; амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2018 йил 22 январдаги ЎРҚ-460-сон қонуни билан тасдиқланган).

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2018 йил 22 январдаги ЎРҚ-460-сон қонуни билан тасдиқланган), 18-боб "Буйруқ тартибида иш юритиш".

соддалаштирилган тартиб-таомиллар асосида ҳимоя қилишни назарда тутади.[1]

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига буйруқ тартибида иш юритиш институтининг киритилиши суд ишларини бирмунча соддалаштиришда муҳим омил бўлган бўлса-да, бироқ айрим низоли бўлган ҳамда даъво суммаси юқори бўлмаган фуқаролик ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш, суд буйруқларини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини кенгайтириш долзарб бўлиб бораётган эди. Шундай экан, соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш институтининг фуқароларни бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез фурсатларда ҳимоя қилишдаги ҳамда фуқаролик ишларини кам харажат сарфлаб ҳал қилишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур институтни тартибга солувчи нормаларни янада такомиллаштириш тақозо этилди.

Учинчи босқичда (2008 йилдан 2016 йилгача) суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини ривожлантиришга қара-тилган мазкур босқичда буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан судларда даъво тартибида кўриладиган ишларнинг сони бирмунча камайганлиги кузатилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларда судьяларнинг иш ҳажмини камайтиришда суд буйруғи муҳим ўрин эгаллай бошлади. Масалан, 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда кўрилган фуқаролик ишларининг сони 146044 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 244432 тани ташкил этган[2]ва бу судларда ишларнинг йилдан йилга ортиб борганлигини кўрсатади. Судьялар иш ҳажмини камайтириш, вақтни тежаш, тарафларнинг ортиқча овора қилмаслик суд буйруғи муҳим ўрин эгалламоқда. Масалан, 2020 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 291132 та иш

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2018 йил 22 январдаги ЎРҚ-460-сон қонуни билан тасдиқланган), 18-боб. https://lex.uz/docs/3517337

[2]Fuqarolik ishlari bo‘yicha sudlarning 2018-2020-yillar hamda 2021-yil asosiy ko‘rsatkichlari. https://stat.sud.uz/civil.

кўрилган бўлса, шундан 96584 та суд буйруғи чиқарилган яъни кўрилган ишларнинг 33,2 фоизини ташкил қилган, 2021 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 518087 та иш кўрилган бўлса, шундан 166812 та суд буйруғи чиқарилган яъни кўрилган ишларнинг 32,2 фоизини ташкил қилган, кўришимиз мумкин[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий маълумотларига кўра, суд буйруғи институти ривожланиш тенденцияси давом этмоқда, 2022 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 863883 та иш кўрилган бўлса, шундан 301597 та суд буйруғи чиқарилган яъни кўрилган ишларнинг 34,9 фоизини ташкил қилган, 2023 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 943892 та иш кўрилган бўлса, шундан 483617 та суд буйруғи чиқарилган, яъни кўрилган ишларнинг 51,2 фоизини ташкил қилган, 2024 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 1497184 та иш кўрилган бўлса, шундан 964159 та суд буйруғи чиқарилган, яъни кўрилган ишларнинг 64,4 фоизини ташкил қилган, 2025 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 2169425 та иш кўрилган бўлса, шундан 1519814 та суд буйруғи чиқарилган, яъни кўрилган ишларнинг 70,1 фоизини ташкил қилганини кўришимиз мумкин[2].

Буйруқ тартибида юритиладиган ишларнинг фуқароларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва соддалаштирилган усулда ҳимоя қилишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар доирасини кенгайтиришни тақозо этди. Фуқаролик процессуал қонунчили-гини янада такомиллаштириш ва суд буйруғи тартибида иш юритиш доирасини кенгайтириш мақсадида 2011 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-288-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан ФПКнинг суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини белгиловчи 238[2]-моддаси қуйидаги мазмундаги 5-банд билан тўлдирилиб, агар

[1]Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг Республика судларининг 2018 йил биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунлари ҳамда келгусидаги вазифалари тўғрисидаги Қарори.

[2] Fuqarolik ishlari bo‘yicha sudlarning 2025-yil asosiy ko‘rsatkichlari. https://stat.sud.uz/civil

фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса суд буйруғи чиқарилиши белгиланди[1].

Амалдаги ФПКнинг 171-моддасига мувофиқ суд буйруғини бериш бўйича талаблар қуйидаги ҳолларда берилади, агар:

1) талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

2) талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса;

3) коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;

4) вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;

5) ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақида талаб арз қилинган бўлса;

6) фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;

7) ижара шартномасида белгиланган ижара тўловлари муддатида тўланмаганлиги сабабли ушбу тўловларни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;

8) кўп квартирали уйнинг жойлари мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловларни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;

9) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса.[2]

Ҳеч кимга сир эмаски, суд амалиётида вояга етмаган болалар учун алимент ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўпчиликни

---

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 162-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.

[2] *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 11.06.2026 й., 03/06/1150/0587-сон; 02.07.2026 й., 03/26/1156/0670-сон; 27.07.2026 й., 03/26/1161/0787-сон*

ташкил этар эди. Агар 2021 йилда жами 166812 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 62225 та 37,3 фоизини, 2022 йилда жами 3015976 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 69494 та 23,0 фоизини, 2023 йилда жами 483617 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 69927 та 14, 5 фоизи, 2024 йилда жами 964195 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 77518 та 8,0 фоизи, 2025 йилда 1519814 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 84209 та 5,5 фоизи фуқаролик ишлари бўйича вояга етмаган болалар учун алимент ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд буйруғи чиқарилган.[1]

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йилги ҳисоботида қайд этилишича 2025 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 10,8 трлн. сўмдан зиёд мажбурий тўловлар (вояга етмаган болалар учун алимент, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган талаблар, коммунал хизматлар бўйича қарздорлик тўловлари ва бошқалар) ни ундириш ҳақида 1 519 814 та суд буйруғи чиқарилган[2].

Яна бир маълумот, агар иш ҳақи ундиришга доир ишлар статистикасини ўргансак, 2024 йилда жами 14370 та иш кўрилган бўлса, шундан 6965 та иш бўйича суд буйруғи чиқарилган, 2025 йилда эса жами 13478 та жами иш кўрилган бўлса, шундан 5372 та иш бўйича суд буйруғи чиқарилган, 2026 йилнинг биринчи ярмида эса жами 6990 та иш кўрилган бўлса, шундан 1819 та иш бўйича суд буйруғи чиқарилган.[3]

Шунингдек, 2022 йилда жами 3015976 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 69494 та 23,0 фоизини, 2023 йилда жами 483617 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 69927 та 14, 5 фоизи, 2024 йилда жами 964195 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, шундан 77518 та 8,0 фоизи, 2025 йилда 1519814 та суд буйруғи

---

[1] Fuqarolik ishlari bo‘yicha sudlarning 2025-yil asosiy ko‘rsatkichlari. https://stat.sud.uz/civil.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йилги ҳисоботи. https://sud.uz/news-2026-01-07-1.

[3] Fuqarolik ishlari bo‘yicha sudlarning 2026-yil 1-yarmidagi faoliyat yakunlarining asosiy ko‘rsatkichlari. https://stat.sud.uz/civil.

чиқарилган бўлса, шундан 84209 та 5,5 фоизи фуқаролик ишлари бўйича вояга етмаган болалар учун алимент ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд буйруғи чиқарилган.[1]

Юқоридагилардан кўринадики айни вақтда ҳам суд буйруғи ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари даъво тартибида кўрилган ва уларни кўриш учун кўп вақт талаб қилинган. Чунки ушбу тоифадаги ишлар бўйича судьялар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ суд муҳокамасини ўтказар эдилар. Бу эса ортиқча суд харажатларини, шу жумладан, суд чақирув қоғозлари, қоғоз, ижро варақа-лари, почта ва бошқа харажатларни талаб этар эди. Ўз навбатида, таҳлиллар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқарилиши сарфланадиган харажатларни 1/3 қисмга қисқартиришни, шу билан бирга мазкур ишларни кўриш тартибини енгиллаштиришини кўрсатган. Худди шу каби ҳолатларни ходим ҳисобига ёзилган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича ҳам келтириш мумкин. Бу тоифадаги ишлар бўйича даъво талабларининг судлар томонидан асосан қаноатлантирилганлиги уларнинг низосиз эканлигини кўрсатган. Масалан, 2025 йилда республика судлари томонидан кўрилган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги 8106 та фуқаролик ишининг 5372 таси, яъни 66,6 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган. Таҳлиллар иш берувчи ходимнинг меҳнатига тегишли миқдорда ва ўз вақтида ҳақ олиш ҳуқуқини инкор этмаётганлигини, лекин бошқа турли сабаблар, хусусан, пул маблағи бўлмаганлигини важ қилиб иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бермаслигини кўрсатган.

Айрим олимлар таъкидлашича суд томонидан чиқарилган буйруқлар нотариуснинг ижро хатига ўхшаб кетишини, чунки, “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 76-моддасига кўра, нотариус қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб

[1] Fuqarolik ishlari bo‘yicha sudlarning 2025-yil asosiy ko‘rsatkichlari. https://stat.sud.uz/civil.

олиш учун қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлайдилар.[1]

Бизнингча, суд буйруғи қонунда белгиланган тартибда, шунингдек аниқ рўйхатда кўрсатилган талаблар асосида чиқарилади. Битимларнинг ёзма, нотариал тартибда тасдиқланган битимларга асосланганлигининг аҳамияти шундан иборатки, битимнинг бундай шакллари ундирувчи ва қарздор ўртасида мавжуд бўлган моддий ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ намоён қилиб, уларни рўёбга чиқаришга имкон беради.

Дарҳақиқат, мазкур босқичда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий қилин-ганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самараси ҳисобланган.

Тўртинчи босқич(2016 йилдан ҳозирги вақтгача) мамлакатимизда судда соддалаштирилган тартибда иш юритишга оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичи сифатида эътироф этилади. Мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар негизида қабул қилинган турли фармон, қарор ва қонунларда ўз ифодасини топди. Хусусан, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2016 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4850-сонли Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур Фармон билан электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек одил судловга эришишнинг илғор

---

[1] Фуқаролик процесуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф.М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф. Д.Ю.Ҳабибуллаев. -Тошкент. “Lesson press” нашриёти.2020.-607 б. -Б. 301.

механизмларини кенгроқ жорий этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.[1]

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 80-бандида судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш юзасидан тадбирлар назарда тутилди.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши[3]ва ҳозирги кунда амалга татбиқ этилиши фуқаролик ишларини қонунда белгиланган муддатларда ва тўғри кўриб чиқилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомил-лаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.10.2016 йилдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4850-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3050491.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли Қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998.

тўғриси-да”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-428-сонли “Судлар тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни фуқаролик суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини ривожлантиришга асос вазифасини бажарди. Хусусан, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди.[1]

2018 йил 23 январь куни беш бўлим, 47-боб ва 462-моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилди. Мазкур Кодекс билан суд буйруғини бериш бўйича талаблар доираси бирмунча кенгайтирилиб, унга алоқа хизматлари тўлови, ижара шартномасида белгиланган ижара тўловлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларидан мажбурий бадаллар ва тўловларни ундириш тўғрисида талаб юзасидан суд буйруғи чиқарилиши белгиланди. Шунингдек, мазкур Кодексда тарафлар ўртасида тузиладиган келишув битимига алоҳида эътибор берилиб, унда “Келишув битими”га махсус боб ажратилди, келишув битимини тузиш, келишув битимининг мазмуни, келишув битимини тасдиқ-лаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, келишув

[1] “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида —ЎРҚ-461 (2018й.)

битимини тасдиқлашни рад этиш масалалари батафсил белгилаб қўйилди (17-боб).

Адабиётлар тўғри таъкидланганидек, кўп йиллар давомида мамлакатимизда келишув битими тўғрисидаги нормаларнинг амал қилмай келаётганлигига асосий сабаб, ФПКда келишув битимини ижро этиш механизми ва уни ижро этмаган шахсларга нисбатан аниқ чоралар белгиланмаганлиги эди.[1]Ўз навбатида янги ФПКда келишув битимини тузган шахслар уни ушбу битимда назарда тутилган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда ижро этиши, суд томонидан тасдиқланган келишув битими, ушбу битимда назарда тутилган муддатларда ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирда, у келишув битимини тузган шахснинг илтимосномасига, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббусига кўра суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида, ФПК қоидалари бўйича мажбурий ижро этилиши лозимлиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди (ФПКнинг 168-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ушбу Кодекс 5 та моддадан иборат “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган 23[1]-боб билан тўлдирилди.[2] Унга кўра, эндиликда агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса - беш бараваридан ошмаса, даъво

---

[1] Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: янгиликлар, кафолатлар, истиқбол // Юрист ахборотномаси. 2018. 1-сон. -Б. 62-68.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон.

аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.04.2026 йилдаги ЎРҚ-1142-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартишга мувофиқ агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса — юз бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланди.[1]

Соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритишга оид миллий қонунчилигимизнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари Ўзбекистон Республикаси ФПКда ҳам алоҳида “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган алоҳида бобнинг киритилиши, суд буйруқлари бўйича талаблар рўйхатини кенгайтирилиши, келишув битимини тузиш бўйича аниқ процессуал механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2026 й., 03/26/1142/0440-сон. https://lex.uz/docs/8168073?ONDATE=01.05.2026%2000#8171299

КАРИМОВ УЛУГБЕК ХАКИМДЖОНОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти, мустақил изланувчи

АГРАР ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ ВА РАҚАМЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

Сўнгги йилларда аграр ер муносабатларини тартибга солиш усуллари сезиларли ўзгарди. Ер ажратиш ва ижарага бериш жараёнларида электрон аукцион, рақамли қарорлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, мониторинг ва идоралараро ахборот алмашинуви механизмлари кенг жорий этилди. Бу ўзгаришлар прокурор назоратининг ҳуқуқий мазмунини ўзгартирмайди. Прокурорнинг вазифаси ҳамон қонунлар ижроси устидан назорат олиб боришдан иборат. Бироқ қонунийликни текшириш усуллари ва ахборот манбалари янгиланиб бормоқда.

Шу сабаб аграр соҳада прокурор назоратининг замонавий ҳуқуқий асосларини фақат қонунлар рўйхати сифатида баҳолаш етарли эмас. Президент ва Ҳукумат Фармон ҳамда Қарорлари қонун талабларини амалга ошириш тартибини аниқлаштиради, рақамли тизимлар эса прокурор учун ахборот манбаи ва таҳлил воситаси вазифасини бажаради. Бош прокурорнинг соҳавий ҳужжатлари ушбу ваколатларни прокуратура тизимида ташкил этишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бирини ҳуқуқий иерархиядаги ўрни ва амалий вазифасига қараб қўллаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон Қарори қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, мониторингни

кучайтириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилди[4]. Ушбу қарор доирасида ер мониторинги ва рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Прокурор учун бу механизмлар янги ваколат манбаи эмас, балки қонунчиликка риоя этилишини текширишда фойдаланиладиган ахборот базасидир.

Ёки, 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Президент Фармони ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ер ажратиш жараёнларини очиқ механизмларга ўтказишни белгилади[5]. Бу ислоҳот прокурор текширувидаги объектларни ҳам ўзгартирди. Илгари асосий эътибор ҳоким қарори ва комиссия ҳужжатларига қаратилган бўлса, ҳозир ер участкаси аукционга қандай чиқарилганлиги, лот маълумотлари, электрон қарор, давлат рўйхати ва кейинги фойдаланиш ўртасидаги изчилликни текшириш зарур.

Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 21 февралдаги «Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-138-сон Қарор прокуратура органлари зиммасига ер участкаларини ажратишда Ер кодекси талабларига риоя этилишини назорат қилиш, «E-qaror» тизимидаги ерга оид қарорларни мониторинг қилиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларини барвақт аниқлаш ва соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш каби қўшимча вазифаларни юклади[6]. Натижада прокурор назоратида рақамли маълумотлар мустақил ҳуқуқий хулоса эмас, балки ҳуқуқий баҳони асослашга хизмат қилувчи фактик манба сифатида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, 2024 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-15-сон Фармон қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер

участкаларини ижарага бериш тартибини янада такомиллаштириб, электрон онлайн-аукцион механизмларини ривожлантирди[7]. 2025 йил 12 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-172-сон Фармон эса ерлардан узлуксиз ва самарали фойдаланиш, бўш турган ерларни ҳуқуқий муомалага қайтариш ва ижара муносабатларини такомиллаштиришга қаратилди[8]. Бу ҳужжатлар прокурор текширувида ерга ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ижара шартларининг расмийлаштирилиши ва ердан кейинги фойдаланишни бир-бири билан боғлиқ жараён сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, 2025 йил 18 сентябрдаги «Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-287-сон Қарори билан ер муносабатларида коррупциявий омилларни камайтириш ва ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинуви кучайтирилди[9]. 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-204-сон Фармон билан тасдиқланган «Рақамли прокуратура-2030» стратегияси эса прокуратура органларида ахборот тизимларини интеграция қилиш, масофавий таҳлил ва маълумотларга асосланган иш усулларини ривожлантиришни назарда тутди[10]. Мазкур ҳужжатлар прокурор ваколатини кенгайтиришдан кўра, қонунда мавжуд ваколатларни замонавий ахборот муҳитида амалга ошириш имкониятини оширади.

Президент ҳужжатларида белгиланган механизмларнинг амалий тартиби Ҳукумат қарорлари орқали аниқлаштирилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини белгилайди[11]. Прокурор ушбу қарордан аукцион учун ҳужжатлар тайёрланиши, лот шакллантирилиши, савдо натижасининг расмийлаштирилиши ва ижара ҳуқуқининг вужудга келиши белгиланган тартибга мувофиқлигини баҳолашда фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 22-сон қарори қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш ишларининг тартибини белгилайди[12]. 2022 йил 14 апрелдаги «Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби ҳамда Давлат геодезия назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 183-сон қарор эса давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартибини белгилаб, ваколатли органларнинг вазифаларини аниқлаштиради[13]. Прокурор ушбу органлар ўрнига давлат назоратини амалга оширмайди. У махсус органнинг қонунда белгиланган вазифаларни бажарган-бажармагани ва қабул қилган қарорлари қонунийлигини баҳолайди.

Хорижий ҳуқуқшунослар қарашлари ҳам қонуности ҳужжатларнинг ўрнини аниқ белгилаш зарурлигини кўрсатади. Д.Патлаев ерни тасарруф этиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқ ва зиддиятлар прокурор назорати самарадорлигига таъсир қилишини таъкидлайди[14]. А.Чертов назоратда қўлланадиган ҳужжатларни юридик кучига кўра ажратишни муҳим деб билади[15]. Д.Добрецов қонуности ҳужжатлар ҳуқуқий баҳолашда қўлланиши мумкинлигини, аммо уларнинг қонунга мувофиқлиги ҳам текширилиши кераклигини кўрсатади[18]. Демак, қонуности ҳужжат прокурор учун қонун талабини амалга ошириш тартибини аниқлаштирувчи мезондир, лекин прокурор ваколатининг мустақил манбаи эмас.

Н.Михлина ер муносабатларида оммавий манфаатларни ҳимоя қилишни прокурор назорати ва суд орқали ҳимоя механизмлари билан боғлиқ ҳолда кўради[16]. Т.Отческая ер ва тупроқни муҳофаза қилиш талабларининг прокурор ҳуқуқий баҳосида алоҳида аҳамиятга эга эканини асослайди[17]. Бу ёндашувлар аграр ерларига оид қонунчилик ижросини текширишда фақат ҳуқуқни расмийлаштириш масаласи билан чекланмасдан, ердан мақсадли

фойдаланиш ва тупроқни муҳофаза қилишга оид мажбурий талабларни ҳам баҳолаш лозимлигини кўрсатади.

Рақамли тизимлар прокурор текширувининг ахборот имкониятларини кенгайтиради, бироқ ҳуқуқий баҳонинг манбасини ўзгартирмайди. Прокурорнинг ваколати Конституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқади, ер муносабатларида қонунийлик мезонлари эса Ер кодекси ва махсус қонунлар билан белгиланади[1–3]. Шу сабаб электрон тизимда қайд этилган маълумот, автоматик огоҳлантириш ёки ахборотлар ўртасидаги тафовут текширув учун сигнал бўлиши мумкин, лекин у ўз-ўзидан қонунбузилиш ҳақида якуний хулоса ҳисобланмайди. Рақамли маълумот ҳуқуқий норма билан солиштирилгандан, унинг манбаси ва шаклланган вақти аниқлангандан сўнггина ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бу талаб прокурор назоратини техник мониторингдан фарқлайди ва махсус давлат органларининг функцияларини прокуратура томонидан алмаштириб қўйишга йўл қўймайди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш қонунийлигини текширишда рақамли маълумотлар бир-бири билан боғлиқ занжир сифатида кўрилиши керак. ПФ-15-сон Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг 709-сон қарорида белгиланган механизмлардан келиб чиқиб, прокурор дастлаб ер участкасини лотга чиқариш учун ҳуқуқий асос мавжудлигини аниқлайди. Кейин лот маълумотларида ернинг майдони, тоифаси, чегараси ва бошқа муҳим маълумотлар тўғри акс этган-этмагани текширилади. Шундан кейин электрон аукцион натижаси, ижара ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилиши ва ердан кейинги фойдаланиш ҳолати ўзаро солиштирилади. Агар ушбу босқичлардан бирида маълумотлар бир-бирига мос келмаса, прокурор тафовутнинг ҳуқуқий сабабини аниқлайди. Бундай ёндашув ер ажратиш қонунийлигини битта қарор ёки битта электрон ёзув асосида эмас, бутун ҳуқуқий жараён бўйича баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, ПФ-172-сон Фармон қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан узлуксиз ва самарали фойдаланиш,

фойдаланилмай турган ерларни ҳуқуқий муомалага қайтариш ва ижара муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу ёндашув прокурор назорати учун ер участкасининг ҳуқуқий тақдирини бир бутун жараён сифатида кўриш заруратини кучайтиради. Яъни текширув ерга ҳуқуқ вужудга келган пайт билан тугамаслиги керак. Ижара ҳуқуқи қонуний тарзда расмийлаштирилган бўлса ҳам, кейинчалик ердан мақсадсиз фойдаланиш, белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки ерни асоссиз ҳолда фойдаланмасдан қолдириш ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис электрон аукцион, кадастр, мониторинг ва давлат назорати маълумотларини вақт бўйича боғлаб таҳлил қилиш прокурорга ҳуқуқ пайдо бўлиши, уни амалга ошириш ва ердан реал фойдаланиш ўртасидаги узилишларни аниқлаш имконини беради.

Ер муносабатларида коррупциявий омилларни камайтириш, ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинувини кучайтириш ва қонунийликни рақамли маълумотлар асосида назорат қилиш имкониятларини кенгайтиришга оид ПҚ-287-сон қарор прокурор текширувида маълумотларни бир манбадан эмас, бир нечта расмий тизимдан таққослаб текширишнинг аҳамиятини оширади. Масалан, электрон қарордаги маълумот кадастр маълумоти, аукцион лоти ва давлат назорати натижалари билан мос келиши лозим. Номувофиқлик аниқланса, унинг техник хато, маълумотни кеч киритиш ёки қонунбузилиш натижаси эканини ажратиш зарур. Шунинг учун рақамли таҳлилнинг энг муҳим қоидаси — «тафовутни аниқлаш» билан «қонунбузилишни исботлаш»ни бир хил тушунча сифатида қабул қилмасликдир. Прокурор ҳар бир тафовутни тегишли ҳуқуқий норма ва расмий ҳужжатлар билан текширгандан кейингина ҳуқуқий хулоса беради.

«Рақамли прокуратура-2030» стратегияси прокуратура органларида ахборот тизимларини интеграция қилиш, масофавий таҳлил ва маълумотларга асосланган назоратни ривожлантиришни назарда тутади. Аграр ер муносабатларида бундай имкониятлар катта ҳажмдаги кадастр, мониторинг ва аукцион маълумотларини

олдиндан таҳлил қилиш, хавфли ҳолатларни ажратиб олиш ва текширув ресурсларини мақсадли йўналтиришга хизмат қилиши мумкин. Бироқ стратегиядаги рақамли воситаларни янги прокурор ваколати сифатида эмас, қонун билан берилган ваколатларни амалга оширишнинг ташкилий ва ахборот механизми сифатида қабул қилиш тўғри бўлади. Шу чегара сақланса, рақамлаштириш прокурор назоратини тезлаштиради, лекин назоратнинг ҳуқуқий табиати ва процессуал кафолатларини ўзгартирмайди.

Рақамли маълумотлар билан ишлашда вақт омили ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қонунчилик тез янгиланадиган соҳада электрон тизимда сақланган ҳаракат ёки қарорга ҳуқуқий баҳо бериш учун у содир этилган пайтда қайси норма амал қилганини аниқлаш шарт. Кейинчалик бекор қилинган ёки ўзгартирилган норма текширилаётган ҳаракат вақтида амал қилган бўлса, баҳолаш ўша даврдаги ҳуқуқий тартиб асосида амалга оширилади. Кейинроқ кучга кирган талабни ўтган даврдаги ҳаракатга автоматик татбиқ этиш мумкин эмас. Шу боис рақамли тизимлардаги вақт белгиси, қарор қабул қилинган сана, аукцион ўтказилган вақт ва давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ҳуқуқий таҳлилда муҳим аҳамият касб этади. Бу маълумотлар прокурорга нафақат нима содир бўлганини, балки қайси ҳуқуқий режим шароитида содир бўлганини ҳам аниқлаш имконини беради.

Прокуратура тизими ичида назоратни ташкил этишда Бош прокурорнинг соҳавий ҳужжатлари алоҳида амалий аҳамиятга эга. 2021 йил 25 майдаги 233-сон буйруқ билан Аграр ва озиқ-овқат соҳаларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низом тасдиқланган[19]. 2022 йил 10 мартдаги 261-сон буйруқ билан Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш йўналишидаги вазифалар белгиланган[20]. Ушбу ҳужжатлар қонун билан берилган прокурор ваколатини прокуратура тизимида ташкилий жиҳатдан амалга оширишга хизмат қилади. Бироқ, 2017 йил 7 ноябрдаги 160-сон буйруқда назарда тутилган айрим текширув йўналишлари кейинги ер ислоҳотларидан олдинги тартибларга асосланган[21]. Ундаги танлов комиссиялари ва эски ер ажратиш

механизмларига оид қоидаларни ҳозирги электрон аукцион ва рақамли тартибларга тўғридан-тўғри кўчириш тўғри эмас. Бу ҳолат соҳавий ташкилий ҳужжатларни мунтазам янгилаб бориш заруратини кўрсатади.

Қонунчиликнинг тарқоқлиги ва тез янгиланиши ҳам ташкилий ечимни талаб қилади. Прокуратура органлари учун доимий янгиланадиган электрон ҳуқуқий база шакллантириш мақсадга мувофиқ. Унда ҳар бир ҳужжатнинг юридик кучи, амалдаги таҳрири, кучга кирган ва бекор қилинган санаси, текширувда қўлланиш соҳаси ҳамда тегишли рақамли ахборот манбаси кўрсатилиши керак. Бундай база прокурорга текширилаётган давр учун тўғри ҳуқуқий нормани тез аниқлаш ва эски услубий ёндашувлардан фойдаланиш хавфини камайтиришга ёрдам беради.

Аграр ер муносабатларида рақамлаштириш прокурор назоратининг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди, аммо уни амалга ошириш усулларини сезиларли янгилайди. Электрон аукцион, «E-qaror», кадастр, мониторинг ва «E-YER NAZORAT» каби тизимлар прокурор учун қонунбузилиш аломатларини аниқлаш ва ҳужжатлар ўртасидаги мосликни текшириш имконини беради. Бироқ рақамли маълумотнинг ўзи ҳуқуқий хулоса эмас, у амалдаги қонунчилик асосида баҳоланиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кундаги соҳавий ташкилий ҳужжатлар замонавий ер ислоҳотларига мос равишда янгилаш зарур. Бундай ҳужжат прокурор назорати ва махсус давлат назорати чегарасини, рақамли ахборот манбаларидан фойдаланиш тартибини ва ҳуқуқий хулосани расмий маълумотлар билан асослаш талабини белгилаши лозим. Шу билан бирга, доимий янгиланадиган электрон ҳуқуқий база яратилиши аграр ер муносабатларида қўлланиладиган нормаларни тўғри аниқлашга ва прокурор назоратининг бир хил амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.07.2026 й., 03/26/1158/0727-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2025 й., 03/25/1081/0738-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.06.2026 й., 03/26/1149/0581-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2021 йилдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5306352.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5450176.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги «Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-138-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5870331.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.01.2024 йилдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-15-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/6764191.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2025 йилдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги ПФ-172-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/uz/docs/7725769.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.09.2025 йилдаги «Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-287-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/uz/docs/7733438.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2025 йилдаги «Рақамли прокуратура-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-204-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/uz/docs/7813706.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2021 йилдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 709-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/uz/docs/5739815.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2022 йилдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 22-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5823180.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2022 йилдаги «Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби ҳамда Давлат геодезия назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 183-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5958275.

14. Патлаев Д.Е. Правовые основы деятельности органов прокуратуры по осуществлению надзора за исполнением законов о

распоряжении землей // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Право. – 2017. – № 1. – С. 153–163.

15. Чертов А.А. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на землю: дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2011. – С. 38–46.

16. Михлина Н.В. Защита прокурором публичных интересов в сфере земельных правоотношений: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2023. – С. 18, 45–46.

17. Отческая Т.И. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о защите земли и почвы // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – 2024. – № 6 (118). – С. 60–71.

18. Добрецов Д.Г. Прокурорский надзор как средство защиты экологических прав человека и гражданина: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: НИИ проблем укрепления законности и правопорядка Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2002. – С. 79–81.

19. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майдаги 233-сон буйруғи // Электрон манба: https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/2490.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги 261-сон буйруғи // Электрон манба: https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/3248.

21. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 7 ноябрдаги 160-сон буйруғи // Электрон манба: https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/1241.

OLIMJONOV XUMOYUN
Employee of the Tashkent City Prosecutor's Office, independent researcher

PROCEDURAL ASPECTS OF RESOLVING COMPLAINTS AT THE STAGE OF INITIATING CRIMINAL PROCEEDINGS

Abstract: *The article analyzes the procedural and legal aspects of the prosecutor's consideration of complaints against actions, omissions, and procedural decisions of officials of pre-investigation bodies at the stage of initiating criminal proceedings. The constitutional and criminal procedural foundations of the right to appeal, as well as the prosecutor's powers to examine complaints, revoke unlawful decisions, and restore violated rights, are examined. The practice related to refusals to initiate criminal proceedings, the untimely consideration of crime reports and statements, and incomplete or biased pre-investigation inquiries is analyzed. In addition, proposals have been developed to ensure the prosecutor's participation in the consideration of complaints by an investigating judge and to improve the procedure for resolving complaints.*

Keywords: *initiation of criminal proceedings, right to appeal, prosecutor, prosecutorial supervision, pre-investigation inquiry, procedural decision, omission, refusal to initiate criminal proceedings, investigating judge, restoration of violated rights, crime report and statement, legality.*

Аннотация: *В статье проанализированы процессуально-правовые аспекты рассмотрения прокурором жалоб на действия, бездействие и процессуальные решения должностных лиц органов доследственной проверки на стадии возбуждения уголовного дела. Исследованы конституционные и уголовно-процессуальные основы права на обжалование, а также полномочия прокурора по проверке жалоб, отмене незаконных решений и восстановлению нарушенных прав. Проанализирована практика, связанная с отказом в возбуждении уголовного дела, несвоевременным рассмотрением заявлений и сообщений, а также неполным и необъективным проведением доследственной проверки. Кроме того, разработаны предложения, направленные на обеспечение участия прокурора при рассмотрении жалоб следственным судьёй и совершенствование порядка разрешения жалоб.*

Ключевые слова: *возбуждение уголовного дела, право на обжалование, прокурор, прокурорский надзор, доследственная проверка, процессуальное решение, бездействие, отказ в возбуждении уголовного дела, следственный*

судья, восстановление нарушенных прав, заявление и сообщение о преступлении, законность.

Аннотация: *Мақолада жиноят ишини қўзғатиш жараёнида терговга қадар текширув органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва процессуал қарорлари устидан берилган шикоятларни прокурор томонидан кўриб чиқишнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий ва жиноят-процессуал асослари, прокурорнинг шикоятларни текшириш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга оид ваколатлари ўрганилган. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, ариза ва хабарларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ҳамда терговга қадар текширувнинг тўлиқ ва холисона ўтказилмаслиги билан боғлиқ амалиёт таҳлил қилинган. Шунингдек, тергов судьяси томонидан шикоятларни кўриб чиқишда прокурор иштирокини таъминлаш ва шикоятларни ҳал этиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *жиноят ишини қўзғатиш, шикоят қилиш ҳуқуқи, прокурор, прокурор назорати, терговга қадар текширув, процессуал қарор, ҳаракатсизлик, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, тергов судьяси, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабар, қонунийлик.*

The stage of initiating criminal proceedings is the initial and an important stage of criminal procedure. At this stage, crime reports, statements and other information are received, registered and verified, and a lawful procedural decision is adopted. Violations committed at this stage may restrict the rights and legitimate interests of individuals, conceal crimes from official records, result in unjustified criminal prosecution, and undermine public confidence in justice. It is therefore particularly important to ensure an effective right to challenge the actions, omissions and procedural decisions of officials of pre-investigation inquiry bodies.

The Constitution and criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan guarantee everyone the right to challenge unlawful decisions, actions and omissions of state bodies and officials. The prosecutor plays a central role in securing this right during the initiation of criminal proceedings: by considering complaints, the prosecutor identifies violations, revokes unlawful and unfounded procedural

decisions, restores violated rights, and ensures that appropriate measures are taken against responsible officials.

At the same time, current legislation does not fully regulate certain matters concerning the form and time limits for lodging complaints, the procedure for their consideration and resolution by a prosecutor, the content of the resulting procedural decision, or the prosecutor's participation when a complaint is examined by an investigating judge.

Criminal procedure legislation is characterized by the possibility of applying coercive procedural measures that restrict rights and freedoms guaranteed by the Constitution and laws. Accordingly, the legislature guarantees everyone the right, at any stage of proceedings, to challenge the actions or omissions and procedural decisions of the officials conducting the proceedings.

Thus, Article 40 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan provides: "Everyone shall have the right, individually and jointly with others, to submit applications, proposals and complaints to state bodies and organizations, citizens' self-government bodies, officials, or representatives of the people. Applications, proposals and complaints shall be considered in accordance with the procedure and within the time limits established by law."[1]. These constitutional provisions are also reflected in other regulatory legal acts. In particular, Article 7 of the Law "On the Prosecutor's Office" establishes as a principle the right of citizens to challenge unlawful actions, omissions and procedural decisions of state bodies[2]. Within the scope of their functions, prosecution authorities take measures to restore the violated rights and protect the legitimate interests of individuals and legal entities. Articles 25 and 32 of that Law contain similar provisions.

The prosecutor's role at the stage of initiating criminal proceedings has always been, and remains, an important state guarantee for the protection of human and civil rights and freedoms. Ensuring legality at this stage depends on the prosecutor, as does the effectiveness of the

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни

proceedings. The prosecutor's procedural powers are therefore particularly important when crime reports and statements are received, registered, examined and resolved.

A review of prosecutorial supervision practice and studies by criminal procedure specialists shows that the most common violations of citizens' rights at the stage of initiating criminal proceedings include refusal to accept statements and reports from crime victims; failure to register or properly examine complaints received; unlawful refusals to initiate criminal proceedings despite clear indications of a crime; and falsification of inquiry materials.

The causes of this situation include organizational errors, weak enforcement discipline, inadequate departmental oversight, and shortcomings in the organization of prosecutorial supervision. In 2024, prosecutors revoked 29,320 decisions by internal affairs bodies refusing to initiate criminal proceedings because pre-investigation measures had not been conducted fully and objectively and procedural law had been violated. Of these, 3,561 crimes were found to have been concealed through refusals despite clear indications of criminal conduct, and criminal proceedings were initiated in those cases.

An analysis by service area shows that 1,715 of these crimes were attributable to operational-search units, 1,656 to crime-prevention services, and 103 to investigative units.

Statistics on complaints received in pre-trial proceedings show that most complainants challenged decisions refusing to initiate criminal proceedings (72 per cent, particularly in fraud cases), unlawful decisions to initiate criminal proceedings (19 per cent, involving unlawful criminal prosecution), and failures to consider crime reports and statements within a reasonable time (9 per cent).

The Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan is the principal regulatory legal act under which a prosecutor prevents, addresses and remedies violations of individual rights and freedoms, particularly at the stage of initiating criminal proceedings. Article 27 of the Code provides that, at any stage of criminal proceedings, both participants in the proceedings and other persons may challenge the

actions, omissions and procedural decisions of officials authorized to conduct criminal proceedings[1]. Article 381[17] further provides that complaints against an inquiry officer's actions, omissions and decisions may be submitted to the head of the inquiry unit or to the prosecutor supervising compliance with the law during the investigation. Accordingly, participants and non-participants may complain to a superior authority or a prosecutor against actions and decisions of officials conducting the case in order to safeguard the rights and legitimate interests of those concerned. This mechanism is one of the prosecutor's most important means of protecting human and civil rights and identifying violations of law. The prosecutor may consider complaints against actions, omissions and decisions of officials dealing with crime reports and statements both at the stage of initiating criminal proceedings and during the preliminary investigation. Prosecutorial supervision must also continue after a pre-investigation inquiry body refuses to initiate proceedings, because citizens may challenge that refusal.

Thus, under criminal procedure legislation, any person—whether or not a participant in the proceedings—may complain to a prosecutor if dissatisfied with an action or decision of an official of a pre-investigation inquiry body. The law does not restrict the range of persons entitled to complain; rather, it safeguards freedom to lodge a complaint.

It should be noted that officials engaged in operational-search activity, heads of pre-investigation inquiry bodies, heads of inquiry bodies and investigative bodies, investigators, inquiry officers and other officials of pre-investigation bodies are entitled to complain to a prosecutor when they disagree with relevant decisions. This rule is justified because, where a disagreement arises between an investigator and the head of an investigative body, the prosecutor acts as an arbiter and states a position on the dispute.

Most complaints submitted to prosecution authorities concern refusals to initiate criminal proceedings, pre-investigation inquiries, operational-search activities, omissions by inquiry and preliminary

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

investigation bodies, non-compliance with procedural time limits, and failure to conduct proceedings comprehensively, fully and objectively. According to complainants, bodies examining crime reports often fail to obtain explanations from witnesses and conduct one-sided operational and investigative measures. Applicants are therefore frequently compelled to search independently for evidence, which may prove unsuccessful or lead to unlawful self-help. For example, after a theft from the home of a resident of Tashkent's Chilanzar District remained unsolved, the resident complained to the prosecutor's office about the pre-investigation body. The applicant obtained footage from a surveillance camera at a neighboring residence and submitted it to the prosecutor's office. The prosecutor reviewed the case materials and returned them to the internal affairs body for an additional inquiry.

In a prosecutorial submission, the pre-investigation body was instructed to conduct a comprehensive and complete inquiry. The prosecutor also requested disciplinary measures against the responsible officials and indicated that the applicant should be informed of the progress and outcome of the case.

Because the legislation does not specify the procedure, form, types or time limits for lodging complaints, various misunderstandings arise in practice. In our view, a complaint may be submitted orally, in writing or electronically, at any stage of the proceedings, against any action, omission or decision of an official of a pre-investigation inquiry body.

To safeguard the freedom to challenge actions, omissions and decisions of officials of pre-investigation inquiry bodies, the legislature permits complaints not only to the head of that body, the head of an investigative body, or a prosecutor, but also to a court. Article 55 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan provides: "Everyone shall be guaranteed judicial protection of his or her rights and freedoms and the right to challenge in court unlawful decisions, actions and omissions of state bodies, other organizations, and their officials"[1]. This mechanism serves, first, as a means of protecting human and civil rights and

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

legitimate interests; second, as a means of maintaining a balance of interests among state bodies; and third, as a guarantee of everyone's freedom to challenge the conduct of any state body. The law therefore allows citizens to choose the authority to which they apply, thereby also strengthening confidence in the state. For example, under Article 31[1] of the Criminal Procedure Code, an investigating judge may exercise judicial control during pre-trial proceedings over compliance with a person's rights, freedoms and legitimate interests where constitutional rights are alleged to have been violated[1]. An investigating judge may examine complaints against an action or procedural decision of an official of a pre-investigation inquiry body, an inquiry officer, or an investigator at the stage of initiating criminal proceedings. However, the legislation leaves unresolved the question of the prosecutor's participation in such proceedings before the investigating judge. Nor is this matter regulated by Order No. 129 of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan dated 26 February 2016, "On Effectively Ensuring the Rule of Law and the Protection of Individual Rights and Freedoms in Combating Crime, Inquiry, Preliminary Investigation and Operational-Search Activity"[2]. This is debatable because, precisely at the stage of initiating criminal proceedings, the prosecutor must strengthen supervision over compliance with the law in the examination of crime reports, statements and other information, and verify full compliance with criminal procedure requirements during their examination and during inquiry and preliminary investigation.

Notably, the court cannot itself revoke an action or decision of an official of a pre-investigation inquiry body, an inquiry officer, or an investigator, or directly impose another remedial measure. Instead, it forwards the complaint and the collected materials to the prosecutor for consideration. The prosecutor must remedy the identified violation, including by revoking an unlawful and unfounded decision of the relevant

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

[2] Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 26 февралдаги 129-сонли "Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида"ги Буйруғи.

official, inquiry officer or investigator, and must subsequently inform the court. This approach is reflected in Order No. 140 of the Prosecutor General of the Russian Federation dated 10 September 2007, "On Organizing Prosecutorial Supervision over the Implementation of Laws in the Receipt, Registration and Resolution of Crime Reports by Bodies of Inquiry and Preliminary Investigation"[1].

Accordingly, it is recommended that the following fifth paragraph be added to paragraph 2 of Order No. 129 of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan dated 26 February 2016, "On Effectively Ensuring the Rule of Law and the Protection of Individual Rights and Freedoms in Combating Crime, Inquiry, Preliminary Investigation and Operational-Search Activity":

"For every complaint submitted to a court against an action or omission of an official engaged in operational-search activity, an official of a pre-investigation inquiry body, an inquiry officer or an investigator in connection with the receipt, registration, verification and resolution of a crime report or statement, and subject to examination under Article 27 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, the participation in the court hearing of the prosecutor directly supervising this area of operational-search activity, pre-investigation inquiry, inquiry or preliminary investigation shall be ensured."

When examining a complaint, the prosecutor's verification includes studying the collected materials and obtaining explanations from the applicant, the crime victim, a representative, witnesses, a physician, an operational officer, an inquiry officer, an investigator, and other officials authorized to receive and register crime reports. Where a more thorough review is required, the prosecutor may request additional materials, visit the relevant internal affairs body, and examine the condition of the E-Material system and the Form 1 and Form 2 registration records, among other measures.

---

[1] Приказа Генерального прокурора Российской Федерации от 10 сентября 2007 г. № 140 «Об организации прокурорского надзора за исполнением законов при приеме; регистрации и разрешении сообщений о преступлениях в органах дознания и предварительного следствия».

Under the Law “On the Prosecutor’s Office,” in order to eliminate violations of law fully, a prosecutor submits to the competent body or official a formal prosecutorial submission requiring the elimination of the violation, its causes, and the conditions that facilitated it, including measures against those responsible. The head of the relevant body must inform the prosecutor of the results of any internal inquiry conducted in respect of the employee concerned (Article 40 of the Law).

Following consideration of a complaint, the prosecutor may decide to uphold it in full or in part, or to dismiss it. The prosecutor should not merely send a reply to the complainant, but must issue a reasoned and substantiated decision and notify the complainant accordingly.

If the examination establishes that the complainant’s rights were violated, the prosecutor must take measures to restore them, including initiating criminal proceedings where appropriate. If material or non-pecuniary harm was caused, the prosecutor must take measures to secure full restoration of all violated rights and legitimate interests of the complainant.

Most importantly, if the applicant withdraws the initiative for any reason, the prosecutor should nevertheless act in the public interest and personally verify the crime report or statement, interview the applicant, determine the reasons for withdrawal and whether any reconciliation was voluntary, assess the actions or omissions of officials, and establish whether unlawful pressure, inducement, deception or other improper conduct occurred.

The prosecutor’s consideration and resolution of a complaint should conclude with delivery of a copy of the decision to the complainant and an explanation of the procedure for any further appeal. Notification should be made immediately after the decision is adopted by providing the complainant with a copy. It is also recommended that a copy be sent to the head of the investigative body together with a prosecutorial submission requiring correction of the identified violation.

In this way, the legality, validity and timeliness of the prosecutor’s resolution of a complaint may be reviewed, including in the course of

considering the merits of whether criminal proceedings should be initiated.

Thus, review by a prosecutor of a complaint challenging an action, omission or procedural decision of a pre-investigation inquiry, inquiry or preliminary investigation body is an effective means of protecting citizens' rights and legitimate interests. Supervision over investigative and inquiry bodies is intended to ensure comprehensive and high-quality examination of crime reports and statements and to identify violations of current legislation. Decisions resulting from omissions by investigators and inquiry bodies may allow offenders to remain unpunished, which in turn undermines public confidence in justice.

The analysis demonstrates that a complaint to a prosecutor against the actions, omissions or procedural decisions of officials of pre-investigation inquiry bodies at the stage of initiating criminal proceedings is an important procedural means of protecting violated rights and legitimate interests. In considering a complaint, the prosecutor should comprehensively study the collected materials, obtain explanations from relevant persons, request additional documents and information, and assess the legality of the receipt, registration, verification and resolution of crime reports and statements. If the grounds stated in the complaint are confirmed, the prosecutor must revoke any unlawful or unfounded decision, restore violated rights, initiate criminal proceedings where appropriate, and apply suitable measures against officials responsible for the violation.

The outcome of the complaint should be formalized not by a routine reply letter but by a reasoned procedural decision setting out the established facts, legal grounds and conclusions. A copy should be sent to the complainant immediately, together with an explanation of the procedure for further appeal. Even if an applicant withdraws the complaint, the prosecutor should act in the public interest and verify the reasons for and voluntariness of the withdrawal, as well as whether the person was subjected to unlawful pressure, inducement or other influence.

Furthermore, when a court examines a complaint against an action or procedural decision of an official of a pre-investigation inquiry body,

an inquiry officer or an investigator at the stage of initiating criminal proceedings, the prosecutor responsible for supervising the relevant activity should be required to participate in the hearing.

БАБАМУРАТОВ ДИЛШОД АБДУРАШИДОВИЧ
Боёвут туман прокурори,
мустақил изланувчи

ЖИНОЯТЛАРНИ ҲИСОБДАН ЯШИРИШ ҲОДИСАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: *мақолада жиноятларни ҳисобдан яшириш тушунчасининг назарий-ҳуқуқий мазмуни, асосий белгилари ва содир этилиш усуллари таҳлил қилинган. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилмаслик, рўйхатга олмаслик, жиноят ишини қўзғатишни асоссиз рад этиш, терговга қадар текширув материалларини сохталаштириш ҳамда жиноят ҳақидаги маълумотларни расмий статистикада акс эттирмаслик билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилган.*

Калит сўзлар: *жиноятни яшириш, жиноятни ҳисобдан яшириш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабар, расмий статистик ҳисоб, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, мансабдор шахс, прокурор назорати.*

Аннотация: *В статье проанализированы теоретико-правовое содержание понятия сокрытия преступлений от учёта, его основные признаки и способы совершения. Исследована правоприменительная практика, связанная с отказом в приёме и регистрации заявлений и сообщений о преступлениях, необоснованным отказом в возбуждении уголовного дела, фальсификацией материалов доследственной проверки, а также неотражением сведений о преступлениях в официальной статистике.*

Ключевые слова: *сокрытие преступления, сокрытие преступления от учёта, заявление и сообщение о преступлении, официальный статистический учёт, отказ в возбуждении уголовного дела, должностное лицо, прокурорский надзор.*

Жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни ўз вақтида қабул қилиш, рўйхатга олиш, холисона текшириш ҳамда улар юзасидан қонуний процессуал қарор қабул қилиш жиноятчиликка қарши курашиш, одил судловни таъминлаш ва шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жиноятларни ҳисобдан яшириш эса жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги

маълумотларни бузиб кўрсатади, ваколатли давлат органларининг криминоген вазиятни тўғри баҳолашига тўсқинлик қилади, айбдор шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва одил судловга бўлган ишончи пасайишига олиб келади. Айниқса, жиноят ишини қўзғатишни асоссиз равишда рад этиш, терговга қадар текширув материалларини сохталаштириш, аниқланган жиноятларга ҳуқуқий баҳо бермаслик ва уларни расмий статистикада акс эттирмаслик каби ҳолатлар мазкур муаммонинг ижтимоий хавфлилигини янада оширади.

Афсуски, охирги пайтларда жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатлари ички ишлар органларида кенг тарқалган бўлиб, сўнгги бир неча йилдан бери ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Чунончи, Тошкент шаҳар прокурори в.в.б. Анвар Ўрмонов 2026 йил 18 февраль куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида биргина пойтахтнинг ўзидаёқ қарийб 1000 га яқин жиноятлар ҳисобдан яширилганлигини қайд этди. Айниқса, 954 та жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги ноқонуний қарорлар бекор қилинганлиги, шулардан 23 таси оғир турдаги жиноятлар сирасига киришини маълум қилган. Жиноят турлари ичида кибержиноятлар улуши кескин ортганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2025 йил маълумотларига кўра, пойтахтнинг ўзида жами 30,6 мингта жиноят содир этилган бўлиб, шундан ярмидан кўпи — 16,25 мингтаси кибержиноятларни ташкил этади.[1] Таъкидлаш жоизки, жиноятларни қасддан ҳисобдан яшириш масаласига давлат катта эътибор қаратмоқда ва бу сиёсат даражасига кўтарилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2026/03/24/reduction-of-crime/

ҳолда мақсадли ўрганишлар ўтказиш, ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш мақсадида прокуратура органлари томонидан жиноятлар кўп содир этиладиган 108 та ҳудудда (70 та “қизил” ва 38 та “сариқ” тоифадаги) амалга оширилаётган ишлар ягона электрон тизимга киритилиши орқали назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилган. А.Ўрмоновнинг маълумотига кўра, ўтказилган тезкор текширувлар натижасида 537 та ноқонуний қарорлар юқори идоралар томонидан, 417 таси эса туман даражасида бекор қилинган бўлиб, мансабдор шахсларга қонунда назарда тутилган чоралар кўрилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, охирги беш йил ичида кибержиноятлар сони 164 бараварга ошган. Шу муносабат билан, прокуратура органлари терговга қадар ва тергов органларида қонунийликни таъминлаш мақсадида ички ишлар органларининг “E-material” тизимида жиноятлар ҳақидаги аризаларнинг рўйхатга олиниши, уларнинг холис текширилиши ва ўз вақтида қонуний қарорлар қабул қилиниши устидан назоратни кучайтириши бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида давлат органларининг кибержиноятчилик, уюшган жиноятчилик ва фирибгарлик каби жиноятларга қарши курашиш бўйича фаолияти танқидий баҳоланиб, ушбу таҳдидларга қарши курашишда давлат органлари етарлича эътибор бермаётганлигига алоҳида урғу берилди. Айниқса, жиноятларни тезкор фош этиш ва тўхтатиш учун ҳуқуқ-тартибот ходимлари кибертехнологиялар ва сунъий интеллектни мукаммал эгаллаши лозимлиги қайд этилди.[2] Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида жиноятларни ҳисобдан қасддан яширишни таъсирчан олдини олиш ва жиноятларни ҳисобдан

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2026/03/24/reduction-of-crime/
[2] https://president.uz/uz/lists/view/8882

қасддан яшириш учун жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш бўйича устувор вазифалар белгиланди. Бундай иллатларга қарши курашиш учун барча давлат органлари биргаликдаги ҳамкорликни ташкил этувчи самарали тизимни жорий қилиши лозимдир.[1]

Шундай қилиб, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш, дастлабки тергов органлари томонидан ноқонуний қарор қабул қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалаларига барча прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида қараш мумкин.

Албатта, жиноятларни ўз вақтида рўйхатга олиш, қонуний процессуал қарорлар қабул қилиш, ҳолатга тўғри баҳо бериш келгусида юзага келган таҳдидларга ўз вақтида, тўғри жавоб бериш учун тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини оширади, бу эса, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга олиб келади. Ўз вақтида кўрилган чоралар, **бир томондан**, прокуратура органлари томонидан қонунийликни таъминлашга олиб келса, **иккинчи томондан,** инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади, **учинчи томондан,** мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларга ўз вақтида жавоб беришга имкон беради, **тўртинчидан,** жиноят содир этган шахсларнинг муносиб жазо олишига сабаб бўлади, **бешинчидан,** одил судлов манфаатларига хизмат қилади. Шунингдек, жиноятларни ҳисобдан яшириш жиноятчиларни жиноий таъқибдан ва кейинчалик жиноий жазодан қутулиб қолишини англатади, бу уларнинг онгида жазосизлик ҳиссини яратади, бу эса уларни янги, кўпинча янада жиддий ва хавфли жиноятлар содир этишга ундайди. В. Каримов қайд этишича, назоратсизлик тезкор-тергов органлар вазифалари, функциялари издан чиқади ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларига зид

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

равишда фаолият юрита бошланади. Яъни, бу ҳолда жазосизлик, назоратсизлик муҳити пайдо бўлишига замин яратилиши мумкин.[1]

Хуллас, жиноятларни (*ҳисобдан*) яшириш чиндан ҳам шахсга, жамиятга ва давлатга катта таъсир қилиб, уларга маънавий ва моддий зарар етказилишига олиб келади. Айниқса, бугунги кунда мамлакатда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганда жиноятларни ҳисобдан ёки ўзгача[2] яшириш олдимизга қўйилган мақсадларга мутлақо зиддир.

Қайд этиш лозимки, жиноятларни ҳисобдан яшириш билан боғлиқ мансабдорлик жиноятларини тергов қилишда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига оид масалаларни таҳлил қилишдан олдин жиноятларни ҳисобдан яшириш тушунчасига аниқлик киритиш лозим, негаки мазкур тушунча тадқиқот объектининг мазмуни ва доирасини белгилайди, прокурор назорати предметини белгилаш имкониятини яратади ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган турли хил ёндашувларни бартараф этади. Бундан ташқари, жиноятларни яширишнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш келгусида прокурорларга дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари хусусияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Бу эса, мансабдорлик жинояти билан боғлиқ ишларни тўғри малакалашга олиб келади, натижада қонунийлик янада мустаҳкамланади.

Аввало, ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда рўйхатга олмаслик, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилишни рад этиш, уларни яшириш, терговга қадар текширув ва тергов материалларини қалбакилаштириш ёки бошқа ноқонуний усуллар орқали жиноятнинг расмий статистикада акс эттирилмаслигига эришиш жиноятларни ҳисобдан яшириш деб тушунилади.

---

[1] Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Масъул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. – Тошкент, 2021. – Б. 58.

[2] Бу ерда жиноят ишини кўриш вақтида янги очилган ҳолатларни назарда тутилмоқда.

Миллий жиноят қонунчилигимизда жиноятни ҳисобга олишдан яшириш тушунчаси берилган бўлиб, унга биноан, жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши тушунилади (*ЖКнинг 241[1]-моддаси*).[1] Эслатиб ўтамиз, мансабдор шахслар томонидан жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш деган норма 2018 йил 20 июлдаги ЎРҚ-458-сонли Қонун билан киритилган.[2]

Юқоридаги таърифдан маълум бўладики, ушбу турдаги жиноят айнан мансабдорлик жинояти билан боғлиқ бўлиб, жиноят-процессуал қонунчиликда (*ва бошқа қонунларда*) юклатилган хизмат вазифаларини қасддан бажармасликда намоён бўлади. Қайд этиш лозимки, қонунга биноан айнан ушбу давлат органига одил судловни рўёбга чиқаришда қатнашиб, яъни шахс, жамият ва давлатни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Жиноятларни ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш бўйича ИИОнинг турли бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Бу хақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ5566-сонли “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам қабул қилинган эди. Унда тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, уларни янада малакали қайта ишлаш имконини берувчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг амалдаги

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 20 июлдаши ЎРҚ-458-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.

механизмларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган эди.[1] Ушбу Фармон мақсадларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд этиш бўйича янги тизим яратилган.

Бу ҳақда А.С.Пўлатовнинг қайд этишича, “Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Унга биноан, жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби берилган. Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни “**Е-материал**” тизимида рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш натижаларини қайд этиш муайян терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган тузилмасига келиб тушган хат-хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва тузилмадаги рўйхатга олиш китобларини юритиш вазифаси юклатилган ходим, яъни тегишли тузилмада девонхона ишини юритувчи (мудир, нозир, иш юритувчи ва шу каби) ходим ёки ҳисоб-қайд қилиш вазифаси юклатилган ходим ёхуд навбатчи қисм навбатчиси томонидан амалга оширилади. Қайд қилинган вазифалар ходимларнинг лавозим йўриқномалари, вазифалар тақсимоти ёки бошқа идоравий ҳужжатларда акс эттирилиши лозим.[2]

Мазкур қоидадан маълум бўладики, жиноят қўзғатишга сабаб ва асослар мавжуд бўлганида ваколатли мансабдор шахслар тергов ёки тергов олди текширувларини амалга оширишлари лозим (ЖПК 331-модда). Демак, жиноятларни яшириш муаммоси айнан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва тергов олди мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорнинг қонунийлигига бевосита боғлиқдир. Жиноят-процессуал кодексининг 329-331-моддаларига биноан, содир этилган, этилаётган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳуқуқни муҳофаза

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ5566-сонли “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

[2] Po‘latov A.S. Tergovga qadar ish yurituv. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘zbekiston Resrublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2026.– 47-48 b.

қилувчи органларга келиб тушиши билан дарҳол рўйхатга олиниши ва уни текшириш натижасида процессуал (*жиноят ишини қўзғатиш, рад этиш ёки ариза ёхуд хабарларни тегишлилигига қараб юбориш*) қарорлардан бирини қабул қилиш шартлиги белгилаб қўйилган.[1]

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноий таъқиб қилиш органларига ушбу масалалар юзасидан императив қоидалар белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, Жиноят-процессуал кодексининг 15-моддасида жиноий таъқиб қилувчи субъектлар жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шартлиги қайд этилган. Шу боис, қонуннинг юқорида келтирилган нормалари лозим даражада ижро этилишини таъминлаш мақсадида прокурорга суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган (ЖПК 337-модда).[2]

Юқорида келтирилган масалалардан аён бўладики, жиноятларни ҳисобдан яшириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши лозим. Қўйилган вазифаларни бажариш учун “жиноятни ҳисобдан яшириш” тушунчасига таъриф бериш зарур. Тушунчанинг таърифи назарий ва амалий фаолиятда муҳим ўрин тутади. Жиноятни ҳисобдан яшириш тушунчасининг тўғри ва аниқ таърифини ишлаб чиқиш кейинги илмий-назарий билим учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади, қонунчиликни такомиллаштириш учун мустаҳкам замин яратади. Бундан ташқари,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.

иштирокчиликдан фарқлаш[1] ёки аксинча бевосита иштирокчи сифатида жалб қилиш учун муҳим ҳисобланади.[2]

Табиийки, жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш шахсга, жамиятга ва давлатга бир мунча муаммоларни келтириб чиқаради. Бу хақда И.В.Овсянников ўз фикрини билдирган. Унинг қайд этишича, бундай хатти-ҳаракатлар жиноятчиликка қарши курашишга тўсқинлик қилади ва иш учун аҳамиятли бўлган далиллар йўқотилиши хавфини оширади, жиноятни фош бўлиш имкониятини пасайтиради, шоҳидларни аниқлаш ҳамда тергов олди ва терговга бир мунча қийинчилик туғдиради.[3]

Мазкур масалага кўплаб миллий ва хорижий процессуалист олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Бинобарин, М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, жиноят ҳақидаги ариза, хабарлар ва бошқа турдаги маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текшириш бўйича фаолияти бўлиб, унинг натижасида жиноят иши қўзғатилади ёки рад этилади. Жиноятни ҳисобга олишдан яшириш эса уни очишга тўсқинлик қилади, инсонларни одил судловга бўлган ҳуқуқларини чеклайди, унга бўлган ишончсизликни келтириб чиқаради ва айбдорларнинг жавобгарликдан қочишига шароит яратади.[4]

Ф.Н.Кадников ва Н.Г.Кадниковларнинг фикрича, жиноятни яшириш ҳолатлари мавжуд бўлганда бундай жиноятларни олдини олиш ва фош қилиш жараёни янада мураккаблашади. Бунга сабаб — аллақачон содир этилган жиноятларга ижрочи ёки иштирокчи бўлмаган, бироқ ўз хатти-ҳаракатлари билан уларнинг фош

---

[1] Ходжаев Ш.М. Институт соучастия в преступлении в уголовном праве Республики Узбекистан: проблемы квалификации сложных форм и сравнительно-правовой анализ зарубежного опыта. “YOSH OLIMLAR” RESPUBLIKAILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI. – Б. 4.

[2] Кабулов Р., Отажонов А.А.и др. Квалификация преступлений Учебник. —Ташкент, 2012. —270 с.

[3] *Овсянников И. В.* Прокурорский надзор в стадии возбуждения уголовного дела *II* Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ. 2012. № 4(30). С П.

[4] Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Т.: Махсус қисми. 2025. – Б. 353.

этилишини қийинлаштирадиган мансабдор шахсларнинг аралашувидир.[1]

Агар жиноятларни ҳисобдан яширишни олдиндан ваъда берган бўлса, унда бундай мансабдор шахс жиноятга иштирокчи (*жиноятда иштирок этган шахс ҳар доим иштирокчи бўлиб қолади*) сифатида ишга жалб қилинишига сабаб бўлади (ЖК 29-модда).[2] В.Г.Трифонофнинг таъкидлашича, ҳисобдан яшириш эса, аксинча, жиноят содир этишга ҳеч қандай шароит яратмайди, чунки у олдиндан ваъда қилинмаган (*жиноят содир этгандан сўнг хабар топади*) ва яширувчи содир этилган жиноятни билмаган ёки билган тақдирда ҳам жиноятни бажарувчи билан алоқада бўлмаган ва жиноят содир этилгандан кейингина ўзини намоён қилади.[3] Демак, олдиндан ваъда қилинганлик ва олдиндан ваъда қилинмаган ҳолда яшириш иштирокчиликдан фарқлашнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Г.И.Баймурзиннинг фикрига кўра, жиноят ҳаракатлари ўртасида сабабий ва айбли алоқанинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашнинг ўзи иштирокчиликни ва жиноятни яшириш табиатини намоён қилади.[4] Олдиндан ваъда берилганлик жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги, яъни оқибат келиб чиққан ёки чиқмаганлигидан *(бажарган ёки бажармаганликнинг фарқи йўқ, бироқ унинг ижрочи билан биргаликдаги фаолияти натижаси бўлган)* қатъи назар, ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Х.Очиловнинг фикрича, жиноятда иштирокчилик деганда икки ва ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этишда биргаликда иштирок этиши тушунилади.[5]

---

[1] Кадников Н. Г, Кадников Ф. Н., Карпова Н. А. К вопросу об ответственности за недонесение о преступлении и укрывательство преступлений // Вестник Московского университета МВД России. 2021. № 5. С. 79.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.

[3] Трифонов В. Г. Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению. Дисс.к.ю.н. СПбУ МВД РФ, СПб., 2000. С. 78-79.

[4] Баймурзин Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению. -Алма-Ата 1968 г. С. 95.

[5] Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas ’ ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. 114 b.

Е.М.Головашчук жиноятларни ҳисобдан яшириш бўйича тадқиқот олиб борган бўлиб, у шундай хулосага келади: жиноятларни ҳисобдан яшириш бу — ваколатли органлар мансабдор шахсларининг жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқишдан бош тортиш ҳамда турли сохталаштиришлардан иборат бўлган, жиноятлар кўрсаткичини сунъий равишда тушириш ва бошқа ғаразли мақсадларга эришишга қаратилган қасддан содир этиладиган ноқонуний фаолиятидир.[1] Е.М.Головашуч жиноятларни ҳисобдан яшириш бўйича ўз фикрларини баён этишга ҳаракат қилган, аммо назаримизда, жиноятларни ҳисобдан яширишнинг энг кенг тарқалган тури ҳақидаги масала очиқ қолган. Мисол учун, амалиётда жиноят ишини қўзғатишни қонунга хилоф равишда рад этиш асоссиз равишда эътибордан четда қолган. Бундан ташқари, жиноятларни тергов қилишда янги жиноятларни аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳам мавжуд. Мазкур масалага В.В.Константинов муаллифлик таърифини беришга ҳаракат қилган.

Бинобарин, В.В.Константиновнинг таъкидлашича, яширилган жиноят деганда, маълумотлари ҳисоб ҳужжатларида акс эттирилмаган ёки давлат статистика ҳисоботига киритилмаган жиноят тушунилади. Шунингдек, жиноят содир этиш факти мавжуд бўла туриб, яъни сабаблар ва асослар мавжудлигига қарамай, қонунда белгиланган муддатларда процессуал қарор қабул қилинмаган ва жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилмаган бўлса ёхуд жиноят содир этиш факти бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлиб, кейинчалик прокурор томонидан жиноят иши қўзғатиш билан бир вақтда бекор қилинган бўлса, жиноят ҳисобдан яширилган деб ҳисобланади.[2]

---

[1] *Головащук Е. М.* Процессуальное противодействие укрытию преступлений органами внутренних дел : дис. ... канд. юрид. наук. Красноярск, 2003. С. 48.

[2] Константинов В.В. Особенности доказывания при возбуждении и расследовании уголовных дел о должностных преступлениях, совершаемых сотрудниками органов внутренних дел. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Омск-2013. 118 с.

Бизнинг фикримизча, В.В.Константинов томонидан жиноятни ҳисбдан яшириш тушунчасига берилган таъриф фақат баъзи жиҳатларни очиб беради. Яъни барча муҳим белгиларни тўлиқ акс эттирмайди, бундан ташқари, у эскирган ва амалдаги қонунчиликка мос келмайди (*ҳозирги кунда жиноятларни қайд қилиш бўйича алоҳида электрон база яратилган*), шу сабабли янги таърифни ишлаб чиқиш зарурати вужудга келади. Бунда жиноятларни ҳисобдан яшириш тегишли субъектларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигида намоён бўлади, албатта, у онгли, мақсадли характерга эга бўлиб, жиноятни расмий статистикада акс эттирмаслик, у бўйича қонунда белгиланган чоралар ва қарорлар қабул қилмаслик тарзида акс эттирилади ҳамда "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунни жиддий бузиш деб қаралади.[1] Тушунишимизча, амалиётда жиноят ҳақидаги аризаларни (хабар) рўйхатга олишда муаммо мавжуд эмас, чунки барча жиноят ҳақидаги аризалар ягона "**Е-материал**" тизимида рўйхатга олинади, балки муаммо уни текшириш натижасида қабул қилинган қарор билан боғлиқдир.

Назаримизда, юқорида баён этилган фикрлар ва ЖКнинг 241[1]-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, жиноятни ҳисобга олишдан яширишни жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш билан боғлаш тўғри эмас. Негаки, жиноят ишини ноқонуний қўзғатишни рад этиш ёки иш кўриш жараёнида янги жиноятлар аниқланганда тегишли чоралар кўрилмасдан уларни яширишни хабарни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш, шунингдек, бирон-бир материални сохталаштириш билан тенглаштириб бўлмайди. Демак, жиноятларни яшириш жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган жиноят тўғрисидаги (ариза) хабар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам содир этилиши мумкин, бу эса "жиноятларни яшириш" тушунчасини аниқлаш "жиноят тўғрисидаги хабар" тушунчасидан

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни.

кенгроқлигини кўрсатади, чунки у нафақат жиноят процессуал қонунида белгиланган жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни, балки ИИО мансабдор шахсларининг содир этилган жиноят ҳақида хабардор бўлишининг ҳар қандай шаклини ўз ичига олади. Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда, жиноятларни яшириш таъқиб қилиш предметининг элементи (жиноят содир этиш усули) сифатида ИИО мансабдор шахсларининг жиноят тўғрисидаги маълумотлар бўйича жиноят-процессуал қонунида белгиланган чоралар ва қарорларни кўрмаслигида ҳамда жиноят тўғрисидаги маълумотларнинг расмий статистика ҳисоботларида акс эттирилмаслигида намоён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ҳамда рўйхатга олишда мавжуд бўлган шаклдан *(“102” рақамига жиноят ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш шакли асосан техник жиҳатни ифодалайди, аммо жиноят ишини қўзғатишни ноқонуний рад этиш кўпроқ субъектив омил билан боғлиқ. Бугунги кунда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар нафақат электрон, балки ёзма шаклда ҳам берилади. Кўпинча амалиётда бундай аризалар профилактика инспекторларига ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларига топширилади. Ҳудудда жиноятлар статистикаси ошиб кетмаслиги учун терговга қадар текширув органлари аризачиларга, айниқса, фирибгарлик жиноятлари бўйича фуқаролик судларига мурожаат қилишни тавсия қиладилар. Бу амалиётда жиноятни яширишнинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир*), ноқонуний равишда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш орқали белгиланган тартибни осонгина четлаб ўтиш имконини беради. Н.Ф.Шамсиддиновaнинг фикрича, бунинг натижасида шахсларнинг ҳуқуқлари бузилади ва адолатни кечиктиришга олиб келади.[1] Й.М.Каракетовнинг нуқтаи назарича, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят хакидаги

1 Шамсиддинова Н.Ф. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши: миллий қонунчилик, хорижий тажриба. Central Asian Journal of Academic Research. Журнал. №2. 2026. - Б. 89-90.

хабар мансабдор шахс томонидан маълум қилинмаган тақдирда унинг килмиши содир этилган жиноят ҳолатларидан келиб чикиб, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол килиш сифатида ЎзР ЖК 205-моддаси ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чикиш сифатида ЎзР ЖК 206-моддаси буйича квалификация килиниши лозим.[1] Мисол учун, 2018 йил Андижон вилоятида 3 нафар ички ишлар органлар мансабдор шахслари жиноятларни яширганлиги учун прокуратура органлари томонидан уларга нисбатан дастлабки тергов олиб бориб, ишни судга юборганлар.[2]

Албатта, ички ишлар органлари томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларнинг прокуратура органлари томонидан аниқланиши уларнинг хизмат вазифаларини виждонан бажараётганлигини намоён қилади. Бироқ жиноят содир этилганидан бироз вақт ўтгач унинг аниқланиши келгусида жиноятларни ўз вақтида олдини олиш, ушбу жиноятга алоқадор шахсларни тезкор аниқлаш ҳамда зарур ҳажмдаги маълумотларни тўплаш имконини ҳар доим ҳам бермайди. Мазкур фикрларга Ҳ.Ж.Олимжонов ҳам муносабат билдириб, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ҳал қилиш ёки терговга қадар текширувлар ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланган тақдирда, прокурор уларни бартараф этишни ва айбдорларни жавобгарликка тортишни талаб қилиши шартлигини қайд этган.[3]

Бундай ҳолат қонунийликни таъминловчи прокурорларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Чунки бу ноқонуний равишда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларнинг оммавий тус олаётганидан далолат бериб, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабрланган фуқароларнинг

---

[1] Жиноят хукуқи: Олий укув юртларининг хукукшунослик мугахассислиги буйича таълим олаётган талабалари учун \ Муаллифлар: М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев; Х-Б.Бобоев тахрири остида. Macb)Ti мухаррир:(Й.М.Каракетов)- Т.: «Икдасодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000. - 337 б.

[2] https://kun.uz/kr/news/2019/02/21/iiv-jinoyatchilikni-yashirish-ommalashgani-haqidagi-maqolaga-munosabat-bildirdi

[3] Олимжонов Ҳ.Ж. Жиноят иши қўзғатиш босқичида прокурор назоратининг объекти ва предмети. Journal of Sustainability inVolume:3Issue: 9 Year: 2025. – Б. 54.

одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқларини жиддий равишда бузади. Шу боис аниқланаётган қонунбузарликларга прокурорлар томонидан тезкорлик билан муносабат билдирилиши тақозо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2025 йил давомида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар натижасида 562 555 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.[1]

Амалиётда учрайдиган муаммолардан бири бу қонун чиқарувчи жиноятни ҳисобга олишдан яширишни назарда тутмоқдалигидадир. Таъкидлаш лозимки, аҳоли томонидан “102” рақамига берилаётган барча хабарлар ҳам жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, меҳнат, фуқаролик ва бошқа муносабатларга оид бўлиши мумкин. Буни ички ишлар органларига келиб тушган аризалар ва уларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорларда кўриш мумкин. Демак, “102” рақамига берилаётган барча хабарлар жиноят тушунчасини (хатти-ҳаракатларни) қамраб олмайди, балки муайян бошқа бир қилмишларни (ҳуқуқбузарликларни) қамраб олади. Шундай қилиб, қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасида оралиқ ўринни эгаллаши назарда тутилиши лозим. Бундан ташқари, ушбу муносабатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўз аксини топмаган. Балки, ушбу муносабатларга оид маъмурий преюдицияни қўллаш доирасини кенгайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг янги асосларини мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, МЖтК ва Жиноят кодексининг 241^1-моддасини қайта таҳрир қилиш лозим. МЖтКга маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар қилмаслик тушунчасини киритиш шахсларнинг жамиятга бўлган муносабатлари ўзгаришига олиб келади, деган умиддамиз. Шу билан бирга, амалиётда

[1] https://prokuratura.uz/qonuniylikmustahkamlash

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Амалий тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жиноятларни ҳисобдан яшириш мақсадлари турлича бўлиши мумкин ва буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: шахсий мотив, ғараз, коррупцион мақсадлар, етарли тажрибага эга бўлмаслик, айрим ходимларнинг (ҳудудларнинг) ўз кўрсаткичларини сунъий равишда яхшилашга интилиши, яъни қизил ҳудуддан чиқиш ёки мансаб поғоналаридан юқорига кўтарилиш истаги каби масалаларни қамраб олиши мумкин. Аммо, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки ҳисобдан яширишда шахснинг ўз турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши томонидан содир этилган жиноятни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаслик масаласини қайта кўриб чиқиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Бу амалиёт давлат шахсни оилавий муносабатлар ва қариндошлик ришталарини бузишга, яъни ўз турмуш ўртоғи ёки яқин қариндошига қарши ҳаракат қилишга мажбур этишига йўл қўймаслик лозимлигини кўрсатади. Чунки инсон табиатан ўз яқинларига нисбатан меҳр-оқибат, садоқат ва ҳимоя қилиш туйғуларига эга бўлади. Агар қонун бундай шахсларни жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутганида, улар оғир маънавий танлов олдида қолган бўлар эдилар: ёки ўз қариндошини фош қилиш, ёки жиноят учун жавобгар бўлиш. Бундай имтиёзнинг берилишининг муҳим шарти жиноятни яшириш олдиндан ваъда қилинмаган бўлиши кераклигидир. Шунга ўхшаш фикрларни М.Усмоналиев ҳам билдирган.[1] Агар шахс жиноят содир этилишидан аввал уни яширишга келишиб олган бўлса, у ҳолда у жиноятга иштирокчилик шаклларидан бири сифатида баҳоланиши лозим. Шу сабабли, қонун чиқарувчи турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларга нисбатан алоҳида ёндашувни белгилаши лозим. А.С.Пўлатов фикрича, шахснинг яқин қариндошларига қарши

[1] Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М. Усмоналиев. - Т., «Янги аср авлоди», 2010, 298 бет.

берган кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланиш имконияти оилавий-турмуш муносабатларига жиддий таъсир қилиши мумкин.[1]

Юқорида таҳлил қилинган масалалар МДҲга аъзо мамлакатлар жиноят қонунчилиги амалиётида ҳам мавжуд бўлиб, мамлакатимиз ЖКга имплементация ва трансформация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 347-моддасида жиноят содир этган шахснинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари жиноят ҳақида хабар бермаганлик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ҳақида қоида белгиланган.[2] Худди шундай қоида РФ Жиноят кодексининг 316-моддаси,[3] Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 432-моддаси,[4] Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 367-моддаси,[5] Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 306-моддасида ҳам белгиланган.[6]

Яна бир масала, биз юқорида Жиноят кодексининг 241[1]-моддаси биринчи қисми ҳақида сўз юритган эдик. Бизнинг фикримизча, ушбу модда ишлаб чиқилганлигига бироз вақт ўтганлиги сабабли, уни янги таҳрирда баён этиш зарурати юзага келмоқда. Негаки, бугунги кунда жиноят ҳақида ариза ва хабарлар қабул қилиш автоматик равишда амалга оширилади ва буни яширишнинг (*қабул қилмаслик, рўйхатга олмаслик ёки бошқача айтганда, рад этишнинг*) имкони ҳам йўқ. Сабаби бир томондан, автоматлаштирилган (*рақамлаштирилган*) тизим ишга тушганлиги

---

[1] Пўлатов А.С. Жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мақоми ва уни такомиллаштириш масалалари: Автореф.дисс…юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ТДЮИ, 2022. – Б. 89.

[2] Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.12.2025 г.).

[3] "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 10.06.2026, с изм. от 29.06.2026)

[4] Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.07.2026 г.).

[5] Уголовный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 127 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.03.2026 г.).

[6] Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.01.2026 г.).

билан изоҳланса, иккинчи томондан, бу тизим прокуратура органларига интеграциялаштирилган. Шунинг учун, жиноят ҳақидаги аризаларни (*рақамлаштирилган тизимда*) ҳисобдан яширишнинг иложи йўқ. Биз кўтараётган масала айнан Жиноят кодекси 241^1-моддаси биринчи қисми мазмуни бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, яъни жиноятларни ҳисобдан яшириш эмас, балки жиноятларни фош қилмаслик билан боғлиқ масалалардир. Биз юқорида бугунги кунда амалиётда жиноятларни автоматлаштирилган тизимда ҳисобдан яшириш деярли учрамаслигини қайд этган эдик. Демак, жиноят ҳақидаги аризалар тизимдан рўйхатдан ўтган, лекин гап ғайриқонуний равишда фош қилмаслик масалалари юзасидан таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бизнингча, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар айнан жиноят ҳақидаги аризани механик равишда ҳисобга (қайд этиш) олиш масаласини назарда тутган. Негаки, ўша вақтларда (2018 йил) навбатчилик қисмида жиноят ҳақидаги аризаларни қабул қилиш рақамлаштирилмаган эди ва боз устига ўша пайтларда келиб тушган жиноят ҳақидаги аризалар “Шакл-1” ва “Шакл-2” китобида қайд этилар эди. Дарвоқе, ички ишлар органларида жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни автоматлаштирилган (рақамли) ҳолда қабул қилиш тизими аввал 2023 йилда айрим туманларда синов режимида текшириб кўрилган. Синов муваффақиятли ўтгандан сўнг, 2024 йил чорак бошидан бошлаб Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ички ишлар органларида жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар (*“Е-материал” тизими*) рақамлаштирилган ҳолда қабул қилина бошлади.

Шубҳасиз, биз баён қилган позицияни қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчилар назарда тутмаган. Демак, жиноят ҳақидаги аризалар қабул қилинган, бироқ қандайдир субъектив сабабларга кўра қонуний тартибда кўриб чиқилиб, ҳал қилинмаган, ваколатли давлат органлари томонидан тегишли чоралар кўрилмаган, шунингдек, унга тўғри ва холис ҳуқуқий баҳо берилмаган жиноятни ҳам ҳисобдан (*статистикадан)* яширилган жиноят деб тушуниш лозим. Албатта, ҳисобга олмаслик ва фош қилмаслик сўзларининг

маъноси бир-биридан жиддий фарқ қилади, яъни улар синоним сўзлар эмас. Шунинг учун, юқорида Тошкент шаҳар прокурори айнан ушбу турдаги жиноятлар ички ишлар органлари амалиётида кенг тус олганлигини бежиз айтмаган. Жиноятларни тезкор-тергов қилмаслик (фош қилиш чораларини кўрмаслик) мақсадини кўзлаган ходимнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ўзининг муайян ташқи ифодасига эга. Хусусан, келтирилган қоидабузарликларнинг ушбу усулида ҳам гап фақат битта яшириш усули — асоссиз равишда жиноят ишини қўзғатишни рад этишни назарда тутмоқда. Бунда мансабдор шахс жиноят аломатлари мавжуд бўлган ёки уларни аниқлаш учун етарли асослар бўлган ҳолда қасддан қонун талабларига зид равишда қарор қабул қилган ёки тергов қилиш жараёнига сунъий тўсиқ яратган ҳисобланади. Сунъий тўсиқ деганда айнан дастлабки тергов органларига терговга қадар текширув материалларининг (*ёлғон маълумотлар киритиш орқали*) етиб бормаслиги назарда тутилмоқда. Тўғри, сиз бу қилмишлар учун Жиноят кодексининг 230[1]-моддасида жавобгарлик белгиланган-ку (*исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши*), деб айтишингиз мумкин.[1] Қайд этиш лозимки, ушбу модда мазмунида исботлашда иштирок этаётган ёки жалб қилинган шахслар деган жумлага кўзингиз тушиши мумкин. Исботлашга жалб қилинган шахслар доираси кенг (*гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, вакил, жабрланувчи ва бошқалар*). Биз ўрганаётган масалада айнан мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳақида гап кетмоқда. Кўриниб турибдики, қонунчиликда кўпгина ноаниқликлар мавжуд. Шу боис, Жиноят

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.

кодексининг 241 ва 241[1]-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига тегишли қўшимчалар киритиш лозим.

Шундай қилиб, юқоридаги олимларнинг фикри ҳамда хорижий ва миллий қонунчилик таҳлилларидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 241-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади:

“Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани **ва олдиндан ваъда бермаган** ҳолда хабар бермаслик

“Шахс ўзининг турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши томонидан содир этилган жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширгани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди”.

Жиноят кодексининг 241[1]-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларини қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади:

“Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан **олдиндан ваъда бермаган ҳолда** қасддан яшириши”

“Жиноят аломатлари мавжуд бўлган ёки уларни аниқлаш учун етарли асослар бўлган ҳолда қасддан қонун талабларига зид равишда қарор қабул қилиш ёки тергов қилиш жараёнига сунъий тўсиқ яратиши”.

“**Шахс ўзининг турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши томонидан содир этилган жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширгани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди**”;

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексини янги 321[1]-модда билан қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади:

“Жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш”

“*Жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш деганда, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган, содир этилган, содир этилаётган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги маълумотларни белгиланган*

тартибда қабул қилиш, уларни ҳисобга олиш реестрлари ёки ахборот тизимларига киритиш, рўйхат рақами бериш ҳамда кейинги текширув ва процессуал қарор қабул қилиниши учун ваколатли мансабдор шахсга юбориш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни қабул қилишни рад этиш, уларни рўйхатга олмаслик, ҳисобдан яшириш ёки рўйхатга олиш муддатларини асоссиз равишда бузиш қонунчиликка биноан жавобгарлик сабаб бўлади".

Жиноятни яшириш — бу жиноят ҳақидаги ахборотни ваколатли органларга маълум қилмаслик ёки уни бузиб кўрсатиш, жиноят излари ва далилларини йўқ қилиш, жиноятчининг шахсини аниқлашга тўсқинлик қилиш ҳамда уни жиноий жавобгарликдан қутқаришга қаратилган олдиндан ваъда бермаган ҳолда қасддан содир этиладиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар тизимидир.

Жиноятни ҳисобдан яшириш — бу ваколатли мансабдор шахс томонидан жиноят тўғрисидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотларни белгиланган тартибда қабул қилмаслик, рўйхатга олмаслик, рўйхатдан ўчириш, сохталаштириш, нотўғри ҳуқуқий баҳолаш ёки бошқа усуллар орқали жиноят тўғрисидаги маълумотларни расмий статистик ҳисобда акс эттирмасликка қаратилган олдиндан ваъда бермаган қасддан содир этиладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Мансабдор шахслар томонидан жиноятларни ҳисобдан яшириш — хизмат мажбуриятларини бузган ҳолда ва одил судлов манфаатларига зид равишда, жиноят ҳақидаги маълумотларни қасддан расмий статистик ҳисобдан яшириш ёки коррупцион мақсадларида ғайриҳуқуқий жиноят ишини қўзғатишни рад этишга қаратилган фаолиятдир.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятларни ҳисобдан яшириш шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказувчи, жиноятчиликнинг ҳақиқий кўламини бузиб кўрсатувчи ҳамда одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш эканини кўрсатади. Бундай қилмиш натижасида

жиноят содир этган шахслар жавобгарликдан қутулиб қолиши, далиллар йўқолиши, жиноятни фош этиш имконияти пасайиши ва фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончи сусайиши мумкин. Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий сабаблари шахсий ва ғаразли манфаатлар, коррупцион мақсадлар, хизмат кўрсаткичларини сунъий равишда яхшилашга интилиш, касбий тажрибанинг етарли эмаслиги ҳамда идоравий назоратдаги камчиликлар билан боғлиқ.

NODIROV DOVURKHON IKROMOVICH
Head of Department, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Independent Researcher

THE ROLE AND POWERS OF THE PROSECUTOR GENERAL IN THE PERSONNEL POLICY OF PROSECUTION AUTHORITIES

Abstract: *The article analyzes the organizational and legal aspects of the powers of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan in the selection, recruitment, appointment, placement, and certification of personnel within prosecution authorities. It examines the legal status of the Prosecutor General in the unified centralized system of prosecution authorities, the Prosecutor General's role in shaping and implementing personnel policy, and the powers relating to the assessment of the professional capacity of prosecutorial employees and the formation of a personnel reserve. The content and essence of the principles of transparency, impartiality, collegiality, continuity, and consistency in recruitment to prosecution authorities are explained. Based on an analysis of the applicable constitutional provisions, the Law "On the Prosecutor's Office," and departmental acts of the Prosecutor General, proposals are advanced to improve the legal mechanisms governing the organization of prosecution authorities and personnel management.*

Keywords: *Prosecutor General, prosecution authorities, personnel policy, personnel selection, recruitment, appointment, certification, personnel reserve, transparency, impartiality, collegiality, continuity, consistency, prosecutorial employee.*

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида кадрларни танлаш, хизматга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ваколатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Бош прокурорнинг прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимидаги ҳуқуқий мақоми, кадрлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишдаги ўрни, шунингдек, прокурор ходимларининг касбий салоҳиятини баҳолаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришга оид ваколатлари ёритилган. Прокуратура органларига хизматга қабул қилишда шаффофлик, холислик, коллегиаллик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Амалдаги конституциявий нормалар, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ва Бош прокурорнинг идоравий ҳужжатлари таҳлили асосида прокуратура органларини ташкил этиш ҳамда кадрлар билан ишлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *Бош прокурор, прокуратура органлари, кадрлар сиёсати, кадрларни танлаш, хизматга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, аттестация, кадрлар захираси, шаффофлик, холислик, коллегиаллик, узлуксизлик, изчиллик, прокурор ходими.*

Аннотация: *В статье проанализированы организационно-правовые аспекты полномочий Генерального прокурора Республики Узбекистан в сфере отбора кадров,*

приёма на службу, назначения и расстановки кадров, а также проведения аттестации в органах прокуратуры. Раскрыты правовой статус Генерального прокурора в единой централизованной системе органов прокуратуры, его роль в формировании и реализации кадровой политики, а также полномочия по оценке профессионального потенциала прокурорских работников и формированию кадрового резерва. Рассмотрены содержание и сущность принципов прозрачности, объективности, коллегиальности, непрерывности и последовательности при приёме на службу в органы прокуратуры. На основе анализа действующих конституционных норм, Закона «О прокуратуре» и ведомственных актов Генерального прокурора выдвинуты предложения, направленные на совершенствование правовых механизмов организации органов прокуратуры и работы с кадрами.

Ключевые слова: *Генеральный прокурор, органы прокуратуры, кадровая политика, отбор кадров, приём на службу, назначение на должность, аттестация, кадровый резерв, прозрачность, объективность, коллегиальность, непрерывность, последовательность, прокурорский работник.*

The effective operation of prosecution authorities in ensuring the rule of law and a law-governed state directly depends, first of all, on the professional knowledge, practical experience, moral qualities, and readiness of their personnel to perform the duties assigned to them. The organization of prosecution authorities as a unified centralized system requires personnel selection, recruitment, appointment, placement, certification, and the formation of a personnel reserve to be carried out according to uniform requirements. In this process, the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan has a special legal status and broad organizational powers as the highest official heading the system of prosecution authorities.

Бироқ ТҚФнинг ўзига хослиги шундаки, унинг айрим шакл ва усуллари шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита аралашиш билан боғлиқ. Б.Ж.Муродов ва Ш.Рапиков ТҚФда ҳуқуқий манбаларни Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларга ажратиб, ТҚФда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини илгари сурадилар. Хусусан, шахснинг телефон сўзлашувларини эшитиш, ёзишмаларини назорат қилиш, электрон хабарларини олиш, уй-жойига кириш ёки бошқа ахборотни қўлга киритиш каби чоралар жиноятчиликка қарши курашишда самарали восита бўлиши билан бирга, улар нотўғри ёки асоссиз қўлланилганда инсоннинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига жиддий аралашувга айланиши мумкин[1]. Шу сабабли замонавий ҳуқуқий давлатда ТҚФ самарадорлиги фақат жиноятларни фош этиш кўрсаткичлари билан эмас, балки инсон ҳуқуқларига аралашувнинг қонунийлиги, зарурлиги, мутаносиблиги ва суд назорати билан таъминланганлиги билан ҳам баҳоланиши лозим.

Айрим илмий қарашларда ТҚФ устидан назоратни прокурор амалга ошириши етарли эканлиги таъкидланган. Масалан, Г.В.Дытченко ва Е.Л.Никитинлар “Прокурор назорати ТҚФда асосий, доимий ва кенг қамровли назорат механизми, суд назорати эса уни алмаштирмасдан, қўшимча ваколат сифатида қаралиши

[1] Муродов Б.Ж., Рапиков Ш. Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг миллий норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2023. – Т. 3. – Махсус сон. – Б. 15–26.

керак” деган фикрдалар[1]. Бироқ прокурорнинг ТҚФ органи билан бир тизимдаги процессуал назорат субъекти сифатидаги мақоми ва суднинг ташқи, мустақил назорат субъекти сифатидаги мавқеи бир хил эмас.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси мазкур масалада принципиал янги ҳуқуқий ёндашувни белгилади. Конституциянинг 31-моддасида ҳар бир инсон шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Шу модданинг иккинчи қисмида эса ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши қатъий белгиланган. Шу нуқтаи назардан, Конституциянинг 31-моддасидаги ушбу талабларни ТҚФни тартибга солувчи махсус қонунчиликка тўлиқ имплементация қилиш бугунги куннинг муҳим ҳуқуқий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 31-моддасига кўра ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқининг чекланишига, уй-жойда тинтув ўтказишга суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланди. Яъни, 31-моддада учта ўзаро боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар мавжуд:

1) шахсий ҳаёт, шахсий ва оилавий сир дахлсизлиги;

2) ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлар сирининг дахлсизлиги;

3) уй-жой дахлсизлиги.

Биринчи икки кафолатнинг амалга оширилишида энг муҳим конституциявий шарт – ҳуқуқни чеклашнинг қонунга мувофиқлиги

---

[1] Дытченко Г.В., Никитин Е.Л. Прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов в оперативно-розыскной деятельности на современном этапе. – М.: Криминалист, 2017. № 1 (20), - С. 47-51.

ва суд қарорига асосланганлигидир[1]. Уй-жой дахлсизлиги бўйича ҳам Конституция уй-жойга кириш ва унда олиб қўйиш ёки кўздан кечиришнинг қонуний асосларини, тинтув ўтказишнинг эса суд қарорига асосланган бўлишини талаб қилади. Демак, Конституциянинг 31-моддаси оддий декларатив норма бўлмасдан, у ҳуқуқни чекловчи давлат фаолияти учун бевосита амал қилувчи конституциявий стандарт ҳисобланади. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январдаги ЎРҚ–1022-сонли Қонунига асосан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш киритилди[2]. Бунда, тергов судьяси лавозими жорий этилди ва унга прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарорига асосан тинтув ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш ваколати берилди.

Бироқ, ушбу Қонун доирасида “ТҚФ тўғрисида”ги Қонун тегишли моддаларини янгиланган Конституция талабларига мувофиқлаштириш масалалари ҳал этилмай қолган. Жумладан, “ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган ТҚТнинг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган бўлиб, бунда Қонун нормасининг Конституцияга номувофиқлигини кўриш мумкин.

---

[1] Бобомуродов Ф. Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий муносабатлар таҳлили // Yurist axborotnomasi. – 2025. – Т. 5. – № 1. – Б. 65–75.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январпрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1022-сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас. Шу боис, айни вақтда "ТҚФ тўғрисида"ги Қонунга турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи ҳолатлар бўйича ТҚТ суднинг ажримига асосан ўтказилишини назарда тутувчи нормаларни киритиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг "ТҚФ тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган ТҚТни ўтказиш материалларини кўриб чиқиш прокурор ваколатига берилган[1]. Қонунга мувофиқ, тезкор-қидирув органи раҳбари тасдиқлаган, тадбирни ўтказиш зарурлиги асослантирилган қарор прокурорга тақдим этилади. Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, тегишли ТҚТни ўтказишга санкция беради ёки рад этади.

Мазкур механизм қабул қилинган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида прокурор назорати муҳим кафолат сифатида

---

[1] Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – № 10, махсус сон. – Б. 165–169.

қаралган. Бироқ Конституциянинг янги таҳрири билан мазкур масалада суд назоратининг конституциявий мақоми кескин кучайтирилди. Шу боис бугунги кунда масалани фақат “прокурор санкцияси етарлими?” деган савол билан чеклаш нотўғри бўлади. Асосий масала – Конституцияда назарда тутилган суд қарори талабини махсус қонунчиликда қандай амалга ошириш кераклигидир. Бунда муҳим ҳуқуқий зиддият юзага келади: Конституциянинг 31-моддасига кўра фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи ТҚТни ўтказишга суд қарорига биноан йўл қўйилиши белгиланган бўлса, “ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган. Демак, амалдаги тезкор-қидирув қонунчилиги Конституцияда белгиланган суд назорати стандартига тўлиқ мослаштирилиши лозим.

Мазкур масалада “ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг асосий принциплари етарли, деган ёндашувни қабул қилиб бўлмайди. Чунки ҳуқуқни чеклашга йўл қўядиган норма аниқ, тушунарли, олдиндан башорат қилинадиган, процессуал кафолатларга эга, мустақил назорат механизми билан таъминланган бўлиши лозим. Акс ҳолда Конституцияда белгиланган ҳуқуқнинг мавжудлиги амалиётда унинг самарали ҳимоя қилиниши билан таъминланмаслиги мумкин.

ТҚФда бу масала янада муҳим, чунки ТҚТнинг катта қисми ноошкора шаклда амалга оширилади. Шахс ўзига нисбатан ўтказилаётган тадбирдан хабардор бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд назорати алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, шахс кейинчалик судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳар доим ҳам етарли кафолат эмас. Айниқса телефон сўзлашувларини эшитиш, электрон хабарларни назорат қилиш ёки уй-жойда текшириш ўтказиш каби тадбирлар натижасида шахсий ҳаётга аралашув содир бўлганидан кейин бузилган ҳуқуқни тўлиқ тиклаш амалда қийинчилик туғдириши мумкин. Шу сабабли бу каби ТҚТларини ўтказишда: а) олдиндан суд назоратини ўрнатиш; б) тадбир давомида қонунийликни таъминлаш; в) кейинги суд назорати тизими шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Ғ.Т.Хидировнинг фикрича, ТҚФ устидан суд назоратини ўрнатиш шахс ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган институт сифатида баҳоланади[1]. Суд назоратини кучайтириш ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ваколатларини асоссиз чеклаш эмас, аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонунийлиги ва асослилигини кучайтиради. Суд – ТҚФ субъектига ташкилий жиҳатдан бўйсунмайдиган мустақил ҳокимият органи сифатида ҳуқуқни чеклаш заруратини мустақил баҳолаш имкониятига эга. Шунинг учун бундай ТҚТга рухсат беришда тергов судьяси қуйидаги масалаларни текшириши лозим:

- жиноят ёки жиноий фаолият ҳақида етарли асослар мавжудми?

- мазкур тадбирни ўтказиш зарурми?

- бошқа ҳуқуқни камроқ чекловчи тадбирларни қўллаш орқали мақсадга эришиш мумкинми?

- режалаштирилаётган чеклов кўзланган мақсадга мутаносибми?

- тадбирнинг объекти ва доираси аниқ белгиланганми?

- муддат асосланганми?

- тадбир натижасида учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари асоссиз чекланмайдими?

- олинган маълумотлардан кейинчалик қандай фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби мавжудми? Шундай ёндашув ҳуқуқни чеклашни оддий санкция бериш эмас, балки алоҳида суд-ҳуқуқий баҳолаш механизмига айлантиради.

Сўнгги ҳуқуқий ислоҳотлар судгача бўлган жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, 2024 йилда қабул қилинган Президентнинг ПФ–89-сон Фармонида[2] тезкор-қидирув ва тергов фаолиятида шахснинг

---

[1] Хидиров Ғ.Т. Тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назоратининг назарий ҳуқуқий таҳлили // Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – № 6. – Б. 800–805.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йи 10 июндаги “Тезкор-қидирувҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармони.

ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсади белгиланган. Шу билан бирга, судгача бўлган босқичда тергов судьяси институтининг жорий этилиши мазкур масалани ТҚФ соҳаси билан ҳам уйғунлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бунда тергов судьясининг ваколатларини фақат ЖПКдаги процессуал ҳаракатлар билан чеклаб қўйиш эмас, балки Конституциянинг 31-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларни чекловчи ТҚТлар билан ҳам тизимли боғлаш мақсадга мувофиқ.

Бунда айниқса: 1) почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш; 2) телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; 3) абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш; 4) уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ ТҚТлар суд назоратининг асосий объектлари бўлиши лозим. Яъни, “суд назорати” деганда “ТҚФ тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ҳар бир тадбир устидан суднинг доимий назоратини ўрнатиш эмас, балки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини жиддий чеклаш талаб этиладиган ТҚТ бўйича тергов судьяси томонидан олдиндан ҳамда кейинчалик қонунийликни текшириш жараёни тушунилиши лозим.

Конституциянинг 31-моддаси талабларини фақат “суд қарори” тушунчаси билан чеклаш етарли эмас. Суд қарори ҳам автоматик равишда ҳуқуқий аралашувнинг қонунийлигини англатмайди. Судья ҳуқуқни чекловчи ТҚТни ўтказишнинг зарурлиги ва мутаносиблигини ҳам баҳолаши лозим. Шу нуқтаи назардан “ТҚФ тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган асосий принциплар қаторига қуйидаги икки принципни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: а) **Зарурлик** принципи (Шахс ҳуқуқларига дахл қилувчи ТҚТ фақат жиноятни аниқлаш, олдини олиш ёки фош этиш учун зарур бўлган тақдирдагина ўтказилиши лозим); б) **Мутаносиблик** принципи (ТҚТ натижасида шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига аралашув даражаси кўзланган мақсадга мутаносиб бўлиши шарт). Масалан, нисбатан енгил жиноятни

аниқлаш учун шахснинг телефон сўзлашувларини узоқ муддатли назорат қилиш ортиқча аралашув сифатида баҳоланиши лозим. Шу боис, жиноятнинг оғирлиги, аралашув зарурати, аралашув даражаси, ўтказиш муддати кутилаётган натижа билан ўзаро мутаносиб бўлиши керак.

Илмий нуқтаи назардан яна бир муҳим таклиф – ҳуқуқни чекловчи ТҚТни **охирги восита** сифатида қўллаш принципини белгилашдир. Бунга кўра, агар жиноят ҳақидаги маълумотни ҳуқуқни камроқ чекловчи бошқа ТҚТ ёки процессуал ҳаракатлар орқали олиш имкони мавжуд бўлса, шахснинг шахсий ҳаётига жиддий аралашувни назарда тутувчи тадбирдан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан: а) очиқ маълумотларни таҳлил қилиш; б) сўров ўтказиш; в) тезкор кузатув; г) маълумотларни қонуний равишда олиш орқали зарур натижага эришишнинг имкони бўлса, телефон сўзлашувларини эшитиш ёки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бевосита чекловчи ТҚТни танлаш асоссиз бўлиши мумкин. Бу принцип тергов судьясига қарор қабул қилишда муҳим мезон вазифасини бажаради.

Хорижий давлатларнинг соҳага оид қонунлари таҳлили натижасида, зарурлик (necessity), мутаносиблик (proportionality) ва охирги восита (last resort/ultima ratio) талаблари ТҚФга хос бўлган яширин кузатув, техник кузатув, телефон/коммуникацияларни назорат қилиш ва бошқа махсус чораларни тартибга солувчи қонунларда турли шаклларда ифодалангани кўринади[1].

Амалдаги тезкор-қидирув қонунчилигида шахс ҳуқуқини чекловчи ТҚТни ўтказиш заруратини асословчи орган раҳбарининг қарори прокурорга тақдим этилиши назарда тутилган. Бироқ Конституциянинг 31-моддаси талабларини тўлиқ амалга ошириш учун судга тақдим этиладиган материалларнинг мазмуни қонун

[1] Буюк Британия (Investigatory Powers Act 2016; Австралия (Surveillance Devices Act 2004; Германия (Federal Act on the Protection of the Constitution (BVerfSchG); Канада Criminal Code, Part VI; Эстония (Code of Criminal Procedure, Ch. «Surveillance Activities»; Украина «Про оперативно-розшукову діяльність» қонуни.

даражасида аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, илтимосномада қуйидагилар бўлиши шарт:

1) ТҚТни ўтказишга асос бўлаётган жиноят ёки жиноий фаолият ҳақидаги маълумот; 2) тадбир объекти бўлган шахс ҳақида маълумот; 3) тадбирнинг аниқ тури; 4) ҳуқуқни чекловчи ТҚТни ўтказиш заруратининг асосланганлиги; 5) бошқа усуллардан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги ёки уларнинг самарасизлиги; 6) тадбир муддати; 7) ҳудудий доираси; 8) ахборот манбаси; 9) учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига эҳтимолий таъсири; 10) олинган ахборотни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби. Бу талаблар суд назоратини формал эмас, мазмунан амалга ошириш имконини беради.

Жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида баъзи ҳолатларда олдиндан суд рухсатини олиш имкони бўлмаслиги мумкин. Масалан, ТҚТни ўтказишни кечиктириш: а) шахснинг қочиб кетишига; б) оғир жиноят содир этилишига; в) далилларни йўқ қилинишига; г) жиноий гуруҳ фаолияти изларининг йўқотилишига олиб келиш эҳтимоли бўлиши мумкин. Шунинг учун суд рухсатисиз ТҚТ ўтказиш имконияти бутунлай истисно қилинмаслиги, балки қатъий чегараланган кечиктириб бўлмайдиган ҳолат сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолатда тезкор-қидирув органи раҳбарининг қарори асосида дарҳол ТҚТни ўтказиш, 24 соат ичида судга хабар бериш ва суднинг қонунийликни текшириш механизми жорий қилиниши мумкин. Агар суд тадбирни қонуний деб топмаса, олинган маълумотлардан процессуал мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги лозим.

Конституциянинг 29-моддасида қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга оширишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Ушбу конституциявий қоида ТҚТ натижаларига ҳам тизимли равишда татбиқ этилиши лозим. Шу боис “ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига “Қонун талабларини ёки суд рухсатини бузган ҳолда ўтказилган ТҚТ натижасида олинган маълумотлардан жиноят-процессуал мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди” деган мазмундаги алоҳида норма киритиш зарур.

Бунда қуйидаги ҳолатлар ҳам ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши мумкин: а) суд рухсатининг мавжуд эмаслиги; б) рухсатда кўрсатилган доирадан чиқиш; в) муддатни бузиш; г) рухсат берилмаган шахсга нисбатан тадбир ўтказиш; д) суд рухсатида кўрсатилмаган маълумотларни йиғиш; е) олинган ахборотни қонунга хилоф сақлаш ёки тарқатиш. Бу норма ҳуқуқни чекловчи ТҚТларнинг қонунийлигини таъминлашда реал ҳуқуқий кафолат вазифасини бажаради.

Конституциянинг 31-моддаси ҳар кимнинг ўз шахсига доир маълумотларининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Шунингдек, шахс ўзи ҳақида қонунга хилоф равишда тўпланган ёки ҳуқуқий асосга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Турли ТҚТ ўтказилиши натижасида шахснинг: телефон рақами; геолокацияси; мулоқотлари; электрон хабарлари; ижтимоий алоқалари; молиявий операциялари; шахсий ҳаётига оид бошқа маълумотлари йиғилиши мумкин. Шунинг учун “ТҚФ тўғрисида”ги Қонун нафақат маълумотни олиш тартибини, балки унинг кейинги тақдирини ҳам белгилаши лозим. Жумладан: маълумотни олиш, уни рўйхатга олиш, сақлаш, фойдаланиш, бошқа органга юбориш, сақлаш муддати ва йўқ қилиш босқичларининг ҳар бири ҳуқуқий тартибга солиниши зарур. Агар маълумот жиноятни аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлмаса ва уни сақлашнинг қонуний асоси қолмаган бўлса, у белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Тадқиқот доирасида сўров қилинган амалиёт тезкор ходимларининг 37 фоизи конституциявий ҳуқуқларни чекловчи ТҚТ прокурор илтимосномаси асосида тергов судьяси ажримига биноан ўтказилиш тартибига муносабат билдириб, бу икки турдаги назорат ўрнатилишига, 24 фоизи эса бу амалда прокурор назорати бекор қилинишига олиб келиши ҳамда бу жиноятчиликка қарши курашиш тезкорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирадилар. Аммо, таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 31-моддаси талабларини жорий қилиш прокурор назоратини бекор қилишни англатмайди. Аксинча, икки институтнинг вазифалари

фарқланиши лозим, яъни, суд назорати – инсоннинг конституциявий ҳуқуқини чеклашга рухсат беришнинг мустақил ва холис механизми бўлса, прокурор назорати – ТҚФ субъектлари томонидан қонун талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўлиши лозим. Бироқ бу ерда прокурорнинг вазифаси суд ваколатини алмаштирмаслиги керак, яъни прокурор ҳуқуқни чеклашга “санкция берувчи” эмас, балки судга мурожаат қилишнинг қонунийлиги ва ТҚФда қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилувчи субъект сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи ТҚТлар учун қуйидаги ҳуқуқий алгоритмни таклиф қилиш мумкин:

Биринчи босқич – асосларни аниқлаш (Тезкор ходим жиноят ҳақидаги мавжуд маълумотларни таҳлил қилади ва ҳуқуқни чекловчи ТҚТ заруратини асослайди). Иккинчи босқич – ички ҳуқуқий баҳолаш (тезкор қидирув органи раҳбари тадбирнинг қонунийлиги, зарурлиги, мутаносиблиги, ўтказиш муддати бўйича қарор қабул қилади). Учинчи босқич – прокурор назорати (Прокурор тадбирни ўтказиш учун асослар мавжудлигини баҳолайди ва судга илтимоснома киритиш масаласини ҳал этади). Тўртинчи босқич – суд назорати (Тергов судьяси: асослар; зарурлик; мутаносиблик; ТҚТ охирги восита эканлиги; муддатлар ва объект бўйича қарор қабул қилади). Бешинчи босқич – ТҚТни ўтказиш (Фақат суд рухсатида белгиланган доирада тадбир ўтказилади). Олтинчи босқич – натижаларни ҳуқуқий баҳолаш (Олинган материаллар қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширилади). Еттинчи босқич – сақлаш ёки йўқ қилиш (Жиноят иши учун аҳамиятли маълумотлар қонунда белгиланган тартибда сақланади; аҳамиятсиз ёки ҳуқуқий асоси қолмаган маълумотлар белгиланган тартибда йўқ қилинади).

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий дахл қилувчи мустақил суд назоратига бўйсундириш анъанаси устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Россия, Эстония, Украина давлатлари тажрибасида суд

рухсати зарурлик, бошқа тергов усулларининг самарасизлиги, мутаносиблик ва тадбир муддатининг чекланганлиги билан узвий боғланган.

Юқоридаги таҳлил асосида “ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасини қуйидаги мазмундаги янги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ: “Инсоннинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлар сир сақланиши, шунингдек уй-жой дахлсизлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини чекловчи ТҚТни ўтказишга фақат қонунга мувофиқ, зарур ва мутаносиб бўлган ҳолларда ҳамда тергов судьясининг олдиндан берилган ажрими асосида йўл қўйилади”.

Шунингдек, мазкур моддани қуйидаги қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: “ТҚТни ўтказиш тўғрисидаги илтимосномада тадбирни ўтказиш зарурати, унинг мақсади, объекти, муддати, ҳуқуқни чеклаш доираси, тадбир натижасида олиниши кутилаётган ахборот, шунингдек мақсадга ҳуқуқни камроқ чекловчи бошқа воситалар орқали эришиш имконияти мавжуд эмаслиги асослантирилиши шарт. 19-моддани эса “Қонун талаблари ёки тергов судьясининг рухсати бузилган ҳолда ўтказилган ТҚТ натижасида олинган маълумотлардан жиноят-процессуал мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди” деган мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

Тезкор-қидирув қонунчилигига киритиш таклиф этилаётган ушбу нормалар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи ТҚТни ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий кафолат вазифасини бажаради деган фикрдамиз.

TURAKHONOV DURBEK LERMONOVICH
The Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan,
independent researcher

CRYPTO-ASSETS AND OTHER DIGITAL ASSETS AS THE OBJECT OF A BRIBE

Abstract: *The article examines the legal status of crypto-assets, NFTs, electronic gift certificates, domain names, accounts, and other digital objects as the subject matter of bribery. It also discusses the challenges of determining the value of such assets when they are transferred as bribes and establishing when the offense is complete.*

Keywords: *subject matter of bribery, crypto-asset, digital asset, pecuniary benefit, value of the bribe, completion of the offense.*

Аннотация: *Мақолада крипто-активлар, NFT, электрон совға сертификатлари, домен номлари, аккаунтлар ва бошқа рақамли активларнинг пора предмети сифатидаги ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилади. Шунингдек бу каби активлар пора сифатида берилганида уларнинг қийматини аниқлаш ва жиноятни тугалланган деб топиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинган.*

Калит сўзлар: *пора предмети, крипто-актив, рақамли актив, мулкий манфаат, пора миқдори, жиноятнинг тугалланиш пайти.*

Аннотация: *В статье исследуется правовой статус крипто-активов, NFT, электронных подарочных сертификатов, доменных имён, аккаунтов и других цифровых объектов в качестве предмета взятки. Также рассматриваются проблемы определения стоимости таких активов при их передаче в качестве взятки и установления момента окончания преступления.*

Ключевые слова: *предмет взятки, крипто-актив, цифровой актив, имущественная выгода, размер взятки, момент окончания преступления.*

According to information presented at the press conference held on 18 March 2026 by the National Agency for perspective projects under the President of the Republic of Uzbekistan, the value of transactions conducted through national providers exceeded USD 2 billion in 2025. A

total of 663,691 clients were registered with these providers, of whom 661,850 were residents. There were 21 licensed providers operating in the market, comprising 3 crypto exchanges, 12 crypto shops, and 6 crypto depositories[1]. These figures indicate that crypto-assets have become a widespread and readily accessible form of value for the general public. Given that digital assets, by their very nature, may serve as a fast, cashless, and cross-border means of transferring bribes, it is of considerable importance to clarify and promptly address all potential issues that may arise in the legal classification of offences involving such assets.

According to Article 211 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, bribery is expressed in "giving material valuables to an official or providing them with a pecuniary benefit" [2].

Under national legislation, the legal nature of a crypto-asset is defined in subparagraph "a" of paragraph 3 of Resolution No. RP-3832 of the President of the Republic of Uzbekistan. According to this provision, a crypto-asset is a property right that has value and an owner and consists of a set of digital records in a distributed ledger of data[3]. In other words, crypto-assets are expressly recognised as property rights under the relevant regulatory instrument, and their transfer to a bribe recipient constitutes a typical form of "providing a pecuniary benefit".

International standards are also consistent with this approach. Under Article 2(d) of the United Nations Convention against Corruption (hereinafter referred to as the "Convention"), the term "property" means assets of every kind, whether corporeal or incorporeal, movable or immovable, tangible or intangible, and expressed in the form of things or

---

[1] Erzikov, V. Legal Crypto-Asset Transactions in Uzbekistan Exceeded USD 2 Billion in 2025 // Kursiv Uzbekistan. – 18 March 2026. – Available at: https://uz.kursiv.media/2026-03-18/belyjoborot-kriptoaktivov-v-uzbekistane-prevysil-2-mlrd-v-2025-godu. The data on transaction value were provided by V. Pak, First Deputy Director of the Agency, while the numbers of clients and providers were presented in an infographic published by the Agency.

[2] Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Article 211, Part 1 (the wording of the provision as amended by Law No. LRU-391 of 20 August 2015) // National Database of Legislation. – Available at: https://lex.uz/docs/111453.

[3] Resolution No. RP-3832 of the President of the Republic of Uzbekistan dated 3 July 2018. Subparagraph "a" of paragraph 3 (paragraph 3 as amended by Presidential Decree No. PD-121 of 27 April 2022) // National Database of Legislation. – Available at: https://lex.uz/docs/3806048

rights[1], Article 15(a) of the Convention requires the criminalisation of the promise, offering, or giving of any "undue advantage" [2].

An important distinction must be drawn in this regard. Under subparagraph "d" of paragraph 3 of Resolution No. RP-3832 of the President of the Republic of Uzbekistan, citizens and legal entities of Uzbekistan may conduct transactions involving the purchase, sale, and exchange of crypto-assets exclusively through national providers, except in cases provided for by law[3]. Bribes, however, are often transferred directly from one wallet to another, bypassing this procedure altogether. In our view, the unlawful introduction of an asset into circulation does not preclude it from constituting the subject matter of bribery. Paragraph 2 of Resolution No. 19 of the Plenum of the Supreme Court does not make the status of an item as the subject matter of bribery contingent upon its being in lawful circulation[4]. In turn, this circumstance is reflected in Article 278[8] of the Criminal Code, which concerns violations of legislation governing the circulation of crypto-assets[5] may also give rise to liability under that provision; however, this requires the person to have first been held administratively liable.

It should be noted that the legal nature of digital assets varies. For example, an electronic gift certificate or in-game virtual currency enables its holder to obtain specific goods or services through a platform. In other words, these instruments entitle the user to claim the relevant goods or services from the platform operator.

A non-fungible token (NFT) certifies the right to own or control a specific digital token. However, ownership of an NFT does not automatically confer copyright in the image, video, or other digital work associated with it.

---

[1] United Nations Convention against Corruption. Article 2(d) // National Database of Legislation. – URL: https://lex.uz/docs/1461329 (accessed: 14 October 2026).

[2] Ibid., Article 15(a).

[3] Resolution No. RP-3832 of the President of the Republic of Uzbekistan dated 3 July 2018, subparagraph (d) of paragraph 3 (as amended by Resolution No. PP-143 dated 17 April 2026).

[4] Paragraph 2 of Resolution No. 19 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated 24 September 1999, "On Judicial Practice in Cases Involving Bribery".

[5] Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Article 278[8] (introduced by Law No. ZRU-899 dated 19 January 2024) // National Database of Legislation. – URL: https://lex.uz/docs/111453

The right to use a domain name or account is based on the agreement concluded with the relevant service provider and the provider's terms and conditions. Accordingly, a domain name or account cannot always be transferred to another person, as the platform's rules may prohibit or restrict such transfers. However, this does not preclude the existence of a pecuniary benefit where an official has obtained effective control over an account and the ability to derive income from it. The decisive criterion for these assets is not their classification under civil law, but whether they can be assigned a monetary value. If a digital asset has an expressible monetary value, it constitutes a pecuniary benefit.

In general, two aspects should be given particular attention when analysing digital assets. The first is the possibility of determining the economic value of an asset: some assets have a market price that may fluctuate rapidly, whereas others may lack a stable market price or reliable comparative data. The second concerns the procedures for using or controlling an asset, or transferring rights to it to another person. This may be accomplished through a blockchain transaction, the transfer of a private key or password, the provision of access to an account, or formal re-registration on a platform. This is particularly important because national legislation contains regulatory gaps relating to both of these criteria.

At the same time, it should be noted that procedural actions involving crypto-assets are regulated at the departmental level. The instruction on the procedure for seizing, freezing, safeguarding and transferring crypto-assets identified during pre-investigation inquiries and criminal investigations (hereinafter referred to as the "Instruction"), approved by the Ministry of Internal Affairs, the National Agency for Perspective Projects, and the General Prosecutor's Office and registered with the Ministry of Justice on 25 December 2024 under No. 3591, defines a crypto-wallet key as a code that grants access to and control over a crypto-wallet[1]. Under the Instruction, pre-investigation inquiries and

[1] Instruction on the Procedure for Seizing, Freezing, Safeguarding and Transferring Crypto-Assets Identified During Pre-Investigation Inquiries and Criminal Investigations (registered with the Ministry of Justice on 25 December 2024 under No. 3591). Paragraph 1 // National Database of Legislation. Available at: https://lex.uz/uz/docs/7282772 (accessed: 18 October 2026).

investigative actions involving crypto-assets must be carried out with the participation of a specialist possessing the necessary skills to work with crypto-assets. The information and recovery codes required to access a crypto-wallet, including the seed phrase and private key, must be identified. The seizure and freezing of crypto-assets are carried out by transferring them to a crypto-wallet address held by the body conducting the inquiry or preliminary investigation. When assets are frozen, their value is recorded in the national currency (or a foreign currency), together with the date and time of valuation, based on quotations provided by service providers licensed in the Republic of Uzbekistan or, where such quotations are unavailable, on prices listed on the platforms of other providers[1].

However, the Instruction is procedural in nature and establishes the procedures for documenting crypto-assets as physical evidence, safeguarding them, confiscating them, and disposing of them. It does not address issues of legal classification, such as the legal status of crypto-assets as the subject matter of bribery, the determination of the amount of a bribe, or the point at which the offence is deemed to have been completed. Nor is it binding on the courts. Furthermore, Resolution No. 19 of the Plenum of the Supreme Court contains no guidance on crypto-assets or other digital assets. Consequently, although investigative authorities have established procedures for seizing and valuing crypto-assets, the criteria for legally classifying such assets as the subject matter of bribery have yet to be developed in judicial practice.

In turn, an analysis of international standards relating to digital assets shows that Articles 2(d) and 15 of the United Nations Convention against Corruption are binding on Uzbekistan. These provisions establish an obligation not to exclude digital assets from the scope of the subject matter of bribery. However, they contain no rules governing the determination of the value of such assets or the point at which the offence is deemed to have been completed. The regulation of these matters is left to the domestic law of each State Party.

---

[1] Ibid., paragraphs 3, 14, 16 and 17.

The standards of the Financial Action Task Force (FATF), an intergovernmental body that develops measures to combat money laundering, are recommendatory in nature. In 2018, FATF revised Recommendation 15 to introduce the concepts of "virtual asset" and "virtual asset service provider." Under this definition, a virtual asset is a digital representation of value that can be digitally traded or transferred and used for payment or investment purposes[1]. This definition is not binding on criminal law. However, it clearly identifies two essential characteristics of a digital asset: value and transferability.

With regard to foreign practice, the approach adopted by the Russian Federation is particularly relevant. Paragraph 9 of Resolution No. 24 of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation dated 9 July 2013 identifies the transfer of property rights, including the ability to derive income from the use of uncertificated securities or digital rights, as forms of the subject matter of bribery. Under the same paragraph, the property, services, or rights transferred must be assigned a monetary value on the basis of the evidence presented by the parties and, where necessary, taking into account the opinion of a specialist or expert[2].

Paragraph 10 of the Resolution provides that bribery is deemed to be completed from the moment the official accepts at least part of the valuables offered. This paragraph also recognizes a transfer to a bank account or an "electronic wallet" specified by the official, with their consent, as a form of acceptance. At the same time, it stipulates that it is irrelevant whether the official has obtained a genuine opportunity to use or dispose of the valuables at their discretion[3].

The valuation rule set out in paragraph 9 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation does not differ in substance from the rule established in paragraph 10 of Resolution No. 19

---

[1] Financial Action Task Force (FATF). The FATF Recommendations. Recommendation 15 (revised October 2018); Glossary: "virtual asset." – URL: https://www.fatf-gafi.org/en/publications/Fatfrecommendations/Fatf-recommendations.html

[2] Resolution No. 24 of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation dated 9 July 2013, "On Judicial Practice in Cases Involving Bribery and Other Corruption-Related Crimes" (as amended on 9 December 2025), paragraph 9 (as amended by Resolution No. 59 dated 24 December 2019) // ConsultantPlus. – URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_149092.

[3] Ibid., paragraph 10 (as amended by Resolution No. 59 dated 24 December 2019).

of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. Under paragraph 10 of the Uzbek Supreme Court Plenum Resolution, the value of the subject matter of bribery is determined on the basis of the prices of goods or the fees or tariffs for services or, where these are unavailable, on the basis of an expert opinion[1]. Neither rule specifies the point in time at which the value is to be determined. For an asset with a stable price, this issue is of little practical significance. However, in the case of a crypto-asset whose value may fluctuate considerably within just a few days, the timing of the valuation becomes critically important.

Furthermore, the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation does not address issues arising where control over a crypto-asset is transferred through the disclosure of a private key, a recovery phrase, or account credentials.

In such a situation, the crypto-asset may remain visible at its original address on the blockchain, while control over it passes to another person. Therefore, the decisive factor is not whether the asset has been transferred to a new address, but rather who has been granted the ability to control and use it.

The rule that "the actual ability to use or dispose of the valuables is irrelevant" is consistent with the position adopted by N. Egorova. According to the scholar, bribery is a formal offence, and whether the official actually obtains the opportunity to use the bribe is immaterial[2]. Yu. Pudovochkin, by contrast, argues that bribery offences are completed at the point when the official obtains a genuine opportunity to use or dispose of the subject matter of the bribe[3].

In our view, this debate takes on a different dimension in the context of digital assets. When cash or a physical object is handed over, the transfer and the acquisition of control occur simultaneously. Consequently, the criterion of "actual ability" often appears redundant. In

---

[1] Resolution No. 19 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated 24 September 1999, paragraph 10.

[2] Egorova, N. "Critical Issues in the Draft Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation on Corruption-Related Crimes" // Criminal Law. – 2013. – No. 5. – P. 64.

[3] Pudovochkin, Yu. "Bribe-Taking as a Crime Motivated by Self-Interest" // Criminal Law. – 2013. – P. 99.

the case of a digital asset, however, these two elements may be separated. For example, an official may be given the private key to another wallet, but the key may turn out to be invalid. Alternatively, an account may be transferred while the two-factor authentication mechanism remains under the control of the bribe-giver. In such cases, information or credentials have been transferred, but the official has acquired no control over the asset itself. Treating such conduct as completed bribery would mean deeming the offence completed even though the subject matter of the bribe has not actually been transferred. Therefore, rather than abandoning the criterion of "actual ability" in relation to digital assets, it is necessary to define it precisely.

As noted above, determining the value of the subject matter of a bribe in the form of a digital asset is another problematic issue.

Paragraph 10 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan specifies the sources for determining value: prices, fees, and tariffs, or, where these are unavailable, an expert opinion[1]. However, this paragraph does not resolve three issues. The first is the point in time at which the value is to be determined. The second is the exchange rate to be applied when converting a price denominated in a foreign currency or crypto-asset into the national currency. The third is which price should prevail when different sources quote different prices for the same asset.

In our view, the determination of the value of a digital asset constituting the subject matter of a bribe should be based on four rules.

The first rule is that the value should be determined as of the time when the offence is completed, that is, when control over the asset passes to the official or to a person acting at the official's discretion or on their instructions. If the bribe is given in several instalments and these acts are covered by a single continuing criminal intent, the value of each instalment should be determined as of the time it is accepted, and the amounts should then be aggregated. This approach is consistent with the Plenum's rule on continuing offences set out in paragraph 10 and prevents

[1] Paragraph 10 of Resolution No. 19 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated 24 September 1999, "On Judicial Practice in Cases Involving Bribery".

the amount of the bribe from being unjustifiably increased or decreased due to price volatility.

The practical significance of this rule becomes clear when the Instruction is considered in comparison. Under paragraph 17 of the Instruction, the value of a crypto-asset is recorded as of the time it is frozen. Several days or even months may elapse between the date on which the bribe is given and the date on which the asset is frozen, during which the asset's market value may change significantly. If the value recorded at the time of freezing is used as the basis for determining the amount of the bribe, the aggravating circumstance relating to a large or especially large bribe would depend not on the circumstances prevailing at the time the offence was committed, but on the incidental date on which the investigative measure was carried out. Therefore, the valuation provided for in the Instruction should be treated as a procedural valuation necessary for safeguarding the asset, compensating for damage caused, and confiscation, while the amount of the bribe should be determined separately, based on the value at the time the offence was completed.

The second rule is that the value must be determined in the national currency of the Republic of Uzbekistan. The price of a crypto-asset is usually expressed in US dollars or in dollar-pegged stablecoins. Therefore, when converting its value into Uzbek sums, it would be appropriate to use the official exchange rate of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan applicable on the date the offence was completed. Although paragraph 17 of the Instruction permits the value of a frozen asset to be recorded in either the national or a foreign currency, it does not specify the exchange rate to be used for conversion. Given that the qualifying thresholds relating to the amount of a bribe under the Criminal Code are defined by reference to the basic calculation amount, the value of the subject matter of bribery must necessarily be determined in the national currency.

The third rule is that the term "price" used in paragraph 10 of the Plenum Resolution should be clarified in relation to crypto-assets. In our view, price data from national providers should be taken into account as a priority. This is because, under Resolution No. RP-3832, these providers

constitute the lawful channels through which residents may purchase and sell crypto-assets. This approach is also reflected at the departmental level in paragraph 17 of the Instruction, which provides that the value of a frozen asset is to be determined on the basis of quotations from providers licensed in the Republic of Uzbekistan or, where the relevant asset is not traded through them, on the basis of prices quoted on the platforms of other providers. Using the same sources to value the subject matter of bribery would ensure consistency between investigative and judicial practice. However, in our view, the two-stage approach established by the Instruction is insufficient for valuing the subject matter of bribery and should be supplemented by two further stages. In addition, actual transactions involving the asset in question and the value of comparable assets should be taken into account. An expert opinion should be used only where such data are unavailable or contradictory. This hierarchy follows the logic of paragraph 10 of the Plenum Resolution: the market price should be used first and, where no such price is available, an expert opinion should be obtained.

For digital assets for which no market price is available, an expert opinion becomes the primary source of valuation. The official or nominal value of a social media account or domain name may not reflect its actual economic value. The value of such an asset is determined by factors such as its audience, income-generating potential, commercial reputation, or uniqueness. Therefore, when valuing such an asset, a specialist with relevant expertise should establish the following:

– The history of previous transactions involving the asset in question;

– The number of followers of the account;

– The amount of income generated by the account;

– The value of advertising placed on the account;

– The value of comparable domain names or accounts.

The fourth rule is that, pursuant to paragraph 14 of the Plenum Resolution, the qualifying circumstances relating to a large or especially large amount of a bribe may be applied only if the relevant circumstance

was covered by the offender's intent [1]. In cases involving traditional bribes, this issue arises less frequently because the bribe-giver knows the amount of money being transferred. With crypto-assets, however, the parties usually agree on the quantity of the asset, such as the number of coins, while its value in Uzbek sums may fluctuate between the time of the agreement and the time of transfer. Even if the person is unaware of the exact value of the subject matter of the bribe, they must at least have been generally aware that it constituted a large or especially large amount. If the price changes sharply at the time of transfer, causing the value to cross a statutory threshold, but the person could not have foreseen that change, applying the qualifying circumstance relating to the amount would be contrary to the principle of culpability. Thus, the objective point in time for determining value (the first rule) and the subjective element of the offender's intent regarding that value (the fourth rule) complement each other. The first rule determines the amount, while the fourth establishes the limits within which that amount may be attributed to the offender.

